ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ ТАРИХИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН-ТЕХНИКА
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ ТАРИХИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

-18001-

Республика таълим маркази нашрга тавсия этган

Педагогика фанлари доктори, профессор
Асқар Зуннуновнинг умумий таҳрири остида

Кітапхана
Оңтүстік Қазақстан
Педагогикалық
Университеті

Абонемент

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1997

Тузувчи-муаллиф: профессор **А. Зуннунов**

Тақризчилар: **О. Мусурмонова** — педагогика фанлари доктори, профессор.
Б. Тўҳлиев — филология фанлари доктори, профессор.
Р. Мавлонова — педагогика фанлари доктори, профессор.

У 16

Ўзбек педагогикаси тарихи: Олий ўқув юртлари учун қўлланма / **А. Зуннунов**нинг умумий таҳрири остида; (Тузувчи — муаллиф: А. Зуннунов).— Т.: Ўқитувчи, 1997.—272 б.
Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси фан-техника давлат қўмитаси.

ББК 74.03(2)я73

З $\frac{4303000000-6}{353\,(04)-97}$ 147—97

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1997 й.

ISBN 5-645-02938

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган қисқа вақт ичида ўзбек халқи сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда катта ютуқларга эришди; ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндошиш, улуғ аждодлар қолдирган бой маданий, маънавий меросни ўрганиш шарафига муяссар бўлди, миллий ғурури қайта тикланди; республикада илм-фан, жумладан педагогика фани янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда; ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига тадбиқ этишдек улуғ ишлар амалга оширилмоқда.

Эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда Ўрта Осиёни Узоқ Шарқ, яъни Хитой ва Япония сингари узоқ мамлакатлар билан боғлаган «Ипак йўли» фақат савдо эмас, балки сиёсий-ижтимоий ва маданий алоқа йўли ҳам бўлиб, у айниқса туркий халқлар маданияти ва маънавиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Ўша даврдаёқ Ўрта Осиё халқлари ўртасида ўрнатилган маданий ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги дўстона алоқалар кейинчалик янада мустаҳкамлана борди. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этди.

«Ипак йўли» бўйлаб аҳли элат — ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қорақалпоқ, қирғизлар баҳамжиҳат-аҳиллиқда бир оиладек яшаганлар. Бунга бу халқларнинг оғзаки ижодлари ва турмушларидаги ўхшаш томонлар ёрқин далилдир. Буни биз IX—XX асрларда яшаб ижод этган улуғ мутафаккирлар, педагоглар, шоир ва ёзувчиларнинг асарларида ҳам кўрамиз.

Қадимдан ота-боболаримиз ёш авлодни ҳаёли, имонэътиқодли комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар; бу ишда исломий тарбиянинг маънавий, маърифий аҳамияти катта бўлган. Ислом дини

инсон маънавиятини поклашда, адолат, эзгулик ва боқий илм оламида муҳим мавқени эгаллаган. Бу ҳақиқат Ислом Каримовнинг: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик»[1]— деган сўзларида ўз ифодасини топган. «Демак,— давом этади Президент,— дин халқ маънавиятининг, маърифатнинг шаклланишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутмоғимиз лозим... Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда коинот сиру асрорларигача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур»[2].

«Ўзбек педагогикаси тарихи» қўлланмасида, юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, педагогика тарихининг замини бўлган халқ педагогикаси ҳамда ўз даврида сиёсат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган педагогик тафаккур намояндаларининг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари тадқиқ қилинди.

Сўнгги йилларда «Ўқитувчи» нашриёти «Ўзбек педагогикаси антологияси», «Педагогика тарихи», фанлар академияси «Фан» нашриёти «Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» номида қўлланмаларни чоп этди. Бу китобларда, Ўрта Осиё мутафаккирлари билан бир қаторда, Россия ва Ғарбий Европалик педагогларнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари етарли даражада баён этилди.

Шунга кўра, биз қўлланмамизда, асосан, Ўрта Осиё ва Хорижий Шарқ мамлакатлари мутафаккир шоир ва олимларининг педагогик қарашларини ёритишни маъқул кўрдик.

Қўлланмадан ўрин олган ҳар бир алломанинг ҳаёти ва ижодига тегишли бўлган матн уни бевосита ўрганган ва тадқиқ этган педагог, адабиётшунос, тарихшунос, файласуф олимлар, ислом дини билимдонлари иштирокида тайёрланди.

Қўлланма олий ўқув юртлари учун мўлжалланган бўлиб, ёшларни тарихий қадриятларимизга, умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади деган умиддамиз.

Қўлланмани тайёрлашда «Ўқитувчи» нашриётининг Умумий педагогика ва психология адабиётлари таҳририяти ходимлари самимий ёрдам бердилар; Шарафуддин ҳожи Мирмаҳмудов, Салоҳиддин қори Муҳиддинов, С. Нишонова, О. Мусурмонова, Р. Мавлонова ўз фикр-мулоҳазалари билан ишнинг такомиллашувига кўмаклашдилар.

Биз уларнинг барчасига ўзимизнинг ташаккуримизни изҳор этамиз.

Мустақиллик шарофати ўлароқ республикада илк бор яратилган қўлланма хусусида муҳтарам касбдошларимизда айрим фикр ва мулоҳазалар туғилиши шубҳасиз. Ўйлаймизки, улар ўзларининг самимий истаклари билан қўлланманинг келгуси нашрлари янада мукаммал бўлишига ёрдам берадилар.

Асқар Зуннунов

---

[1] **И. А. Каримов.** Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995, 54- бет.

[2] Ўша китоб, 55- бет.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЎРТА ОСИЁДА МИЛОДДАН ОЛДИНГИ VI АСРДАН МИЛОДИМИЗНИНГ III АСРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми вужудга келгач, ишлаб чиқариш кучлари аста ривожлана борди. Жамоа аъзолари ўзлари учун зарур бўлган оддий ишлаб чиқариш қуролларини ясашга киришдилар. Натижада жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги шакли юзага келди. Турмуш кечириш учун жамоа бўлиб яшаш зарурияти пайдо бўлиши билан ишлаб чиқариш алоқаларигина эмас, балки мустаҳкам қардошлик, уруғчилик асосидаги ибтидоий жамоа шаклланди. Жамоада этнографик асосдаги муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ишларни аёллар бажардилар, бола тарбияси уларнинг ихтиёрига топширилди. Шу асосда жамоада аёлларнинг мавқеи ортди.

Кейинчалик жамиятда ишлаб чиқариш қуролларининг мукаммаллашиб бориши билан жамоада меҳнат тақсимоти ўзгарди: эркаклар, асосан, чорвачилик, ов билан боғлиқ бўлган ишларни бажардилар ва иқтисодий ҳаётда улар етакчи мавқени эгалладилар.

Жамиятда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида хусусий мулкчилик пайдо бўлди, турли хилдаги хўжаликлар шакллана бошлади, одамларда турмушга муносабат ўзгарди. Тошкент, Бухоро, Сурхондарёдан топилган археологик ашёларда ва қоятошлардаги расмларда ўша ўлкалар халқларининг ўз фикр-мақсади нақшлар орқали ифодаланганини кўрамиз. Суғориладиган ерларда деҳқончилик, чорвачиликнинг тараққий этиб бориши, айрим жамоа, уруғ, оила хўжалигида қўшимча ишчи кучига муҳтожлик сезилиши оқибатида юзага келган қулчилик жамиятида қулдорлик хусусиятини ифодаловчи маданият, турли дин ва ақидалар пайдо бўлди.

Милодимиздан олдинги IV аср бошларида — Искандар Зулқарнайн ҳукмронлик қилган йилларда ижтимоий ҳаётда, зиддиятлар бўлишига қарамай, Ўрта Осиёда илм-фан, маданият соҳасида ривожланиш бўлди, табиий фанларни ривожлантиришга эътибор берилди.

Милодимиздан олдинги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган, Хитой, Японияни Олд Осиё билан боғлаган «Ипак йўли» фақат савдо эмас, балки ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқа йўли ҳам бўлди. «Ипак йўли» халқларнинг урф-одати, анъаналари, маданиятининг уйғунлашувида муҳим аҳамият касб этди.

«Ипак йўли»— халқлар тарихининг ўзига хос бир ёдгорлиги бўлиб, халқларнинг ҳам савдо, ҳам маданий соҳада ўзаро ҳамкорликда яшаши, дўстлашиши учун хизмат қилди.

Милодимиздан аввалги VI—V асрларда бу ўлкалар Эрон давлати таркибига қўшиб олинди. Зардуштийлик дини шаклланди. Милодимиздан аввалги IV асрларга келиб, Ўрта Осиё Искандар Зулқарнайи бошлиқ юнонлар томонидан босиб олингач, бу ерда юнон ва ерли халқларнинг қоришган давлати вужудга келди, юнон маданияти, афсоналари маълум даражада ерли маданиятга таъсир кўрсатди, ўз навбатида скифлар — саклар ҳаёти, турмуш тарзи, афсоналари юнон муаллифларининг асарларида акс эта борди. Масалан, қадимги сакларнинг урф-одатлари, ватанпарварлиги, жанговорлиги, ўз элига садоқатлилиги ҳақидаги ҳикоялар, Тўмарис, Спитамен, Зарина, Широқ ҳақидаги афсоналар таълим-тарбияда, ёшларда турли малакалар ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этди.

IV асрлардан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудида Зардуштийлик динининг таъсири кучайди. У фақат соф дин бўлиб қолмасдан, ўз даври маънавиятининг муҳим йўналишини белгилади ва халқ ижтимоий-сиёсий тузуми, маданияти, урф-одати, ахлоқи, таълим-тарбияси каби масалаларни акс эттирди.

Зардуштийлик таълимотининг асоси асрлар давомида шаклланиб борди. Унинг қонун-қоидалари «Авесто» китобида ўз ифодасини топди. Бу китобда хусусан, ахлоқий тарбия, бола тарбиясига доир педагогик қарашлар ҳам баён этилди. Чунончи, зардуштийлик таълимотининг талаблари ҳамда ўғирлик ва бировнинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, аёлларга, айниқса, ҳомиладор аёлларга эътиборли бўлиш, ер суғориш, дарахт

экиш, ўз вақтида уйланиш ва болаларга ғамхўрлик қилиш каби муаммолар китобда яққол ифодаланди.

Зардуштийлик таълимотида аввалларн чорвадорлар, деҳқонлар ва ҳунармандларнинг ахлоқий қоидалари ифодаланган бўлса-да, кейинчалик у олий табақадаги руҳонийлар қўлида сиёсат ўтказиш қуролига айланди.

Милодимиздан аввалги бир мингинчи йилларда ва милодимизнинг I—II асрларига келиб, Мони асос солган манихейлик ҳаракати ва таълимоти юзага келди. Бу таълимот ҳукмрон руҳоний зодагонлар таълимотидан фарқли ўлароқ, адолатга, эркинликка, меҳнатга интилиш ғояларини тарғиб қилди.

ЎРТА ОСИЁДА III—VII АСРЛАР ФЕОДАЛ ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

III—VII асрларга келиб ҳукмрон руҳонийларга ва зардуштийликка қарши қаратилган Маздак бошчилик қилган маздакизм таълимоти шаклланди. Бу таълимот деҳқонларни, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилди, тенглик ва адолат учун кураш олиб борди. Бироқ бу таълимотнинг бошлиғи Маздак 529 йилда жазога гирифтор бўлди.

VI—VII асрларда Ўрта Осиёнинг шимолий томонида Турк хоқонлиги вужудга келиб, Эрондаги сомонийлар билан узоқ вақт кураш олиб борди. Унинг таъсири Ўрта Осиё халқларига нисбатан кучая борди. Ўлкада қадимги турк тили кенг ёйилди.

Қадимги давр кишилар маънавияти, жумладан, ахлоқи, қадимий урф-одатлари, анъаналари, маърифати, таълим-тарбияси ҳақидаги фикрлар халқ оғзаки ижодида, масалан, Гўрўғли, Алпомиш ҳақидаги яратилган достонларда ўз ифодасини топди. Бу анъаналар қадимги суғд, манихей, Хоразм, турк ёзувлари намуналарида ҳам ифодаланди.

«Алпомиш» достонида халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши — уруғчиликнинг емирилиши, чорвадорлар ҳаётида давлатчиликнинг пайдо бўлиши давридаги муносабатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, удумлари, ахлоқ-одоби, қардошлик туйғулари, кураши, ўй-фикрлари, орзу-ҳаваслари ёрқин ифодаланди.

«Алпомиш» достони туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган ва севиб ўқиладиган асарлардан бири бўлиб қолди. Бу достон қаҳрамонлик, дўстлик ва биродарлик,

вафодорлик ҳамда садоқат ҳақидаги халқнинг бир умрлик орзу-умидларини ифодалаган асар сифатида қимматлидир.

Алпомишнинг қаҳрамонлиги закот талаб қилиб келган акаси Бойбўридан аразлаб, Қашал элига кўчиб кетган Бойсари оиласи устига бостириб келган қалмоқ шоҳи Тойчахон лашкарига қарши курашда ва уларни тор-мор қилишида яққол намоён бўлади. Масалан:

Қарамай баланд пастига,
От қўйди қалмоқ устига...
Ёлғиз бўп бунда юради,
Кўп қалмоқни ўлдиради,
Қилич-найза соп кўради.
Бу алпга таъсир қилмади,
Қалмоқ айтгани бўлмади,
Қалмоқлар фикр ўйлади...
«Тиғи олмос бунга ботмас,
Уруш қилган омон кетмас,
Бу ўзбек қандай жодугар,
Ё бу кашмирми, ҳийлагар?
Ҳеч ким бўлмади баробар,
Урсанг ботмайди яроқлар»...
Энди қолган қалмоқлар
Қочмоқни ихтиёр қилди...[1]

Алпомишнинг адолатпарварлиги Қалмоқшоҳ лашкарига қарши курашда, оддий одамларга хайрихоҳлигида кўринади. Алпомиш қалмоқ юртига босқинчилик мақсадида эмас, балки Қалмоқшоҳ томонидан мол-мулки таланган, хизматкор қилинган Бойсарини Бойсунга олиб келиш учун боради. Бу курашда у қалмоқ юртининг ботир қиз-йигитлари — малика Товка ва оддий чўпон Қайқубот мададига таянади. Достонда бу тасвир орқали киши-кишига дўст бўлиб, яхшилик қилиши, садоқат ва мурувват кўрсатиши, бу улуғ инсоний фазилатлар эканлиги уқтирилади. Алпомиш Тойчахонни мағлубиятга учратгач, Қайқуботни унинг ўрнига подшоҳ қилиб тайинлайди.

Кейинроқ, воқеалар давомида Алпомиш билан Қоражон ўртасидаги дўстлик адолат ва ҳақиқат, озодлик ва тенглик, инсон ҳуқуқи ва номуси учун курашда янада мустаҳкамлангани ифода этилади.

---

[1] Алпомиш, Рустамхон. Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1985, 158—159-бетлар.

Достондаги чўпон Қултой бобо, Қайқубот, Қалмоқ-шоҳнинг қизи Товка ва бошқалар ахлоқий покликни, жисмоний камолот ва маънавий юксакликни ўзида мужассамлантирган ижобий образлар сифатида гавдалантирилган бўлса, Қалмоқшоҳ, Сўрхайл мастон, Кўкалдош бош бўлган қалмоқ алплари, Бодомчўри ва унинг ўғли Ултантоз кабилар орқали кишилардаги бахиллик, баднафслик, иккиюзламачилик, бошқаларни камситиш, шуҳратпарастлик, номардлик, виждонсизлик сингари ярамас иллатлар ифода этилади.

Умуман, «Алпомиш» достони туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган ва севиб ўқиладиган асарлардан бўлиб, унда қаҳрамонлик, дўстлик ва биродарлик, вафодорлик ва содиқлик, ёрга муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик каби юксак инсоний фазилатлар улуғланган. Шунингдек, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари, анъаналари, диний эътиқодлари, орзу-умидлари, руҳий кечинмалари, маънавий-ахлоқий идеаллари ўзига хос йўсинда аниқ, ибратли ва қизиқарли тасвирланган. Инсонга доғ туширувчи иллатлар қораланган.

Милодимизнинг VI—VII асрларида — турк хоқонлиги ҳукм сурган даврда Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ортиб бориши билан деҳқончилик анча ривожланди, далаларда сунъий ўғитлаш усули жорий қилинди, суғориш ишлари, ипак-газлама корхоналари бунёд этилди, олтин, темир, қўрғошин, кумушлардан турмуш учун зарур бўлган буюмлар тайёрланди. Ижтимоий ҳаётда юз берган бу ўзгаришлар натижасида Ўрта Осиё халқлари билан Византия, Хитой, Ҳиндистон, умуман, Шарқ халқлари, турк ва форс тилида сўзлашувчи халқлар ўртасида ўзаро маданий алоқалар юзага келиб, ривож топди. Бу алоқалар уларнинг оғзаки ижодларида ўз ифодасини топди.

Ҳинд халқининг машҳур «Панча тантра» («Беш китоб») асарини Ибн Мукаффа араб тилига таржима қилди, унинг ўзбек тилига ўгирилгани «Калила ва Димна» номи билан нашр этилди.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоя ва ҳаётий тажрибаси халқ педагогикасида мужассамлашди. Ҳали мактаб бўлмаган, педагогик фикр таркиб топмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг

болаларда меҳнатсеварлик, жанговорлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик сифатларини таркиб топтириш соҳасидаги ақл-идроки ва усуллари ўша даврдаги ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида бизнинг давргача етиб келди ва халқ педагогикаси тарзида шаклланди.

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврида ҳам бола тарбиясида насиҳат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, тақиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, қўрқитиш каби усуллардан фойдаланилган. Бу усулларни қўллаш эса ахлоқ қоидаларига суянган ҳолда, яъни бола қилган иши, хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ишонч ҳосил қилинган, шунингдек, ахлоқлилик ҳамда ахлоқсизлик, одиллик, адолатсизлик, яхшилик ва ёмонликнинг маъносини тушунтириш орқали амалга оширилган. Бу тартиб тарбияда асосий қоида ҳисобланган ва тушунтиришда болаларнинг ёши ҳисобга олинган, албатта.

Ахлоқ қоидалари бир гуруҳ болаларга ҳам ва бир болага ҳам алоҳида тарзда тушунтирилган. Айрим вақтларда катталар жам бўлишиб боласи ахлоқсизлик қилган оилада суҳбат ўтказишган, боланинг ноўрин қилмишлари кўрсатилиб, ота-оналарга тегишли маслаҳатлар берилган.

Демак, ўтмишда (ҳозирда ҳам) тарбияда ота-онанинг, катта ёшдагиларнинг болаларга намуна бўлишлари энг мақбул усул ҳисобланган.

Тарбияда қуйидаги: рағбатлантириш, тақдирлаш, танбеҳ бериш, ман этиш усулларидан кенг фойдаланилган.

Рағбатлантириш усули бола қилган ишни, хулқ-атворни маъқуллаш, мақташ, табриклаш тарзида қўлланган. Бу эса боланинг келгусида янада гўзал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, ўз қобилияти ва бажарган яхши ишидан фахрланиш туйғусини ўстиришга хизмат қилган.

Тақдирлаш усули боланинг қилган ишидан мамнунлик ифодаси бўлган «баракалла», «раҳмат болам», «омон бўл» дейиш, ёқимли кулиб қўйиш, бошини силаш, пешонасидан ўпиш, қучоқлаб бағрига босиш кўринишида амалга оширилган.

Танбеҳ усули кичик ёшдаги болаларга нисбатан, ўртоқлари билан қўпол муомалада бўлган, топшириқ-

ларни бажармаган ёки ёмон бажарган, исрофгарчиликка йўл қўйган, қизларни ноўрин ранжитган ўғил болага нисбатан қўлланган.

Ўзбек халқ педагогикасида *ман этиш* усули уятли иборалар айтган, сўкинган, майхўрлик, гиёҳвандлик қилган, қимор ўйнаган, қўйингчи, инсон шаънига доғ туширувчи ишларга берилган ўсмирларга нисбатан қўлланган. Жамоа аҳли болаларнинг бу иллатлардан ҳоли бўлиши учун саъи ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, халқ педагогикаси ана шу усуллар ўлароқ тобора таркиб топиб, мукаммаллашиб борган.

ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ[1]

Зардушт Шарқнинг биринчи файласуфи, нотиғи, шоири, донишманди, халқ доҳийсидир. Зардушт милодимиздан олдинги VII асрда яшаган, Хоразм ҳокимлигига қарашли чорвачилик билан шуғулланган Спитама уруғидан бўлган. Отасини Паурушаспа, онасини эса Дугдова деб аташган. У болалигидан от, туя боқиш билан шуғулланган ва фавқулодда қобилият ва қудрат соҳиби бўлган. Зардушт чорвадор қавмларининг урф-одатлари, дини, удумларини ўрганган, дин пешволарининг суҳбатларида иштирок этган.

Маълумки, қадимда динда кўпхудолик мавжуд эди. Шунга кўра ота-боболаримиз расм-русумларни бажарганлар. Ана шундай расмлардан бири қабиланинг ўз худосига қурбонлик қилиш одати эди. Бундай аҳволдан Зардушт саросимага тушади. Кўп қурбонлик натижасида молларнинг туёғи камайиб, қирилиб кетаётганини кўриб азият чекади. Қабилалар орасида содир бўлаётган низо, қирғин урушларнинг негизи ҳам ана шу кўпхудолик билан боғлиқлигини ҳис этади. Турфа дунёқарашдаги кексалар билан бўлган суҳбат, баҳслар натижасида кўпхудоликнинг зарарини тўла тушуниб етган Зардушт йигирма ёшида ўзининг нор туясига миниб (Зардушт — сариқ туя эгаси демакдир), қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезади, яккахудолик ғоясини тарғиб қилади; ўн йилдан кейин ягона худо — Ахурамаздани яратади ва ўз олдига қабила, уруғчилик эътиқодларига қарши яккахудолик ғоясини тарғиб қи-

[1] Ушбу мақолани ёзишда «Маориф ва маданият», «Садои Шарқ», «Памир», «Санъат» журналларида «Авесто» ҳақида босилган матнлардан фойдаландик.

лишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу ишларда у инсон руҳиятига яқин турадиган халқ шеъриятидан, қўшиқлардан усталик билан фойдаланади. Зардушт илгари сурган ғоянинг негизини икки нарса: мутлақ ғоя — Хурмуздинг яккаю ягоналигини тан олиш ҳамда яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлғончилик, зулмат билан нур ўртасидаги доимий кураш ҳақидаги таълимот, яъни борлиқни иккига бўлиб қараш — дуалистик қарашга содиқлик ташкил этади. Зардушт адолат, маърифат, яхшилик ғояларини ёйишда аждодлар анъанасидан моҳирлик билан фойдаланади.

Зардушт таълимоти тобора халққа таъсир ўтказаётганини сезган мухолифлар унга қарши қатъий курашга киришадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардушт бир гуруҳ тарафдорлари билан Эронга қочиб ўтади ва ўз таълимотини шу ерда узил-кесил шакллантиради.

Зардушт биринчи бўлиб ўз динини Эрон шоҳи Виштаспга асослаб кўрсатиб, унинг эътиборини қозонади. Виштасп фармонига кўра Зардушт 1200 бобдан иборат пандном —«Авесто»ни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадасига топширади. Шоҳ Зардуштнинг тарафдори сифатида янги диннинг тарғиботчисига айланади. Амунинг икки соҳилидаги юртларнинг ҳокими Аржасп акаси Виштаспнинг аждодларнинг эътиқодидан қайтганликда айблаб, унга қарши лашкар тортади. Жангда Аржасп ҳалок бўлади. Натижада Эрону Турон да оташпарастлик — зардуштийлик дини тўла жорий этилади. Зардуштнинг хоҳиши ва Виштаспнинг фармонига мувофиқ барча шаҳарларда оташкадалар — ибодатхоналар қурилади. Ана шундай оташкадалардан бири, энг улкани Балх шаҳрида қад кўтаради. Зардушт 77 ёшида ушбу олтин суви билан зарҳалланган бинода, ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори, шоҳ Аржаспнинг содиқ навкари Братарвахш томонидан ўлдирилади. Аммо Зардуштнинг таълимоти, у асос солган дин Ажам ўлкаларида ислом мажбуран қабул қилдирилгунча муқаддас эътикод бўлиб колади. Ҳозир ҳам Жанубий Ҳиндистон, Шимолий Эронда зардуштийлик эътиқодидагилар сероб.

Ўрта Осиё халқлари орасида ҳозирда ҳам сақланиб қолган баъзи урф-одатлар, чунончи, баъзида шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан ёқиб унинг атрофида базм уюштириш, кўчага гулхан ёқиб келинни унинг атрофида бир айлантиргач, уйга олиб кириш; чавандозлар-

нинг катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, йўргакланган чақалоқни гулхан устидан у ёқ-бу ёққа отиб олиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Халқ педагогикасининг юзага келиши, таркиб топиши ва мукаммал бир ҳолга келишида халқ орасида ҳукм суриб келган диний эътиқодлар, расм-русумлар муайян даражада мавқега эга бўлган.

«АВЕСТО»

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари X—IX асрларда яратилган ва у 548—629-йиллар орасида Зардушт томонидан такомиллаштирилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-коҳинлари томонидан янги боблар билан тўлдирган ҳолда кўчирилган. Бу китоб 12 минг ҳўкиз терисига битилган. Искандар Зулқарнайн Шарқни забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага олиб кетган.

«Авесто»нинг бизгача етиб келган энг кўҳна нусхаси 1278 йилда кўчирилган бўлиб, 5 қисмдан иборат.

1. *Ясно* — ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат.

2. *Яшт* — оташпарастларнинг Аллоҳни тавсиф этадиган, махсус оҳанглар асосига қурилган мадҳиялари.

3. *Вендидод* — девларга — зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар матни, қадимги достонлар, мифларнинг мазмуни, парчалари сақланган, мифологик қаҳрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. *Виопард* — бутун борлиқ Аллоҳники. Ибодатлар тўплами, ибодат йўсинлари.

5. *Хурд Авесто.*

Ҳар бир қисм бир неча фасллардан иборат.

«Авесто»нинг муҳим қисмларидан бири «Ясно» бўлиб, у 72 фаслдан иборат: 1—2-фасллар муқаддимадан иборат бўлиб, 3—8-фаслларда қурбонлик қилиш қонун-қоидалари, 9—11-фаслларда муқаддас дарахт ҳақидаги дуою сано, 12—13-фаслларда зардуштийлик динининг таърифи, Зардуштнинг дунёга келиши, таржимаи ҳоли, 14—53-фаслларда мадҳу, ҳамду санолар берилган.

«Авесто» соф диний китоб бўлмай, балки ижтимоий-фалсафий, маданий, адабий-тарихий қимматга ҳам эга бўлган нодир қомусий ёдгорликдир. Масалан, 19-фасл-

да адолат ва сулҳу ният худоси Хварна шундай таърифланади: «Эй осмон каби бехато Хварна. Жаҳонда тенгсизсан, сен давлату амният (тинчлик) ҳомийси, сен туфайли адолат тирилди, нозу неъмат кўпайди, оламу паррандалар сони ошди. Баҳорда гулу дарахтларнинг яшнаши, табиатнинг ям-яшиллигию, гўзаллиги сендадир. Кимда ким ёмонликни ёд этгай, хирод топмагаю камолга етмагай. Сен бор экансан, замона бадбинлари омонлик топмагай. Сен мағрур туриб, дили нопоку тили бадгўйлардан қуролингни аямайсан». 19-фаслда тасвирланган ердаги биринчи одам шоҳ Каюмарс (Гавамарта), Жамшид (Йима) лар фақат адолат учун, ерни гул-гул яшнатиш, барча жонзотларни осойишталикда сақлаш учун курашадилар:

Қудратли ҳукмрон Йима замонларида,
Қаттиқ совуқ ҳам, жазирама иссиғу офат бўлмасди.
У даврларда ўлим ҳам, қарилик ҳам бўлмасди,
Дев яратган ёмонлик-рашку ҳасад ҳам бўлмасди.

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиш билан бирга илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича анча мукаммал маълумотлар берадиган улкан, энг қўҳна манба ҳисобланади.

Биз ушбу китобдан Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжон халқларининг энг қадимги маросимларида: урф-одат, эътиқод, ибодат пайтида қироат қиладиган оятлари, диний маросимларда ижро этадиган қўшиқлари, минглаб халқ оҳанглари ҳақида маълумот оламиз. Бундан ташқари, унда қадимги халқ оғзаки ижодига тааллуқли ягона сюжетлар — достонлардан парчалар мавжуд: Жамшид, Каюмарс, Митрат, Анахита, Ардивиссура, Заҳҳок, Горшасп, Гуштасп, Аржасп, Фаридун, Баҳром сингари кўплаб мифологик образлар осмону фалак билан боғлиқ ривоятлар, улар билан боғлиқ атамалар тилга олинади.

«Авесто»да шаҳару қишлоқларни обод қилишга, боғу роғларни, яйловларни кўпайтиришга, кишиларни маданий турмушини ривожлантиришга ундаш ва оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси хусусида ҳам диққатга молик фикрлар мавжуд. Бундай мулоҳазалар, хусусан, Зардуштнинг Ахурамазда билан савол-жавобида яққол ифодаланган.

Зардушт сўради: «Эй жисмоний олам парвардигори Ахурамазда, рости билан менга айтчи, ер юзининг кўрки ва шодлиги бўлмиш ўша макон қаерда?»

Ахурамазда айтди: «У шундай бир юртки, у ерда бандаларим ўзларига маскан, ибодат учун оташкадалар, ҳайвонларга қўралар қуриб, оилали, бола-чақали, кучли қуролли бўладилар. Ана шу тақдирда уларнинг юртида ҳайвонлар кўпаяди. Хайру барака ошади, яйловлар кўпаяди, оила бунёд бўлади, турли-туман нозу неъматлар сероб бўлади». Демак, зардуштийлик дини ва «Авесто» кишиларни маданий турмушга даъват этади.

Ушбу ноёб ёдгорликда Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг ахлоқ-одобига, таълим-тарбиясига, касб ўрганишига, меҳнатсеварлик ва меҳмондўстликка доир фикр-мулоҳазалари ҳам ўз ифодасини топган. Зардушт ўз насиҳатлари, шеърларида адолатни тарғиб этади, яхши хулқ-одобни эъзозлайди. Унинг таълимоти уч ифодада — Ҳумата — яхшилик тимсоли. Нуҳта — тўғри сўз, Хваршита — яхши хулқларда мужассамлашган.

«Авесто»да кўплаб мифологик сюжет ва образларда ерда ҳаётни сақлаб қолиш учун интилувчи кучларнинг: мардлик, жасорат, матонат ҳамда инсонпарварлик кучларининг разолат ва қабоҳат, зулмат ва ҳалокат кучлари билан кураши ифодаланади. Анаҳита, Ардвисура, Митра, Оша, Жамшид сингари ижобий қаҳрамонлар ерда яхшилик уруғини кўпайтиришни, инсонларда ҳалоллик, ростгўйлик, пок ниятлик, меҳрибонлик, ширинсуханликнинг барқарор бўлишини истайдилар. Жумладан, Оша кишилар ўртасидаги газандаликни, хиёнатни, бузуқчиликни, қизларга тажовуз қилишни ғайри-инсоний хатти-ҳаракатлардан деб ҳисоблайди ва уни қоралайди; қандай қилиб бўлмасин бундай бадкирдорликнинг олдини олишга интилади. Қуёш худоси Митра ўз ҳамроҳи Вертрагна билан ерда ҳаётни сақлаш учун бало-қазоларни даф этади:

Биз Митрага топинамиз,
У сўзида собитларни.
Лафзи ҳалол кимсаларни
Фалокатдан сақлагайдир,
Ҳалокатдан сақлагайдир...
Шафқатсиздир кимда-ким,
Ёлғончидир, субутсиздир,
Уларни антариб юборар Митра[1].

[1] «Санъат» журнали. 1991 й., 5- сони, 20- бет.

Демак, Митра садоқатли, сўзи чин покдомонларга хушхулқу ростгўйларга ҳомий. У ҳаёт душманларига қарши курашади, зулматни даф этади, у жасорат ва нур тимсолидир.

Эпчиллардан эпчилроқ Митра,
Аҳли саҳро ичида мумтоз.
Довюраклар ичида шердир,
Жасурлардан жасоратлироқдир.
Яшнатадир, гуркиратадир,
Тўлқинликлар яратгувчидир.
Кўркам ҳаёт айлайдир инъом,
Ҳақиқатга ҳокимлик ҳам[1].

«Авесто»да ер, сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда жойлаштириш, уни ўраб қўйиш, мурда теккан либос, ерларни қатрон қилдириш хусусида фойдали маслаҳатлар мавжуд. Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудуқларни бир кеча қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш, тўлдириб бўшатиш) таъкидланади. «Ахурамазда дейди: «Ўт-ўланлар ва мевали дарахтлар экилган, сувлари равон бўлган замин энг яхши ердир. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган (ғизо тополмайдиган) ер энг ёмон заминдир». Ерни ифлос қилган ва уни сақлаш қоидаларини бузган шахслар «40 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинган. Инсон яшаётган хонада ювиниш ва чўмилиш қатъиян ман этилган.

«Авесто»да уй жониворларини эҳтиёт қилишга чақириш кучли. Унда доимий бадан тарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қўлни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни тез-тез олиб тозалаб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан доимо тўқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиши лозимлиги уқтирилган.

«Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман қилинган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган. Унда бир йўла 2—3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади.

«Вандидод» фаслида касалликларни интизом, пар-

[1] «Санъат» журнали. 1991 й., 5- сони, 24- бети.

Абонемент
Педагогикалық Университет

ҳез, дуо, дори, жарроҳлик йўллари билан даволаш айтилади ва доривор ўсимликларнинг номи берилади.

Умуман олганда «Авесто» билимлар хазинаси сифатида илмий, адабий, маърифий, тарбиявий аҳамиятга молик бўлган энг кўҳна асардир.

VIII—XIII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ, МАКТАБ ҲАМДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

VII асрда Арабистон ярим оролида шаклланган ислом дини VIII асрга келиб Ўрта Осиёда ҳам кенг ёйилди. Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингач, араб давлати — халифалиги ўрнатилди.

Халифалик кўпчилик Ғарб ва Шарқ давлатларини ўзига бўйсундирди. Натижада VIII асрнинг охирига келиб, Атлантика океанидан Тяншангача, Кавказдан Ҳинд океанигача бўлган ерларни, турли тилда гаплашувчи халқларни бирлаштирган буюк араб давлати вужудга келди.

Ўрта Осиёда хоразм, сўғд, турк ёзувлари ўрнига араб тили ва араб ёзуви жорий қилина бошлади. VIII аср охирига келиб эса Ўрта Осиёда араб халифалигининг ҳукмронлиги узил-кесил ўрнатилди ва ислом дини қарор топди. Бундай ҳукмронликка қарши ерли халқ орасидан чиққан қаҳрамонлар Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза ал-Хориж, Рафи ибн Лайслар бошчилигида кўтарилган халқ қўзғолонлари бостирилди.

Ислом дунёвий дин сифатида вужудга келиши ва бошқа майда динлар ўрнини олиши тарихан ижобий роль ўйнади. Чунки унда аввалги динларнинг ижобий хусусиятлари ўз ифодасини топган эди. Чунончи, ислом ва унинг асосий китоби бўлмиш «Қуръон»да ахлоқ-одоб, иймон, инсонни улуғлаш, жамиятга хизмат қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ота-онага ҳурмат каби масалалар равшан акс этганди. Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Исо Муҳаммад ибн ат-Термизий, Имом Абу Довуд Сулаймон, Имом Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоний тўплаган ҳадислар ҳам таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этганди.

VIII аср охири, IX аср бошида араб халифалигининг маркази Бағдодда илм-фан ривожланди, юнон олимларидан Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту), Сократ (Суқрот), Гиппократ (Буқрот), Гален (Жолинус), Евклид (Иқлидус) кабиларнинг асарлари араб тилига таржима этилди, христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик амалга оширилди. Халифа Хорун ар-Рашид ўлимидан (813) сўнг унинг ўғли ал-Маъмун халифа этиб тайинланди. Хорун ар-Рашид Бағдодда илмий Марказ — академия ташкил этиб, унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан, Ўрта Осиёдан ҳам олим, фозилларни тўплади. Бу марказда Мовароуннаҳр, Хуросондан келган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Марвозий, Марварудий, Жавҳарий каби олимлар Бағдод академиясини жаҳонга машҳур қилишда жуда катта фаолият кўрсатдилар.

IX асрнинг охирига келиб Ўрта Осиёда Сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди, кейин Тоҳирийлар, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар давлатлари фаолият кўрсатади. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўҳна Урганч, Хева каби шаҳарлар ўз даврининг маданий марказлари сифатида шуҳрат қозонади, савдо-сотиқ, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бир қаторда маданий алоқалар, билим ўчоқлари ривож топади. Бу марказий шаҳарлар улкан мусулмон Шарқининг турли ўлкаларини, Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи анъаналарини давом эттирган алоқа манбаи сифатида машҳур бўлади. Ўрта Осиё феодал давлатлари бошқа мусулмон давлатлари билан яқиндан алоқа ўрнатди, ерли олимлар бошқа ўлкаларга бориб илм олиш, ҳамкасблари билан яқиндан мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўладилар. Ислом ва унинг ҳуқуқшунослик, ҳадисшунослик соҳалари барқ уриб ривожланади. Бу даврда Ўрта Осиё жаҳон илм-фанининг, кишилик жамиятининг тараққий этишига, шунингдек, ислом динининг ахлоқий-ҳуқуқий тарбиядаги мавқеига катта ҳисса қўшади. IX—XII асрлар давомида Ўрта Осиёда жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғилоний, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий каби улкан олимларни етиштириб берди. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан ўз халқларининг, умуман, Ўрта Осиёнинг шуҳратини оламга таратдилар.

Ўрта Осиё адабиёт соҳасида дунё маданияти хазинасида ўчмас из қолдирган номлар — Рудакий, Дақиқий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб кабилар билан машҳур бўлди. Бу давр бадиий адабиётида шоирлар форс, турк ва араб тилларида ижод этдилар. Улар ўз асарлари билан адабиёт тарихида, туркий адабиётнинг сўнгги ривожида ўчмас из қолдирдилар.

Бу даврда яшаган мутафаккир олим, шоир ва диншуносларнинг асарларида таълим-тарбия ва ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, ижтимоий тараққиёт учун муҳим бўлган инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, маънавиятини улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш сингари масалалар ёритилди. Бағдодда ташкил этилган «Байт ул-ҳикма»—Академиянинг энг нуфузли раҳбарларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий «Ал-Жабр ва ал-муқобила», «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоботи ҳақида рисола», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Мусиқа ҳақида рисола» каби асарлар яратиб, дунёга машҳур бўлди.

«Алгебра» сўзи алжабрдан, алгоритм эса ал-Хоразмий сўзининг лотинча талаффузидан вужудга келган бўлиб, математиканинг бу соҳалари Ўрта осиёлик олим—Хоразмий томонидан асослаб берилди. Ал-Хоразмийнинг асарлари XII—XIII асрлардан бошлаб лотин тилига таржима этила бошланди ва бутун Европага кенг ёйилди.

Хоразмийнинг сафдоши Аҳмад Фарғоний астрономия фани равнақига улкан ҳисса қўшди. У «Юлдузлар ҳақидаги фан усуллари тўғрисида китоб», «Астрономия илмлари мажмуаси ёки осмон жисмлари ҳақида китоб», «Алмагест», «Осмон жисмлари сфералари», «Фарғоний жадваллари» китобларини ёзди. Фарғоний ўз асарларида қадимги Миср, Эрон, Сурия, Юнон ва Исроил илмларининг тақвим тузиш, география, осмон жисмлари ҳаракати ҳақидаги билимларни умумлаштирган ҳолда, ўз давр талаблари асосида яхлит астрономия илмлари мажмуасини яратди ва бу билан табиий фанлар равнақ топишига улкан ҳисса қўшди.

Имом Исмоил ал-Бухорий (810—869 й.) IX асрда ислом оламида машҳур ҳадисшунос бўлиб танилди. У мусулмон Шарқида ҳадис тўплаш, уларни тартибга солиш билан машҳур бўлди. Унинг, хусусан, «Сахиҳ ал-Бухорий» асари жаҳонга машҳур ва маълумдир. У исломшуносликнинг энг йирик устунларидан бири сифатида ўз ижодида диннинг тарбиявий томонларини ривожлантиришга интилди, шу билан ислом тарихида битмас-туганмас хазина қолдирди.

Абу Наср Форобий (873—950 й.) илмнинг турли соҳалари, айниқса, фалсафа ва мантиқ, ижтимоий масалаларга оид бир юз олтмишдан ортиқ асарлар ёзиб қолдирди. У қадимги фалсафий қарашларини ўз даври

талаблари асосида ривожлантириб, бир бутун таълимот яратди. Ўз асарларида комил инсон, етук жамоа ва уларга эришиш йўллари ҳақида ғояларни илгари сурди. У «биринчи муаллим» ҳисобланган. Аристотел таълимоти ва фалсафасини жуда мукаммал билгани учун Шарқда «Муаллими соний»—«Иккинчи муаллим» номи билан шуҳрат қозонди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий X асрдан бизгача етиб келган «Мафотиқ ал-улум»—«Илмлар калити» асарида ўз давридаги барча илмлар ва уларнинг вазифалари ҳақида маълумот берди, муайян фанларни туркумларга ажратиб, уларга хос хусусиятларни кўрсатди. У барча илмларни шариат илмлари ва ноараб (арабларда бўлмаган) илмлар номи билан икки катта гуруҳга бўлди. Ҳуқуқшунослик, мантиқ илмларининг ақлий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тарбия учун муҳим аҳамиятга молик эканлигини кўп марта таъкид этди.

Абу Райҳон Беруний (973—1046 й.) Ўрта Осиё фанини дунё миқёсига олиб чиққанлардан бири, машҳур қомусий олим сифатида тарих, астрономия, математика, география (дори-дармонлар ҳақидаги) илмларга оид 150 га яқин асарлар ёзди. (У ўз асарларида ўша даврда мусулмон Шарқида маълум бўлган барча илмларнинг умумий мазмуни ва кўламини кенг суратда намоён этди. Ўрта Осиёда Ҳиндистон маданияти тарихини ўрганишга асос солди.

Абу Али ибн Сино (980—1037 й.) яратган асарларининг сони 400 дан ортиқ бўлиб, у илмнинг турли соҳалари — фалсафа, мантиқ, тиббиёт, адабиётшунослик, ахлоқшунослик ва мусиқага оид асарлардир. Чунончи, «Китоб аш-шифо» («Руҳни даволаш китоби»), «Китоб ат-тибб» («Тиббиёт китоби»), «Китоб ан-нажот», «Китоб ан-инсоф», «Донишнома» каби асарлар тиббиёт ва фалсафа илмининг келгуси ривожланиш йўлларини белгилаб берган эди.

Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий (1075—1143 й). Шарқда ислом дунёсида серқирра олим, хусусан тилшунослик, диншунослик, мантиқ каби илмларни чуқур билиш билан яхши танилди. Олим Замаҳшарийнинг араб тили грамматикасига бағишланган «Ал-муфассал фи санъат ал-иъраби» («Флексия санъати ҳақида муфассал китоб»), «Навобиғ ул- қалим» («Нозик иборалар»), «Ал муъжам ал-арабий ал-форсий» («Арабча-форсча қомус»), «Нузхат ул-мастаанис» («Дўстлар фа-

роғати»), «Муқаддима ул-адаб» («Адабиётга кириш»), «Ал Қашшоф» каби Қуръонни тафсир этган асарлари Шарқда машҳурдир. Унинг асарларида ахлоқ, таълим-тарбия ва илм ўқитишга оид педагогик фикрлар кенг ёритилган.

IX—XII асрлар Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган давр бўлиб, уни илк уйғониш даври деб ҳисоблаш мумкин. Ўрта Осиёнинг бу давр маданияти бутун мусулмон шарқи маънавияти ривожига катта таъсир кўрсатди.

XI асрда ислом ва бошқа таълимотлар таъсирида Ўрта Осиёда тасаввуф илми шаклланди ва мусулмон шарқига кенг тарқалди. Мусулмон Шарқида маҳаллий тиллар, хусусан, Ўрта Осиёда форс ва туркий тиллар сақлангани ҳолда, араб тили дин ва илм-фан тили бўлиб қолди ва турли халқлар маданиятининг ўзаро бойишига таъсирини ўтказди. Хусусан, Ҳамадондан Ўрта Осиёга кўчиб келган таниқли тасаввуф илми вакили Юсуф Ҳамадоний (1048—1140 й.) дан Бухорода Хўжа Аҳмад Яссавий (ўлими 1166 й.) таълим олади ва тасаввуф илми сирларини ўрганади.

Аҳмад Яссавий Бухородан Туркистонга бориб, у ерда чорвадорлар ўртасида тасаввуф илмини тарғиб қилади. Ҳатто, унинг таълимоти Яссавия номини ҳам олади.

XII асрда Хоразмда ҳам тасаввуф илми ёйилади. Бу ерда Нажмиддин Кубро (1146—1221 й.) бошчилигида тасаввуф илмининг кубровия оқими шаклланиб, Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди. Нажмиддин Кубро Хоразмга ҳужум қилган мўғулларга қарши курашда қўлида Қуръон билан ҳалок бўлади.

Ўрта Осиёда кенг ёйилган тасаввуф илмида ахлоқ, таълим-тарбия ва маърифатга оид қарашлар ўз ифодасини топган эди.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асаридаги 110-Ҳадисда мушкул аҳволга тушган кишига ёрдам бериш ҳақида шундай дейилади. «Бир қанча қўшнилар қиёмат куни ўз қўшниларининг этагидан ушлаб: «Ё рабби! Мана бу қўшним бошимга иш тушган вақтда ёрдам қилиш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди, деб даъво қилади»[1] 111-

[1] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад. Т., Ўзбекистон, 1990, 48—49-бетлар.

ҳадисда эса мана бундай: «Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолида ўтирган бўлса, у киши (чин) мўъмин эмасдир» (Ўша китоб, 49-бет). Демак, ҳар бир мўъмин киши ўз ҳамсоясининг аҳволидан хабардор бўлиб туриши, ёмон кунида ҳамдард бўлиб туриши лозимлиги уқтирилади.

Юқорида келтирилган ҳадисни бутун инсоният учун баркамоллик, инсонийлик рамзи дейиш мумкин. Ушбу муътабар қадриятлар кишиларни, бир томондан ёш авлодни маънавий баркамол бўлиб тарбияланишида беқиёс аҳамиятга эга бўлса, бошқа томондан унда ифодаланган ақидалар халқнинг эътиқодига айланади, оилянинг мустаҳкамланишига, болаларда ихлос, иймон, диёнат хислатларининг таркиб топишига хизмат қилади ва қилмоқда ҳам.

Ўрта Осиёда яшаб ижод этган Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал-Хоразмий каби улуғ мутафаккир шоир, олимлар Ҳадисда айтилган ибратли панд-насиҳатларни ўз асарларида бадиий ифодалаганлар.

XI—XII асрларда Ўрта Осиёда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши деҳқончилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, ўймакорлик санъатининг ривожига кўзга ташланарли даражада таъсир этди: Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Марв, Ўзган шаҳарларида сарой, масжид, мадраса, сардоба каби бинолар қурилди. Булар ўзбек халқининг кўҳна ёдгорлиги сифатида ҳамон дунё халқлари эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

XI—XII асрларда ўзбеклар Мовароуннаҳрда туб ерли аҳоли сифатида таркиб топди, ўша даврда «турк тили» деб ном олган ўзбек тили адабий тил хусусиятига эга бўлди. Бу даврда мусиқа санъати ҳам юксалиб Абдуҳафиз Суғдий найга монанд Шоҳруд асбобини ясади ва унда халқ куйлари асосида «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зерафканда», «Сипахон», «Наво», «Тарона», «Баста» ва бошқа куйлар ижод қилинди. Бу куйлар ҳанузгача ўзбек, тожик халқлари орасида завқ-шавқ билан ижро этиб келинмоқда.

Бу даврда илм-фаннинг қай даража ривож топгани Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа олимларнинг фаолияти мисолида равшан кўринади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги қарор топиб, ҳукм сура бошлагач, араб тили давлат ва фан тили бўлиб ҳисобланди ва адабий ҳамда илмий асарлар араб тилида ёзиладиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, араб тилидан мутахассислар тайёрлашни тақозо этди.

Шунга мувофиқ, қишлоқ ва шаҳарларда қурилган масжидларда мусулмон болалари учун мактаблар ташкил қилинди, мактаблар оилаларда — уйларда ҳам очилди. Ўғил болаларни масжидда эркак домлалар, қизларни уйда аёллар —отинойилар ўқитдилар. Домла ва отинойилар дарсларни ўзлари хоҳлаган тарзда ташкил қилардилар. Шу туфайли мактабларда ўқитиш шакли, мазмуни ва усуллари ҳам турлича бўлди, машғулотлар аниқ режа ва дастур асосида олиб борилмади. Таълим ва тарбия ислом таълимоти асосида амалга оширилди.

Ўрта Осиёда вужудга келган бу мактаблар тизими бошланғич мактаб ва қорихонадан иборат эди, десак янглишмаган бўламиз.

Мактабларда болаларга тахта-куракчага битилган араб ҳарфлари (алифбо) ёд олдирилар, сўнгра «Ҳафтияк» китоби ҳижо усулида (бўғинлаб) ўқитиларди. Тахтадан ҳарфларни, китобдан парчалар кўчиртириш, ёд олдириш орқали болалар ифодали ўқишга ва чиройли ёзувга ўргатиларди.

Ўрта Осиё мусулмонлари Қуръони Каримни инсонни улуғлашга, қадрлашга, уни меҳр-шафқатга, муҳаббатга, тинч-тотув яшашга, иқтисодий ва маънавий баркамолликка ундовчи ислом маърифати сифатида қабул қилдилар. Шу боис қорихоналарда болалар, асосан, Қуръони Каримни ўқиб, уни тўлиқ ёд олардилар. Натижада уларда арабча сўзларни тўғри талаффуз этиш ҳамда ифодали ва тиниқ ўқиш малакаси яхши шаклланарди. Қорихонани битирган болалар қори бўлиб етишиб, шу вазифани бажарардилар.

Диққатга сазовор жойи шундаки, ислом маърифатининг асосий манбаи Қуръони Карим бўлиши билан бир вақтда араб халифалиги дунёвий илмларни ҳам четга суриб қўймади, шоирлар, тиббий мутахассислар, географ, астрономлар, математиклар тайёрлашга жиддий эътибор қаратдилар. Дастлабки вақтларда уларни тайёрлаш учун катта масжидлардан фойдаланилди, кутубхоналар ташкил этилди.

Бироқ ҳаёт янада саводхон, билимдон мутахассислар етиштириш зарурлигини кўрсатди. Шунга кўра, янги шаклдаги илмий муассасалар фан уйлари ташкил этилди. X асрга келиб ташкил этилган бу тур ўқув даргоҳи, яъни мадраса биринчи бор Ўрта Осиёда — Бухоро, Нишопур, Марвда, XI асрда Шарқнинг бошқа йирик шаҳарларида очилди. Мадрасалар икки босқичдан — ўрта ва олий мадрасадан иборат бўлиб, улардаги машғулотларни юқори диний ташкилотлар назорат қилиб турарди.

XIII асрга келиб мўғуллар ҳукмронлиги бошлангач, энди араб тили ўрнини форс тили эгаллай бошлади. Шу муносабат билан мадрасаларда ўқишлар форс тилида ҳам олиб бориладиган бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, дидактик жанрда ёзилган асарлар — Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Хўжа Хофиз Бедил асарлари ҳам ўқитила бошлади.

IX—XII асрларда китоб ўқишга қизиқиш янада ортди. Бу — Ўрта асрда маърифатга интилишнинг ёрқин кўриниши бўлди. Бу даврда қўлёзма китоблардан нусха кўчириш, уни кўпайтириш санъати ривожланди, араб алифбосида нусха кўчирувчи махсус котиб, насиҳ, хаттотлар етишди. Аста-секин турли шаҳарларда (Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда) китоб бозорлари бунёд этилди. «Китобдан кўплаб нусха кўчириш, китоб савдосининг кенг йўлга қўйилиши ҳамда маърифатпарвар шахсларнинг тинимсиз фаолияти натижасида Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар бунёд этилди. Бозорларда китоб расталарининг сони ошди. Ўрта Осиёга Бағдод, Миср, Эрон, Испания халифалигининг турли шаҳарларидан қўлёзмалар келтирилди, Ўрта Осиё қўлёзмалари эса бошқа ўлкаларга олиб кетилди»[1].

[1] **М. М. Хайруллаев.** Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т., «Фан» нашриёти, 1994 й., 33- бет.

ИСЛОМДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ[1]

Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи вассалламга оятлар тарзида нозил этилган — Қуръони Каримда баён этилган.

Қуръони Карим мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келадиган зиддият-низоларнинг олдини олиш, улар орасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам ифодаланган.

Ислом Қуръони Каримдан кейин мўътабар саналган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ҳадиси» Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр-оқибат, эҳсон, сабр-тоқат, камтарлик, вафо-садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Қуръони Каримда энг аввал Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилишга, сўнгра бевосита ота-онани рози қилиш буюрилади.

Қуръони Каримда таъкидланишича, *ота-она* билан мулоқотда бўладиган *фарзанд* беш нарсани билиши керак. Мулоқот чоғида у:

— ота-оналари қаттиқ-қурум гапириб юборганларида ҳам уларга малол келиб «уфф» демасликлари;

— ота-онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;

— ота-оналарга доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлари;

— ота-оналарга доимо раҳм-шафқат кўрсатиб, ўзини уларнинг олдида камтар тутишлари;

— Аллоҳдан ота-оналарига раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим эканлиги уқтирилади.

Ота-оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовордирлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди» (735-ҳадис) дейдилар.

Ислом динида оналар мўътабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади. Пайғамбаримиздан бир саҳоба: «Кимга яхшилик қилай?,— деб сўраганда, у улуғ зот уч марта «Онангга»— деб, тўртинчисида «отангга» деб (188-ҳадис) ва яна «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир»— дея қўшиб қўйган эканлар (378-ҳадис).

Она бўлиш — улуғ бир неъмат ва назирсиз бир шарафдир. Оналик вазифасини тўла адо этган, ўзига иффат, номус либосини кийган, сабр деган улуғ фазилат билан зийнатланган, қаноатли, одобли она — бахт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

Пайғамбаримиз Расулоллоҳ: «Ота-онанинг вафотидан кейин уларнинг дўстларига яхшилик қилиш — ота-онага яхшилик қилишнинг афзалидан ҳисобланади» (230-ҳадис), деб ҳам уқтирганлар.

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зеро, меҳнат — инсон ҳаётининг кўрки, безаги. Меҳнат инсонга бахт-саодат, фаровонлик бахш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, мухтожликдан сақлайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳалол меҳнат ҳақида айтган ҳадисларида деҳқончиликни улуғлайдилар. Улар: «Деҳқончилик билан шуғулланинглар. Деҳқончилик муборак касбдир. Унга қўриқчиларни кўпайтиринглар»— (44-ҳадис) дейдилар ва мусулмон аҳлини экин экишга, мевали дарахтлар ўтқазишга даъват этадилар ва ундан келадиган савоблар ҳақида мана бундай деган эдилар: «Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтқазса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади» (732-ҳадис).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Аллоҳ яхши кўради» (997-ҳадис) деб, мусулмонларни сидқидилдан меҳнат қилишга чорлайдилар. Пайғамбаримиз: «Қимки ҳалол ризқ истаб меҳнат қилиб, чарчаб ухласа, шу кечани мағфират қилинган ҳолда ўтказибди»— (804-ҳадис) деган-

---

[1] Ушбу мақола 1992 йилда «Чўлпон» нашриётида босилган Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима) ва 1991 йилда «Камалак» нашриёти чоп этган «Муҳаммад пайғамбар қиссаси», «Ҳадис»лар асосида тайёрланди. Мақолада келтирилган оятлар қуръон сураларининг оятлари таржимасидир.

лар. Зеро, деҳқончиликнинг улуғ неъмати, инсонлар ризқ-рўзи бўлган нонни эъзозлашга даъват қилиб: «Кимки дастурхондан тушган ушоқларни териб еса, мағфират қилинади» (815-ҳадис) деб таъкидлайдилар.

Қуръони Каримда илмга катта эътибор берилган ва «илм» сўзи 765 ўринда тилга олиб ўтилади. Илмларни ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчни адо этишдир.

Ислом дини илмга талабни ибодат даражасига кўтаради. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир. Чунончи, Қуръони Карим Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳивасаламнинг Ҳадиси Шарифларида илм инсон камолотининг негизи, эзгулик ва поклик инсонларни турли офатлардан сақловчи восита сифатида изоҳланади.

Илм — улуғ ҳикмат, илм — иймон, эътиқод. Демак, дин асосини, Қуръони Каримнинг мазмуни ва моҳиятини билиш, англаш учун ҳам илмли бўлиш, уни мукаммал эгаллаш керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки: «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан ибодат қилиб чиққандан афзалдир» (536-ҳадис).

Муҳаммад алайҳиссалом кишиларни: «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар» (126-ҳадис), деб даъват қиладилар.

Кенг қалбли ҳар бир илм аҳли инсонлар ҳурматига сазовор ва у қилган савобли ишлардан барча — каттаю кичик баҳраманд бўлади. Шу боис пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қуйидагиларни кўп марта таъкид этган эдилар:

«Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади» (370-ҳадис). Расулуллоҳ толиби илмларга мурожаат этиб: «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан» (141-ҳадис), деб насиҳат қиладилар.

Қуръони Каримда эҳсон инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири эканлиги айтилади. Қуръони Каримда «эҳсон» сўзи «яхшилик» маъносида келган. Яъни Аллоҳ сенга яхшилик қилиб, сени инсон қилиб яратди, ҳамма аъзоларингни ўз вазифасини бажарадиган қилди. Сенга

ақл берди. Энди сен ҳам шу эҳсонлар эвазига унга иймон келтиришинг унгагина ибодат қилишинг, унинг айтганини қўлингдан келганича бажариб, қайтарганларидан қайтишинг лозим. Эҳсон қилиш инсоннинг табиий вазифасидир демак, «Аллоҳ сенга эҳсон қилганидек, сен ҳам эҳсон қил» («Қасос» сураси, 77-бет) дейилади. Қуръони Каримда яна бир ўринда, эҳсоннинг фойдаси эҳсон қилувчининг ўзига бўлиши, яъни «Агар эҳсон қилсаларингиз, ўзингиз учун қиласизлар, ёмонлик қилсаларингиз ҳам ўзингиз учун» («Исро» сураси, 7-оят) дея уқтирилса, «Анъом» сурасида «Кимки бир яхшилик қилса, унга ўша яхшилик ўн баробар қилиб берилади» (160-оят) дея таъкидланади.

Қуръони Каримда эҳсонга лойиқ кишиларнинг энг биринчиси ота-она эканлиги алоҳида уқтирилади. Чунки уларнинг ҳаққи жуда улуғдир. Ота-онага яхшилик қилиш, улар билан мулоқотда бўлиш ибратли тарзда баён этилади. Унда шундай дейилган: «Сенинг парвардигоринг ўзидан бошқа ҳеч кимга ибодат қилмасликка ва ота-онага яхшилик қилишга буюрган. Сенинг қошингда улардан бири ёки икковлари қарийдилар, сен уларга «уфф» ҳам демагин ва уларга қаттиқ ҳам қарамагин. Доимо яхши сўзларни айт. Икковларига раҳмат қанотингни ёз. Эй, парвардигор, булар мени кичкиналигимдан тарбия қилганларидек, сен ҳам буларга раҳматингни кўрсатгин, деб айт» («Ал-Исро» сураси, 23—24-оятлар).

Маълумки, сахийлик қўли очиқ, олиҳимматлик демакдир. Сахийлик гўзал хулқларнинг энг аълосидир. Қўли очиқ, сахий одам ҳар кимнинг қошида ҳурматли ва қадрлидир. Сахий бўлиш учун бой бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам сахийлик қилиш мумкин. Муҳаммад пайғамбаримиз умматларини огоҳлантириб: «Енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар» (634-ҳадис) дейдилар ва чанқаган кишига сув бериш ҳам садақа бўлишини айтадилар (149-ҳадис).

Ислом таълимотида сабр ахлоқий фазилатларнинг энг олийси, мусулмон кишининг руҳий таянчларидан бири ҳисобланади. Сабр мусулмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик бахш этади, аламли дардларига малҳам бўлади. Сабрли киши қийинчиликларни сабот билан енгади. Қуръони Каримда бу ҳақда шундай дейилади:

«Албатта сабрлилар ўз савобларини ҳисоб-китобсиз тўлиқ оладилар» («Зумар» сураси, 10- оят).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадиларки: «Кимки ҳар бир нарсани сабр билан, шошилмасдан қилса, мақсадига эришади ёки эришаёзади. Кимки шошилса, хато қилади ёки хато қилаёзади» (814- ҳадис).

Сабрсизлик инсонни қайғудан қутқаза олмайди: унинг ўзи куйдирувчи бир қайғу.

Ислом динида инсонлар садоқатли бўлишга ҳам даъват этилган. Чунки садоқат жамият ва оила учун зарур бўлган қадрият ҳисобланади. Садоқат барча яхшиликларнинг бошланиши, одамларда бир-бирларига ишонч ҳосил қилувчидир. Шу туфайли ҳам Қуръони Каримда: «Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглар ва садоқатлилар билан бўлинглар» («Тавба» сураси, 119- оят) деб, мусулмон аҳлини садоқатли бўлишга чақирилган.

Ислом таълимотида вафодорлик ва садоқат ўзаро ҳамоҳанг иборалар бўлиб ҳисобланади. Вафо — инсоний энг улуғ фазилат. Бу фазилатга эга бўлганлар Қуръони Каримда: «Улар шундай кишиларки, омонатларига ва аҳдларига риоя қиладилар» («Мўъминун» сураси, 8- оят) деб таърифланади.

Вафо ҳаётда обрў-эътибор ва муваффақиятга сабаб бўлувчи фазилатдир. Омонат ва вафо ҳаётда тинчлик ва бахт-саодатни орзу қилган ҳар бир жамият, халқ, оила, инсон учун зарурий хислатдир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим.

Қилинган гуноҳни, хатони авф этиш ҳам мақтовга лойиқ бир ишдир. Шу сабабли ҳам Қуръони Каримда «Авф қилмоғингиз, кўнгилни кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз яхшидир. Албатта — Аллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдир» («Тағобун» сураси, 14- оят) деб айтилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз умматларига: «Кечиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишади» (115- адҳис) деб насиҳат қилганлар.

Ислом таълимотида мол-дунёга эришган ҳар бир инсон ўз бойлигини тўғри йўлда сарфлаши кераклиги таъкидланади. Шундагина у Аллоҳ розилигига мушарраф бўлади. Қуръони Каримда кўрсатилишича, бойлик бир мато (нарса). У тезда тугайди. Ҳақиқат ва яхшилик эса абадийдир. Одамлар бойлик орттиришга ортиқча берилиб, кеккайиб кетмасликлари керак. «Албатта Аллоҳ ортиқча хурсанд бўлганларни хуш кўрмайди» («Қасос»

сураси, 76- оят) ва хурсандчиликнинг нуқтаси Аллоҳнинг розилиги ва раҳматидир.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадиларки: «Дунё ширин ва чиройлидир. Кимки ундан ўз ҳақинигина олса, у одамга барака берилади. Аммо, қанчадан-қанча нафсга берилиб, дунёга шўнғиган одамлар борки, қиёмат куни фақат оташи дўзах бўлади» (445- ҳадис).

Инсоннинг улуғлиги ўз нафсини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлишида билинади.

Ислом динида бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, ҳалол меҳнат билан топган молини, маблағини зўрлик ва алдов йўли билан олиш, ўғрилик қилиш оғир гуноҳ, қабиҳ одат ҳисобланади.

Қуръони Каримда бундай иллатли кишилар ҳаром йўлдан қайтишга, Аллоҳ насиб этган покиза ризқни истеъмол қилишга чақирилади. Унда шундай дейилади: «Мол дунёларингизни ораларингизда ноҳақ ҳаром йўллар билан емангиз ва гуноҳ билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун ҳокимларга узатманг». («Бақара» сураси, 188- оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дейдиларки: «Топилган молнинг энг тозаси (покизаси) кишининг пешона тери билан топилган мол ва беғирром ҳалол савдодан топилган пулидир (128- ҳадис).

Исломда бахиллик кишилар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром ва муҳаббатни йўққа чиқарувчи иллат ҳисобланади. Бахил одам ўзаро ёрдамни ёқтирмайди. Натижада унинг қалбини ҳасад эгаллайди. Шу сабабли Қуръони Каримда «Кимки бахиллик ва зиқналикдан сақланган бўлса, ундай кишилар нажот топгувчилар» («Ҳашр» сураси, 9- оят) деб улар бу иллатдан покланишга ундалади.

Ислом таълимотида айтилишича, бахил киши оқибатда хор бўлади, кўпчиликнинг нафратига учрайди. Ҳар бир одам, агарда кўнгли тинч, ҳаёти саодатли бўлишини истаса, у бахил бўлмаслиги, кўнгилсиз ҳолатларга учрамасликка ҳаракат қилиши керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадиларки, «Дилинг юмшаб, ҳожатинг равон бўлишини хоҳлайсанми? Етимга раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва ҳожатинг чиқади» (17- ҳадис).

Исломда тавба — қайтиш деган маънони англатади. Тавба муҳим ахлоқий омил, кишиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш воситаси ҳисобланади. Инсон тавба қилар экан,

демак, у хато ва гуноҳларга йўл қўйганидан афсусланади. Шу сабабли Қуръони Каримда айтиладики: «Ким зулм қилганидан сўнг тавба қилиб, яхши ишларга тутинса, албатта Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва раҳмдилдир». («Моида» сураси, 39- оят).

Қуръони Каримда айтиладики: «Парвардигорингиз дилларингиздаги сирларингизни жуда яхши билгувчидир. Агар сизлар яхши бўлсангизлар (яъни ота-оналарингизнинг ҳуқуқларини таниб, уларга меҳрибон бўлсангизлар) албатта, Аллоҳ билмасдан қилган гуноҳларингизни мағфират қилур. Зеро у тавба қилувчиларни мағфират этувчи бўлган зотдир» («Ал-Исро» сураси, 25- оят.)

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом кишиларни огоҳлантириб: «Қишининг олижаноблиги — динидир, Мурувати — ақлидир. Унинг насаби эса хулқидир» (607- ҳадис) дейдилар ва кишиларни олижаноб, мурувватли ва яхши хулқли бўлишга чақирадилар.

Булардан ташқари ислом таълимотида ҳавои-нафсга берилиш, манманлик, ичкиликбозлик ва қиморбозлик, ёлғончилик, ўзгаларни камситиш, бадгумонлик, ғийбат, зино, ғазаб, ҳасад, очкўзлик, мунофиқлик қораланади.

Қуръони Каримда «Аъроф» сурасида манманлик қилувчилар ҳақида шундай баён қилинади. «Ер юзида ҳақиқатни тан олмай, манманлик қилиб юрганларни ўз оятларимдан узоқлаштираман. Улар ҳамма оятларни кўрсалар ҳам, иймонга келмайдилар, тўғри йўлни кўрсалар ҳам, у йўлдан юрмайдилар. Агар нотўғри йўлни кўрсалар, шу йўлга кирадилар» («Аъроф» сураси, 146- оят).

Бу тўғрида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларида «Кимки ўзини катта олса, юришида ўзига бино қўйса, охиратда Аллоҳнинг ғазабига учрайди» (821- ҳадис) деб огоҳлантирилади.

Камтарлик инсоний энг гўзал фазилатлардандир. Камтарлик инсоннинг маданияти, одамийлиги, мардлиги каби хислатлар билан белгиланади. Инсон камтарлиги, аввало унинг меҳнатида намоён бўлади. Камтар кишида ҳавои-нафс, ғурур, манманлик бўлмайди, у одобахлоқли, меҳр-шафқатли бўлади, ишида, сўзида қатъий туради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бу ҳақда қуйидагиларни: «Сўзида туриш, аҳдига вафо қилиш

иймондандир» (234- ҳадис), «Кийим кийишда, юриш-туришда ўзини камтарроқ олиш иймондандир» (332- ҳадис) дея кўп марта таъкидлаганлар.

Ислом динининг ғазаб хусусидаги таълимоти ҳам олий даражали таълимот бўлиб, унга ҳар бир мусулмон амал қилмоғи лозим. Қуръони Каримда мусулмон киши ғазабни ичга ютиш билан кифояланмай, ғазабни қўзғатган кишининг айбини ҳам кечишга чақирилади.

Пайғамбаримиз ўз иродасига эга бўлишни ва ғазаб келганда унинг бошқара билишни қаҳрамонлик белгиси деб айтганлар. Дейдиларки, «Курашда йиқитган қаҳрамон эмас, балки «Ғазаб» келганда уни боса оладиган киши энг кучли одамдир» (300- ҳадис). Демак, жамиятда ахлоқий тараққиётни кўзлаган ҳар бир киши ўз иродасини ўзига бўйсундирмоғи лозим.

Умуман, ислом таълимоти мусулмон олами тарихи ва илм-маданияти, ахлоқий ривожида жуда катта ўрин тутган таълимот, Қуръони Карим эса, муқаддас китобдир.

Ўтмишда яшаган Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Давоний, Кошифий каби буюк мутафаккир алломалар ва улардан кейинги ижод аҳллари ислом таълимотини, Қуръони Каримни, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларини яхши билганлар, уларнинг таъсирида ижод этиб, келгуси авлодлар учун беназир мерос қолдирганлар.

Ислом таълимоти, Қуръони Карим, пайғамбаримизнинг суннату сониялари ва Ҳадиси Шарифлари инсонларни лутф билан тўғри йўлга бошлади, юксак ахлоқли бўлишга чорлади.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлиги туфайли ва президентимизнинг саъи ҳаракатлари ўлароқ динга кенг йўл очилганлиги боис бу табаррук маданий қадриятлар ҳозирги даврда ҳам кишиларни, ёшларни иймон ва эътиқодли, гўзал ахлоқ-одобли, инсоний фазилатли қилиб камол топтиришга асосий манба бўлиб хизмат қилади.

ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардибза ал-Бухорий ҳижратнинг бир юз тўқсон тўртинчи йили шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда жума номозидан кейин (милодий ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топди. Отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, савдо ишлари билан ҳам шуғулланар эди.

Имом ал-Бухорий ёшлик чоғида отасидан ажрайди ва онаси қўлида тарбия топади. Ўн ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини мутолаа қилиш ва уларни ёд олишга қунт билан киришади. Кейин бухоролик муҳандислар Муҳаммад ибн Саллом ал-Пайкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфийлар ҳузурига бориб, улардан кўп ҳадисларни ёд олади. 16 ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланади. Сафар асносида, у, қайси шаҳардан ўтса, ўша ердаги ҳадис олимларидан озми-кўпми дарс олади. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хомс, Дамашқ, Фаластин, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм асрорларини ўрганади.

Ривоятларга кўра, Имом ал-Бухорий 16 ёшга қадам қўйганида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марваздий ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳларнинг китобларини батамом ёд олган. У ёд олган ҳадисларнинг матнини далиллари ва ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга қўшиб ёд олган.

Имом ал-Бухорий Макка, Мадина, Дамашқ, Қайсария, Хомс, Бағдод, Куфа, Восит, Балх, Нишопур, Асқалон, Марв каби шаҳарларда бир неча йил яшаб, ҳадислар тўплаш, ёзиш ва кўплаб толибларга илм ўргатиш билан шуғулланади. Йигирма ёшидан бошлаб китоб таълиф эта бошлади. Ул зот қаламига мансуб бўлган «Ал-Жомеъ ас-Сахиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-Тарих ал-кабир», «Ат-тариху-с-сағир», «Ал-Қироату халфа-л-имом», «Рафъул-йадайни фи-с-салоти» каби асарлар ҳозирда республикамиз китоб хазиналарида сақланмоқда.

Имом ал-Бухорий Нишопурдан асл ватани — Бухорога қайтгач, бирмунча вақт толиби илмларга ҳадис илмидан дарс беради.

Инсоният маданиятига беназир ҳисса қўшган, замину замонларда барча авлодларга маънавий озуқа бахш этган Имом ал-Бухорий ахлоқ ва одобга оид ҳадислар

мужассамланган, аҳамиятига кўра Қуръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба деб эътироф этилган «Ал-Жомеъ ас-Сахиҳ» китобидан кейин яратган «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асарида ахлоқий қадриятларни баён этади.

Имом Исмоил ал-Бухорий ушбу асарларида ахлоқ, одоб ҳақида сўз юритар экан, одамларни ота-онага ҳурматда бўлишга, онани эъзозлашга, меҳр-оқибатли, пок ва иймонли бўлишга даъват этади, яхшилик қилиш инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлайди.

«Ал-адаб ал-муфрад»нинг[1] 1—24-боблари фарзандларнинг ота-она ҳурматини жойига қўйишлари, уларни эъзозлаб, дилларига озор етказмай фарзандлик бурчларини мукаммал адо этишлари зарурлиги каби масалаларга бағишланган. Масалан, асарда шундай ривоят қилинади.

Асарда уқтирилишича, одам учун энг оғир гуноҳ, бу Аллоҳга ширк келтириш, фарзаднинг ота-онага оқ бўлишидир. Имом Исмоил ал-Бухорий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Халифа Абу Бакр Сиддиқ айтадилар: «Расулуллоҳ саҳобалардан: «Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?»— деб уч марта сўрадилар. Улар: «Эй Расулуллоҳ, айтиб беринг»,— дедилар. Шунда Расулуллоҳ: «У — Аллоҳга ширк келтиришлик ва ота-онага оқ бўлиш,— деб жавоб бердилар».

Исмоил ал-Бухорий болаларнинг солиҳ — қобил бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталарнинг вазифаси эканини айтади.

Исмоил ал-Бухорий қариндош-уруғларга яхшилик қилишни, уларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиш ва улар билан муттасил борди-келди қилиб туришни таъкидлайди. «Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишни ва умри узоққа боришни яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини ўзмасин»,— дедилар (ўша китоб, 33-бет). Исмоил ал-Бухорий раҳм-шафқат хусусида қилган насиҳатларида, айниқса, беморлар ҳолидан хабар олишни, етим болаларга отасидек марҳаматли бўлишни, ҳар бир одам ўз боласига қандай бўлса, қўлидаги етимга ҳам

[1] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент, 1990, 17-бет. (Ушбу асардан олинган кейинги кўчирмалар матн ичида фақат бети кўрсатилади.)

шундай қараши кераклигини уқтиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мусулмон кишининг ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай ва сўрашмай юриши дуруст эмасдур. Улардан қай бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшанисн яхшироғидир.

Улуғ мутафаккир меҳр-шафқат ҳақидаги қарашларида одамларни аҳилликка, ўзаро ҳурмат-эҳтиромда бўлишга ундаб, кимки Аллоҳга ва охиратга иймони бўлса, у зинҳор, қўшнисига озор бермаслиги, Аллоҳга ва охиратга ишончи бўлса, меҳмоннинг ҳурматини ўрнига қўйиши, Аллоҳга ва охират кунига ишонса, фақат яхши гаплардан гапириши ёхуд сукут сақлаши лозимлигини айтади.

Шунингдек, Исмоил ал-Бухорий кимки фаровон ҳаёт кечириб, дунёда яхши ном қолдирай деса, қариндош-уруғларига силаи раҳм қилиши, уларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб юриши зарурлигини таъкидлайди. Исмоил ал-Бухорий одамларга тил билан, қўл билан озор бермасликни юксак амал ҳисоблайди. У бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Расулуллоҳдан: Исломда қайси амал афзал ҳисобланади?»— деб сўрадилар. «Тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқа мусулмонларга зарари етмайдиган амал — амалларнинг афзалидур»,— деб жавоб бердилар.

Улуғ олимнинг таъкидлашича, ҳар бир одам комил инсон бўлиши учун ўзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрадиган бўлиши керак.

Исмоил ал-Бухорий ҳаёли бўлишни жуда улуғлайди. Ҳаёни иймон белгиси деб билади. Бу хусусда шундай ривоят келтиради: «Расулуллоҳ ўз биродарига шармуҳаёдан панду-насиҳат қилаётган бир ансорийнинг ёнидан ўтатуриб: «Ҳаё ҳам иймон белгиларидандур»,— деб унинг гапига қўшимча қилдилар.

Улуғ олим одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси бўлишлигини кўрсатиб, улар ёлғон гапиришдан, ваъдага вафо қилмасликдан ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади.

Исмоил ал-Бухорий мусулмон кишини ҳақорат қилишни гуноҳ, у билан уришишни кофирлик деб билади. Ва яна шу фикрни давом эттириб, инсоннинг куч-қудрати жисмонан паҳлавонлигида эмас, балки жаҳл чиққан вақтда ўзини тия олишни паҳлавонлик ҳисоблайди. У бу ҳақда шундай ривоят қилади:

«Расулуллоҳ саҳобаларидан: «Сизлар паҳлавон деб кимни ҳисоблайсизлар?»—деб сўрайдилар. Улар: «Курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини биз паҳлавон деб биламиз»,— дейишади (ўша китоб, 81- бет). Расулуллоҳ: «Ундай эмас, Паҳлавон деб жаҳли чиққан вақтда ўз нафсига эга бўла оладиган кишини айтилади»,— дедилар (ўша китоб, 103- бет).

Исмоил ал-Бухорийнинг фикрича, ҳар бир одам биродарида бирор камчилик кўрса, ўзида бўлган шундай камчиликни тузатишга ҳаракат қилмоғи лозим. Шу маънода улар бир-бирлари учун кўзгудирлар. Бу ҳақда асарда шундай ривоят баён этилган:

«Абу Ҳурайра айтадилар: «Ҳар бир мўъмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бирор айб кўрса, ўзида бўлган шундай айбини тузатишга ҳаракат қилади (қилиши керак)»,— дедилар. Исмоил ал-Бухорийнинг бу ҳақдаги фикри асарда Абдуллоҳ ибн Аббос қилган ривоятда ҳам ўз ифодасини топган: «Сен бир биродарингнинг айбини зикр қилмоқчи бўлсанг, аввал ўз айбларингни эсла!»— дейди ибн Аббос.

Исмоил ал-Бухорийнинг таълим-тарбия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлари муҳим ўринда туради. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислат. Бу фикр қуйидаги ривоятда таъкидланади:

«Абу Ҳурайра айтадилар: Расулуллоҳ: «Товуш чиқариб кулишни кам қил. Чунки кўп кулиш дилни ҳалок (вайрон) қилади»,— дейдилар (ўша китоб, 86- бет).

Исмоил ал-Бухорий халққа ёқимли, доимо эҳтиромда, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлилик деб билади. Бу ҳақда олим шундай ривоят қилади:

«Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (разияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан қуйидаги ҳадисни эшитдилар: «Қиёмат куни менга энг яқин бўлувчиларингиз кимлигини айтиб берайми?»— деб сўраганларида, саҳобалар жим туришди. Расулуллоҳ бу саволларини икки ё уч маротаба қайтарганларидан кейин, улар: «Ё Расулуллоҳ! Айтиб беринг!»,— дейишди. Расулуллоҳ: «Улар — ахлоқда (халққа) ёқимлироқ бўлганларингиздир»,— дедилар».

Буюк олимнинг таъкидлашича, инсон учун энг катта бойлик — қалб саховатидир. Бу ҳақдаги фикрни олим қуйидаги ривоятда ифодалайди:

«Абу Ҳурайра Расулуллоҳдан ривоят қилдилар: «Бойлик молнинг кўплиги эмас, балки (чин) бойлик — қалб саховатидир»— дедилар (ўша китоб, 27- бет).

Улуғ мутафаккир оилавий муҳитнинг барқарор, тинч, оила аъзоларининг соғ-саломат, тўқ бўлишини истайди. Шундай бўлган оила бахтиёрдир. Унинг ривоят қилишича: «Убайдуллоҳ ибн Миҳсан ал-Ансорий айтадилар. Расулуллоҳ: «Ким ўз оиласи билан тинч, тани соғ бўлиб турса ва олдида шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё берилган ҳисобланади»,— дедилар» (ўша китоб, 27- бет).

Исмоил ал-Бухорий кишиларга қилинадиган яхшилик ҳақида қилган ривоятида дейди: «Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: Расулуллоҳ: «Кишиларга қилинадиган ҳар бир яхшилик садақа ҳисобланади, ҳатто бир биродарингга очиқ юз билан рўбарў келишинг ва челагингдан унинг идишига (сув) солиб беришинг ҳам садақа бўлади»,— дедилар» (ўша китоб, 98- бет).

Исмоил ал-Бухорий одамларнинг ўзаро дўстлигини, меҳр-шафқатли бўлишини талаб қилар экан, бу инсоний фазилатларга эга бўлганларни инсон танасидаги аъзоларга қиёс қилади. У дейди:

«Мўминлар ўзаро дўстлик, меҳр ва шафқатда худди инсон танасидаги аъзоларга ўхшайдилар, зеро, унинг бирор аъзоси оғригудек бўлса, бошқа аъзолари ҳам бедор ва лоҳас бўладилар» (ўша китоб, 88- бет).

Бухорий инсонлар ўртасидаги қўнгил яқинликни, энг улуғ неъмат, яхшилик деб таъкидлайди. «Абдуллоҳ ибн Аббос айтадилар: «Неъматлар (яхшиликлар) инкор қилиниши ва раҳмдиллик узилиб қўйилиши мумкин, аммо кўнгилларнинг бир-бирига яқинлигидек нарсани биз кўрмадик».

Мутафаккир асарида кичикларга шафқатли, катталарга ҳурматда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Бу фикр қуйидаги ривоятда шундай ифодаланади. «Расулуллоҳ: «Кимки ёши кичикларимизга раҳмдил бўлмаса, у одам бизнинг қавмдан эмас,— дедилар» (ўша китоб, 109- бет).

Демак, ҳар бир мусулмон бу бурчни доимий суратда адо этмоғи даркор.

Улуғ олим ўз таълимотида илм ўрганиш, уни ўрганиш йўллари ва қоидаларини билиш масаласига ҳам жиддий эътибор беради. Қуйидаги ривоят фикримиз далили бўла олади:

«Абдуллоҳ ибн Аббос... айтадилар: Расулуллоҳ: «Кишиларга илм ўргатинглар, уларга қийин эмас, енгил йўлни кўрсатинглар, қачон жаҳлингиз чиқса, жим туришга ўрганинг»,— дедилар (ўша китоб, 83- бет).

Исмоил ал-Бухорий одамларни ҳайвонларга ҳам марҳаматли бўлишга, келгуси авлодлар учун кўчат экиб, ўзидан ёдгорлик қолдиришга даъват этади. Олимнинг бу даъвати Расулуллоҳ қилган ривоятда ҳам муфассал ифодалангандир.

Ривоят қилинишича: «Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлди. Йўлда бир қудуқ кўриниб қолди-да, унинг ичига тушиб сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтида бир ит ташналигидан ҳансираб, ҳўл тупроқни ялаётганини кўради-ю, бу бечора менга ўхшаш ташна экан, деди-да, қайта, қудуққа тушиб, махсисига сувдан тўлдириб чиқиб итга ичирди. У кишининг қилган иши Аллоҳ таолога мақбул бўлиб, гуноҳини кечди». Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! Ҳайвонларга қилган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб бўладими?»— деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ҳар бир юмшоқ жигарга (тирик жониворга) қилинган яхшилик учун савоб бўлади»,— дедилар».

Бу ҳадисда шариатда ўлдиришга буюрилган илон, чаён кабилардан бўлак ҳамма жониворларга яхшилик қилиш ва озор бермаслик кераклиги баён этилган.

«Ал-адаб ал-муфрад» асарида ривоят қилинишича, бирор одам экин учун қўлида бир кўчатни ушлаб турган пайтда қиёмат қойим бўлиб қолганда ҳам уни экиб қўйиши керак. Кўчатни экаётган вақтда дажжол чиқиб қолибди, деб эшитса ҳам, уни тузатиб экишга ҳаракат қилиши лозим. Чунки кўчат ундан кейин яшайдиган одамлар учун керак, одамлар ундан тановул қилиб баҳра оладилар.

Умуман, улуғ юртдошимиз Имом Исмоил ал-Бухорий бутун умрини умуминсоний ахлоқий қадриятларни тиклаш, мустаҳкамлаш ва келгуси авлод учун туҳфа қилиб қолдириш, бутун дунё мусулмонларида ахлоқи карима ва одоби ҳамида каби олижаноб хислатларни таркиб топтиришга бағишлади. Уларни покизаликка, иймонли, эътиқодли, соф виждонли ва инсофли бўлишга даъват этди. Улуғ мутафаккирнинг ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга оид панд-насиҳатлари ва ўгитлари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёш авлодни иллатли ва

қабиҳ йўллардан қайтаришда, шубҳасиз, ўз ижобий таъсирини кўрсатади, албатта.

АБУ ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Саара ат-Сулами ал-Буғий ат-Термизий 824 йили Термиз шаҳрида дунёга келди.

Имом ат-Термизий ҳам ёшлик чоғидан ҳадис мутолаасига киришиб, тезда ҳадисларни тўплай бошлаган ва бу йўлда кўплаб ҳадис олимлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг суҳбатини олган.

Имом ат-Термизий Имом ал-Бухорийга шогирд бўлган. Ундан ташқари Муслим, Абу Довуд, Қутайба, ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Муҳаммад ибн Гийлон, Саъид ибн Абдураҳмон, Муҳаммад ибн Башшорс Али ибн Ҳужр, Аҳсад ибн Муниъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақиъ каби бир қатор йирик муҳаддисларни ҳам ўзига устоз деб билган.

Имом ат-Термизийнинг «Сунан» китобида келтирилган ҳадисларда унинг таълим-тарбияга, ахлоқ-одобга оид фикрлар кўп учрайди. Чунончи, олим инсонда яхшилик фазилатини такомиллаштириш учун қуйидаги ҳадисларни тавсия этади: «Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади. Аллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниларига яхшилик қилгувчисидир», «Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди», «Одамларга хайрихоҳлигинг — бу сенинг садақанг».

«Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг — сенинг садақанг».

«Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам — садақа». «Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам — сенинг садақанг», «Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам — садақа», «Ўз пақирингдаги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам садақанг ҳисобланади».

Соғ танда соғлом ақл деган халқ нақлига амал қилиб, аллома ёшликданоқ соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этади: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт».

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида болаларни ахлоқ-одоб, марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялашга даъват кучли: «Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлигига айтилади»; «Яқин кишиси вафот этганда жоҳилият давридаги одат бўлган ёқа йиртиш ортиқча навҳа тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон саналмайди», «Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзланглар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин», «Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади».

Ҳадисларнинг кўпчилиги одамларни аҳил бўлишга, кўпчиликка, жамоага фойда, наф келтиришга, дўстлик ва биродарликка даъват этади: «Кимда-ким бир кўчат ўтказса, ё бўлмаса экин экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса — бу ҳам ўша одам учун садақа саналади»; «Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Кимда-ким ўзининг мусулмон биродарларига ёрдам қилса, охиратда аллоҳ унга ёрдам қилади. Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, аллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қилади».

Имом ат-Термизий китобида қариндош-уруғларни ҳурмат қилишга, марҳум ота ёки оналарининг дўстлари, яқинлари билан мулоқотда бўлиб туришга, айниқса ота-онага юксак ҳурмат ва эътиқод билан қарашга чақирувчи кўплаб ҳадислар бор: «Кимда-ким мусулмон биродари айбини яширса, қиёмат куни аллоҳ ҳам унинг хато ва камчиликларини ошкора қилмайди»; «Пайғамбардан бир киши сўрабди:

— Ё Расулуллоҳ, мен кимни ҳурмат қилай?

— Ўз онангни,— деб жавоб берибдилар Пайғамбаримиз. У яна сўрабди:

— Онамдан бошқа яна кимни?

Пайғамбаримиз:

— Онангни,— деб жавоб берибдилар.

Ҳалиги киши учинчи марта сўраганда ҳам «Онангни» деган жавобни олибди.

У тўртинчи марта ўз саволини қайтарганда, Пайғамбаримиз:

— Ўз отангни, сўнгра яқинларингни ва қариндошларингни,— деб жавоб берибдилар»; марҳум отасининг дўстлари билан доимо мулоқотда бўлиб туриш ҳам энг олижаноб ишлардандир.

Пайғамбаримиз айтибдилар: «Хола ҳам худди она-

дек ҳурмат ва эътиборга муносибдир», «Уч хил дуо сўзсиз мустажоб бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофир кишининг дуоси ва ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳақидаги дуолари», «Қариндош-уруғлари билан алоқани узган киши жаннатга доҳил бўлмас».

Умуман, Имом ат-Термизийнинг маънавий қадриятлар меросини, унинг ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга доир қарашларини, дунёқарашини ўрганишда ва улардан ҳозирги ёшлар таълим-тарбиясида фойдаланишда у тўплаган ҳадислару, аллома яратган «Сунан» китобининг аҳамияти ғоят катта.

Умрининг сўнгги йилларида ат-Термизийнинг кўзлари ожиз бўлиб қолади ва у 279—892 йили она шаҳри Термизда вафот этади.

Имом ат-Термизий ўзининг «Сунан» асаридан ташқари яна қуйидаги китобларни ёзганлиги маълум. Чунончи: «Китоб ал-илал» («Нуқсонлар китоби»), «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби»), «Китоб аш-шамоил аннабавийя» («Пайғамбарнинг ахлоқ ва одобларига оид китоб»), «Китоб аз-зуҳд» («Зоҳидлик ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо вал-куна» («Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб») ва бошқалар.

Имом ат-Термизий юксак ахлоқий ва инсоний фазилатларга эга, ўткир зеҳн ва заковат соҳиби эди. У зот тақводa алоҳида ажралиб турар, кам таом, аммо кўп ижод ва меҳнат қилар, ахлоқсизликни қаттиқ қоралар эди. Имом ат-Термизий доимо илм-фанни тарғиб қилар ва айни вақтда мулойимлик, хушфеъллик ва ҳалимлик каби гўзал фазилатлар ул кишида мужассам эди.

Имом ат-Термизийнинг Ислом равнақи йўлидаги, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васалламнинг суннати санийяларини мусулмонларга етказишдаги хизматлари беқиёсдир.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ

Абу Наср Форобий — ўрта аср Шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчисидир. У Сирдарё бўйидаги Ўтрор (Фороб) шаҳрида 873 йилда туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, сўнг Араб халифалигининг маркази Бағдод шаҳрига бориб, у ерда кўп йил истиқомат қилди. Юнон файласуфларининг асарларини мутолаа қилиш, турли тилларни ўрганиш

билан шуғулланди. Умрининг сўнгги йилларида Дамашқда яшади. 950 йилда вафот этди. У турли соҳаларга оид илмий асарлар қолдирди. У ўз даврининг файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олими сифатида шуҳрат қозонди. У «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди.

Форобийнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари алоҳида ўрин тутади. Унинг уқтиришича, инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкин. Комил инсонни яратиш, уни бахт-саодатга элтиш ҳар қандай давлат жамоа бошлиғининг вазифаси бўлиши даркор.

Форобийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш икки хил усул ёрдамида олиб борилиши мумкин. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни — билимли бўлишга, тўғрилик ва ҳақиқатни севишга, жасур, дўстларга садоқатли бўлиш сингари фазилатларни эгаллашга интилмоғи лозим. Бундай инсоний фазилатларга эга бўлиш учун бахт-саодатга элтувчи жамоа бўлиши керак.

Форобий инсонга хос ҳамда унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи тафаккур ва нутқнинг ривожланишини таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараён ҳисоблайди.

Форобий инсонни дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук якуни деб билади. Шунга кўра, у ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим-тарбия усулларидан кутилган мақсад масалалари асосий ўринни эгаллашини қайд қилади.

Таълим-тарбияда табиат ҳодисаларидан фойдаланиш ва бу йўлда бошқа кишилар билан тўғри муносабатда бўлиб, жамиятнинг ички тартиб-қоидаларини тўғри ўрганиб, унинг талабларига жавоб бера оладиган инсонни камол топтириш зарурлигини таъкидлайди.

Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан, унинг икки томонига: ақли — онгига ва ахлоқига (хулқ-атворига) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук мукаммал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси — жамият талабларига тўла-тўкис жавоб

бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсон тайёрлашдир. «Идеал шаҳар аҳоли илмининг фикрлари» ҳамда «Бахт-саодатга эришув ҳақида» номли рисолаларида олимнинг бу фикрлари аниқ ифодаланган.

Форобий таълим-тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсоннинг хоҳиш, ихтиёр, ирода, яхшилик ва ёмонлик каби хислатларини, нимага қобилияти борлигини аниқламай туриб ишга киришиш кутилган натижани бермайди.

Олимнинг уқтиришича кимки энг гўзал ва фойдали кашф этиш фазилатига эга бўлса, кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг ва бошқаларнинг истагига мувофиқ бўлса у хайрли ва нафли бўлади.

Олим таълим фақат сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтади ва тарбияни ҳар бир халқ, миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди.

Демак, Форобий таълим ва тарбия беришни бир-биридан фарқ қилади. Таълим сўз билан, бир нарсани уқтириш, ўрганиш билан амалга оширилади, ёшлар назарий билимларни шу таълим ёрдамида эгаллайдилар.

Тарбия эса амалий фаолиятда намоён бўлади, ёшларга у маълум иш-ҳаракат, касб-ҳунар, одоб орқали сингдирилади.

Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат — одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади.

Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсга якка ҳолда ёндашувни, унинг табиий, руҳий ва жисмоний хислатларини назарга олиш зарурлигини таъкидлайди. У бу ҳақда шундай ёзади: «Бу барча табиий хислатларни, уларни олий камолотга етказиш шу ёки камолотга яқин бўлган даражага кўтаришга хизмат қилувчи восита ёрдамида тарбиялашга муҳтождир... Инсонлар турли илм, ҳунар, фаолиятга мойиллиги ва қобилиятлиги билан табиатан фарқ қиладилар, тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса ўз тарбияси (малакалари) билан тафовут қилади.

Тарбияси жиҳатдан тенг бўлганлар эса, бу тарбия

натижаларининг турличалиги билан бир-бирларидан фарқ қиладилар[1].

Тарбия жараёни, Форобийнинг фикрича, тажрибали педагог, ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозим, чунки «ҳар бир одам ҳам бахтни ва нарсаларни ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим» (ўша китоб, 122- бет).

Форобий таълим-тарбия бериш усуллари ҳақида шундай ёзади: «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб-ҳунар ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига келганда, бу одат *икки турли йўл билан* ҳосил қилинади: *биринчи йўл* қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади ва малакалар вужудга келтирилади, одамларда ғайрат, касб-интилиш ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл (ёки усул) — мажбур этиш йўлидир. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа тақрон халқларга нисбатан ишлатилади. Чунки улар ўз нетакларича, сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмасдир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга астойдил киришса ҳамда фазилати яхши бўлиб, касб-ҳунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиши бўлса, бундай одамларни мажбур этмаслик лозим, чунки мақсад уларни фазилат эгаси қилиш ва касб-ҳунар аҳлларига айлантиришдир» (ўша китоб, 198- бет).

Тарбия бериш усули, Форобийнинг фикрича, икки турли бўлади. «Аввалги усул — санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатадиган усул. Иккинчи усул эса мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади».

Форобий билимдон, маърифатли, етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди:

«Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғлиги ҳақида қайғурсин, яхши хулқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қои-

[1] **Ал-Фараби.** Социально-этические трактаты, Алма-Ата, 1976, 198- бет.

даларни билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча мавжуд, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин» (ўша китоб, 199- бет).

Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияда, ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда, хусусан, ақлий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эришилмайди ва бола ҳам етук бўлиб етишмайди. Олим дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан якунланишини айтади.

Умуман, Форобий ўз давридаги ёшларнинг таълим олишлари билим эгаллашлари, ҳунар ўрганишлари, фаолият кўрсатишлари, меҳнат қилишлари зарурлиги хусусида фикрлар билдирган. Бу фикрлар ҳозирда ҳам таълим-тарбияда ғоят муҳимдир.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Ибн Сино бутун мусулмон Шарқининг улкан қомусий ақли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намояндаларидан биридир. Ибн Сино ўрта аср фанининг турли соҳалари — фалсафа, тиббиёт, табиатшунослик, бадиий адабиёт бўйича ёзган асарлари билан маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирди, унинг ривожига катта ҳисса қўшди, ўз даврида «Шайх-уррайс» (Олимлар раиси) унвони билан тақдирланди.

Ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона (ҳозирги Вобкент тумани)да 980 йили туғилди. Бу даврда Бухоро Сомонийлар давлатининг маркази бўлиб, Шарқда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ соҳаларида энг ривожланган, иқтисодий, илмий ва маданий жиҳатдан тараққий этган машҳур шаҳарлардан ҳисобланар эди.

Ибн Сино мактабда ўқиди, кўпгина устозлардан таълим олиб ўз даври илмлари — математика, мантиқ, астрономия, қонуншунослик, физика, фалсафа асосларини эгаллай бошлади, у хусусан тиббиёт илмини эгаллашга қизиқди, табиблик билан шуғулланди.

У ўз даврининг етук олимлари — Абу Райҳон Беруний, Масиҳий, Ибн Ироқ, Абу Ҳайр Ҳаммар билан мулоқотда бўлди.

Ибн Сино ўз асарларини ўша давр илмий-адабий тиллари — араб ва форс тилларида ёзади. 450 дан ортиқ асар яратади.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида ўз ҳаёти ва фаолияти фақат жамоада амалга ошиши ҳамда ривож топиши мумкинлигини қайд қилади. Инсон уни ўраб олган табиат ва табиий ҳодисалардан ташқаридаги нарсаларга муҳтожлик сезадики, бу нарсаларни фақат меҳнат қилиш билан яратади, лекин бу нарсаларни фақат ўз меҳнати билан амалга ошира олмайди, уларни яратиш учун бошқалар ҳам иштирок этиши керак ёки жамоа ёрдам бериши лозим. Бунинг учун жамоа - аъзолари ўзаро яхши муносабатда бўлишлари керак. Бу муносабат эса тил, маъноли овозлар орқали юзага келади. Яхшилик одамларни иноқликка, ёмонлик эса келишмовчиликка олиб боради. Ибн Синонинг таъкидлашича, яхши одат, яхши хулқ ва ёмон хулқ, ёмон ахлоқ ҳақидаги тушунча, билимлар инсонда шу асосда шаклланиб боради.

Инсон онгли суратда ҳаракат қилади ва бу ҳаракат натижасини билади, яъни у келажакни ўйлаб ҳаракат қилади. Аниқ мақсад билан ҳаракат қилиши инсонни ва жамоани ёмондан сақлайди, яхши ишлар қилишга йўллайди, унда ишонч туйғусини уйғотади.

Ибн Сино яхшиликка олиб борувчи ахлоқ қоидаларини эгаллаш, инсоннинг ахлоқий муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи тадбирлар орқали таълим-тарбияни изчил амалга ошириш мумкинлигини алоҳида қайд қилади.

Ибн Сино ёш болаларни туғилганидан бошлаб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беради. Бола туғилганидан бошлаб оёққа тургунча маълум тартибда тарбияланиб бориши лозим. Бу тартиб ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш, йўргаклаш каби тартиб ва бошқалардан иборат. Буларни ҳам муайян қоидалар асосида амалга ошириш даркор. Бола табиатини мустаҳкамлашдаги муҳим воситалар аста-секин тебратиш, мусиқа эшиттириш, ашула айтишдан иборат бўлиб, улар тартиб билан амалга оширилса, бола яхши ухлайди. Тебратиш унинг танасига, мусиқа унинг руҳиятига ором бахш этади. Ибн Сино ёш бола тарбиясини турли шароитда муайян изчиллик ва тартиб билан олиб бориш ҳақида оналарга жуда яхши маслаҳатлар беради.

Болаларнинг ўспиринликка ўтиш даври тарбияси ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу даврда уларда хулқ-атвор шаклланади. Бола хулқ-атворининг бир текис, вазмин бўлиши учун уни кескин ғазабланишдан, қаттиқ қўрқувдан ва уйқусизликдан сақлаш зарур. Бу тадбир уни ёқимли хулқ-атворли қилиб тарбиялаш имконини беради.

«Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бундан *икки манфаат* бор. *Бири* — боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшликдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади.

Иккинчиси — унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли қуритади...»[1].

Бола 6 ёшга тўлгандан сўнг уни мактабга бериш керак. Ўқитиш, билим бериш, ўргатиш ҳам аста-секин амалга оширилиши лозим. Аммо боланинг китоб ўқишга ҳаддан ташқари берилиши ҳам унинг соғлиғига салбий таъсир қилади. Боланинг ўспиринликка ўтиш даврида болага оғир жисмоний иш топширилмаслик зарур. Иш топширишда боланинг хоҳиш, истаги ва имконияти ҳисобга олиниши лозим.

«Боланинг кун тартиби ... уларнинг танаси ва нафсининг саломатлигини сақлаш ва ўсишини таъминлашга қаратилган бўлмоғи даркор». Буларнинг ҳаммаси боланинг танаси ва руҳияти мувозанатини сақлаш учун хизмат қилиши лозим.

Болалар тарбияси — бу изчил ва аста-секин амалга ошириладиган тартибдан иборатдир. Бола балоғатга етгунча, ота ўз вазифасини бажариб бориши керак. Авваламбор, отанинг мажбурий вазифаларидан бири ўз фарзандига яхши ном беришидир. Болани эмизиш даври тугаб, мустақил овқатланиш даври бошланиши билан ота унинг ахлоқий тарбиясига киришуви зарур. Мақсадга эришиш учун тарбияда болани баъзан мақташ, баъзан жазолаш ҳам керак.

«Бола бақувват бўлиб, сўзлашув нутқини яхши тушуна бошлагандан сўнг, у савод ўрганишга қобил бўлади, шундан сўнг саводга ўргата бориш мумкин.

[1] **Ибн Сина.** Книга о думе. Изб. филс. произведение. 111-бет.

Авваламбор ахлоқий ва ақлий тарбия усулларини яхши эгаллаган, иродали, доно, ғамхўр ва динга ишонган ўқитувчи ва тарбиячи танлаш керак бўлади. У соғлом, тозаликни севувчи, софдил ва одамларга яхши муносабатда бўла оладиган тарбиячи бўлиши керак»[1].

Ибн Сино болаларни алоҳида, алоҳида ўқитишдан кўра, жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва унинг устунлиги ҳақида гапириб шундай ёзади: «Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан ғурурланадилар, бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Ғурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди.

Ўқувчилар бирга бўлганда, доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар» (ўша китоб, 85-бет).

Ўқитувчи болаларга таълим беришга киришишдан аввал, уларнинг хулқ-атворини ўрганиши ва билимларини текшириб кўриши ҳам лозим. Аввало, у ўқувчининг нимага моил ва қодир эканлигини текшириб кўриши, сўнгра унга ҳунар ёки илм турини тавсия этиши керак.

Ибн Сино «Тиб илмлари қонуни» асарида бола катта бўлиб, етилган чоғида жисмоний тарбияга аҳамият бериш зарурлигини айтади. Унинг уқтиришича, одамнинг йигитлик, етуклик ёшида ҳамда улғайган ёшида соғлиқ-саломатлигини сақлаш учун зарур бўлган жисмоний машғулот билан шуғулланиши керак.

Улуғ мутафаккир жисмоний тарбия деб инсон саломатлиги учун зарур бўлган баданни турли хил машғулот ҳаракатларига ўргатишни назарда тутади. Унинг фикрича, жисмоний машғулотлар билан ўз вақтида ва мустақил шуғулланиб борувчи одам ҳеч қандай даволанишга муҳтожлик сезмайди. Жисмоний машғулот инсон руҳини тетиклаштиради. Аммо жисмоний машғулотлар ортиқча бўлмаслиги ҳам керак, акс ҳолда баданнинг тезда чарчаб қолишига олиб келади. Жисмоний машғулотлардан бутунлай воз кечиш эса, баданнинг қариб тезда ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир инсон ўзининг хулқ-атвори, имкониятлари, қобилияти, хоҳишига қараб жисмоний машғулот турини белгилаб олиши керак.

[1] **Абу Али ибн Сина.** Канон врачебной науки. Тошкент, 1985, 112-бет.

Ибн Сино ақл ва ақлий тарбиянинг табиий ва руҳий асосларини аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳаёт, ҳаётий қувват уч шаклда: ўсимлик, ҳайвонот ва инсон шаклида намоён бўлади.

Ибн Синонинг ақл — тафаккур, ақлий тарбия соҳасидаги таълимоти унинг «Китоб аш-шифо» «Китоб Нажот», «Китоб ишорат ва танбиҳот», «Донишнома» китобида кенг баён этилган.

Ибн Сино боланинг илм-фан ёки ҳунар эгаллашга интилишида ўқитувчининг унга билим, ҳунар ўргатиши зарурлигини уқтиради.

Илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий ҳаракатларидандир. Чунки илм одамни маънавий юксакликка кўтаради ва у жамият равнақининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Тарк қил бор нарсани, жон барчадин аълодурур,
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.
Жон агар бир шиша бўлса, илм шам чироғ.
Ҳикмати инсонни билгил ул чироқда мисли ёғ,
Ул агар равшан ёнар, сен ҳам саломат ҳам тирик,
Ул чироқ сўнса, сенинг ҳам ўлганингмасму шу чоғ[1].

Унинг фикрича, таълим-тарбия, аввало, ақлий тарбияни, ёшларга илм-фан ўргатишни, жисмоний тарбияни (бунга тиббиёт илми хизмат қилади), ахлоқий тарбияни, нафосат тарбиясини ҳамда ёшларни маълум ҳунарга ўргатиш масалаларини ўз ичига олади. Ахлоқий тарбия инсон учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Боланинг ахлоқий тарбияси ёшликдан, болаликдан бошланиши керак.

Болага дўқ қилма, ёмон бўлма қўпол,
Уйқу қочар, қўрқар, ахир бўлур баттол,
Юмшоқ бешик бўлсин ўрни ухлаганда,
Қоронғулик тушиб турсин мисли тундай...
Уйғоқ чоғи ёруғликдан айирмагил,
Юлдуз — само кўрсун бола шодланур дил.
Ранг-тусларни кўрсат унга турли-туман,
Кундуз куни, этмоқ эрсанг кўзни равшан,

[1] **Ибн Сино.** Донишнома. 102- бет.

Гар истасанг, ўргатмоққа сўзу камол,
Эркалатиб овоз чиқар ҳар хил муқом
(ўша китоб, 102- бет).

Энг муҳим ахлоқий бойлик, Ибн Синонинг таъкидлашича, адолатдир. Ахлоқий тушунчалар ақлга, ақлий билимга асосланиши лозим. Лекин инсон қанчалик билимдон, олим бўлмасин, ахлоқий принципларга таянмаса, у одобсизлик ва ёмонликка йўл қўяди. Ибн Сино ўзининг «Қуш тили» асарида иккиюзламачилик, ёлғончилик, хоинлик каби хислатларни қоралайди, инсон устидан ҳар қандай зўравонликни инкор этади.

Ибн Синонинг ёзишича, инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири ўзининг ёмон ахлоқий хислатларини англаб, уларни йўқотишга интилишидир. Унинг яхши хислатлари ичида бошқаларга эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиши махсус ўрин тутади. Қимки ўзининг ахлоқини тарбиялаш учун ўз олдига қўйган вазифасини бажариб, ўз хулқини тузатишга интилса, унга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Қимки ўз хатосини тузатолса, у бошқаларнинг тарбияси ҳақида ғамхўрлик қила олиши мумкин. Бошқа одамни тарбияламоқчи ва унинг ахлоқини тузатмоқчи бўлган тарбиячи, аввало уни яхши ўрганиши ва барча камчиликларини яхши билиб олиши керак. Акс ҳолда тарбиячи ўз олдига қўйган вазифасини бажара олмайди, зеро беморнинг касалини билмай туриб, уни тузатишга киришган одамдай бўлиб қолади. Тарбия тарбияланувчини ёмон ахлоқий хислатлардан озод қилиш, унга яхши ахлоқий фазилатларни сингдира бориш жараёнида амалга оширилади (ўша китоб, 84-бет.)

Ибн Сино боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй-рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила, ота-онанинг асосий вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-она тарбиячи бўлиши мумкин. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар бола билан иззат-нафсига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиш, унга насиҳат қилишдир.

Насиҳат қилишда суҳбатдошга ниҳоятда ҳурмат билан ёндашиш, уни камситмаслик керак. Ортиқча сўз айтиб, уни зериктирмаслик ҳам зарур. Бир хил насиҳатларни қайтара беришлик таъсир қилмайди. Ибн Сино шундай ёзади: «Сенинг фикрларинг (боланинг) юраги-

га етиб бориб, унга ўйлаб, фикр юритиб кўришга имкон берсин... Агарда сенинг суҳбатдошинг ёки дўстинг сенинг сўзларингга ва насиҳатингга эътибор бермаётганини сезсанг, суҳбатни бошқа вақтга кўчир» (ўша китоб, 85- бет).

Ибн Сино болада ахлоқий хислатларни меҳнат, жисмоний ва ақлий тарбия билан узвий ҳолда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари ўз моҳияти билан инсонпарварлик моҳиятига эга. Ҳақиқий дўстлик, яхши дўст орттириш, дўстга садоқатли бўлиш масалалари унинг бадиий асарларида муҳим ўрин эгаллайди.

Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари гўзаллик, нафосат ҳақидаги фикрлари билан ҳамоҳангдир. Ибн Синонинг гўзаллик, нафосат ҳақидаги фикрлари унинг форс ва араб тилида ёзилган шеърларида, бадиий асарларида гўзаллик, мусиқа, шеърият ҳақидаги фалсафий фикрларида ўз ифодасини топган. Унинг нафосат ҳақидаги тушунчаларини ўрганишда унинг «Китоб аш-Шифо» асарида мустақил бўлим шаклида берилган «Аш-Шеър» китоби муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман, Ибн Синонинг кузатишлари ва фикрлари нафақат ўз даври таълим-тарбия соҳаси ривожига қўшилган ҳисса бўлиб қолмай, балки ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ибн Сино ўқувчининг шахсий хислатларига, руҳиятига эътибор бериб, унинг ақлий хусусиятлари, руҳияти, меҳнатсеварлиги, билими, иродасига асосланган ҳолда таълим-тарбия ишини олиб бориш кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан умуминсоний педагогик қадриятларни бойитади.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Абу Райҳон Беруний жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган зўр истеъдод эгаси ва заҳматкаш тадқиқотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон тараққиётида бениҳоя юксак аҳамиятга моликдир.

Абу Райҳон Беруний 973 йил 4 сентябрь (ҳижрий 362 й. 2- зулҳижжа) куни Хоразмнинг қадимий пойтахти Кат шаҳрида дунёга келди. Олимнинг тўла номи Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийдир. Бу тўғрида Берунийнинг ўзи бир шеърида шундай деб ёзди:

«Отам Абдуллахаб — қари, илмсиз киши эди, онам эса ўтин ташувчи («хаммолатул-хатоб») бўлган»[1].

Беруний бу ифодалар орқали ўзининг оддий фуқаро ичидан чиққанини аслзодалар зотига мансуб эмаслигини таъкидлайди.

Беруний «Минералогия» китобида сомоний Исмоил ас-Сомонийнинг (890—907) «Ўз шарафини ўзи қозонадиган одам бўлган, боболарининг аслзодалиги орқали эмас» (ўша китоб, 15- бет.) деган сўзларини ибрат қилиб кўрсатади. У яна бир ўринда: «Кимки, ўзининг қариндошлари ва ўлиб кетган ота-боболари билан мақтанадиган бўлса, унинг ўзи ўликдир, улар эса тирикдирлар» (ўша китоб, 115- бет).

Беруний туғилиб, ўсган даврда Хоразм сомонийлар давлатига қарам бўлса-да, муайян даражада мустақил ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқнинг йирик илмий ва маданий марказларидан бири эди.

Беруний «Берун» сўзидан олинган бўлиб, «Берун»— «Ташқи шаҳар» демакдир. «Беруний — ташқи шаҳарда яшовчи киши» маъносини билдиради.

Бундай далил ва соғлом фикрларни астойдил тасдиқлар экан, Беруний насл-насаби оддий меҳнаткаш табақадан бўлганлигини яна бир бор тасдиқлаб ўтади.

Бўлажак олим болалик чоғларини жамиятнинг энг қуйи доиралари орасида кечирган, ўша пайтлардаёқ турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўришга мажбур бўлган. 999 йили Хоразмга чегарадош бўлган сомонийлар давлатига қарашли ерларни Қошғар ва Еттисув томондан келган қорахонийлар тўла эгалладилар. Амударёнинг сўл қирғоғи ғазнавийлар ихтиёрига ўтди.

Араб истилоси давридан бошлаб (VIII аср) Хоразмда икки мустақил ҳокимият — шимолий қисмда Маздахкон, ғарбий қисмда Гурганж (кўҳна Урганч) шаҳри юзага келади. X асрга келиб бу ерда маъмунийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. 995 йили Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад Котни босиб олади, ҳукмдорини ўлдириб, ўзи Хоразм шоҳи бўлади. Орол бўйидаги давлатлар, Волга бўйи, Шимолий Қавказ ва бошқа шаҳарлар билан алоқалар ўрнатади.

1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) Хоразмни забт этади ва маъмунийлар ҳукмронлигига чек қўяди.

---

[1] **А. Расулев.** Некоторые соображения о Беруни и его стихах. Беруни и гуманитарные науки. Ташкент, 1972, 57- бет.

Хоразм ғазнавийлар давлатининг бир қисмига айланади.

Абу Райҳон Беруний ана шундай тарихий воқеалар юз бераётган даврда яшади. У ёшликдан илм-фанга ғоятда қизиқади. Хоразмда шуҳрат қозонган олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олади. Фаннинг турли соҳалари билан шуғулланади, бутун Шарқнинг фан ва маданиятини ўрганади, она тилидан ташқари араб, суғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яхудий тилларини мукаммал эгаллайди. Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади.

Абу Наср ибн Ироқ Берунийни Абу Райҳон деб атайди. Беруний 995 йили Котда афригийлар ҳокимиятига барҳам берилгач, Хоразмдан чиқиб кетиб, Эрондаги Рай шаҳрида истиқомат қилади. Кейинчалик эса Каспий денгизининг жанубий-шарқий соҳилларидан Журжон (ёки Гургон) шаҳрига келди. Бу ерда «Ўтмиш ёдгорликлари» асарини ёзади. «Қамтарлар ёки оқ кийимдаги кишилар тарихи» асарини ҳам шу даврда ёзади. Аммо бу асар бизгача етиб келган эмас. «Ўтмиш ёдгорликлари» асари ўз даврида кенг шуҳрат топди. У қайта-қайта кўчириб ёзилди.

Рай шаҳри ҳукмдори Қобус ибн Вашмгар (1012 йилда ўлдирилган) Абу Райҳон Берунийни ўз ҳимоясига олади, вазирлик лавозимини таклиф қилади. Аммо олим Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун II (1009—1017) Берунийни Урганчга чақиртиради, унга катта ҳурмат-эҳтиромда бўлади. Беруний саройда тўпланган олимларга раҳбарлик қилади, шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаолият кўрсатади.

Беруний Хоразмдалик пайтида замондоши, буюк табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино билан илмий ёзишмалар олиб боради.

1017 йили Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олгач (1017 йил), Беруний бошқа хоразмлик олимлар қатори Ғазнага олиб кетилади ва умрининг охиригача шу ерда қолади. Беруний ўн уч йил давомида Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигида яшайди. Ғазнадалик пайтида у география ва геодезияга оид «Таҳдид» (ёзиб тугаллаган пайти 1025, 18. IX) асарини ёзади. 1029 йили астрономия ва астрологияга оид «Тафҳими авоили санъат аттанжим» («Астрономия санъати асослари») дарслигини ёзади. 1030 йили «Ҳиндистон» номи билан машҳур бўлган

асарини яратади. Унда олим Ҳиндистон халқининг ҳаёти, тарихи, этнографияси, мамлакатнинг тавсифини илмий асосда ёритади.

Орадан кўп ўтмай Беруний ўзининг энг йирик асарлари «Минералогия» ва «Фармакогнозия» («Сайдана») ни яратади.

Абу Райҳон Беруний бутун умрини илмга бағишлади, ўзи ҳаёт экан пайтидаёқ ўша даврнинг энг буюк олими ва мутафаккири сифатида танилди. Беруний илм-фан ривожига ғоят катта ҳисса қўшди. «Ақл ва маърифатда ҳали унга ўхшаш бирор кишини даврон ярата олгани йўқ»,— деб ёзган эди XIII аср тарихшуноси Ёқут[1].

Беруний 1048 йили декабрда Ғазна шаҳрида 75 ёшида вафот этади.

Беруний ҳам бир яратган ишининг киши руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлишига эътибор беради. Беруний ёзади: «Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. «Ҳар бир янги нарса роҳат бағишлайди» деб беҳуда айтилмаган».

«Ўтмиш ёдгорликлари» китобининг тўла номи «Ал-осор-ул-боқия ан ал-карун ул-холия» («Ўтмиш давридан қолган ёдгорликлар») деб аталади. Уни қисқартириб араб тилида «Ал-асор-ул-боқия», ўзбек тилида «Ўтмиш ёдгорликлари», рус тилида «Хронология» деб юритилади. Бу асарни Беруний 27 ёшида ёзиб тугаллаган. Берунийнинг «Ўтмиш ёдгорликлари» асарининг махсус бобларида сўғд ва Хоразм халқларининг урф-одатлари таърифланади.

Беруний меҳнатни улуғлайди, айниқса, олимлар меҳнати туфайли илмий ёдгорликлар бунёд этилишини таъкидлайди. У «Ҳиндистон» китобининг бош қисмида ёзади: «Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин: қаламнинг ўчмас излари бўлмаганда, халқларнинг хабарларини қайдан билар эдик»[2].

---

[1] **Беруни.** Избранные произведения, Ташкент, 1957, Т., 89- бет.
[2] **Беруний.** Ҳиндистон, 27- бет.

Беруний кишилар ҳаётидаги ёмонликни қоралайди. Унинг фикрича, бу иллатни йўқотишнинг асосий йўли унинг илдизларини топиш ва кесиб ташлашдир. Ёмонликнинг шохобчалари кўп, аммо уларнинг асоси уч нарса: таъма, ғазаб ва илмсизликдир. Агарда бу асослар қирқиб ташланса, шохобчалар қурийди. Бу асосларнинг негизи эса иштаҳа ва ғазабдир. Иштаҳа инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, инсонни овқатларни тановул қилиш лаззати ва ўч олиш завқи билан алдайдилар. Олимнинг тушунтиришича, бу иллатлар, ранж ва гуноҳга олиб келади. Уларнинг таъсирига берилиб кетган киши инсонлик қиёфасини йўқотади. Беруний бундай кишиларни йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвон, ҳаттоки шайтон ва иблис ҳисоблайди (ўша китоб, 70- бет).

Беруний ростгўйлик, тўғри сўзликни улуғлайди, ёлғончиликни одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди. Олимнинг уқтиришича, бирор киши келтирган хабарни ўз кўзи билан кўриш, билиш ва у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлган маъқул дейди.

Хабарга ёлғон аралашмаслиги лозим. Хабар рост ва ёлғон бўлиши мумкин. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил бўлади. Шу сабабли халқлар ўртасида тортишиш юз беради. Беруний ёлғончилик туфайли киши адолатдан юз ўгириши мумкинлигини айтиб, ёлғон сўзловчилар омонатга ҳиёнат қилиши, бошқалар мулкини ҳийла билан босиб олиши, ўғирлик қилиши, умуман, жамият ва халқнинг бузилишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Шунга кўра, олим кишиларни ҳақиқатгўй бўлишга даъват этади.

Беруний ростгўйликни адолат билан баробар қўяди. Унинг фикрича, халқ адолатни севгани каби ростгўйликни ҳам севади. Аммо унинг моҳиятини, ёқимлилигини билишни истамайдиган киши уни севмайди.

Беруний «Ҳиндистон» китобининг еттинчи бобида маърифат ва билимдонлик даражаси, кишиларнинг мулоҳаза юритиш ҳолати тўғрисида фикр билдиради. Бобдан ўрин олган ҳикояда олим шундай воқеани баён этади:

Бир устоз ўз шогирдлари билан қоронғи кечада йўл босиб борар эди. Улар йўл бўйича тик турган бир королтинга дуч келадилар. Устоз шогирдларидан унинг нима эканини айтишни талаб этади. Шогирдларидан бири билмайман, иккинчиси билмайман ва билишга қудратим етмайди, деб жавоб беради. Учинчиси тонг ёришса,

маълум бўлади, қўрқинчли нарса бўлса, тонг ёришиши билан йўқолиб кетади. Қўрқинчли нарса бўлмаса, аҳволи равшан бўлади, деб жавоб қилди.

Беруний уч шогирднинг аҳволини, қобилиятини уларнинг жавобларидан билиб олади: олимга биринчи шогирднинг илмсизлиги, учинчисининг ишни кейинга суриши, илмсиз бўлса ҳам, маърифатга интилиши намоён бўлади. Шу туфайли Беруний унинг жавобини маъқуллайди.

Бу шогирд королтинга бориб, бир-бирига чирмашиб кетган қовоқ палагини кўради, королтин жонсиз нарса эканига ишонади, бирор иҳота эмасмикан деб шубҳаланади-да, тепиб юборди. Королтин ағанади. Шунда шогирд унинг иҳота эканига тўла ишонди. Барча кўрган, билганлари ҳақида устози Берунийга хабар қилди ва унинг қаршисида эътибор қозонди.

Демак, ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш ва шундан сўнггина бир хулосага келиш керак. Беруний бу ишда тажрибага асосланишни алоҳида уқтиради, нодонлик, эринчоқлик, илмсизликни танқид қилади.

Беруний кишилар ҳаётида фитна, қаллоблик, сунъий эътиқод бўлмаслигини таъкидлайди. Олим бу хусусдаги фикрларини «Ҳиндистон» асарида Табаристонда юз берган ҳадис мисолида баён этади.

Асарда ҳикоя қилинишича, Зайд ал-Алавий даврида Табаристонда қаттиқ қурғоқчилик бўлган. Одамлар Аллоҳдан ёмғир ёғишини сўраб саҳрога чиққанлар. Шу вақтда шаҳар атрофига ўт тушиб, катта ёнғин бўлади. Бу ҳолат «Ҳиндистон» асарига киритилган шеърда шундай ифодаланади:

Табаристонликлар булут келиб, ёмғир ёғишини тилаб (саҳрога) чиқдилар.

Лекин уларга куйдирувчи иссиқ билан жавоб берилди.

Уларга орзуларнинг зидди келди, чунки қалблари фисқу фужурлар билан тўла эди.

Беруний бу тасвир орқали ўз ғояларини олға суриб, одамларни фисқу фужур, фитна-фасоддан холи бўлишга чорлайди.

Беруний ўз дидактик қарашларида табиат, жамият ҳодисаларига, турмуш воқеаларига холисона баҳо бериш — инсон табиатини билдирувчи омил эканлигини таъкидлаб, кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли

муносабатда бўлишга ундайди. Кузатишлар, тажрибалар натижаси сифатида ифодалаган бу фикрини қуйидаги шеърий парчада акс эттиради:

Розилик кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди,
Лекин норозилик кўзи (барча) айбларни ошкор қилади,— дейди Беруний.

Олим бу сатрларда розилик, норозилик кайфияти кишиларнинг турмушга муносабатини билдирувчи омил эканини айтади.

Олимнинг таъкидлашича, сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келади. Қўзғатувчилар бир меъёрда бўлса, ёқимли ва зарарсиз, агарда меъёрдан ортиқ бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлади.

Кўриш сезгисини нур қўзғатади, ҳидлаш ҳаво билан бурунга уриладиган ҳидлар орқали пайдо бўлади, таъмозиқанинг мазаси билан вужудга келади. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи махсус аъзолар танада мавжуддир. Бешинчи сезги эса, бутун баданда воқеадир.

Беруний ана шу хусусиятлари билан инсон барча мавжудотлардан устунлигини таъкидлаб, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир, деган ғояни олға суради ва бу фикрини Робиъа қабиласидан чиққан Аъшо номли шоирнинг қуйидаги мисралари орқали қувватлайди:

Менинг қалбим икки биқиним ўртасида туриб,
Кўзларнинг кўргани қулоқларнинг эшитганини
англайди.

Бу сатрларда билим эшитиш ва кўриш орқали эгалланиши ва у қалбга боғлиқлиги таъкидланади.

Беруний бу фикр тўғрилигининг исботи учун шоир Абу Таммомнинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Барча донолар дейдиларки,
Марднинг тили — қалбининг малайидир.

Абу Райҳон Беруний ҳам инсон билимларни ақлнинг сезги аъзолари берган маълумотлар орқали эгаллашини айтади.

Берунийнинг фикрича, инсон барҳаёт экан, эҳтиёжлари сақланади. Олтин ва кумушнинг киши турмушида бевосита ҳеч қандай аҳамияти йўқ, улар фақат воситагинадир. У ёзади: «Чунки уларнинг ҳар иккаласи тошдирлар, уларнинг ўзлари на тўйдира, на ташналикдан сақлай оладилар» (ўша китоб, 13-бет). Демак, олтин ва кумуш озуқа бўла олмайди, инсон зотини давом эттиришда қатнаша олмайди, кийимга ўхшаб иссиқ, совуқдан асрай олмайди, уй-жой вазифасини ҳам ўтай олмайди.

Шунга кўра, Беруний уларга ҳирс қўймасликни уқтиради. У ўз фикрини исботлаш учун қуйидаги ҳикояни келтиради: Денгизда саёҳат қилган бир одамнинг айтиб беришича, шамол уларнинг кемасини катта денгиздан бир оролга олиб чиқиб қўйган. Ҳамма сайёҳлар қирғоққа тушганлар. Маҳаллий кишилардан бирида ўзларига керакли нарсани кўриб, уни олмоқчи бўлганлар ва у одамга динорни берганлар. У динорни қўлида тутиб, айлантириб, ҳидлаб, оғзига олиб кўрган. Ўз сезиш аъзолари ҳеч қандай фойда ёки сезги ҳосил қилмагач, динорни эгасига қайтарган ва фойдали нарсанинг эвазига бефойда нарса бериш ярамайди, деган.

Беруний ҳикояда ифодаланган воқеани қувватлаб ёзади: «Ҳаёт номига қасамёд қилиб айтаманки, савдонинг табиий шакли ана шундайдир. У маданий одамлар орасида ўзаро хизмат кўрсатиш йўлидаги чинакам ҳаётий тартиб шундагина ўрнатилади» (ўша китоб, 13-бет).

Беруний мурувват ва шавкатни энг яхши инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, мурувватли киши (маъъ) бошқаларнинг қарзини тўлаб юборади, ўзгаларга бағишлайди. Шавкатли одам эса (фато) ўз қобилияти, хушмуомалалиги, шавкатлилиги, қатъийлиги, чидам, фазилат ва камтарлик хислатлари билан ажралиб туради. Беруний ўз асарида бу ҳақда ҳикоя келтиради:

Жаҳза ал-Бармакийнинг айтишича, Басрда бир одам бўлган экан. У ҳар куни ўзининг энг яхши кийимларини кийиб, энг яхши уловга миниб чиқар ва ҳар доим кишиларнинг мушкулини осон қилиб берар экан. Ундан бунинг боисини сўраганларида у айтган: «Ҳаётимнинг энг тотли дамларида мен энг гўзал куйчи аёлларнинг оҳангларини тинглаб туриб, жомлардан пок шароб сипқорганман. Уларнинг нафис овозлари, нодир нағмалари дарахтлар шохидаги қушларнинг сайрашига монанд эди. Аммо ўшанда олган лаззатларим, ҳозир мендан яхшилик кўрган одамлардан қардошларим ҳузурида эшитаётган миннатдорлик, хурсандчилик олдида ҳеч нарса эмас» (ўша китоб, 15-бет.).

Беруний мурувват ва футувват (шавкат)нинг юксак хислат эканини таъкидлар экан, бу фазилатлар кишининг асл зоти, келиб чиқишига боғлиқ эмаслигини уқтиради. Кишининг насаби ва асл зоти эмас, унинг фазилати, элга қилган хайр ва яхшилиги муҳимдир. Бир шоир ёзган экан: «Агар мард киши ўзини лозим даражага кўтара олмаса, аслзода ота-боболарнинг чириб кетган суяклари ғурур боиси бўлолмайди» (ўша китоб, 15-бет.).

Беруний кишиларга нооқил ишлардан сақланишни маслаҳат беради. Улуғ олим «Ҳиндистон» асарида ўз дидактик фикрларини ибратли ҳикоялар ва шеърлар билан якунлайди:

Карамнинг ниҳоясц ўзин фидо этишдир.
Шавкатлилар ичида энг шавкатли киши ҳам
эрталаб, ҳам кечқурун,
Душманга зарба, дўстга фойда келтирган кишидир
(ўша китоб, 16- бет.).

Али ибн ал-Жаҳм дейди:

Мурувватли кишида тўкислик тугалса, уят эмас,
Унда эзгуликка интилиш йўқолса — бу уятдир
(ўша китоб, 16- бет.).

Умуман, Абу Райҳон Беруний мамлакатнинг ободончилиги илм-фаннинг гуллашида, одамнинг бахти эса унинг билим ва маърифатида деб билди. Яратган асарларида у таълим-тарбияга доир шеър ва ҳикоялардан мисоллар келтириб, улар орқали ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига кўра эзгуликка интилиш, сунъий обрў, шуҳрат қозониш учун мурувват ва шарофат кўрсатмаслиги кераклигини таъкидлади.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Юсуф Хос Ҳожиб турк дунёсидаги миллий уйғониш даврининг энг йирик мутафаккирларидан биридир. Унинг Шарқ ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ҳамда бадиий таффаккури тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёс. Аллома адибнинг педагогик қарашлари ҳам бу соҳадаги улкан меросдир. Улар тарих нуқтаи назари билангина эмас, балки бугунги кунимизга хизмат қилиши билан ҳам зўр аҳамият касб этади.

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрда — қорахонийлар даврида

яшаб ижод этган. Адиб ҳақидаги маълумотлар унинг ҳозирча топилган ягона асари «Қутадғу билиг»нинг ўзидагина мавжуд, холос. Адиб ёзади:

Йил алтмиш эрди тўрт юз била,
Бир сўз сўзладим мен тутуб жон сура[1].
(Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди,
Мен жонни койитиб ушбу сўзни сўзладим).

462- ҳижрий сана. Уни милодга ўгирсак, 1069 йил бўлади. Бу асар ёзилган йил. Ушбу парча асарнинг «Китоб идиси Юсуф Улуғ Ҳажиб ўзингга панд берур» бобидан олинди. Ўша ерда яна ўқиймиз:

Э Юсуф, керак сўзни сўзла кўни,
Кераксиз сўзлуг кезла қилға кўр-а (ўша китоб, 148- бет.).
(Эй Юсуф, керак сўзни рўй-рост сўзла,
Кераксиз сўзни яшир, (чунки у) зиён қилади).

Ушбу мисралар адибнинг исми ҳақида маълумот бермоқда. Бобдаги сарлавҳа эса унинг «Улуғ Ҳожиб» бўлганига ишора беради. Китобнинг насрий муқаддимасида ҳам адиб ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. «Бу китобни тасниф қилиғли Баласағун мавлудлуғ парҳиз идиси эр турур. Аммо бу китобни Қошғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон ускинга кекурмиш, малик ани ағирлаб, улуғлаб ўз Хас Ҳажиблиғи анга бермиш турур анинг учун Юсуф Улуғ Хас Ҳажиб теб ати-жави язилмиш турур» (Бу китобни ёзувчи Баласоғунда туғилган, парҳез соҳиби (яъни тийилган, сабр-қаноатли) кишидир. Аммо бу китобни Қошғарда тугал қилиб, Машриғ малики Танғачхон даргоҳига келтирибдур. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозими)ни унга берибди). Бу парчада бир нечта муҳим нуқта бор. Биринчиси: адибнинг асли номи Юсуф бўлиб, унинг Баласоғун шаҳрида туғилгани. Иккинчиси эса китобнинг Қашқарда тугатилганлигидир. Худди шу ерда унинг Тавғачхон томонидан Улуғ Ҳожиблик лавозимига кўтарилгани қайд этилмоқда. Китобда бошқа маълумотлар ҳам борки, улар Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғундан Қашқарга боргунча бошқа ўлкаларда ҳам бўлганини кўрсатиб туради:

---

[1] **Юсуф Хос Ҳожиб.** Қутадғу билиг («Саодатга йўлловчи билим»). Нашрга тайёрловчи К. Каримов. Т., «Фан» нашр. 1971, 148-бет.

Мунуқи таруғлақ Куз ўрду эли,
Туб-асли, насабдин йўримиш тили.
Бу туғмиш элиндин чиқиб борғони,
Китобни қўшубон тугал қилғони.
Барусин битимиш, етурмиш низом,
Бу Қашғар элинда қўшилмиш тамом! (ўша китоб, 84- бет.). Яъни:

(Куз ўрду ўлкаси аслида эли,
Туб-асли насл-насабдан сўз очди тили.
Туғилган элидан чиқиб боргани,
Китобни жам этиб тугал қилгани.
Борини битибдир не эса калом,
Бу Қашқар элида тугади томом).

Куз ўрду — Баласоғуннинг иккинчи номи. Бу ерда шоирнинг «Туғилган элидан чиқиб боргани» ҳақидаги ишоралари киши диққатини тортади. Демак, адиб асарни ёзишга тайёргарлик кўриш учун кўпгина ўлкаларда сафарда бўлган, ўзига керакли бўлган тарихий, фалсафий, ахлоқий-таълимий ва бадиий асарларни ўрганган. Ушбу хулосани қуйидаги мисралар яна бир марта қувватлайди:

Чинийлар «Адаб ул-мулк» деб атар,
Мочинлар «Анис ул-мамолик» деяр.
Бу Машриқ элининг донишмандлари,
«Зийнатул-умаро» дейишди бари.
Эронлик «Шоҳнома» деди белгилиғ,
Туронлик ном қўйди «Қутадғу билиг» (ўша китоб, 5- бет.).

Яъни:

(«Чинликлар «Абадул-мулк» деб атайдилар,
Мочинликлар эса «Анисул-мамолик»
дейдилар.
Бу Машриқ элида улуғлар буни,
Чиндан «Зийнатул-умаро», дейдилар.
Эронликлар буни «Шоҳнома» дейдилар,
Туронликлар: «Қутадғу билиг», деб ном
қўйдилар).

Кўринадики, шоир Чин (хитой), Мочин (Шарқий Туркистон) дагина эмас, Эрон ва Турон (Туркистон ва умуман, туркий халқлар яшайдиган ўлкалар) да узоқ муддат сайру саёҳатларда бўлгани ҳақида тахмин қилиш имконини беради. Китобда турли туркий ва туркий бўлмаган қабила, уруғ ва халқ номларининг, географик атамаларнинг учраши ҳам фикримизни қувватлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб 1019—1020 йилларда дунёга келди. Унинг «Қутадғу билиг» асари, яъни «Бахт-саодатга эриштирувчи билим» демакдир. Асар бундан 925 йил олдин 1069 йилда ёзилган. Ушбу асар туркий халқларнинг қадимги таълим ва тарбия усуллари ҳақидаги илк маълумотларни сақлагани билан ҳам муҳимдир. Бу асар орқали XI асрдаги ижтимоий ва оилавий тарбия, мактаблардаги фан тармоқлари, ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўплаб билимларга эга бўламиз. Юсуф Хос Ҳожибнинг ақлий, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний, нафосат тарбиясига доир фикрлари билан танишамиз.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонни улуғлайди. Унинг фикрича, инсоннинг улуғлиги ақл-идроки, сўзлаш қобилияти, билими, уқуви, ҳунарга эгалигидадир. Бу хислатлар унинг муҳтарамлигини ҳам таъминлайди. Шоир дейди:

Баят кимки берса уқуш, ўғ, билиг,
Уқуш, эзгуликка узатти алиг (ўша китоб, 84- бет.). Яъни:

(Худо кимга уқув, ақл-идрок, билим берса,
У кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади.)

Адиб уқув ва билимни фарқлайди: уқув туғма равишда инсон руҳиятида мавжуддур, билим эса ўқиш-ўрганиш ва меҳнат туфайли эгалланади. Агар уларнинг ҳар иккиси ўзаро бирлашса, инсоннинг қадри ортади:

Уқуш қайда бўлса, улуғлик бўлур,
Билиғ кимда бўлса, бедуғлуг алур.
Уқушлуғ уқар — ул, билиглиғ билир,
Билигли, уқуғли тилакка тегир

(ўша китоб, 84- бет.).

Яъни:

(Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади.
Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади.)

Юсуф Хос Ҳожиб билимсиз кишини касалликка чалинган одамга ўхшатади ва касаллик ўз пайтида даволанмаса, киши тезда нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам

ҳар бир инсон билимсизлик касалидан тез қутулиш чораларини кўрмоғи лозим.

Шоирнинг фикрича, билим бир бошбоғ ёки жилов кабидир. У кишини ҳар хил нолойиқ ишлардан асрайди. Шу хусусияти туфайли билим азиз ва мўътабардир.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонда уқув-идрок ва билим тил, сўз орқали намоён бўлишини айтади. У дейди:

Уқушқа билигка бу тилмачи тил,
Яруттачи эрни йўриқ тилни бил

(ўша китоб, 86- бет.).

Яъни:

(Уқувга, билимга бу тил таржимондир,
Кишини ёритувчи деб йўриқ — равон тилни бил.)

Шоир тилни авайлаб-асраш зарурлигини таъкидлайди. У тилни қафасда ётган арслонга ўхшатиб, арслон қафасдан чиқиб кетгудай бўлса, дастлаб эгасининг бошига етишини эслатади. Шунинг учун ҳам бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

Сўзингни кудазгил — башинг бармасун,
Тилингни кудазгил — тишинг синмасин

дейди у (ўша китоб, 86 бет.).

Яъни:

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

Кўп сўзлик фойдасиз машғулотдир. Шунинг учун ҳам «туман сўз тугунини бир сўзда ёзиш» лозим. Зеро, киши сўз туфайли қадр топиши ёки аксинча «Боши эгик бўлиши» мумкин.

Бунинг фарқига билим билангина етилади. Билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Бу ҳол унинг сўзлар маъносидаги айирмани ҳам кўрмасликка олиб келади. Демак, сўз маъноларини илғаш учун ҳам билимдонлик талаб этилади.

Юсуф Хос Ҳожиб, «Қутадғу билиг»даги Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш образларида ҳам муҳим фазилат билим эканлигини таъкидлайди. Буни қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбатларида инсоннинг жамият талабларига муносиб бўлиб етишуви ҳақидаги йўл-йўриқлари тасвирида кўриш мумкин.

Юсуф Хос Ҳожибнинг уқтиришича, ҳар бир киши

жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун у, туғилган кунидан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. Чунки:

Ўрунг сут била кирса эзгу қилиқ,
Улум тутмагунча эвурмас йўриқ (ўша китоб, 184- бет.).

Яъни:

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча, ўз тарзини ўзгартирмайди.

Шоир ўғил ва қизнинг тарбияси ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзларига хос хусусиятига эътибор беришни таъминлайди, у шундай дейди:

Ўғул-қиз туруса сенинг, эй тегин,
Эвинда ичидгил, игитма ўнгин.
Авуртаси эзгу киши тут, ариғ,
Ўғул-қиз ариғ кўпга, турға фариг.
Ўғул-қизқа ўргат билиг ҳам адаб,
Ангар экки ажун аниңг асғи таб.
Қамуғ эрдам ўргат ўғулка тугал,
Ул эрдам била бу тера берга мал.
Сўнгра, идма бўшлағ, ўғулуг ява,
Ява бўлға бўшлағ, югурга эва (ўша китоб, 672—674- бетлар).

Яъни:

(Сенинг ўғил-қизинг бунёд бўлса, эй олий насаб,
Уйингда тарбиялагин, бошқа ерда тарбияламагин.
Мураббийни яхши кишилардан олгин,
Ўғул-қиз пок ўсади, (номатлуб ишлардан) фориғ туради.
Ўғил-қизга билим ҳам одоб ўргат,
Икки олам уники, манфаати етарли бўлади.
Ўғилга барча санғат-ҳунарларни тугал ўргат,
Бу санғат ҳунарлар билан у мол-дунё йиға беради.
Ўғилни тергаб тур, бебош (ва) беҳуда қўйма,
(У) бефойда (ва) бебош бўлади, шошиб (бекорга) югуради).

Бу парчада туркий халқларнинг анъанавий тарбиясига, оила муҳитидаги тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Шоирнинг таъкидлашича, бола туғилгандан бошлаб, оила муҳитида яшайди. Шу оилага хос бўлган анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар боланинг маънавий дунёсига сингади. Оила жамиятнинг бир бўлагидир. Демак, бола оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис қилади.

Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларга берилишининг олди олинади. Бунинг учун махсус тайёргарликка эга бўлган, эзгу ниятли ва покиза мураббий таклиф этилиши керак.

Юсуф Хос Ҳожиб таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқ ҳолда бўлишини тавсия этади, ўғил болаларнинг бир неча санъат турларини ва ҳунарларни тугал ўрганмоғи лозимлигини таъкидлайди. Бу — уларнинг келажак ҳаётлари, жамият ривожи учун зарурлигини айтади.

Улуғ шоир бола ота-оналар назоратида бўлиши кераклигини уқтиради, унинг фикрича, шундагина болада масъулият ҳисси ривож топади. Шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир, улар танлаган тўғри йўл фарзандларнинг келажаги, камолоти учун ниҳоятда муҳимдир.

Шоир дейди:

Ата эмгаки бўлса ўғли уза,
Ул ўғли билир ўтру килк, янг уза,
Киса тулса ўғлин, кўр, эзгу бўлур,
Атаси, анаси яранғу бўлур

(ўша китоб, 237- бет).

Яъни:

Болага отанинг меҳнати сингган бўлса,
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.
(Ота) болани назоратда тутса, у яхши,
эзгу бўлади,
Отаси ва онасининг юзи ёруғ бўлади.

Ота фарзандлари тарбиясига эътиборсизлик билан қараса, уларнинг юриш-туришлари, ахлоқ-одобини кузатиб бормаса, оқибати фожиали бўлиши мумкин.

Қали қистачи бўлмаса, ул ўғул,

Ява-бўлди, сен ул ўғулдин тўнгил

(ўша китоб, 237- бет).

Яъни:

Агар бола назоратсиз бўлса,
У ярамас, бадкирдор бўлади, ундай боладан
умидингни уз.

Юсуф Хос Ҳожиб ота-оналарни бола тарбиясига эътибор беришга даъват этар экан, жамият фарзандлар хулқ-атворига қараб ота-оналарга баҳо беришини айтиб, уларни огоҳлантиради. У дейди:

Неку тер, эшитгил, ўғуллуғ киши,
Башинда кечурмуш етурмуш яши.
Кимунг ўғлағу бўлса ўғли-қизи,
Анғар йиғлағу бўлди мунглуғ ўзи,
Кичикди ата идеа ўғлин ява,
Ўғулдин язук йўқ атадин жафа,
Ўғил-қиз эсиз бўлса, қилқи, янги,
Ул эсиз ата қилди, андин ўнги

(ўша китоб, 237- бет).

Яъни:

Болали киши нима дейди, эшитгин,
Ёши етилган ва бошидан ўтказган киши.
Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса,
Унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб
йиғлайди.
Ота болани кичиклигидан бошлаб
бебош қилиб қўйса,
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида.
Ўғил-қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса.
Бу ярамас ишни ота қилган бўлади,
ундан бошқа эмас.

Юсуф Хос Ҳожиб фарзандларга турли билим ва ҳунарлар ўргатилмоғи кераклигини айтиб, уларни гўзал ахлоқли қилиб, вояга етказишни ота-оналарга маслаҳат беради:

Баят кимки берса укуш, ўғ, билиг,
Камуғ арзуларқа узатти алиг,
Кимунг қилқи эзгу, қилцнгчи ўнгай,—
Тилакини булди, ярутти кун, ай,
Камуғазгука мун бу эзгу қилинч,
Қилинч эзгу бўлса, болур минг севинч

(ўша китоб, 236- бет).

Яъни:

Худо кимга заковат, ақл, билим берса,
У барча орзуларга қўл узатади,
Кимнинг хулқи яхши, феълу-атвори тўғри бўлса,
У тилагини топади, кун ва ой унга боқади.
Яхши феъл-атвор барча эзгуликларга моядир.
Хулқ-атвор барчаси яхши бўлса, минг-минг севинч йўлида.

Юсуф Хос Ҳожиб тарбияда катталар намунаси, аждодлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Бу ҳақдаги фикрни «оталар сўзи» орқали ифодалаб, шундай дейди:

Неку тер, эшитгил синамиш қари,
Синамиш қарилар сўзи сўз қўри...

(ўша китоб, 162- бет).

Яъни:

(Кўп нарсаларни) синаган қари (киши) нима дейди, эшитгин,
Синаган қариларнинг сўзлари сўз қўр-қути (моясидир).

Неку тер, эшитгил авучқа сўзи,
Авучқа сўзи — ул йигитлар кўзи...

(ўша китоб, 474- бет.).

Яъни:

Кекса кишининг сўзин эшитгин, (у) нима дейди,
Кексалар сўзи йигитлар кўзидир.

Юсуф Хос Ҳожиб камтарликни инсон камолотининг муҳим фазилати ҳисоблайди ва ўғли Угдулмушни бу фазилатни эгаллашга ундайди:

Феъл-атворни соз тут, унутма ўзинг,
Кўнгилни кичик тут, семиртма сўзинг[1]

дейди у.

Шоир мол-дунёга ўчликни ёмон, инсон бошига кулфат келтирувчи зарарли хислат деб билади, ўз ҳаётида йиғилган бойлиги ўзига ўкинч келтирганини айтиб, ўғлига шундай насиҳат қилади:

[1] Шу мисралардан бошлаб кейинги мисралар бизнинг янги таржимамизда берилган. *Б. Тўхлиев.*

...Мана мен яшадим, қаридим, бироқ,
Не қилмади дунё, сен олгин сабоқ.
Бойлик йиғдим, аммо еёлмади жон,
Ўкинчда кечар кун, зарар бепоён.

Юсуф Хос Ҳожибнинг уқтиришича, инсон соф кўнгилли, тўғри бўлмоғи керак. Шундагина у кулфат-аламлардан холи бўлади. Шунга кўра, ўғлига:

Соф бўлгин, феълингни мукаммал этиб,
Соф бўлсанг, келар, аламлар кетиб...
Агар ким тиласа фароғатли кун,
Қидирсин тўғрилик, покликни бутун,—

деб уқтиради, поклик инсонга фароғат, бахт бахш этувчи фазилат эканини айтади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик қарашларида халқ билан бирга бўлиш, адолатли бўлиш ғояси асосий ўринда туради. Шу сабабли ҳам шоир ўғлига қилган насиҳатида уни эзгуликни касб этишга даъват этади. У дейди:

Улуғ халқ бошини ушласанг агар,
Ўзингга адолат йўлини ўнгар...
Фақат эзгулик қил, ёмондан йироқ,
Сенга қут келажак, ёмонлик йирар.
Ўзингга бировга соғинма зиён,
Тамом эзгулик қил ҳар он, ҳар замон.

Улуғ мутафаккир инсонларнинг сабрли, сир-сақлайдиган, яхшилар билан ҳамкор бўлишини истайди, чақимчиликни, ҳасадгўйликни қоралайди. Шоир ўғлига бу ҳар икки хислатнинг фойдаси ва зарарини баён этиб дейди:

Ғазабингни босгин, доим бўл оғир,
Сабрли кишига севинч қўл берур.
Не деяр эшитгин, сабрли киши,
Сабрдан соз улар бузулган иши,
Сабр этган киши тилагин топар,
Сабрли, оғир эр бахт қушин топар.
Агар давлат ошиб кўтарса овоз,
Ўзингни босолсанг, бўлур эзгу, соз.
Сабр қил, сабр — бу жасурлар иши,
Сабрдан топар йўл фалакка киши...
Чақимчи кишини яқин тутмагин,
У элга ёяди бутун билганин.
Синалган кишини сев, ушла шу жойда,
Сенга теккай ундан туман минг фойда.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз дунёқараши, ўз эътиқодига кўра, эзгулик ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир киши ўлимни унутмаган ҳолда, аввало ўзи ким эканлигини ўйлаши кераклигини таъкидлаб, мол-дунёга ҳирс қўймай, эзгулик қилиб шодон умр ўтказишга даъват этади. У ўғлига қилган насиҳатида шундай дейди:

Ўлимни унутма, ҳозирлик тила,
Ўзингни унутма, ким эдинг бил-а...
Бу дунёга бўлма сира маҳлиё,
У тезда кетади кўз очгунча то...
Тирикликни бузма сен эзгу бўлиб,
Шодон юз, оламдан керагинг олиб.

Умуман, Юсуф Хос Ҳожиб ўз достонида тил одоби, ростгўйлик, поклик, камтарлик, севги ва вафо, мурувват, сабр-тоқат каби фазилатлар хусусида қилган ҳикматли панду насиҳатлари билан кишиларни, ёшларни ҳар бир ишда ақл-идрокли, ўзгаларга ғамхўр ва мушфиқ бўлишга, ҳар бир ишни ўз ўрни ва ўз вақтида адо этишга даъват этади. Табиийки, улуғ шоирнинг бу ўгитлари ўша даврда муҳим аҳамият касб этгани каби, ҳозирги давр таълим-тарбиясида ҳам ғоят қимматлидир.

АЗ-ЗАМАҲШАРИЙ

Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий 467 ҳижрий сана ражаб ойининг 27 куни (янги ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартида) Хоразмнинг Замаҳшар қишлоғида туғилди.

Аз-Замаҳшарий дастлабки билимини она юрти Замаҳшарда ўз даврининг ўқимишли кишиларидан саналган отасидан олади.

Ёшлигидан илмга ҳавасманд Маҳмуд отасидан ўзини Хоразмга мадрасага ўқишга юборишини сўрайди. Ўғлидаги илмга зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган ота унинг илтимосини бажо келтиради.

Ана шу пайтдан бошлаб ёш аз-Замаҳшарий илм-фаннинг турли соҳалари билан қизиқиб, тенгқурлари орасида қобилияти ва истеъдодини намоён қила бошлайди. Мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини батафсил ўрганади. Шу билан бир қаторда, ўша вақтда илм аҳллари орасида энг муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сиру асрорини ҳам мукаммал ўзлаштириб, сўнг

ўз билимини ошириш мақсадида Бухоро шаҳрига йўл олади. Аз-Замаҳшарий Бухорода таҳсил кўриб юрган йилларда отаси вафот этади. У Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил хоразмшоҳлар хизматида бўлади. Бироқ қобилияти, илми ва фазилатларига муносиб эътибор кўрмагач, Марв, Нишопур, Дамашқ, Бағдод, Макка ва Ҳижозга сафарга жўнайди, тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, география, тафсир, ҳадис, фиқҳ илмларида элликдан ортиқ йирик асарлар ёзади. Аз-Замаҳшарий 1144 йилларда Хоразмда вафот этади.

Ўз билим тафаккурининг чуқурлиги ва ноёб истеъдодининг кенг қамровлиги туфайли аз-Замаҳшарий ўз даврида «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахри-л-Хваразм» («Хоразм фахри»), Маккада узоқ вақт яшагани учун Жаруллоҳ («Аллоҳнинг қўшниси») каби шарафли номларга сазовор бўлади. Ҳинд Ҳусайн Тоҳо таъкидлаганидек, у ўз юрти Хоразмда ҳам, ўзи зиёрат қилган Шарқнинг кўплаб шаҳарларида ҳам доимо машҳур олимлар, шоир ва адиблар даврасида бўлар, улар билан қизғин илмий баҳслар, мунозараларда иштирок қилади.

Аз-Замаҳшарий илмий асарлар ёзиш ва шогирдлар етиштиришни ҳамма нарсадан, ҳатто фарзанд кўришдан ҳам юқори қўйган. Аз-Замаҳшарий ўз ижодий фаолияти даврида «Ал-муфассал фи санъат ал-иъраб» («Флексия санъати ҳақида муфассал китоб»), «Ал-кустас» («Аниқ мезон»), «Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар»), «Атвоқ уз-заҳоб» («Олтин шодалар»), «Алфоиқ фи ғариб ил-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар»), «Асос ул-балоға» («Балоғат асослари»), «Таълийм ал-мубтадий ва иршад ал-муқтадий» («Ибтидога ўргатиш ва эргашганга йўл кўрсатиш»), «Нузҳат ул-мустаанис» («Дўстлар фароғати»), «Китоб хасоис ул-ашарат ул-киром ал-барара» («Сахий, карамоатли ўн кишининг хусусиятлари ҳақида китоб»), «Ал-кашшоф»—«Ал-Қашшоф ан ҳақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-яқовийл фи вужуқ ит-таъвийл» («Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич») каби асарлар ёзиб, уларда илм-фан равнақи, инсон камолоти хусусида фикр баён этиш билан бирга, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб ҳақида ўз қарашларини ифодалади. Буни, айниқса, «Навобиғ ул-калим»—«Нозик иборалар» асарида ифодаланган ҳикмат, насиҳат ва ўгитларида кўриш мумкин. Бу асарда инсонлар ота-

онага ҳурмат, илмга муҳаббат, вафо, ҳақгўйлик, ҳалол-покизалик, ҳамдардлик, мардлик, ҳимматлик, хушфеъллик, олижаноблик, эзгу ният каби яхши хислатли бўлишга, ёмон иллатлар ва улардан сақланишга даъват этади.

Масалан, аз-Замаҳшарийнинг таъкидлаб, ота бошқалардан фарқли ўлароқ шарафли ва машҳурроқ, аммо она эса, доимо шафқатли ва матлаблироқ эканини айтади.

Аз-Замаҳшарий одамларни тўғриликка, ҳақ йўлдан юришга даъват этади, тўғрилик кучли маҳобат эканини айтиб дейдики: «Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир»[1].

Шоирнинг фикрича, инсон агарда иффат ва виқор соҳибқирони бўлмаса, у хору зор, таҳқирга гирифтор бўлади.

«Агар,— дейди аз-Замаҳшарий,— иффат ва виқор соҳибқиронларидан бўлмасанг, хору зорлик, таҳқиру тубанликка мудом гирифторсан» (ўша китоб, 53- бет.).

Аз-Замаҳшарий ҳалоллик-покизаликни шарафлайди ва бу сифатларни шарофатли, одамларни ҳалокатдан сақловчи улуғ фазилатлар деб билади. «Ҳалол, покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир; бировга ҳиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир» дейди шоир (ўша китоб, 52- бет.).

Шоирнинг тарбия ҳақидаги қарашларида одамларни азиз ва ҳурматли бўлишга хитоб алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича: «Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гўёки бу ташвишлар улар (ҳурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир» (ўша китоб, 53- бет).

Аз-Замаҳшарий олижаноб ва шариф бўлганларни улуғ, салобатли одамлар деб эъзозлайди. Унинг таъкидлашича, бундайлар ҳозир бўлмай ғойиб бўлганларида ҳам бошқалар уларнинг суҳбатларини, мулоқотларини орзу қиладилар, башарти улар суҳбатга келиб қолса, суҳбатдошлар уларнинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортадилар.

Улуғ мутафаккир илмни, илм аҳлини юксак баҳолайди. Шоирнинг уқтиришича, илмли бўлиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукаммал бўлади, олим киши чи-

[1] Абу-л-Қосим Маҳмуд Аз-Замаҳшарий. Нозик иборалар. Т., «Қамалак» нашриёти, 1992 й., 32- бет.

ройли, хушхат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганлигидан далолатдир. «Ер заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир»— дейди шоир (ўша китоб, 59- бет).

Аз-Замаҳшарий ўз педагогик қарашларида қавм-қариндошлар ўртасида аҳиллик бўлишига ҳам эътибор беради. Зеро, аҳилликнинг бўлиши ёшлар тарбиясида муҳимдир. Шоир: «Баъзан одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига ҳайру эзгулик кўрсатмай, яқин (қариндош) лиги бўлмаганларга эҳсон қиладур — туяқуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисоли, яъни баъзи телба одамлар борки, ўз қариндош-уруғининг ёрамига муҳтожлигини кўра туриб, унга ёрдам қилмай, беҳуда ёту бегоналарга эҳсон қилади»— дер экан, қавм-қариндошларни ўзаро ҳамдард, ҳайру эҳсонли бўлишга, бир-бирларига эзгулик кўрсатишга даъват этади (ўша китоб, 58- бет.). Аз-Замаҳшарийнинг бу даъвати қавмлар ўртасида, умуман, жамиятда тинчлик, осойишталик бўлишида муҳим аҳамият касб этган, албатта.

Аз-Замаҳшарий одамларни сергакликка, ёмон ниятли, нопоклардан эҳтиёт бўлишга ундаб, ёмон фикрларни таърифлаб дейдики: «Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг маърифатидан йироқдурлар» (ўша китоб, 54- бет). «Ўзини саҳий, мард ва ҳимматли кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан қўрқ, токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига туширгайлар» (ўша китоб, 56- бет).

Аз-Замаҳшарий ёмонлик, хасислик, такаббурликни қоралайди. Улуғ шоир одамларни бу иллатлардан йироқ бўлишга ундар экан, ёмон, хасис киши ҳар бир тилда лаънатланиши, такаббурлик бор йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмаслигини айтади. «Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориғ бўлмас»— дейди у (ўша китоб, 74- бет).

Умуман, аз-Замаҳшарий ўз педагогик қарашларида инсонларни яхшиликка, инсоний фазилатли, ота-онага, эл-юртга мурувватли бўлишга даъват этди, жамият, халқ ва инсонларга зарарли, доғ туширувчи иллатларни қоралади, улардан холи бўлишга ундади. «Қимники ҳим-

мати-ю муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлар (ҳамдардлик билдирар)лар»— деб насиҳат қилди (ўша китоб, 76-бет).

Табиийки, аз-Замаҳшарийнинг бу панд-насиҳатлари тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, педагогик фикр ривожида муносиб ўринда бўлган, ҳозир ҳам таълим-тарбияда қимматли аҳамиятга эга.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ. КУБРО

Тасаввуф ислом дини пайдо бўлгандан сўнг, унинг доирасида Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф аҳкомларига мос равишда пайдо бўлади, X—XI асрларда Мовароуннаҳр (Ўрта Осиё), умуман мусулмон мамлакатлари халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида ғоявий оқим сифатида кенг ёйилади.[1]

Таркидунёчилик, бу дунё бойликларидан ва ноз-неъматларидан воз кечиш, Аллоҳ висолига етишмоқ учун пок, ҳалол, ўзининг ҳалол меҳнати билан яшаш, ихтиёрий равишдаги фақирлик тасаввуфга хос хусусият ҳисобланади.

Ўрта Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши йирик мутафаккир ва мутасаввиф донишманд Шайх ул — шуйк (шайхлар шайхи) Хазрати Юсуф Хамадоний номи билан боғлиқдир.

Юсуф Хамадоний 1048 йилда Хамадон (Эрон) яқинидаги Гузанжирд қишлоғида таваллуд топади. Унинг таълимотига кўра, ўзининг фикри-зикрини Аллоҳ таолонинг висолига етишишга бағишлаган, бундай эзгу нажиб (мўътабар) йўлда поклик, тўғрилик, ҳалоллик, ўз қўл кучи, ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган, бунинг учун ҳормай-толмай мужодала (баҳслашувчи) ва мубориза (якка-якка курашувчи) қилувчи, ҳар томонлама камолотга эришганларгина аҳли тасаввуф, деб аталиши мумкин.

Юсуф Хамадоний Аллоҳ васлига етмоқ учун саъй-ҳаракат қилади, ўз камолотини оширади, бошқаларни

[1] Ушбу мақола «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар» (Академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида) қўлланмасида берилган «Ўрта Осиёда тасаввур оқимлари» матни асосида тайёрланди. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 й., 103—115- бетлар.

ҳам шу йўлга даъват қилади ва бу соҳада кўп шогирдлар етиштиради.

Юсуф Хамадоний 1140 йилда Томиён (ҳозирги Афғонистон) шаҳрида вафот этади.

XII асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. Яссавий 1041 йилда Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида дунёга келади. Яссавий ўзининг «Ҳикмат» асарида «Яссавия» тариқатининг барча ақидаларини муфассал баён этган. Бу асарда «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр-шафқат, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, Аллоҳ висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган.

Хожа Аҳмад Яссавий Ўрта Осиёдаги илк тасаввуфий тариқат —«Яссавия»нинг асосчиси, нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳр, балки бутун дунё туркий забон халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида катта мавқени эгаллади. Яссавий 1166 йилда вафот этади.

XII асрда Ўрта Осиёда йирик тасаввуфий тариқат — «Кубравия» вужудга келади. Бу тариқатга асос солган Шайх Нажмиддин Кубро 1145—1146 йилларда Хоразмдаги Хива шаҳрида дунёга келади.

«Кубровия» тариқати Ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, ўз даврида Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон мамлакатларида кенг ёйилади. Мазкур тариқат соликлари (аъзолари) зикрни овоз чиқармасдан ижро қилиш усулини қўллайдилар.

Кубро 1188 йилда мўғул босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

Нажмиддин Кубро асос солган «Кубравия» тариқатининг одоблари (қоидалари) ўнта бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. *Тавба.* Тариқат йўлига кирган солик қилган қилмишларидан тавба қилиб, Аллоҳни билиш, унинг васлига етиш учун доимо ўз ақлига яна ақл қўшиши, ўзини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб, такомиллашиб бормоғи лозим.

2. *Зуҳд фи-дунё.* Тариқат аъзоси дунёвий бойликлардан, мол-мулк ва ноз-неъматлардан воз кечмоғи даркор.

3. *Таваккул ал-Аллоҳ.* Тариқат аъзоси Худога мутлақо ишониши, унга чуқур ва сидқидилдан эътиқод ҳамда эътимод қилиши зарур.

4. *Қаноат.* Солик мол-дунёга муккасидан кетмаслиги, унга ҳирс қўймаслиги, сабр-тоқатли ва қаноатли бўлиши шарт.

5. *Узлат.* Тариқат аъзоси кўпроқ ёлғиз қолиши, халойиқдан узоқлашиб, қалбини мустаҳкамлаб, ботинан ўзини чиниқтириб, покланиб бормоғи лозим.

6. *Мулозимат аз-зикр.* Тариқат аъзоси худо номини доимо тилга олиб, унинг шаънига сидқидилдан зикр-самоъ қилиши шарт.

7. *Таважжуъ ал-Аллоҳ.* Тариқат аъзоси бутун қалби, бор вужуди ила Аллоҳ таолога мурожаат қилиб юрмоғи керак.

8. *Сабр.* Тариқат аъзоси ҳайвоний хусусиятлардан, шаҳвоний ҳирсу ҳаволардан қутилмоғи лозим.

9. *Муроқаба.* Тариқат аъзоси ўз қалбини ҳар қандай пасткашликлардан сақламоғи, риё ва макру ҳийладан халос бўлмоғи шарт.

10. *Ридо.* Тариқат аъзоси Аллоҳ васлига етишгач, ўзини Аллоҳ таолони таниган (ориф) ва конеъ, деб ҳисобламоғи керак.

Нажмиддин Кубро араб ва форс тилларида «Рисолат мин муаллифот аш-Шайх-ул-миллат ва д-дин ал-Кубро», «Шарҳи рисолаи одобу з-зокин», «Рисолаи Шайх Нажмиддин» ва бошқа асарлар ёзиб қолдирган.

Нажмиддин Кубродан кейин, унинг тариқати қоидалари (одоблари)нинг аксарияти Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд тариқатларида давом эттирилди.

XV асрда Ўрта Осиёда «Нақшбандия» тариқати юзага келади. Бу тариқат «Ҳожагон» номи билан ҳам машҳур бўлиб, унинг асосчиси Абдуҳолиқ Ғиждувонийдир.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний Бухорода «Ҳожагон» (кейинроқ «Нақшбандия» деб аталган) таълимотига асос солиб, ўз муридлари учун бир неча қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ мезонларини ишлаб чиқади. Бундай ахлоқ мезонларини Фахруддин Али ас-Софий «Рашаҳа», яъни «томчи» деб атаб, бевосита Ғиждувонийнинг ўз ўғлига қарата айтган панд-насиҳатлари тариқасида баён этади:

«Эй писарак (ўғилча), сенга насиҳат қилиб айтаманки, илм-маърифат, ахлоқ-одоб, тақво учун ҳамиша саъй-ҳаракат қил, вақтида намозингни ўқи, лекин имомлик ва муаззинлик қилма, ўзингдан кейин қимматбаҳо осор (асар) ва таълимот ёзиб қолдир, суннат ва жамоа мулозимати учун интил, фиқҳ илмларини тўхтовсиз ўрганиб бор, ҳаргиз шуҳратталаб бўлма, чунки шуҳратталабликдан доимо офат келади, мансабга муқаййид бўлиб қолма (мансабпараст бўлма), доимо гумномликка ҳаракат қил (камтар бўл), подшоҳ ва ҳукмдорлардан, зўравонлардан, қози ва амалдорлардан ўзингни узоқда сақла, хонақоҳлар қурма ва хонақоҳларда яшама; кўп самоъ (қўшиқ-мусиқага берилма) қилма, чунки кўп самоъга берилиш кишилар орасида нифоқ туғдиради, ҳаддан зиёд самоъ дилларни вайрон этади, лекин самоъ (қўшиқ тинглаш)ни инкор ҳам қилма; кам гапир, кам е, оз ухла, ўз ҳилватингда бўлиб, аҳоли ила кам суҳбат қил, тавонгарлар (пурқудрат кишилар) ҳамда олийлар ила суҳбатдош бўлма, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, нашадан (тарёқдан) парҳез қил; иложи бўлса, уйланма (хотин олма), чунки аёл туфайли толиби молдунё бўлиб қоласан, молпараст ва дунёпараст бўлгач, дину иймондан ажраб қоласан; ҳа деб ҳандон ташлаб кулаверма, қаҳ-қаҳ олиб кулиш дилни вайрон этади, ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзи билан боқ (меҳрибон бўл), ҳеч кимни фақир ҳисоблама, ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб, уни таҳқир этма, зоҳиринг (ташқи кўринишинг) оройишига кўп аҳамият берма, чунки бундай аъмолдан ботининг (ички кўринишинг) расво бўлади, халойиқ ила мужодалаға борма (тортишма), бировдан асло бирор нарса таъма қилма, бировни хизматга буюрма (хизматкор тутма); машойиҳларга молу жонинг билан сидқидилдан хизмат қил, молу дунёга мағрур бўлма, ўшанда дилинг ором олади, мол туфайли доимо дилинг вайрон, чашминг гирён бўлади; аъмолинг доимо холис, рафиқинг дарвиш, моянг фақир, хонанг масжид, мунисинг ҳамиша Ҳақ Субҳонаҳу бўлғай»[1].

Абдуҳолиқ Ғиждувоний томонидан баён этилган юқоридаги панд-насиҳатларнинг аксарияти кейинчалик «Нақшбандия» тариқати аъзолари учун асосий одоб-ахлоқ мезони бўлиб хизмат қилган.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд «Хожагон» («Нақшбандия») тариқатини XIV асрда чуқур асослаб, бутун мусулмон оламига ёяди.

Шундай қилиб, нақшбандия таълимоти Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида жуда катта аҳамият касб этади.

---

[1] Рашоҳат айни ул ҳайёт, («Ҳаёт чашмасидан томчилар») қўлёзмалар фихристи (фонди) № 1788.

Нақшбандийлар инсонларни савдо-сотиқ, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадиий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг атоқли намояндалари бўлмиш Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хушхолхон Хатак, Аҳмад Шоҳ Дурроний, Сўфи Оллоёр, Машраб, Маҳтумқули каби Шарқдаги улкан тараққийпарвар ва инсонпарвар мутафаккирлар нақшбандия йўлидан бориб, ўз асарларида ҳаётни ва инсонни улуғлаб куйладилар.

АҲМАД ЯССАВИЙ

Ўзбек миллий тарбия, илми адаб, ахлоқ-одоб анъаналари тарихи жаҳон педагогика фани тараққиётида муҳим ўринни эгаллайди. Хусусан, муқаддас Қуръони Карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари инсонларни тўғри йўлга бошловчи, уларнинг дилларини поклашга бевосита ёрдам берувчи мўъжизавий мўътабар китобдирлар. Шунингдек Ҳазрати Султон Увайс, Паҳлавон Маҳмуд, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Сулаймон Боқирғоний, Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Ал-Беруний, Нақшбандий сингари фузалою уламолар, шайху Жоруллоҳларнинг ҳаёт йўли ҳамда таълимотларини ўрганиш, атрофлича тадқиқ этиш ўзбек педагогикаси тарихи фанининг равнақида жуда катта аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, тарбия ишонч, иймон ва эътиқод баркамоллиги-ю, покизалиги туфайли барҳаётдир, шу ҳикматнинг самарали таъсири ўлароқ бутун мусулмон халқи авваламбор Аллоҳга сажда қилиб унинг расулига, қолаверса, авлиё-анбиёларга, шайху донишмандларга эътиқод қўйишган.

Шундай улуғ зотлардан бири Хожа Аҳмад Яссавийдир. Унинг туғилган санаси аниқ эмас. Бироқ кўпчилик илмий манбаларда Аҳмад Яссавийни ўн иккинчи асрда яшаганига ишора қилинади. Чунончи, Абдураҳмон Саъдий шундай маълумот беради: «Хожа Аҳмад Яссавий милодий ила ўн иккинчи асрнинг турк ҳаким ва шоирларидандир. Шарқдан келгувчи қорахитой туркларининг хони бўлғон Гулхонға, уйғур туркларининг мағлуб бўлғон ва Туркистонни улар қўлига берган замонларида

яшаган (1141 м.да). Бу Хоразмшоҳлар даврига ҳам тўғри келади»[1].

Бу хусусда Абдурауф Фитрат ёзади: «Аҳмад Яссавий бир ривоятга кўра, Ясси (бугунги Туркистон) шаҳрида, бир ривоятга кўра, Сайрамда туғилган. Унинг қачон туғилиши маълум эмас, бироқ вафотининг ҳижрий 562 да бўлғонини ҳамда «Девони ҳикмат» даги шу:

Тўрт юз йилдан кейин чиқиб умрсат бўлғой,
Неча йиллар юруб халққа хизмат қилғой.

байтни назарда тутиб, ҳар ҳолда унинг ҳижрий тўртинчи асрнинг иккинчи ярмида туғулғониға ҳукм қилиш мумкиндир» (ўша китоб, 19—20- бетлар).

Тарбияшунос олимлар М. Рўзиқулов ва Р. Муҳамадалиевлар Хожа Аҳмад Яссавийнинг туғилган жойини аниқлашга, далиллашга интилиб қуйидаги тўртликни келтирадилар:

Асли Сайрам Туркистон,
Хожа Аҳмад Яссавий бундан чиққан,
Яссида Ватан тутган,
Шаҳри Сайрам эмасму[2].

Бу тўртлик маъно-мазмуни ва юқорида келтирилган манбаларга биноан Хожа Аҳмад Яссавий Сайрамда туғилиб, Яссида, яъни Туркистонда ватан тутган деган хулосага келиш мумкин.

Аҳмад Яссавийнинг вафот этган санасига келсак, бу ҳақда деярли барча манбаларда 1166 йили Яссида оламдан ўтган деган маълумот берилган. Демак, унинг вафот этган санаси хусусида баҳсга сабаб бўлувчи жиддий хилма-хилликлар йўқ. Бироқ туғилган йили тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасмиз.

Лекин бизгача халқ оғзаки ижоди орқали Аҳмад Яссавий тўғрисида жуда кўп ривоятлар етиб келган. Айниқса, улар 125—130 ёшга кириб оламдан ўтганлар, деган фикр машҳурдир. Бундан ташқари, мавлоно Хусомиддин Сиғноқий ҳам «Хожа Аҳмад Яссавий 130 йил умр кўрган» деган эканлар. Бу фикр билан халқ оғзида юрган ва бизгача етиб келган ривоятлар ўртасида умумий муштараклик бор.

---

[1] Қаранг: Яссавий ким эди? Т., А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994, 10- бет.

[2] Қаранг: Ўзбек педагогикаси антологияси, Т., «Ўқитувчи», 1995, 164- бет.

Шу далил ва ривоятларга таяниб, Хожа Аҳмад Яссавий 1036—1041 йиллар орасида Сайрамда таваллуд топган дейиш мумкин. Дарҳақиқат, у ўз замонида Эшон сифатида танилган Иброҳим ота ва Қорасоч момо номи билан машҳур бўлган Ойша хотун хонадонида таваллуд топиб, ёш Аҳмад илк саводини ўз онаси Ойша хотундан олган. Чунки унинг отаси жуда ёшлигида оламдан ўтган эди. Кейинчалик ўша Кентнинг энг илмдон кишиларидан бири — Шаҳобиддин Исфижобий қўлида таълим-тарбия олишни давом эттирган.

Чимкентлик олим Мираҳмад Мирҳолдор ўғлининг «Хожа Аҳмад Яссавий» (Чимкент, 1992) деган рисоласида улуғ Шайх ҳақида педагогик-дидактик жиҳатдан жуда қимматли ривоятлар келтирилганки, улар Хожа Аҳмад Яссавийнинг ёшлиги, унинг нақадар зукколиги, ақл-заковати, иймон-эътиқоди тўғрисида маълумотлар беради.

Бир куни, сабоқ тамом бўлгач, устоз Шаҳобиддин Исфижобий илми толибларга: «Ҳар бирингиз кейинги дарсга битта хўроз ёки товуқни Аллоҳ таоло кўрмайдиган жойда бисмил (сўйиб) қилиб келингиз», деб топшириқ берди. Эртаси куни барча болалар устозларининг топшириғини адо этиб келишди. Аҳмад эса битта хўрозни тирик ҳолда келтирди.

Устоз, узр, мен хўрозни бисмил қила олмадим. Хўрозни қаерга яшириб сўймоқчи бўлсам, Тангри таоло кўриб, қараб турарди.

— Баракалло,— деб устоз Аҳмаднинг иймон-эътиқоди учун унинг пешонасидан ўпиб қўйди[1].

Аҳмад илмга ташналиги, ақл-заковати, иймон-эътиқодининг буюклиги, ўткир зеҳни билан бошқа тенгқурларидан тубдан ажралиб турарди. У ўша замонининг етук шайхларидан бўлмиш Арслонбоб «Етти ёшда Арслонбобом бердим салом» ва бошқа етук олимлардан диний-илоҳий ҳамда дунёвий илмлардан сабоқ олади.

Қимматли манбалардан бирида Аҳмад Яссавий шажара жиҳатдан Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёви Ҳазрат Алининг Ҳанифа исмли аёлидан туғилган Муҳаммад Ҳанафийнинг авлодларига бориб тақалганлиги сабабидан унинг исмига Хожа нисбати қўшилган ва у «Хожа Аҳмад» деб аталган.

[1] Қаранг: Ўзбек педагогикаси антологияси, Т., Ўқитувчи, 1995, 164—165- бетлар.

Сайрамдаги устози Арслонбоб оламдан ўтгандан сўнг Хожа Аҳмад Яссавий ўзига мансуб устоз излаб, яъни пир ахтариб, ўша даврдаги илм маркази — Бухорои шарифга боради. Дарҳақиқат, дунёга машҳур бўлган олимлар Бухорода тўпланишган эди.

Эроннинг Ҳамадон шаҳрига яқин бир Кентда туғилиб, бекиёс илми туфайли катта шуҳрат қозонган, тасаввуф илмини чуқур эгаллаган Юсуф Ҳамадоний Марв, Бухоро, Хоразм, Самарқанд шаҳарларида шайхлик қилган.

Аҳмад Яссавий Бухорода ўша улуғ шайх Юсуф Ҳамадоний билан танишади ва унга мурид бўлади. У илм сир-асрорини, айниқса тасаввуф илмини пухта эгаллади ва ўзи ҳам зукко, доно уламо-ю шайх сифатида шуҳрат қозонди.

Шу орада Юсуф Ҳамадоний вафот этди ва Аҳмад Яссавий унинг Бухородаги учинчи халифаси бўлиб шайхлик қилди. Кўп ўтмай у Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси Абдулхолиқ Ғиждувонийга топширган ва ўзи Яссига қайтиб келган. Яссида эса у халқ орасидан ўзига муридлар тўплаган, хонақоҳлар очган ва шайхлик қилган.

Тасаввуф мазҳабининг нозиктаъб шоири, атоқли ва ардоқли маърифатчи Ҳаким ота Сулаймон Боқирғоний ҳам Хожа Аҳмад Яссавийнинг севимли шогирдидир. У устози Аҳмад Яссавий ҳақида шундай ёзади:

Шариати ораста, тариқати пайваста,
Ҳақиқатда шойиста шайхим Аҳмад Яссавий.
Шариатни сўзлағон, тариқатни излағон,
Ҳақиқатни билдурғон шайхим Аҳмад Яссавий.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, у араб, форс тиллари ва адабиётини пухта билган. Бироқ у ўз ҳикматларини асосан туркий ва халқ оғзаки ижоди услубида битган.

Аҳмад Яссавий Муҳаммад алайҳиссаломга шу даражада эътиқод қўйган эдики, у 63 ёшига етганда, хонақоҳ ичидан ер остида чиллахона қаздирган ва бу дунёдан гўё алоқасини узган. Шайхликни ҳам ўша ер остида давом эттириб, ҳижрий 562 (м. 1166) йили шу қароргоҳда оламдан ўтган.

Юқорида Аҳмад Яссавий тасаввуф илми ва адабиётининг йирик вакили сифатида эътироф этилган эди. Маълумки, исломда диний ҳуқуқ тизими ва йўналиш-

лари мавжуд: сунний ва шиа. Улар ўртасида бир мунча тафовут ва айирмачиликлар бор. Бироқ тасаввуф ўша айирмачиликларни тан олмайди ва Парвардигор ишқ-муҳаббати, унинг дийдорига етишиш дардини афзал кўради. Тасаввуф Аллоҳ висолига, унинг оламига руҳан қўшилиб кетишни ҳар нарсадан ва ҳатто ўлимдан ҳам устун қўяди. Бунда, яъни руҳий камолотга эришишнинг 4 босқичи мавжуд: 1) шариат; 2) тариқат; 3) маърифат; 4) ҳақиқатга эришиш.

Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и кўздан кечирилса, маънавий-руҳий, маънавий-ахлоқий камолотга эришиш каби теран ғоялар илгари сурилганини кузатиш мумкин:

Шариатни, тариқатни билай десанг,
Тариқатни ҳақиқатга улай десанг,
Бу дунёдин дурру гуҳар олай десанг,
Жондин кечкан, хос қуллари улур эмиш.

Бу тўртлик маъно-мазмун жиҳатдан юқорида зикр қилинган руҳий камолотнинг тўрт босқичига ишорадир. Зеро, аҳли тасаввуф дастлаб шариатнинг барча талабларини билиш, уларга тўла риоя қилишлари ва бўйсунишлари лозим. Кейин эса тариқат йўлига кириб, ўз пирларига итоатгўй бўлиб, шахсий истакларидан тамоман воз кечиш зарур. Сўнг маърифат босқичига ўтадилар. Бунда бутун олам, бутун борлиқ фақат Аллоҳ эркихтиёрида экани, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини қалб билан англаш кераклиги тан олинади. Ва ниҳоят, ҳақиқатга етишиш, ўз шахсини бутунлай унутиб, худога руҳан етишиш, илоҳиятга сингиб кетиши шарт. Юқоридаги сатрлар силсиласида худди шу фикрлар ўз ифодасини топган.

Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуф илмини чуқур эгаллаган ва уни бойитган улуғ зотдир. Қолаверса, дунёвий билимларни ҳам пухта эгаллагани, шубҳасиздир. Шунингдек, у истеъдодли шоир сифатида машҳур ва мансур. «Девони ҳикмат» асари бунинг ёрқин далили ҳисобланади.

Буюк шоир инсон ҳаёти ва турмуши, бутун фаолияти учун зарур бўлган Иймон ва Эътиқодни улуғлайди ва одамларни шу фазилатларни эгаллашга даъват этади. Ҳолбуки, эзгу мақсадларга ишончсиз, эътиқодсиз эришиб бўлмайди. Шу ишонч ва эътиқод фидойилик билан мустаҳкамланади. Хожа Аҳмад Яссавий Муҳаммад алайҳиссалом шахси ва Ҳадиси Шарифларига меҳр-муҳаббат қўйгани ҳақида юқорида зикр қилган эдик. Бу ҳурмат-эътибор қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган:

Ёшим етти олтмиш учқа бир кунча йўқ,
Во дариғо, ҳақни топмай кўнглум синуқ,
Ер устида султонмен деб бўлдим улуғ,
Шокир бўлиб ет остиға кирдим мано.

Бу инсоний ҳурматнинг, энг асосийси, Аллоҳ ва унинг расулига чексиз эътиқоднинг энг юксак чўққисидир. Эътиқодга нисбатан фидойиликнинг намунавий рамзидир. Фидойилик мақсад йўлида, эътиқод куйида заҳмат чекиш, меҳнат қилиш маҳсули.

Ишқ боғини меҳнат тортиб кўкартмасанг,
Хорлиқ тортиб шум нафсингни ўлдирмасанг,
Аллоҳ дебон ичга нурни тўлдирмасанг,
Валлоҳ-биллоҳ сенда ишқдан нишона йўқ.

Олдинги бандда инсоний эътиқоднинг намунавий буюклиги тасвирланган бўлса, бу ерда эътиқод-мақсадга эришиш «меҳнат тортиб», «хорлик тортиб», «шум нафсингни ўлдир» иш билан бевосита боғлиқ руҳий-маърифий қараш ғояси илгари сурилган. Бинобарин, бундай фидойилик, заҳматкашлик руҳи покиза, иймони бут инсонларга хос фазилатдир.

Шоир гоҳида «мен», гоҳида «сен» тимсолларига мурожаат этар экан, бизнингча, у барча одамларни руҳий-маънавий, руҳий-маърифий камолот сари даъват этяпти. Агар юқоридаги сатрларга шу нуқтаи назардан ёндошсак, улар ҳозирги кунда янада мўътабар маъно ва мазмун касб этади.

Дарҳақиқат, Президентимиз И. А. Каримов томонидан «Ватанни севмоқ иймондандир» деган қутлуғ шиор янада баландроқ кўтарилди. Бу ерда Ватанга иймон билан эътиқод қўйиш, муқаддас, яъни Аллоҳ берган мўътабар неъмат — Мустақилликни, Ватан мустақиллигини ёниб-куйиб, фидойилик билан ҳимоя қилиш, уни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ғояси илгари сурилган. Ҳа, Аллоҳ берган неъмат, дедик! Шу мўъжизага эътиқод қўйиш, мана шу эътиқодга содиқ қолиш улуғвор фазилатдир. Демак, Хожа Аҳмад Яссавийнинг бундан қарийб минг йиллар муқаддам битилган шеърлари бугунги ёшларни иймонли, эътиқодли, фидойи қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, барча миллатлар, халқлар ва уларнинг адабиётида, айниқса, шарқ халқлари, чунончи, ўзбек халқи ва унинг адабиётида нодонлик жуда қораланган. Чунки, нодонлик — бетамизлик, ёвузлик, бефаросатликдир. Нодон илғор ғоялар, улуғ мақсадлар тантанасига раҳна солади. Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавий ҳам нодонлардан чексиз нафратланган, «нодонларни юзун кўрмай» улардан хазар қилишга чақиради.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,
Бағрим куюб, жондан тўюб, ўлдим мано.
Тўғри айтсам эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютуб ғам заҳриға тўйдум мано.

Шоир «улфат бўл»ган, суҳбат қурган, тўғри йўлга даъват этган кишилар фақат шунчаки оддий кишиларгина эмас, балки улар орасида ноқис раҳбару амалдорлар, ўзларини олим санаб, лекин илмдан йироқ мақтанчоқлар ,ўз қабиҳ мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган гуруҳбозлар ҳам бўлишгани аниқ. Хожа Аҳмад Яссавий ана шундай нодонлардан «бағрим куюб», «жондан тўюб» яшадим, дея зорланади. Лирик қаҳрамон нодонга тўғри йўл кўрсатмоқчи бўлади, у эса эгри йўлни ихтиёр этади. Бу — яхшиликка ёмонлик дегани. Ҳа, аҳли нодон ўзига қилинаётган яхшиликни ҳам билмайди. Улар маънавий қашшоқдирлар.

Шоир шеърларининг маъно-мундарижаси кенг. Мискин-ғарибларга, етим-есирларга раҳм-шафқат қилиш ҳақида қайғуради.

Ғариб фақир етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни меърож чиқиб дийдор кўрди.
Қайтиб тушиб ғариб етим излаб юрди,
Ғарибларни изин излаб тушдим мано.

Ғарибу фақирлар, етим-есирларга кўмак бериш аҳли мусулмоннинг муҳим бурчидир. Ҳатто Аллоҳнинг Расули қаерда бўлмасин ёки меърож сафарида юрмасин, у мискин-бечоралар ғамини еган.

Бироқ ҳозирги кунда айрим дунёпараст, мансабпараст амалдорлар бундай фикру ўйдан, савоб ишлардан йироқдирлар. Шоир шу хилдаги ноинсофлардан юз ўгиришга чақиради.

Дунёпараст ножинслардан буюн товла,
Буюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.

Бу фикрлар халқ мулки, ҳисобига бойиб, ёхуд ўзигагина қулайлик яратиш, роҳат-фароғат воситаларига эга бўлиш қинғир йўллар билан мансабини суиистеъмол қилувчи амалдорларга қарата айтилиб, «Дунёпараст ножинслардан буюн товла»шга даъват этиляпти. Дунёпараст, амалпараст, шуҳратпараст раҳбардан воз кечиш, ундан тезроқ қутилиш кишига қувонч бағишлайди. Дунёпараст одамлар фақат мол-дунё орттириш дардига мубтало бўлиб, улар инсонлар у ёқда турсин, ҳатто Аллоҳни ҳам ёдидан чиқарадилар.

Айрим кишилар бир пайтлар Хожа Аҳмад Яссавийни умидсизликка маҳкум этувчи шоир, ёхуд етим-есирлар шоири деб, унинг ижодини бир ёқламалик (тенденциоз) йўсинида талқин қилган эдилар. Аслида у барча инсонларни ўз шеърлари орқали меҳр-оқибатли, раҳм-шафқатли, меҳрибон, юксак ахлоқ-одобли, мурувватли, футувватли, диёнатли, иймонли ва эътиқодли, фидойи, элпарвар бўлишга даъват этган. Шунингдек, Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуф маслагини тарғиб этган ва сидқидилдан ҳимоя қилган, қалбни поклашга умуман инсонни бутунлай покланишга чорловчи буюк шоирдир.

Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур 1395—1397 йилларда унинг кичик қабри устида жуда катта иморат қурдирганки, у ҳозиргача шарқ халқларининг зиёратгоҳи сифатида машҳурдир. Бу тарихнинг ва тарихий шахсларнинг Хожа Аҳмад Яссавийга нисбатан ҳурмат ва эътиқодидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, шайх ва тасаввуф мафкурасининг тарғиботчиси сифатидаги фаолияти ўзбек педагогикаси фани тарихида муҳим аҳамият касб этади.

ХОЖА БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД[1]

Бухоро атрофида, «Қасри ҳиндивон» деб аталмиш қишлоқда 818 (1318 мелодий) йилда дин арбоби Жалолиддин оиласида туғилиши аввалдан авлиёлар томонидан каромат қилинган бола дунёга келади. Болага Муҳаммад номини берадилар. Муҳаммад чуқур диний руҳда тарбияланади. Балоғатга етгач, у деҳқончилик билан шуғулланади, матога нақш солиш касбини ҳам эгаллай-

[1] Ушбу матн «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» китобидан олинди.

ди. («Нақшбанд» лақаби ҳам унга шу касби туфайли берилган бўлса, ажаб эмас.)

Нақшбанд фақат ёшлигида эмас, балки умр бўйи ҳалол меҳнат билан яшашига алоҳида аҳамият беради. Нақшбанднинг талабича, мусулмонликда иймондан сўнг ҳалоллик биринчи ўринда туради. Ҳалоллик фақат меҳнат орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Муҳаммад ибн Жалолиддин ҳаёти давомида диний билимларни эгаллашдан ташқари, тариқат аҳлининг асосий қоидаси — ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиш қоидасига қаттиқ риоя қилган.

Амир Кулол билан учрашгач тариқат аҳлининг яна икки қоидаси Муҳаммад ибн Жалолиддин учун асосий ҳаётий қоида бўлиб қолади.

Оламни билиш, одамни билиш ва ахлоқий мукаммалликка, дунё гуноҳларидан покланиб ҳалолликка интилиш ёш Муҳаммаднинг олий мақсади бўлиб қолади. Муҳаммад сафарни яхши кўради, аммо кўнглига маъқул тушган муршид (раҳнамо)ни топганда, унинг қошида узоқ муддат қолиб кетади.

Баҳовуддин Нақшбанд ўн бешинчи асрда Мовароуннаҳрда ва бутун мусулмон оламида тариқатнинг энг буюк намояндаларидан бири бўлиб қолади.

Нақшбандия тариқати аслида бир неча авлод машойихининг ва биринчи навбатда Юсуф Ҳамадоний, Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанднинг тадрижий равишда ривожлана борган дунёқарашини ўзида инъикос эттиради.

Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти (нақшбандия тариқати) икки қатламдан иборат. Биринчи қатлам (уни «ташқи қатлам» деса бўлади) таълимотнинг тариқатдаги бошқа таълимотлар бирлаштирган хусусиятлардир. Иккинчи («ички») қатлам — ҳар бир тариқатнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Тариқат йўлига кирган ҳар бир кишининг фаолияти ва ҳаёти бошқа оддий кишиларнинг ҳаётидан нима билан фарқ қилишини Алишер Навоий ўзининг «Насойим» асарида «бу тоифанинг» тақдири ва ахлоқий қиёфасидаги хусусиятларни санаб чиқиш ва тушунтириб беришдан бошлайди.

Бу хусусиятларнинг биринчиси — тавбадир.

Тавба нима? Одам қандайдир лаҳзада ўзининг яшаш тарзи Аллоҳнинг талабларига мувофиқ эмаслигини тушунади. Унинг олдида гуноҳкорлигини ҳис этиб тавба

қилади ва янгича, яъни тариқатнинг талабларига мувофиқ яшай бошлайди. Бу лаҳзада одамнинг ўз ҳаёти тарзини ўзгартириб, янгича яшай бошлаши зарурлиги ҳақида бир илоҳий ишора бўлади.

Тариқатдаги тавба кўпинча буюк шахснинг ўзининг ҳаётидаги муқаддас вазифаси ва олий ўрни ҳақида Аллоҳдан, ғайри оддий бир воқеа воситаси билан дарак топиши жараёнидир.

Муҳаммад (Нақшбанд) ёш эди. У бир куни кеч пайт аллақандай изтиробга тушади. Бу ҳолатдан қутилиш учун у Бухоро атрофидаги қабристонга борди ва уч мозорни зиёрат этди. Учала мозор устида шам ёнар, аммо чироғларнинг идиши ёғга тўла, пиликлари ёғ ичида бўлса ҳам, шамлар хира ёнар эди. «Сўнгги мутабаррак мозор» деворига тикилиб ўйга ботган Муҳаммад кўз олдида сирли манзара пайдо бўлади: қибла томондаги бу девор шартта иккига бўлиниб, орқасида бир улуғ тахт кўринади. Тахт атрофида кўп киши йиғилар эди. Муҳаммад ўзининг марҳум устози Хожа Муҳаммад Бобойини бу одамлар орасида кўриб, уларнинг руҳлар қошида турганини сезади. Тахт атрофидагилардан бири унга бу тахт Хожа Абдуҳолиқники эканини айтади. Тахт атрофидагилар яна Муҳаммадга айтадилар: «Қулоқ сол ва яхши эшитки, улуғ Хожа хазратлари сенга сўзлар айтгусиларки, ҳақ субҳанаҳу ва таоло йўли сулукида сенга андин чора йўқтур». Нақшбанд ҳикояни давом эттиради. «Ул жамоятдин илтимос қилдимки, ҳазрат Хожага салом қилай ва муборак дийдорларига мушарраф бўлай». Тахт устидаги парда очилади ва Муҳаммад Абдулҳолиқ Ғиждивонийнинг нуроний қиёфасини кўриб, мафтун бўлади. Буюк шайх унга тариқатнинг кўп масалаларини тушунтиради ва дейди: «Сен кўрган шамлар сенинг тариқат йўлидаги қобилият ва истеъдодингдан ишора ва башоратдир. Аммо истеъдод фатиласи (ҳалқаси)ни ҳаракатга келтирмак керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай» (илоҳий сирларни очгай).

Шайх ёш муридга тариқатнинг хираланиб қолган чироғларини қайтадан ёқиб, оламни илоҳий нурлар билан янада тўлдириш вазифаси Аллоҳ томонидан унинг зиммасига юкланганидан башорат беради. Нақшбандия тариқати асосчисининг фаол ҳаёти ана шу тавбадан бошланади.

Шу ерда Баҳовуддин Нақшбанднинг бошқа шайхлардан афзаллигини қайд этиб ўтиш керак. Нақш-

банд — увайсийдур. Кўзга кўринган тариқат арбобларининг ҳатто ўтин ташишдек машаққатдан ҳам қайтмагани айтилади: ҳалол луқма ҳамма учун мажбурийдир. Ҳаром луқмадан келадиган балоларни даф этиш имкони маълум эмас.

Табиийки, луқмаи ҳалол қоидасига риоя этиш Баҳовуддин Нақшбандга ёшлигиданоқ одат эди.

Тариқатнинг ўзига хос ахлоқий талаблари сираси бор. Тариқат одобининг *биринчи* шарти —«Ул адабдурки: яхши ва ёмонга, улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, барча халойиққа ўзларини кичик ва камроқ тутарлар ва барчаға хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки ўз фарзандларига, ходим ва мумлукларига (қулларига) ҳар неча алардин беқоидалик (одобсизлик) кўрсалар, хушунат билан (қўполлик билан) аларға сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ ва чучук тил билан қилурлар, ҳаттоки ўғриғача».

Навоий муршид ва муридлар олдига тариқат қўйган яна бир неча одоб талабларини айтади. Буларнинг *яна бири* — ортиқ даражада сахийликдир. Хожа Абунасаб Порсонинг отини ўғрилар олиб қочганди, у дебди: «Майли, биз ҳам минар эдик, олиб қочганларга отимиз дарбойистроқ (заруррок) экан-да». Ўғрини тутиб келтирганларида, Хожа уларнинг ўз юртларига — тоққа пиёда кетаётганларини билиб, дебди: «Ул от сизга дарбойистроқдир, олинг, боринг».

Юмшоқлик, бардош, тоқат, ризо (ўз бошига нима келса, Аллоҳдан кўриб, рози бўлиш), сабр, сидқ (дўстликда садоқат) ва «азим риёзат» (Аллоҳ йўлида ҳар қандай азоб-уқубатни кўтаришга, машаққатлар тортишга ҳозирлик) — буларнинг ҳаммаси тариқат аҳлининг ахлоқий қоидаларидандир».

Тариқатнинг *учинчи* шарти — (тавба ва луқма ҳалоллигидан сўнг) шариатга риоя қилишдир, унинг талабларини бажаришдир.

Нақшбандияда ҳаж масаласига келсак, нақшбандийлар мамлакат ва халқ учун қилинган ҳар бир муҳим савоб иш — бир маротаба ҳажга пиёда бориб келишга тенг, деб ҳисоблаганлар. «Рашоҳат» муаллифи ҳикоя қилади: 877 (1473) йилда Абдураҳмон Жомий ҳажга бормоқчи эканини эълон қилди. Буюк мутафаккир ва шоирнинг яқинлари бунга эътироз билдирадилар: «Сиз юрт ишлари билан машғулсиз. Сизнинг подшоҳлар ҳузурига кириб, мамлакат ва фуқаро фойдасига бирор

муҳим масалани ҳал этиб чиқишингизнинг ўзи бир маротаба ҳажга пиёда бориб келишга тенг. Шундай экан, сизнинг ҳажга боришингизга нима ҳожат?» Жомий ўзига хос ҳазилкашлик билан жавоб берибди: «Биз кўп маротаба ҳажга пиёда бориб келабериб чарчадик. Энди бир маротаба отлиқ ҳам бориб кўрайлик-чи». Шу муносабат билан нақшбандия тариқатининг мухлиси ва тарғиботчиси муфти Беҳбудийнинг ҳаж ҳақидаги бир мақоласини ҳам эсга олиш фойдадан холи бўлмаса керак. Бу мақолада Беҳбудий шариатга мувофиқ ҳажнинг уч шарти борлигини айтади: ҳаж йўли хавф-хатарсиз бўлиши керак, ҳажга кетаётган киши оиласининг бир неча ойлик маошини таъмин этиши керак, ҳажга бориш ва келиш харажатлари ҳаммаси ҳалол йўл билан топилган маблағ ҳисобига бўлиши керак». («Ойна» журнали, 11-сон, 1912 йил.)

Исломда энг муҳим масалалардан бири банда (худонинг қули одам)нинг Аллоҳга ўз садоқатини изҳор этишнинг йўллари масаласидир. Ибодат шу йўлларнинг биридир. Тариқатнинг баъзи йўналишларида ибодат (намоздан ташқари) яна зикр, жаҳр, хилват ва самоъ (қўшиқ) шаклини олади. Нақшбандия бу жиҳатдан бошқалардан фарқ қилади.

Хилватдан ва у билан боғлиқ бўлган бошқа расм-русумлар орқали Аллоҳга яқин бўлмаслигини тушунтириш—Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан бошланган бу жараён — Нақшбанд таълимотида узил-кесил ҳукм тусини олади. Бу тафаккур ривожида олға қараб босилган катта, ижобий қадам эди.

Нақшбанд Ғиждувоний ортидан бориб, хилват ва самони анжуманда (халқаро) суҳбат билан алмаштирар экан, бу янгиликни ўз тариқатининг пойдевори деб ҳисоблагани бежиз эмас.

Бошқача қилиб айтганда, хилватдан кечиш — ҳаётга, жамият манфаатларига фаол муносабатни афзал кўриш демакдир.

Нақшбанднинг бундан кейинги сўзларидан ҳам ана шу маънони, яъни хилватнинг ижтимоий ҳаёт учун зарурлиги ва суҳбатнинг афзалиятини уқиб олиш мумкин.

Одамларнинг жам бўлиши ва бир-бирлари билан фикр алмашиб, маърифат орттиришнинг фойдаси жуда катта. Нақшбанд бундай деб ўргатади: «Ҳайрият жамиятдадир ва жамият суҳбатда бу шарт билаки, бир-бирларига нафъи бўлунғай ва улача ул бузруғ (яъни

Нақшбанд буюрудурларки... агар жамъи бу йўл соликлари (яъни тариқат аҳли) бир-бирлари билан суҳбат тутсалар, анда кўп ҳайру-баракат».

Нақшбанд «дер эмишларки, нафсларингизга туҳмат қилинг», яъни шахсий тилакларингиздан ва манфаатларингиздан кечиб, яшанг ва ишланг.

Айниқса, Нақшбандниинг бир хусусияти унинг таълимотининг тарбиявий ва амалий аҳамиятини ёркин ечиб беради ва халқ манфаатлари билан яшовчи буюк мутафаккирнинг образини айрича жозибадор этиб туради. «Нақшбанд яна биров гуноҳини ўзларига тутиб, юкин тортибтурлар. Нақшбандниинг бу каби ишлари Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг «халқ юкин кўтармоқ керак», деган даъватини беихтиёр ёдга туширади.

Нақшбанд ўз таълимотининг исломга муносабати ҳақида қуйидагиларни ёзади. «Бизнинг тариқатимиз урвап вусқодур» (исломга нисбатан — маҳкам таянч) ва ҳар бир мусулмонни исломнинг ҳамма талабларини бажаришга даъват этади.

Энг муҳими шуки, исломнинг маҳкам таянчи ва ёрдамчиси бўлган Нақшбандия тариқасининг моҳияти ва унинг асоскорига мансуб машҳур калимада ўз ифодасини топади: «Дил ба ёру, даст ба кор» («Дилингни Аллоҳга-ю, қўлингни ишга бағишла»).

Шундай қилиб, нақшбандия тариқати узоқ фикрий ривожнинг натижаси ўлароқ майдонга келади, ўрта асрда ижтимоий ва руҳий тараққиётнинг чўққиси сифатида шаклланади.

Нақшбандия тариқатининг мафкура сифатида узилкесил шаклланишида уч буюк шахс—Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбанд алоҳида хизмат кўрсатадилар. Агар Яссавий жамиятни Аллоҳни танишга ўргатган ва бу йўлда таркидунёчиликни одат этишга даъват қилган бўлса, Абдулхолиқ Ғиждувоний, худди Яссавийдек Аллоҳни даъват этиш билан бирга, бунинг учун таркидунё қилиш шарт эмаслигини тушунтирган ва Аллоҳга яқин бўлишнинг бошқа йўли, «бу дунё»га фаол муносабат ва инсоннинг ахлоқи мукаммаллигини ва поклиги йўли мавжудлигини кашф этган бўлса, Баҳовуддин Нақшбанд худди Яссавийдек, Аллоҳни таниш инсоннинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини уқтирган ҳолда таркидунёчиликни рад этади.

Ўн бешинчи асрда ёзилган «Рашоҳат» китоби муаллифининг гувоҳлик беришича, Баҳовуддин Нақшбанд

ўз устози Амир Кулолдан мустақил ишга рухсат олган маҳалида, Амир Кулол унга айтибдики, турк ва тожикдан чиққан машойихларнинг қайси бири ҳақида унга хабар етказса, Баҳовуддин ўша машойихнинг хизматига етиши ва ундан астойдил таълим олиши керак. Бу васиятга мувофиқ Хожа Баҳовуддин шайх Мавлоно Орифдан дарак топиб, унинг ҳузурига борган ва унинг хизматида етти йил юрган. Натижада Мавлоно Орифга шунчалик ҳурмати баланд бўлганки, у ариқ бўйида Мавлонодан баланд туриб таҳорат олмас, улар билан ҳамроҳ бўлиб сафарга чиққанларида эса «аларнинг қадами устига қадам босмас эдилар».

Орадан кўп ўтмай Нақшбанд иккинчи маротаба ҳаж сафарига отланади, йўлда Марвда тўхтаб, истиқомат этишга қарор қилади ва у ерда бир неча йил тургандан кейин Бухорога қайтади. Нақшбанд умрининг охиригача Бухорода қолади ва 791 (1389) йилда вафот этади. У Бухорода дафн этилади.

Нақшбанд жуда кўп шогирдлар етиштирган эди. Улардан иккитасини — Хожа Олоиддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсони, Сафий ва Навоий Нақшбандниинг билвосита ва бевосита устодлари — Хожа Муҳаммад Бобойи Симосий, Амир Кулол ва Ҳалил оталар билан бир қаторда тавсиф этади...

Баҳовуддин Нақшбанд ўз таълимотида Аллоҳга яқин бўлишнинг энг тўғри ва самарали йўли — жамият саодати учун яшаш, бунёдкорлик, савоб ишлар ва мукаммал ахлоқ эканини тасдиқ этувчи мафкурани энг изчил ва ёркин ифода этади.

Шу сабабли Нақшбандия тариқати ўрта асрлар шароитида бизнинг халқларимиз тарихида алоҳида тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат этди. Шубҳасизки, Нақшбандия тариқатидек таълимотлар орқали ислом дини юртимизда мустаҳкамланмаса Темур ва темурийлар даврида бизнинг халқимиз ўз давлатини барпо эта олмас ва иқтисод ва маданият соҳасида оламшумул ютуқларга эриша олмас эди.

Нақшбандия тариқатида ўз ифодасини топган фалсафий, диний ва ахлоқий нуқтаи назарлар кўп жиҳатдан умум инсоний мазмунга ва қимматга эга бўладиларки, бунинг натижасида нақшбандия тариқати кейинги асрларда ҳам бизнинг юртимизда ва жаҳоннинг кўп мамлакатларида халқларнинг назарида муқаддас таълимот бўлиб қолади.

XIV—XV асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият, мактаб ва педагогик фикри[1]

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси ва қилган ёвузликлари натижасида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида талафот юз берди: шаҳарлар, суғориш иншоотлари вайрон бўлди, олимлар қувғин қилинди. Халқ Чингизхон зулмига қарши қўзғалди, унга нисбатан нафратини ифодаловчи «Гулдурсун» каби афсоналарни яратди. Бадиий адабиётда Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» сингари ислом дини тарғиботига бағишланган асарлар ёзилди.

XIV асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда майда феодал ҳокимлар ўртасида низо кучайди, иқтисодий қийинчиликлар юз берди, сиёсатда қатъиятсизлик авж олди. Ана шундай пайтда Амир Темур сиёсат майдонига чиқди. У 1370—1405 йиллар давомида мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилди, хонлар ўртасидаги низоларга чек қўйди, Хуросонда марказлашган мустақил, қудратли давлат барпо этди. У ўз фаолиятида давлатни мустаҳкамлаш, уни бошқаришни мукаммаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш ишларига, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларини кенгайтиришга катта эътибор берди. Унинг даврида Самарқанд янгича усулда қайта қурилди: шаҳарда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси, шаҳар атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар барпо этилди.

Қўҳак — Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилди, Тошкент атрофида каналлар қазилди. Сирдарёдан Оҳангаронгача бўлган канал шулар жумласидандир.

Ўрта Осиёда рассомчилик, наққошлик, безакли — бадиий буюмлар ишлаш юқори даражага кўтарилди.

Самарқанд, Хирот, Балхда яшаб ижод этган Атойи, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий каби шоирлар турк-ўзбек ва форс-тожик тилида шеърий асарлар ёзиб, ўзбек адабиётининг буюк намояндалари бўлиб танилдилар.

Атойи ўз шеърларида инсоний фазилатларни — самимий севги ва вафодорликни, инсоний гўзалликни тасвирлаш орқали инсонларни шу хислатларнинг эгаси бўлишга даъват этди, табиат гўзаллигини, инсон эркини улуғлади.

Саккокий ўз ғазалларида инсон — ёр фақат ташқи эмас, балки маънавий чиройга эга бўлиши кераклиги ҳақида фикр баён этади.У инсоннинг раҳм-шафқатли, лутф-карамли, вафодор ва садоқатли бўлмоғини истайди, кибр-ҳаво, мутакаббирлик инсон учун ва ҳақиқий ёр учун ёмон хислатлигини айтади. Саккокий Улуғбекка атаб ёзган қасидасида уни маърифатпарвар шоҳ ва буюк олим сифатида улуғлади.

Лутфий ўз асарларида инсонларни ҳаёт ва севги, баҳор ва шодлик лаззатидан баҳраманд бўлишга чорлади, вафодорлик ва садоқатликни, мардлик ва баҳодирликни улуғлади, маърифат ва осойишталикни тарғиб қилди. Лутфий «Гул ва Наврўз» асарида соф севги, самимият, вафо ва садоқат, мардлик ва жасорат, эзгулик ва адолат ҳар қандай ёвузлик, ҳатто ўлимдан кучли эканини ифодалади ва бу фазилатлар барча инсонларда бўлишини истади.

Амир Темур замонида тарихшунослик соҳасида муҳим ишлар қилинди. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) «Матлаъ саъдайн ва мажмаъ албаҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофиз Абдунинг (1361—1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар сараси»), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари юзага келди. Бу асарларда Амир Темур ва темурийлар фаолияти, мамлакатда содир бўлган маданий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар баён этилди.

Журжоний, Тафтазоний, Улуғбек, Давоний, Қошифий каби файласуф олимлар мантиқ, ахлоқ, математика, астрономия, нафосат, тилшунослик, мусиқашуносликка доир асарлар ёзиб, бу фанларни ривожлантирдилар.

Мир Шариф Журжоний (1319—1413) ўз даврининг таниқли шоири, файласуфи, астрономи бўлиб, Самарқандда мантиқ, луғатшунослик шеър назарияси бўйича «Усул улул-мантиқия», «Таржимон ул-куран фани улмуаммо» каби асарлар ёзди.

Эрондан Темур саройига келган қомусий олим Саъд-

---

[1] Мақола академиклар Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» (Т., 1993 й.), М. Хайруллаевнинг «Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» (Т., 1995) қўлланмасига киритилган «XIV—XV асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маданият» номидаги мақоласи ва Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур ўгитлари» (Т., 1992 й.) рисоласи асосида тайёрланди.

риддин ат-Тафтазоний (1322—1390) мантиқ, ҳуқуқ, математика, астрономияга доир асарлар ёзди.

Ғиёсиддин Жамшид Коший (вафоти 1430 йил) Мирзо Улуғбекнинг илмий ишларини амалга оширишда фаол хизмат қилади, йирик математик ва астроном сифатида «Сулам ас-само» («Осмон нарвони»), «Нусҳат ул-хадоиқ» («Боғлар сайри»), «Рисола ал-муҳитийя» («Айлана ҳақида рисола») каби асарларини ёзиб, Ўрта Шарқ математика илмини юқори босқичга кўтарди.

Амир Темур саройида олимлардан Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунши, Абдулла Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нуъмониддин Хоразмий, Жалол Ҳоқий ва бошқалар ҳам хизмат қилиб, турли илм-фанга доир асарлар яратиб, уларнинг ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Амир Темур ўз шоҳлик фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалалар билан бирга маданият, илм-фаннинг ривожига алоҳида эътибор беради, мамлакатни бошқаришда олимлар, дин уламолари билан мулоқотда бўлади, ўзига ёрдам беришни улардан илтимос қилади. Масалан, бир кенгашда уларга мурожаат қилиб, шундай дейди: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар, сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишга менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак... Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан» (Али Яздий. «Зафарнома», 288- бет.).

Амир Темур Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва улардан Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихда «Ипак йўли» деб аталмиш халқаро йўлни эгаллаб олгач, бу йўлда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўради, яъни Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига катта эътибор беради. Бу масалада Амир Темур ўзини таниқли дипломат сифатида намоён қилади. У Византия, Венеция, Гения, Испания — Кастилия, Франция, Англия билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида улкан ишларни амалга оширади.

Амир Темур ҳукмронлик қилган ва ундан кейинги даврда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи билан Эрон, Арабистон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой халқлари ўртасида маданий, адабий алоқалар ривож топганини Рудакий, Фирдавсий, Бедил, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий; Ҳақоний, Абдураҳмон Жомий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Фузулий, Камол Хўжандий ва Шарқнинг бошқа буюк алломаларининг ижодий алоқалари мисолида равшан кўриш мумкин. Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳам бунга ёрқин далилдир.

Амир Темур давлатни бошқариш ишларида муайян даражада ислом дини ахкомларига таяниб иш кўради, дин пешволарининг маслаҳатларига амал қилади, уларни эъзозлаб, ҳурматлайди.

Зеро, Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматлари бениҳоядир.

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқлигига барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштирди, марказлашган йирик феодал давлатига асос солади. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдиримни (1389—1402 й.) тор-мор қилиб (1402 й.) туркларнинг истибдодига тушиб қолган Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларни озодликка чиқаради.

Учинчидан, Туркистон заминини зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

XIV—XV асрларда ёзилган «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул мақдур фи ахбори Темур» («Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») ва бошқа асарларда соҳибқироннинг тўғрилик, мурувватлилик, эл-юртга меҳр-муҳаббатлилик, адолатлилик, мардлик ва қаҳрамонлик каби инсоний фазилатлари баён этилади. Шунингдек, бу асарларда Амир Темурнинг давлатнинг обрўси, шарафи манфаати учун ғоят қаттиқ қўл бўлганлиги ёзилади: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва набираларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларини

ҳам аямаганлиги баён этилган. Темурнинг шахсиятидаги бу хусусиятлар ҳақида «Темур тузукларида» батафсил маълумот берилган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўрнатилган тинчлик мамлакатда маданият, илм-фан, халқ оғзаки ижоди, адабиёт ва санъатнинг ривожида, мадрасаларда таълим-тарбиянинг юқори савияда бўлишида муҳим омил бўлди.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги даврларида Шоҳруҳ, Улуғбек, Мирза Абу Саид, Султон Аҳмад, Ҳусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳ Ўрта Осиёда Темур даврида қарор топган иқтисод ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши анъаналарни давом эттирдилар.

Йирик шаҳарларда масжид ва мадрасаларда, масалан, Бухорода Хўжа Зайниддин, Болоҳовуз, Жума, Намозгоҳ, Катта масжиди ва Абдуллахон Кўкалдош, Муҳаммад Хўжа Порсо, Нодир Девонбеги, Абдулазизхон, Хиёбон, Жўйбори Калон, Раҳмонқулихон, Эрназар элчи, Турсунжон, Ниёзқул, Бохарзий, Масъудия, Мир Араб; Самарқандда Бибихоним, Жоми, Кўктош, Кўчкинхон масжиди ва Шайбонийхон, Улуғбек, Шердор, Тиллақори; Хивада Матнанабой, Қутлумурод, Оллоқулихон мадрасаларида, шунингдек, кейинги йилларда (XVII—XIX асрларда) Қўқонда Жомеъ масжиди ва Мадрасаи Мир (Норбўтабий), Тошкентда Хўжа Аҳрор, Номозгоҳ масжиди ва Бароқхон, Кўкалдош мадрасаларда диний таълимот асосида ислом, аруз, илми баён, мантиқ, тарих, география каби гуманитар фанлардан ташқари риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, табииёт каби аниқ фанлар ҳам ўқитилади. Таълимда шарҳлаб ўқиш, мустақил мутолаа, мунозара, суҳбат усуллари қўлланди. Талабалар араб, форс, туркий тилларда ёзилган асарларни ана шу усулларда ўқиб, ўргандилар. Гуманитар ва аниқ фанлар соҳасида Имом Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Султонали Хўжандий, Юсуф Табиб, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фазлуллоҳ Абдуллайс каби олим ва шоирлар, Абдураҳмон Хоразмий, Султон Али Машҳадий, Султон Али Ханжон, Мир Али Қилқлам, Ҳалвоий, Рафиқий каби хаттотлар,

Мирак, Наққош, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби мусаввирлар етишиб чиқди.

Улар мадрасаларда ўқиш, қунт билан мустақил мутолаа қилиш асносида улуғ мутафаккир даражасига етиб жаҳонга танилдилар, жаҳон маданияти, илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу улуғ устозлар ўз асарларида ёш авлод таълими ва тарбияси, таълим усуллари ҳақида фикр юритиб ва ғоялар баён этиб, педагогик фикр тараққиётида ҳам муносиб ўринни эгалладилар, улар қолдирган маданий адабий ёдгорликлар келгуси авлод тарбиясида муҳим омил бўлди. Улуғ Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Кошифий, Давоний каби шоир ва олимлар асарларида олға сурилган ғоялар, қарашлар педагогик фикр ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Умуман, Амир Темур замонида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳада амалга оширилган тадбирлар, қўллаган иш усуллари, унинг фаолияти ва фазилатлари инсонийлик, маърифатпарварлик, тарбиявий хусусиятга эга бўлган. Буни қуйидаги мисолларда — Амир Темурнинг ўгитларида ҳам кўриш мумкин.

Амир Темур давлатни бошқаришда одамларнинг ишбилармон, тадбиркор, ҳушёр, қатъий, шижоатли бўлишига жиддий эътибор қаратди. Бундай фазилат эгаси бўлганларни лоқайд кишилардан юқори қўйган.

Соҳибқирон бу ҳақда қуйидагиларни битган эди: «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир»[1].

Амир Темурнинг таъкидлашича, тадбиркорлик мушкул ишларни амалга оширишда муҳим омилдир. У: «Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин»лигини айтиб, кишиларни шундай хислатга эга бўлишга даъват этди(ўша китоб, 13- бет).

Соҳибқирон шижоатлиликни юқори баҳолайди ва кишиларни, ёшларни шижоатли бўлишга, шижоатлилар билан дўст бўлишга ундайди. «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди»— дейди Амир Темур.

У фикрини давом эттириб: яхшилик ҳақида сўзлар экан, яхшиликка яхшилик билан жавоб беришни, дўст-

[1] **Амир Темур** ўгитлари. Т., «Наврўз» нашриёти, 1992 й., 7- бет.

лик қадрини унутмасликни маслаҳат беради, ўз фаолиятида бу соҳада тутган йўлини мисол тариқасида баён этади :«Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим» (ўша китоб, 17- бет).

Амир Темурнинг тарбиявий қарашларида содиқ ва вафодор дўстлик алоҳида ўринда туради. Амир Темур ранжитмаслик, керак бўлса жонни аямаслик, дўстларга хос сифат бўлиши кераклигини таъкидлайди: «Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди» (ўша китоб, 34-бет).

Буюк жаҳонгир адолатни қудратли куч деб билади, бир кунлик адолатни юз кунлик тоат-ибодатдан афзал ҳисоблайди. У адлу эҳсон ҳақида сўзлар экан: «Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади» деб, унинг фойдасини айтиб, кишиларни бу фазилатга эга бўлишга даъват этади (ўша китоб, 43- бет).

Амир Темур ҳаёт сирларини, инсонлар руҳиятини яхши тушунганлиги учун — ширин сўзлаб ўз фаолиятида жиддий муваффақиятларга эришган, ширин сўзлик билан ҳатто душманни ўзига ром этган. Шу сабабли ҳам: «Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар», деб кишиларни ширин сўзли бўлишга ундайди (ўша китоб, 46- бет).

Кечиримли бўлиш Амир Темур шахсиятига хос энг яхши хусусиятлардан бўлган. У кечира олишни мардлик деб билган. Шу сабабли у бошқаларни ҳам шундай фазилатли бўлишга чақиради. Улуғ саркарда дейди: «Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади» (ўша китоб, 50- бет).

Умуман, XIV—XV асрларда Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишишда шу нарса маълум бўладики, Амир Темур барпо этган мустақил марказлашган давлатда у қўллаган сиёсат ўлкада илм-фан, санъат, адабиёт, ҳунармандчилик ва ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этди. Шоир ва илм аҳллари ҳамда давлат арбоблари ўз асарларида, инсоний фазилатлар ҳақида билдирган фикрлари, мактаб ва мадрасаларда ислом таълимотини ўрганиш, ахлоқ, мантиқ илмини ўқитиш — буларнинг барчаси, яъни XIV—

XV аср мевалари келгуси авлод тарбиясида муҳим омил бўлди. Улуғ Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Кошифий, Давоний каби шоир ва олимларнинг асарларида олға сурилган ғоялар, қарашлар педагогик фикр ривожига қўйилган муҳим ҳисса бўлди.

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ — МИРЗО УЛУҒБЕК

Мирзо Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан, Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан биридир.

Улуғбек 1394 йил 22 мартда туғилади. Отаси Шоҳруҳ Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, Хуросон ҳукмдори, маърифатли, илм-фанга қизиққан шоҳ эди. Шу туфайли у дунёнинг турли бурчакларидан кўпдан-кўп фанларга доир китоб ва қўлёзмаларни олдириб келиб тўплайди ва Самарқандда катта кутубхона ташкил этади. Ёшларнинг билим эгаллашлари учун кенг имконият яратади. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим ҳам ўз даврининг оқила, билимдон, тадбиркор аёлларидан ҳисобланар эди.

Маърифатпарвар ота ва оналар ўз фарзанди Улуғбекнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, жисмонан соғлом, ақл-заковат, ахлоқ-одоб ва илмда баркамол бўлиб етишувига ҳаракат қиладилар. Улуғбекни ўз даврининг билимдон ва тажрибали мураббийлари тарбиялаб, саводини чиқарадилар, уни диний ва дунёвий илмларнинг асоси билан таништирадилар. Улуғбек араб ва форс тилларини мукаммал ўрганади, чунки у кўп вақтини кутубхонада мутолаа қилиш билан ўтказарди.

Мирзо Улуғбек ёшлигиданоқ аниқ фанларга, шунингдек, тарих ва адабиётга қизиқади. Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа олим ва шоирлар фаолиятини, шунингдек ислом илмини ўрганади, ўз даврининг таниқли олиму фозили сифатида шуҳрат қозонади.

Улуғбек 17 ёшида Мовароуннаҳр ҳукмронлигини эгаллайди. Унинг ташаббуси билан ўлкада илм-фан, адабиёт, санъат аҳллари фанларнинг янги-янги қирраларини оча бошладилар. Улуғбек ўз фаолиятида асосан фалакиёт фанини ривожлантиришга катта аҳамият беради, бу билан бирга, кўплаб истеъдодли шоирлар, ижодкорлар тўплаб, улар фаолият кўрсатишлари учун

шароит яратади, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб туради. Масалан, унинг раҳнамолигида меъморчилик ривож топади: Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда мадрасалар, Марвда ҳайрия муассасалари ҳамда «Чиҳл устун» («Қирқ устун»), «Боғи майдон» каби боғлар барпо этилади.

Улуғбек 1424 йилда Самарқандда Обираҳмат суви ёнида Ғиёсиддин Жамшид, Абдуали Биржандий, Мансур Қоший, Марям Чалабий ва бошқа олимлар билан биргаликда қурган расадхонасида сайёралар сирини ўрганади. Унинг бошчилигида юздан ортиқ олимлар илмий-тадқиқотлар олиб бориб, фалакиёт ва математика соҳасида катта кашфиётлар қилиб жаҳонга машҳур бўладилар. Бу тадқиқотлар жаҳонга донғи кетган Самарқанд расадхонасида амалга оширилади. Натижада, Улуғбек 1018 юлдузнинг ҳолати ва ҳаракатини аниқлайди, фалакиётга доир бир неча асарлар ёзади. Бу асарларнинг асосий мазмунини «Зижи Кўрагоний» деб аталмиш фалакиёт жадвали ташкил этади. Жадвал жаҳон фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Расадхона негизида Самарқандда астрономия мактаби вужудга келади. Бу мактабда Муҳаммад Ҳавоний, Салоҳиддин Мусо Ибн Маҳмуд (Қозизода) каби таниқли олимлар дарс берадилар.

Улуғбекнинг фалакиёт мактаби ўз даврининг академияси («Дорул-илм») бўлган ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқи фалакиётининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Бу мактаб даставвал бундан 225 йил муқаддам машҳур француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олим Вольтер (1669—1778) томонидан эътироф этилган: «Улуғбек Самарқандда академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди»[1].

Мирзо Улуғбекнинг катта хизмати яна шундаки, у бевосита илмий-педагогик қарашлари билан ҳам одамларни илмли ва маърифатли бўлишга даъват этди. Улуғбек педагогик қарашларининг шаклланишида унинг машҳур ўтмишдошлари — Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий, Абу Райҳон Беруний каби олим ва мутафаккирларнинг таъсири кучли бўлган. Улуғбек ўзининг фалсафа тарихи, фалакиёт, математика, география,

[1] Қаранг: **Абдулаҳад Муҳаммаджонов.** «Улуғбек академияси», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил, 29 январь, 5-сони.

адабиёт фанларига оид кўп жилдлик асарларида ўз даври учун муҳим бўлган илғор педагогик фикрларни илгари сурди, одамларни ўзаро дўст ва биродар, меҳнатсевар ва инсонпарвар, тинчликсевар ва адолатпарвар бўлишга тарғиб этди.

Мирзо Улуғбек, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди, ҳар қандай жоҳиллик ва билимсизликка қарши курашди. Улуғбек ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг камол топишини таъминлашга ишонади. У инсоннинг имкониятлари чексиз эканлигига ишора қилиб, ёшларни илм эгаллашга, инсофли ва ҳамиятли бўлишга, ҳалоллик ва ростгўйликка даъват этади. Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларининг аҳамиятини, бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларни такомиллаштириб боришлари, уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур ҳунарларни эгаллаб олишлари лозим. Шу боис Улуғбек билимларни нафақат китоблардан, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этади.

Улуғбек янги-янги илмий кашфиётлар қилишни инсон учун олий фазилат деб билди. Аввало, у Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиради. Улуғбек: «Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир»[1] (яъни: «Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлининг бурчидир») деган шиорни илгари сурди ва уни мадрасанинг пештоқига ёздириб қўяди. Мадрасада эса илмнинг турли соҳалари ўқитилишига жиддий эътибор берилади. Масалан, Самарқанд мадрасасида илоҳиёт илмлари: Қуръон, Ҳадис, тафсир, фиқҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари) билан бирга, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия) илми, ҳайъат (фалакиёт), тиббиёт, тарих, география, илми аруз, илми қофия, араб тили каби дунёвий илмлар шулар жумласидандир.

Мирзо Улуғбекнинг бундай илмпарвар ва маърифатпарварлик фазилатларини унга замондош кўплаб шоир ва олимлар эътироф этганлар. Чунончи, улуғ Алишер Навоий Улуғбекнинг ҳам подшо, ҳам олимлигини «Хамса» асарида шундай таърифлайди:

[1] **Муҳаммад Ибн Ҳавоншоҳ.** Равзат-ас-сафо. Қўлёзма. Тожикистон ФА, инв. № 456, 410-бет.

«Темурхон наслидан Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек,
Анинг абнои жинси бўлди барбор,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Валек ул илми сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки ондин ёзди «Зижи Кўрагоний»[1].

Улуғбекнинг илм-фанни тарғиб этувчилик ва илм соҳибларига ҳомийлик фазилатларини кўрсатувчи яна бир ибратли мисол шуки, олим таваллудининг 600 йиллик тўйи арафасида Америконинг Мичиган университети кутубхонасидан топилган «Фунун-балоға» («Етуклик фанлари») асаридир. Бу асар Улуғбек замондоши — адабиёт бўйича қомусий билимга эга бўлган аллома олим Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий қаламига мансуб бўлиб, 1436—1437 йилларда ёзилган ва Улуғбекка бағишланган. Чунончи, буюк аллома бу асарида Мирзо Улуғбекни шундай тавсиф этади: «... салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саҳоват боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сибҳерининг моҳи, каёсат мулкининг шоҳи, шаҳон-шоҳи аъзами шаҳриёри аълам, соҳибулсайфул — қалам, маъдани лутфи карам, малики риқоби умом, фармондеҳи турк, араб ва ажам, вад-даврон Амир Улуғбек Кўрагон»[2].

Бу тавсифномадан Мирзо Улуғбекнинг шижоатли шоҳ, жонкуяр ва мурувватли маърифатчи, илм-фан равнақи йўлида саҳоватли раҳнамо, ширинсуҳан ва фаросатли инсон эканлиги яққол кўзга ташланади. Улуғбек ўзидаги шу инсоний фазилатларни илм-фанни равнақ топишига, ёшларни тарбиялашга бағишлаган, ёшлар тақдири ҳақида қайғурган, мактаблар очиб, болаларни ўқитган, уларга билим берган, таълим-тарбияни ривожлантиришга интилган, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромда бўлган, уларни моддий, маънавий томондан қўллаб турган. Шу сайъи ҳаракати билан таълим сифатини кўтаришга, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш тизимини жонлантиришга катта ҳисса қўшган. Чунончи, мадрасадаги ўқув тизимини ислоҳ қилиб, унда фалакиёт, математика, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди, мадрасаларда ўқиш муддатини 15—20 йилдан 8 йилга туширди.

[1] **Алишер Навоий.** Мукаммал асарлар тўплами. «Ҳамса», 7-том, Т., 1991, 404-бет.

[2] **А. Хайитметов, Э. Умаров.** Тарозийнинг қомуси. «Фан ва турмуш», 1994 йил, 1-сон, 6—7-бетлар.

Улуғбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида мударрислардан ўқувчилар билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишни талаб этиб, бунга ўзи раҳбарлик қилади, мударрис (тарбиячи)ларнинг масъулиятини оширишга интилади. Улуғбекнинг фикрича, болаларнинг билим олишни истамаслиги мударрисларнинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усулларини нотўғри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишини сўндиради. Мударрис, авваламбор, ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларни эгаллаши лозим. Улуғбек мударрисни ўз устида тинмай ишлашга, билимларини такомиллаштириб боришга, ҳар бир дарсда бериладиган билимнинг юқори савияда бўлишига эътибор беришга даъват этган. Шундагина мударрислар ўқувчиларда ижодкорликни, мустақил мутолаа қилиш малакасини ўстиришга, уларнинг билимга қизиқишларини кучайтиришга, дарс пайтида эътиборсизлик ва тартибсизлик қилмасликларига эришади.

Улуғбек ёш авлоднинг эркин ва ҳар томонлама ривожланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб, мударрисларни етукликка, фаол, билимдон ва юқори савияли инсонларни тарбиялашга ундади. Улуғбекнинг фикрича, шогирдлар ўзидан катталарни ва ўқитувчиларни ҳурмат қилишлари, кичик ёшдаги ўқувчиларга ўрнак бўлишлари, интизомли бўлишлари, ножўя гаплар ва хатти-ҳаракатлар билан мадраса номига доғ туширмасликлари керак.

Улуғбек халқнинг билимли бўлишини орзу қилади, уни дунё сирларидан, бойликларидан баҳраманд қилишни истайди. У дунёни билиш, англаш учун унинг сир-асрорларини топиш, шунинг натижасида топган бойликларини халққа хизмат қилдириш, бунинг учун эса биринчи навбатда, билим олиш, уни ҳаётга тадбиқ этишни ўрганиш зарурлигини айтади. Улуғбек инсон қобилияти ва заковатига ишонади.

Улуғбек ёш авлоднинг табиат ҳақидаги билимларни

эгаллаши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг уқтиришича, фан ва маданиятнинг ривожланиши билан юртда ҳақиқат ва адолат барқарорлашади. Биз Улуғбекнинг ўз фикрида қатъийлигини унинг бу соҳада замондошларига ўрнак бўлганлигида ёрқин кўрамиз. Улуғбек эл-юртнинг тинч-осойишта бўлиши учун одамлар ўртасида дўстлик ва биродарлик, самимият ва адолат барқарор бўлиши зарурлигини айтади.

Улуғбекнинг фикрича, ўқувчи ҳаётида дарсликлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун у дарсликларнинг мазмунига алоҳида эътибор беради ва муаллифлар олдига жиддий талаблар қўяди. Унинг фикрича, мадраса учун ёзилган дарсликлар янги мазмун билан бойитилиши керак. Уларда қайси фан, воқеа ва ҳодиса акс эттирилишидан қатъий назар, ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлмаслиги даркор. Дарсликлар содда ва тушунарли, араб тилининг мураккабликларидан ҳоли тарзда ёзилиши керак. Бироқ Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туриши кераклигини, ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли ва айни чоғда маърифатпарвар инсон ҳам бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улуғбекнинг ўзи Самарқанд мадрасаларида талабалари кўз ўнгида ана шундай фазилатли устоз сифатида фаолият кўрсатади.

Алломанинг уқтиришича, боланинг билим олишга бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота-оналар, айниқса, ўқимишли ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Улуғбекнинг фикрича, таълим-тарбияда математика, фалакиёт фанлари муҳим аҳамиятга эга ва шу фанлар боланинг ақлий қудрати ва қобилиятини ўстиришда муҳим восита бўлса, тарих ва адабиёт фанлари эса болаларнинг ватанпарвар бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий ҳунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Али Қушчининг гувоҳлик беришича, Улуғбек жисмоний жиҳатдан баркамол инсонларга чуқур ҳурмат назари билан қараган. Ўзи ҳам ҳарбий қуроллардан фойдаланиш сирларини эгаллаган. Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғлариданоқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, айниқса отда юриш, кураш тушиш, найзабозлик маҳоратини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиши ва уларни бажариш санъатини эгаллаши керак. Улуғбек ана шундай чиниққан одамнинг ўз юртини, ватанини ташқи душмандан ҳимоя қила олишига, ҳар қандай шароитда ўзини ва бошқаларни асрай олишга ишонган.

Улуғбек таълим-тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслигини уқтиради, мударрисларни одил ва ҳалол бўлишига, ўз педагогик маҳоратларини, билимларини ошириб боришга, ҳар бир машғулотни юксак савияда ўтказишга даъват қилади, ана шу билангина ўқувчиларда билимга қизиқиш орттириш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларни эгаллаши лозим.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида ўқишда, умуман, ҳаётда чидамли, меҳнатсевар бўлишни юқори баҳолайди, болаларда бу сифатларни тарбиялашни талаб этади ҳамда доимий равишда чидамлилик ва меҳнатсеварликда ўзи намуна бўлади. У юлдузларни тадқиқ этиш ишларини олиб бориш жараёнида дуч келган қийинчиликларни баён этиб шундай дейди: «Юлдузлар жадвалини тузиш мақсадида биз кечаю кундуз ишладик, ўз мўлжаллаган мақсадимизга етгунча биз ўзимизга қадар яратилган жадвалларни таққосладик, қайта туздик ва шу тариқа юз қайталаб тузатишлар киритгач, ўн саккиз йилдан сўнггина ўз кўзлаган ниятимизга етдик»[1].

Улуғбек ахлоқий тарбия хусусида гапирар экан, бу масалада инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, дўстлик ва биродарлик алоҳида аҳамият касб этиш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ва сохта дўстларни ажрата билиш лозим, ғаразли киши ҳеч вақт дўст бўлмайди, кишиларни у тўғри йўлдан оздиради. Дўст танлашга эътибор берилмаса, сохта дўстларнинг кўпайишига, бу эса одамлар ўртасида нопок манфаатларга хизмат қилишга олиб келишига ишонади. Шу боис ғаразли кишилардан ҳар қандай йўл билан бўлсада, йироқ бўлиш, касби ва хулқ-атвори яхши, ҳамма ҳурмат қиладиган, хушфеъл киши билан дўстлашиш лозим.

---

[1] **Улуғбек.** Новые Гураганова астрономические таблицы. Т., изд. «Фан», АН РУз, 1994 й., 31—32- бетлар.

Ҳар бир киши дўстона ҳамкорлик билан ҳаётий муаммоларни ҳал этиши мумкин, киши ёлғиз ўзи, дўстларсиз ҳеч нарса қила олмайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг ахлоқий шаклланиши олимлар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқдир; улар ўртасидаги яхши ҳамкорлик талабаларнинг ахлоқий тарбиясида ғоят муҳимдир. Бундай дўстона ва беғараз ҳамкорлик моҳиятини биз Улуғбек фаолияти мисолида кўрамиз: жадвални тузишда унга олимлар дўстона ёрдам беришади. Дўсти ва шогирди Али Қушчи умрининг охиригача унга — ўз устозига содиқ бўлиб қолади. Улуғбек ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси бўлган «Зижи Кўрағоний» асарини Али Қушчига ишониб топширади. Чунки у ўз шогирдининг садоқатига, бу асарни халқ орасида ёйишига ишонади. Ҳақиқатан ҳам Али Қушчи унинг бу ишончини оқлайди.

Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 56 ёшида ёвузларча ўлдирилади.

Мирзо Улуғбек Ўрта Осиёда педагогик фикр ва маърифат тараққиётида ўзига хос салмоқли ўринни эгаллади, умуминсоният томонидан кашф этилган илмлардан баҳраманд бўлиб, жаҳон фанига мислсиз ҳисса қўшди. Унинг таълим-тарбия ҳақидаги фикр-ғоялари ҳозирги даврда ёш авлод тарбияси учун ҳам қимматлидир.

ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ

Таълим-тарбия масаласи инсоният кечмишининг барча даврларида ҳам уни биринчи галдаги вазифа сифатида қизиқтириб келган. Ушбу муаммо айниқса, Марказий Осиё ва Эронда яшаб ижод этган кўпгина мутафаккирларнинг диққат марказида турган, улар ўз рисолаларида ёш авлодни тарбиялаш ва уларга хулқ-одоб қоидаларини сингдириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилганлар. Ана шундай мутафаккирлардан бири Жалолиддин Давонийдир.

Жалолиддин Муҳаммад ас-Сиддиқий ад-Давоний 1427 йилда Эроннинг Кохарун шаҳри яқинидаги Давон қишлоғида туғилади. У бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олгандан сўнг Шерозга келиб мадрасада етакчи олимлар қўлида таҳсил кўради. У мадрасани тамомлагач, Табризга боради. У ернинг ҳокими Султон Ёқуб Давонийни Шероз шаҳрининг қозиси этиб тайинлайди. Қозилик билан бир пайтда, у мударрислик билан ҳам

шуғулланади. Кейинроқ қозилик лавозимидан бўшаб, «Дор ул-айтом» мадрасасида дарс беради. Давоний, тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, Эрон, Ироқ, Ҳиндистоннинг кўп шаҳарларини кезиб, олимлар билан учрашади, улар билан фалсафанинг турли муаммолари бўйича баҳс юритади. Марям Мирҳодийнинг айтишича, «Юксак қобилият эгаси» бўлган Давоний ўзининг топган бутун бойлигини илм-фан равнақига сарфлаган[1]. Давоний 1502 йилда Қозарун шаҳрида вафот этади ва Давон қишлоғида дафн қилинади.

Давоний фалсафа, ахлоқшунослик, педагогика, риёзиёт, фиқҳ (мусулмон қонуншунослиги) ва бошқа фанлар бўйича рисолалар ёзган. «Рисолайи исботи вожиб» (Заруриятнинг исботи ҳақида рисола), «Рисолатул — хуруф» (Ҳарфлар ҳақида рисола), «Рисола-дар-илмулнафс» (Руҳшунослик ҳақида рисола) ва бошқа асарлар унинг қаламига мансубдир.

Аммо, «Ахлоқи Жалолий» асари олимга катта шуҳрат келтиради. Ушбу китоб асрлар мобайнида мадрасаларда қўлланма сифатида фойдаланилади. Бу китоб 1839 йилда В. Ф. Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинади.

Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» рисоласи[2] форс тилида ёзилган бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий масалалар, ахлоқ, таълим-тарбия ва хулқ-одоб қоидалари ўз аксини топган.

Давонийнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини таҳлил қилишдан олдин, унинг ахлоқнинг нисбийлиги ва ўзгарувчанлиги тўғрисидаги қарашларига қисқача тўхталиш, бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлади. Давоний болаларнинг хулқ-одоби ҳақида фикр юритар экан, улар яхши фазилатларни эгаллашида муҳит ва тарбия муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидлайди. У одам «тайёр туғма фазилат билан туғилмайди», балки у ташқи муҳит ва жамоа таъсирида яхши ёки ёмон хислатларни эгаллайди, дейди. Давонийнинг айтишича, «улар (яъни болалар — А. Х.) ўзларининг қобилияти даражасига қараб енгиллик ёки машаққат билан хулқ-одобни эгаллайдилар. Агар (инсон) хулқи ўзгарувчан бўлмаганида эди, унда ақлнинг билиш қув-

---

[1] **Марям Мирҳодий.** Тарихи нависандагони порс. Теҳрон. 1332 ҳижрий. 495- бет (форс тилида).

[2] **Давоний.** Ахлоқи Жалолий. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. инв. 7703.

вати бефойда, сиёсат ҳамда таълим-тарбиянинг эса, кераги йўқ бўлур эди» (ўша китоб, 44- бет.).

Давонийнинг фикрича, бола тарбияси билан жуда эрта шуғулланиш лозим. Ёшликдан бошлаб болада турли малакалар ҳосил бўла бошлайди. Дастлабки вақтда у шакли бир хил нарсаларни бир-биридан ажрата олмайди. Лекин у, улғайган сари мураккаб нарсаларнинг фарқига боради. Секин-аста ақли ўсиб, умумий тушунчаларни идрок қилади. Ёшликда боланинг зеҳни ўткир бўлиб, нарса ва ҳодисаларни тез қабул қилиш қобилиятига эга бўлади. «Бола қалби,— деб таъкидлайди Давоний,— тоза тахтага ўхшайди, унга ҳар қандай тасвирни осонликча чизиш мумкин» (ўша китоб, 119- бет.).

Давоний болада хулқ-одобнинг шаклланишида, дунёқарашининг таркиб топишида оила ва мактабнинг роли беқиёс эканлигини айтади.

Маълумки, мўғуллар истилоси даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда масжид ,мактаб, мадраса ва бошқа маданий муассасалар йўқ қилиб ташланган эди. Бундай шароитда, табиийки, талабаларга таълим бериш усули ва тартибини яхшилаш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Шу сабабли бу даврда мактабларда талабаларга таҳсил беришда мазмунга нисбатан шаклга кўпроқ эътибор берилади. Лекин XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, мактаб ва мадрасалар очилади, болаларга таълим беришда энди муаллимлар асосий ролни ўйнадилар. Давоний уларни «маънавий ота» деб атаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга даъват этади. У болаларга таълим бериш жуда мураккаб эканлигини айтиб, таълимда қатъият ва сабот-матонатли бўлишни талаб этади.

Давоний болаларни хулқ одобига салбий таъсир қилувчи, қўпол ва баджаҳл муаллимларнинг хатти-ҳаракатини қоралади. Унинг фикрича, муаллим ақлли, бола тарбиясидан хабардор, яхши хислатли бўлиши лозим. Мутафаккир ўқувчи билан муаллим ўртасидаги муносабатга тўхталиб шундай дейди: «Агар ота унинг (яъни боланинг Ҳ. А.) жисмини жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, муаллим унинг маънавий тарбиясини камолатга етишувига сабабчидир» (ўша китоб, 146- бет.).

Агар кишининг руҳи ўз баданига қанчалик яқин бўлса, муаллим ҳам тарбия соаҳсида унга шунчалик яқин туради.

Давоний ота билан муаллимнинг тарбиявий хислатини қиёслар экан, у муаллимнинг тарбиялаш усули отанинг тарбия усулидан юқори эканлигини айтади. У дейди: «Искандардан сўрабдилар: отани яхши кўрасанми ёки устозни? У жавоб берибди: Устозни. Чунки ота ўткунчи ҳаёт сабабчисидир» (ўша китоб, 146- бет). Лекин бундан Давоний оила ва ота-она тарбиясига етарли эътибор бермаган экан, деган хулоса чиқарилмаслик керак. Чунки, мутафаккир ўз рисоласида ота-онанинг болани тарбиялашдаги ролига ҳам кенг тўхталади. Унинг фикрига кўра, бола тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, ҳар иккиси боланинг яхши хулқ-одоб қоидаларини, муайян бир касбни эгаллашига кўмаклашиши, илм-фан ва касб-ҳунар эгаллашнинг моддий асоси бўлмиш озиқ-овқат, кийим-кечак, керакли буюм ва жиҳозларни етказиб бериш учун жонбозлик кўрсатиши керак. Лекин шунга қарамасдан, тарбия масаласида, барибир, асосий қийинчилик онанинг зиммасига тушади. Зеро, у ҳомиладорлик машаққати ва туғиш азобини бошидан кечиради. Она боланинг яшаши учун биринчи қувватни ўз баданидан беради, бевосита тарбияси билан машғул бўлади ва ўзининг бутун меҳр-муҳаббати ва қалб қўрини болага бағишлайди.

Ота-она болага хулқ-одоб қоидаларини сингдиришга, юриш-туриш, ейиш-ичиш, ўз қилмиши учун масъулият сезиш, ширинсухан бўлиш, яхши ва ёмонни ажратиш каби оддий ахлоқ қоидаларини эгаллашга ёрдам бериши лозим.

Давонийнинг педагогик қарашларида касб-ҳунарни эгаллаш муаммолари ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Олим касб-ҳунар эгаллашни инсоннинг энг яхши фазилати деб, уни бойликка ҳирс қўйишга ва тамагирликка қарама-қарши қўяди. Унинг таъкидлашича инсон ўзининг бойлиги билан эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, жамият ва ўзга кишиларга ёрдам бериши билан қадрланишини айтади.

Давоний болалар, албатта, бирор касб-ҳунар билан шуғулланиши кераклигини таъкидлаб, муаллим бола қайси касбга қизиқса, шу касбни эгаллашига ёрдам бериши, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим дейди. Ҳар бир одам ҳамма касбни эгаллашга қобилияти бўлмайди, балки муайян одамнинг бирор касбга қобилияти бўлади. Агар одамнинг бирор ҳунарга иштиёқи

бўлмаса, уни шу касбни ўрганишга мажбур қилмаслик керак.

Давоний инсон ва жамиятга наф келтирувчи ҳунарларни уч гуруҳга бўлади. *Биринчиси,* инсон ақли билан боғлиқ бўлиб, унга вазирликни киритади. *Иккинчиси,* таълим-тарбия орқали амалга оширилади. Бунга ҳандаса, фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт фанлари билан шуғулланишни киритади. *Учинчиси,* шижоат ва паҳлавонлик билан боғлиқ бўлган ҳунарлардир. Бунга чегарани қўриқлаш, душманга қарши курашиш киради.

Давонийнинг касб-ҳунар соҳасида айтган қимматли фикрларидан яна бири шуки, у касб-ҳунарга қараб одамларни тоифаларга ажратади. Унингча, одамлар тўрт тоифага бўлинадилар. *Биринчисига* қалам аҳллари: қозилар, муҳандислар, олимлар, ноиб ва мунажжимлар киради. Ҳарбийлар *иккинчи* тоифага, савдогарлар, ҳунармандлар *учинчи* тоифага киради. Давоний *тўртинчи* тоифага қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчиларни, деҳқонларни киритади. У деҳқон касбини улуғлашда замондошлари Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийлар билан бир қаторда туради. Давонийнинг фикрича, деҳқонлар бошқа тоифадагилардан озиқ-овқат, ғалла, дон ва бошқа моддий бойликларни етиштириши билан фарқланади. «Уларнинг ғайратисиз,— деб ёзади Давоний,— инсон зоти худди майда савдогарлар сингари йўқ бўлиб кетади, чунки бошқа тоифадаги кишилар ҳаёт кечириш учун уларчалик нарса ярата олмайдилар, балки бунёд қилинган нарсаларни бошқа кишиларга улашадилар, бир жойдан иккинчи жойга олиб борадилар ёки шаклини ўзгартирадилар» (ўша китоб, 164- бет.). Давонийнинг деҳқонлар меҳнатига берган баҳоси Навоийнинг деҳқонлар ҳақидаги фикрига яқин туради. Навоий шундай дейди: «Деҳқон агар тўғрилик билан дон сочса, ҳақ бирига юз эшигини очади. Сочган донаси кўкаргунча, ўриб хирмон қилиб ҳосилини кўтаргунча, қурту қуш ундан баҳраманд бўлади, дашт ваҳшийлари у билан шодланади. Чумолилар уйи ундан обод, каптарлар ундан маст бўлади, тўрғайлар ундан севинчга тўлади. Ўроқчига ундан ризқ, ҳосил бўлади, машоқчи унинг устидан кўз югуртиради»[1]. Умуман Навоий ҳам, Давоний ҳам юқоридаги фикрлари орқали, энг аввало, оддий халқ

[1] **А. Навоий.** Маҳбубул қулуб. Асарлар, 13- жилди, 198- бет.

меҳнатини улуғлаб, бошқа тоифадаги кишиларни уларни ҳурматлашга ундайди.

Давонийнинг уқдиришича, илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиб, билимларни ўрганиш комил инсон камолотида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, болаларни тарбиялашда, уларни гўзал хулқли, одобли қилиб ўстиришда илм-фаннинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам Давоний ва ўша даврда яшаб ижод этган мутафаккирлар — Шоҳ Дойи Шерозий, Ҳусайн Воиз Қошифий ва бошқалар илм-фан билан ахлоқ ва тарбиянинг чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаганлар. Уларнинг таъкидлашича, илм-фан кишиларнинг софдил, меҳр-шафқатли, инсонпарвар, камтар ва сахий бўлишига, жамиятда ахлоққа зид ҳодисаларни енгишида, тубан иллатларга қарши курашида ёрдам беради. Энг муҳими, билим одамларга тўғри йўл кўрсатади, уларни адашишдан сақлайди, мукаммал ва бахтли ҳаётга етаклайди.

Давоний илм-фан билан шуғулланиш инсоннинг ёшига боғлиқ эмаслигини, киши ёши улғайиб қолганда ҳам билим эгаллаши мумкинлигини айтади.

Давоний илм-фаннинг жамият ва унинг равнақидаги аҳамиятини таъкидлаш билан бир қаторда, амалий аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритади. Унингча, илм меҳнаткаш халқнинг турмушини енгиллатишга, жамиятда адолат ўрнатишга хизмат қилиши даркор. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда одамларга фойдаси тегадиган илмлар билан шуғулланиш ва бу илм амалиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Киши ўз билимини турмушга татбиқ қила олмаса, меҳнати зое кетади. Давоний амалиёт деганда, кўпроқ маърифат тарқатишни ва таълим-тарбия беришни назарда тутади.

Давоний олимларнинг фаолиятига, уларнинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳам сўз юритади. Унинг фикрича, олимлар жамиятга фойда келтирадиган муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашишлари лозим. Олимларнинг асосий вазифаси табиат сирларини ўрганиш, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиш, жамият орасига адолат қонун-қоидаларини ёйишдан иборатдир. Давоний олимларни давлат муассасасида хизмат қилаётган хизматчилардан юқори қўяди ва кишиларни уларнинг насиҳат ва таклифларидан фойдаланишга ундайди. Давонийнинг фикрича, давлат бошлиғи билимдон, маърифатли, фозил илм-фанни яхши тушуна-

диган одам бўлиши керак. Шундагина, у, ўз теварак-атрофига ақлли, хушфеъл олимларни тўплаб, улар билан кенгашиб, давлатни бошқара олади.

Давоний кишиларни, хусусан, ёшларнинг ахлоқий фазилатларни эгаллаб олишлари масаласига ҳам катта эътибор беради. У инсоний фазилатларни иккига ажратади, яъни булар туғма ва яшаш давомида ҳосил қилинадиган хислатлардир. Унингча, туғма фазилатларга зеҳн ўткирлиги, зукколиқ, башорат қилиш қобилияти киради. Мутафаккир, умуман олганда инсоннинг туғма қобилиятларини инкор қилмайди. Зеро туғма қобилиятнинг ўзи билан одам бирон-бир ютуққа эришиши қийин. Давоний ўзининг бутун эътиборини яшаш давомида эгалланадиган хислатларга қаратади. У инсон дунёга келгандан сўнг, қайси фазилатларни ҳосил қилиши ва қайси иллатлардан халос бўлиши ҳақида сўз юритади.

Давоний ахлоқшуносликни тўрт асосий тушунча — *донолик* (ҳикмат), *шижоат, адолат* ва *иффатдан* иборат, деб ҳисоблайди.

Донолик инсоннинг ақлий билими билан чамбарчас боғлиқдир. Бу умумий ахлоқий тушунча бўлиб, унга зукколик, фаҳмлилик, зеҳн ўткирлиги, тез идрок қилиш қобилияти, хотира ва бошқалар киради. Ушбу ақлий хислатлар инсондан муҳим масалаларга эътиборни қаратишни, бирор масала бўйича тез хулосага келишни, масаланинг моҳиятини чуқур англаб етишни, илгари ўзлаштирган ва билган воқеа ва ҳодисаларни хотирада сақлаб қолишни талаб қилади. Демак, Давоний инсоннинг ақлий қобилиятига катта эътибор бериб, болаларни ёшликдан бошлаб ақлий камолоти тўғрисида қайғуриш лозимлигини уқтиради. Чунки ақлий камолот ёшлик чоғидан илм-фан сирларини эгаллашда намоён бўлади.

Донолик ёки ҳикмат соҳиби бўлмаган кишилар, одатда илм-фанга қизиқмайдилар, муайян масаланинг моҳиятини тушунмай, олимлар билан баҳслашадилар, ёшларни тўғри йўлдан оздирадилар. Улар ҳақиқат билан сохта фикрларни аралаштириб, шубҳали хулоса ва мавҳум тахминларни тўғри деб ҳисоблайдилар.

Давоний шижоатни ёшлар эгаллаши зарур бўлган асосий хислатлардан бири деб билади. У шижоатни кенг маънода тушуниб, камтарлик, меҳр шафқатлилик, сабр-матонат, вазминлик, чидамлилик, хушфеъллик, ру-

ҳан тетиклик ва бошқа ахлоқий қоидаларни унинг муҳим хусусияти деб билади.

Давоний шижоатни кенг маънода тушуниб, уни мамлакатнинг равнақи, жамиятнинг фаровонлиги ва бахт-саодати билан боғлайди. У ақлли, сабот-матонатли, давлат ва жамиятга катта фойда келтирувчи кишиларни шижоатли деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, аскарлар энг шижоатли, жасур кишилардир, чунки улар давлат чегараси ва қалъаларини қўриқлайдилар.

Мутафаккир шижоатнинг камтарлик белгиси ҳақида сўз юритиб, камтар одам ўзини бошқалардан юқори тутмаслиги лозим, дейди. Давоний меҳр-шафқат бировларга ҳамдардлик билдиришдан иборат эканлигини таъкидлайди. Меҳр-шафқат, энг аввало, муҳтожларга ёрдам беришдан иборатдир.

Инсоннинг ёшликдан бошлаб эгаллаши лозим бўлган хулқий фазилатларидан бири иффатдир. Давоний иффатни инсоннинг энг гўзал фазилатларидан бири ҳисоблайди. Иффат, унингча, кишиларнинг турли эҳтиёжлар туфайли ақлга бўйсунишидир. У кишиларни ортиқча ва кераксиз нарсалар ва хатти-ҳаракатлардан тийилиб, ўз ҳиссий қувватларини ақл орқали идора қилишга ундайди ва иффат турли сабр, қаноат, ҳаё, саховат, тақводорлик кўринишларида намоён бўлади деб айтади.

Давоний, айниқса, қаноат масаласини кенгроқ таҳлил этади. Бу бежиз эмас, чунки Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ушбу муаммога катта эътибор берилган.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий қаноатни «булоқ», «қўрғон», «хазина», «жавҳар», «дарахт»га қиёс этади. Қаноат натижасида фаровонлик, фароғат, тинчлик, рўшнолик қўлга киритилади. Навоий қаноатни тамагирлик, очкўзлик, текинхўрлик, бойликка ҳирс қўйишга қарши қўяди. Унингча, кимки қаноат билан чегараланса, ўзгаларнинг миннатидан халос бўлади.

Давоний ўз асарларида адолат тушунчаси ва унинг турларини муфассал таҳлил қилади. Маълумки, ушбу муаммо одамларни ҳамма даврларда қизиқтириб келган. Чунки адолат кишилар ўртасидаги тенгликни билдирган. Адолат фақатгина ахлоқийликка оид тушунча бўлмай, балки у ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий мазмунга ҳам эга. Давоний адолатни 3 қисмга бўлади. Биринчиси мулк ва яхшилик (эзгулик) билан боғлиқ. Бунда кишиларнинг инсоний қадр-қиммати ва мол-мулкига

қараб баҳо берилади. Катта обрў ва бойлик эгаси бўлган одам кўпроқ қадрланади. Иккинчи турдаги адолат мол айирбошлашда намоён бўлади. Бунда мол айирбошлаш тенг тақсимот асосида амалга ошиб, тенглик қоидаси ҳукм суради. Адолатнинг учинчи кўриниши сиёсат ва тарбияга боғлиқ бўлиб, давлатни бошқаришда, дин ва унга асосланган шариат қоидаларига амал қилишда билинади. Давоний бу масалада кишиларни «мўътадилликка риоя қилишга, шариат қоидалари бўйича иш тутишга» даъват қилади.

Адолатнинг ҳуқуқий томони адолатнинг юксак кўриниши ҳисобланади. Зеро, кимки шариат қонунларига амал қилса, уни одил инсон деса бўлади, чунки у айни бир пайтда, ҳам худонинг, ҳам подшоҳнинг иродасига ҳамда давлатнинг қонунларига бўйсунган ҳисобланади.

Сиёсий адолат эса давлатни оқилона бошқаришдан иборат бўлиб, ҳукмдорлар фаолиятига баҳо беришнинг муҳим ўлчови бўлиб хизмат қилади. Давоний адолатнинг сиёсий томонига эътибор беради, уни мамлакатнинг равнақи, халқнинг фаровонлиги ва бахт-саодати билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади.

Адолатнинг ахлоқий томони кишиларнинг ўзаро муносабатида акс этади, юриш-туриши, қилган ишларини ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолайди. Адолатнинг ахлоқий бўлиши кишиларнинг бир-бири билан тенглик асосида муносабатда бўлишини, иззат-нафсига тегмасликни, таҳқирламасликни, бошқаларга зиён-заҳмат етказмасликни тақозо қилади.

Давоний аҳиллик ҳақида сўз юритар экан, кишиларни бошқалардан таъна-дашном эшитмасдан, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга даъват қилади. Садоқат ҳақиқий дўстлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган хулқий фазилат бўлиб, бу фазилатга эга бўлган одам ўзига нимани раво кўрса, дўстига ҳам шуни раво кўриши лозим. Дўсти ҳам, ўз навбатида, худди шундай иш тутиши керак.

Умуман, Давонийнинг таълим-тарбия ҳақида билдирган фикрлари шундан далолат беради ки, болаларни тарбиялашда оила, мактаб, жамиятнинг роли ҳақида илгари сурган ғоялари инсонни камолотга етказишда, уни юксак фазилатли қилиб етиштиришда илм-фан ва касб-ҳунарнинг аҳамияти тўғрисидаги мулоҳазалари ҳозирги даврда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Унинг асарида ифодаланган энг яхши инсоний фазилатлар — адолатлилик, садоқатлилик, донолик, зукколик, сабр-тоқатлик, қаноатлилик, иффатлилик, ҳаёлик, меҳр-шафқатлилик, сабот-матонатлилик, сахийлик сингари ахлоқий қоидалар олим талқинида янада улуғланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Ўзбек халқининг улуғ фарзанди, инсонпарвар, маърифатпарвар Алишер Навоий (1441—1501) XV асрда таваллуд топди ва темурийлар даврида яшади, ижод қилди.

Алишер Навоий мактабдор ёки мударрис бўлиб дарс берган бўлмаса ҳам, таълим ва тарбия ишида жуда катта хизматлар қилди. Машҳур тарихчи Хондамир Навоийнинг ёшларга билим бериш ва уларни тарбиялаш учун имкониятлар яратганини бундай тасвирлайди: «...Атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ бўлган санъат аҳлларининг даражаларини кўтаришда ва мартабаларини оширишда қўлдан келган қадар ҳаракат қилиб, бундай ишларга аҳамият берди. Ўқувчилар фақат ўқиш билан машғул бўлишлари учун уларга нафақалар тайин этиб, мадрасалар бино қилди»[1].

Алишер Навоий ёш авлодларнинг илм-ҳунарни ва энг яхши инсоний фазилатларни эгаллаган кишилар бўлишини орзу қилади.

Алишер Навоий илмий ва адабий фаолиятида ҳам, таълим-тарбия ҳақида билдирган фикрларида ҳам ўзидан олдин ўтган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа мутафаккирлар анъанасини давом эттирди ва бойитди.

Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини турли илмий ҳамда адабий асарларида баён этди. У илм-маърифат, таълим-тарбия масалалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, инсонпарварлик ғояси марказий ўринда туради. Унингча, инсон дунёда барча мавжудотлардан юксак, азиз ва қадрлидир.

Алишер Навоий достонларида Фарҳод, Қайс, Искандар ва бошқа ижобий образларнинг тарбияланиш ва таълим олишда босиб ўтган йўлларини, камолотга етиш босқичларини батафсил тасвирлади. У боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг куч ва қудратига

---

[1] **Хондамир.** Макоримул ахлоқ. ЎзФАН, Тошкент, 1941, 23-бет.

алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади.

Ёш бола яхши нима-ю, ёмон нималигининг фарқига бора олмайди, унинг тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш қобилияти унча ривож топмаган бўлади. Шу сабабли, у, ўз хусусиятига кўра, бирон салбий таъсир натижасида ярамас, нотўғри йўлга кириб кетиши мумкин.

Демак, болани жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ даркор. Тарбия инсоннинг ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишига ёрдам беради.

Алишер Навоий тарбиянинг кучига эътибор бериш билан бирга, кишининг қандай одам бўлиб вояга етишига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларни ҳам унутмади. Навоийнинг фикрича, жамиятдан, одамлардан ажралиб, яккаланиб қолган ва уларнинг таъсиридан ташқарида бўлган киши инсон қаторига кира олмайди, у ҳунари йўқ кабидир. Чунки ёлғиз киши дунёдан баҳра топа олмайди, ҳаёти емирилади.

Алишер Навоий, одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса, кишиларнинг бир-бирларига бўлган руҳий, манъавий таъсирлари натижасида таркиб топади, деб таъкидлайди.

Одам тарбия ва ижтимоий муҳит таъсири билан яхши ёки ёмон, Навоий ибораси билан айтганда, муносиб ёки номуносиб бўлиши мумкин. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг файсакус тарбияси натижасида доно давлат арбоби ва олим бўлиб етишганлигини ҳикоя қилиб дейди:

Искандарки доноийи офоқ эди,
Билик ичра офоқ аро тоқ эди[1].

Алишер Навоий бу билан, одамни вояга етказишда асосий омиллардан бири — тарбия эканлигини уқтиради.

Навоийнинг фикрича, яхши таълим ва тарбия олган ҳар бир киши Искандар каби бўлмоғи мумкин, бунинг учун аслзода ва шаҳзода бўлиш шарт эмас.

Шоир мана бундай дейди:

«Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди, ҳаёву, адаб» (ўша китоб, 71- бет).

Демак, кишининг чинакам инсонлиги, унинг аслзода бўлишида эмас, балки тарбияли ва ҳаёли бўлишидадир

[1] **Алишер Навоий.** Хамса, Тошкент, 1960, 659- бет.

дейди, бунга эса тарбия ва таълим йўли билан эришиш мумкинлиги айтиб ўтилади.

Алишер Навоийнинг таъбирича, тарбиянинг мақсади— ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга киши қилиб вояга етказишдир. Навоий инжиқ, ялқов, ёмон хулқли болаларни ҳам тарбия ва ўқитиш йўли билан яхши фазилат эгаси қилиб тарбиялаш мумкинлигига ишонади. Навоий жамиятдаги айрим ахлоқий жиҳатдан нуқсонли кишиларни қайта тарбиялаш зарурлигини айтади, бунда тарбия муҳим аҳамият касб этишини уқтиради. Аммо, ҳаддан зиёд фосиқ, халққа зарар келтирувчи одамларни фақат тарбия йўли билан тузатиб бўлмаслигини таъкидлайди.

«Қобилға,— дейди шоир, тарбият қилмоғ зулмдур ва ноқобилға тарбият қилмоғ хайф. Ани адами тарбият била зоий қилма ва мунға тарбиятингни зойи қилма»[1].

Навоий тарбия таъсирига берилмайдиган, халққа мусибат келтирувчи фосиқларга шафқатсиз бўлиш керак ва уларни тарбиялаш билан инсон қаторига қўшиб бўлмайди, деб уқтиради.

«Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами,
Ким кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами»[2].

Демак, нокас, виждонсиз ва фосиқларга ҳақиқий кишилик хислатларини сингдириб бўлмайди.

Бола, асосан, оилада тарбия олади. Болани қайси ёшдан мактабга бериш лозимлигини Навоий очиқ айтмаса ҳам, лекин ўзининг ҳам, адабий асарларидаги қаҳрамонларининг ҳам, қайси ёшда мактабга берилганлигини биламиз.

Оилада олган тайёргарлиги билан мактабда ўқий бошлаган Алишер 6 ёшида Қуръони Каримнинг «Таборак» сурасигача ўқиганини машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийга ҳикоя қилади.

Навоийнинг фикрича, ҳар бир ота-она ўз фарзандига ёшлигидан таълим бериши, мактабда ўқитиши лозим:

«Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анга илму адаб»[3]

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбубул қулуб, Тошкент, 71- бет.

[2] **Алишер Навоий.** Хазойинул маоний, II том, Тошкент, 1959, 709- бет.

[3] **Алишер Навоий.** Хамса, Тошкент, 1960, 73- бет.

Алишер Навоий ёш авлодга бериладиган билим ва тарбияни бир-бирига боғлаб олиб боришни, болага яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишни таъкидлайди:

«Топтинг чу аёл яхшилик еткургил,
Ўргат адабу, яхши қилиқ ўргатгил.
Ҳар неча адаб бўлса қаттиғ еткургил,
Хайлиға адаб қилиб сабоқ еткургил»[1]—

дейди шоир.

«Номуносиб эл»лар — бошқалар меҳнати эвазига яшовчи, айш-ишрат ва кайф-сафо қилувчи одамлардир.

«Муносиб эл»— ўз меҳнати билан кун кўрувчи, жамият манфаати учун садоқат билан ишловчи, халқ бахт-саодати учун курашувчи, соф виждонли кишилардир. Булар — софдил, инсофли косиблар, деҳқонлар, ҳунармандлар, санъатчилардир.

Алишер Навоий ҳунар аҳлини улуғлайди, барча соф виждонли одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, илғор ахлоқий қоидаларини ташвиқ этади.

Алишер Навоий косиблар тўғрисида бундай дейди:

«Косиб, ганжи кофи зар олғинж эрур,
Икки қўли мезони дирам санжи эрур» (ўша китоб, 16[а]-бет).

Мазмуни: «Косибларнинг олтин олувчи хазинаси уларнинг қўлларидир. Танга ўлчов тарозиси эса яна шу қўлларидир» дейди.

Алишер Навоий меҳнатни бахтли ҳаёт манбаи ва айни чоқда жамиятнинг бойлиги ҳамдир, деб билади.

Алишер Навоий инсон ҳаётида меҳнат муҳим аҳамият касб этишини айтиб, «юк чекмоқ ила кишига зеболик эрур» дейди. Демак, меҳнат кишини камолотга етказади. Шу сабабли ҳам, Алишер Навоий ўз асарларида ижобий қаҳрамонларини меҳнатсевар, меҳнатни ҳурмат қиладиган кишилар сифатида тасвирлайди.

Навоий режа билан, ақл билан ҳалол меҳнат қилишни маслаҳат беради, меҳнат билан оила, юрт обод бўлишини айтади. Навоий меҳнатсиз роҳат бўлмаслигини шундай таърифлайди:

«Меҳнат аро ҳар кимки, таҳаммул йўқ анга,
Тарвижға мутлақо тахайюл анга»[2].

[1] **Алишер Навоий.** Назмул жавоҳир, қўлёзма № 9361, 16[а]- бет.
[2] **Алишер Навоий.** «Афоризмлар», 46- бет.

(Кимки меҳнатга чидамсиз бўлса, ишининг ривож топишини хаёлга ҳам келтириб бўлмайди).

Навоий «Хотамтойи» ҳикоясида ҳалол меҳнат билан кун кечиришни бировнинг миннат билан берган ҳар қандай бойлигидан афзал кўради.

Навоий одамларни, бинобарин ёшларни ҳам меҳнатни пухта қилишга, ишни ўз вақтида бажаришга даъват этади:

«Айлар ишингга чу бўлур даст рас,
Вақтидин ўткарма они бир нафас»[1].

Алишер Навоий, одамларни бахтли ҳаёт йўлига даъват этади.
Чунки:

«Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули»[2].

Навоийнинг фикрича, инсон учун тож янглиғ зийнат давлат эмас, балки энг яхши фазилатлардир. Энг яхши фазилатлар ҳар қандай бойликдан афзалдир:

«Олтин, кумуш этма хасб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни давлат тунидин.
Гар йўқдур адаб не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин»[3]

Жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир киши ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўймоғи халқ учун, ватан учун фойда эканлигини унутмаслиги керак дейди:

«Наф еткурмакка шиор айладинг,
Ўзунгга ул нафни ёр айладинг,
Нафинг агар халққа бешак дурур,
Балки, бу наф ўзингга кўпрак дурур»[4].

Алишер Навоий халққа иш билан ҳам, сўз билан ҳам, кўнгил билан ҳам фойда келтириш кераклигини айтади, халқ манфаати учун ишлайдиган, халқнинг бахт-саодати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий одам деб билади:

«Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами» (ўша китоб, 104- бет).

[1] **Алишер Навоий.** Хамса. Тошкент, 1960, 138- бет.
[2] **Алишер Навоий.** Хамса, Тошкент, 1960, 562- бет.
[3] **Алишер Навоий.** Назмул жавоҳир, инвентар № 1743 6[а]- бет.
[4] **Алишер Навоий.** Хамса, Тошкент, 1960, 102- бет.

Навоий халққа, кишиларга зарар етказадиганларни ёмон одам ҳисоблайди:

«Эл қочса бировдин эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балои жони бил они,
Олам элининг ёмон ёмони бил они»[1].

Одамларнинг одамийси — Навоийнинг идеалидир. У Ширин тилидан:

«Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдир»[2]

дейди.

Алишер Навоий инсонларни миллатидан, ирқидан, қайси диндалигидан қатъи назар, бир-бирлари билан дўст бўлиб, аҳиллик билан яшашга даъват этади. Навоийнинг таъкидлашича, одамлар бир-бирлари билан дўст ва ҳамжиҳат бўлиб яшамагунларича, ўз орзу-ниятларига ета олмайдилар. Яккалик, ёлғизлик билан ҳеч қандай иш қилиб бўлмайди. «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас» деган халқ мақолида ифодаланганидек, Навоий ҳам мана бу ўринда:

«Бир киши андоқ киши ким, бир киши,
Тузгай анинг бирла муваддат иши»

деса, бошқа бир ўринда:

«Ҳар киши оламда эрур ёрсиз.
Бир садафдур, дури шаҳворсиз» (ўша китоб, 81- бет).

дейди ва одамларни бир-бирларига ёрдам беришга, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, хурсандчилик, шодлик ва қайғу-аламли кунларда ўзаро ҳамдард бўлишга ундайди.

Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашларида вафодорлик ҳам алоҳида ўринда туради. Шоир вафони чин инсон зийнати, деб билади ва вафони бундай таърифлайди:

«Сўрса отин аҳли сафо жавҳари,
Оҳ чекиб деки, вафо гавҳари!
Бу дури ноёб вафоми экан,
Гар ул эмас, меҳри гиёми экан!?

[1] **Алишер Навоий.** Назмул жавоҳир, қўлёзма, Инвентарь № 1743, 11[а]- бет.
[2] **Алишер Навоий.** Хамса, Т., 1960, 263- бет.

Меҳри гиё демаки, анқодир ул.
Жавҳари фарду, дури яктодир ул» (ўша китоб, 80- бет).

Фарҳод ўз ўлими олдидан вафодор дўсти Шопурни эсга олиб мана бундай дейди:

«Сен менга ҳамдам бўлиб, не қонлар ютмадинг, менга сирдош бўлиб не қайғулар тортмадинг. Менга ҳамдам бўлганингдан бошлаб балоларга, мотамларга йўлиқдинг. Вафо қилишнинг қоида-ю шарти шунчалик бўлади-да! (Алишер Навоий. «Хамса». Т., 1960, 313-бет).

Алишер Навоий ўз ижодий фаолиятида ахлоқ, одоб масаласига алоҳида эътибор беради. Улуғ шоир ахлоқ, одобнинг моҳияти ҳақида шундай дейди:

«Адаб — кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва дуо баракати билан умрдан баҳраманд қилади. Адаб кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгилда абадий қолади; ёшларни кўзга улуғ кўрсатади, уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор билади; одамлар томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини бекитади, боғлайди ва кишини ҳазилмазаҳдан ва камситилишдан сақлайди, киши табиатини инсонлик йўлига солади ва одам мижозига одамгарчилик манзилида ором беради; кичикларга ундан бир мунча натижа ҳосил бўлгач, катталарга аллақанча бўлишини кўрарсан. Адаб муҳаббатга безак ва пардоз беради, адаб таркидин дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозиъ дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик етказади»[1].

Навоийнинг фикрича, одоб — одамнинг олижаноб фазилатларидан биридир. Одобли киши очиқ юзли, хушмуомала, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун икки юзламалик, қўполлик ётдир. Одобли одам доимо ҳурмат ва иззатда бўлади. Ота-она, ака-ука, опа-сингилни, дўстларни ҳурмат, иззат қилмоқ — ҳар бир одобли кишининг бурчидир.

Алишер Навоий ҳар бир кишидан ёқимли, назокатли, очиқ чеҳрали ва хушмуомала бўлишни талаб қилади:

«Ҳар кимгаки, даҳр ичида донолик эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлис оролиқ эрур»[2]

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбубул қулуб, 43- бет.
[2] **Алишер Навоий.** Назмул жавоҳир, 14- бет.

яъни, ақлли, доно киши одобли, ҳаёли, камтарин, ширин муомалали, яхши хулқли бўлади, дейди. Ширин сўзли ҳар бир киши учун энг яхши фазилатдир. Дағаллик, қўполлик билан муомала қилиш, энг ёмон хислатдир.

Алишер Навоий лаганбардорликни, хушомадгўйликни ҳам энг ёмон сифатлардан деб билади ва у, ота оналарни ўз болаларини — ёш авлодни чин инсонга хос бўлган энг яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга даъват этади:

«Топтинг чу аёл яхшилик топшургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил.
Ҳар неча адаб бўлса, қаттиғ еткургил,
Хайлиға адаб қилиб, сабоқ еткургил»

(ўша китоб, 20- бет).

Алишер Навоий ўз ижодида одамларни карамли, саховатли ва ҳимматли бўлишга ундайди ва ёшларни ҳам шундай фазилатли қилиб тарбиялашга даъват этади. Навоий эл-юртга, халққа, муҳтожларга ёрдам беришни энг юқори карамлилик деб ҳисоблайди.

«Карам,— дейди Навоий,— бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқармоқдир. Карам — биров машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва у тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, ишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир»[1].

Алишер Навоий одамларни инсофга, саховатли ва адолатли бўлишга, бир-бирлари билан аҳил бўлишга, бир-бирларига ёрдам беришга, карамли бўлишга даъват этар экан, эҳсонли бўлишни алоҳида уқтиради. Улуғ мутафаккир эҳсонни улуғлаб шундай дейди: «Эҳсон деган сифатни абадий саодат бил... Қишилик боғининг кўнгилга ёқар дарахти эҳсондир. Барча мақбул сифатлар ва маъқул ҳолатлар эҳсонга қарашлидир ва бу сифат ва ҳолатларни у ўз ичига олган ҳамда шунинг ўзида воқедир. У барча яхшиликларни ўзида тўплаган ва бари яхшиликлар ҳақиқатан унга тегишлидир» (ўша китоб, 52- бет).

Алишер Навоийнинг фикрича яхшилик қилишни ўзига мақсад қилиб олган одам бахтлидир. Бундай одам-

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбубул қулуб, 55- бет.

лар саҳий ва ҳимматли бўладилар. «Саҳийлик кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёнинг асл гавҳаридир» (ўша китоб, 54- бет).

Алишер Навоий саҳийликни халққа, давлатга фақат мол-мулк билан эмас, балки ўзида бўлган куч, билими билан маънавий ёрдам бериши кераклигини айтади.

Алишер Навоий саҳийлик ҳимматли бўлиш билан боғлиқлигини уқтириб: «Саҳийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони; ҳимматлилардан дунёга юз минг кушойиш бўлар, ҳимматсиз киши эр сонида эмас, жонсиз баданли киши тирик демас»— дейди (ўша китоб, 54- бет). Навоий олийҳимматлиларни энг олий даражага кўтаради.

Ҳимматли кишилар халқ орасида обрўга сазовордир, ҳиммати йўқ кишилар — эл олдида беэътибор ва ҳурматсиздирлар. «Ҳиммати йўқнинг ҳурмати йўқ»— дейди Навоий (ўша китоб, 67- бет).

Алишер Навоий дунёда тўғриликдан кўра яхшироқ фазилат йўқ, тўғри сўз одам мард бўлади деган ғояни илгари суради. Тўғри фикрловчи доно кишилар ақл билан сўзни бирлаштирадилар. Ҳар бир сўзни ўйлаб, фикрлаб сўзлайдилар.

Алишер Навоий мардлик, қаҳрамонликни дўстларни ҳурмат қилиш ва душманга раҳмсиз бўлишда кўради. Шоирнинг таъкидлашича, мард одам мақтанчоқ бўлмаслиги керак. «Қайси киши, агар мардлик нишонасига эга бўлса, у ўзининг минг турли қилган ишларидан бирини ҳам айтмайди»[1]. Мард кишилар халқ ҳурматига сазовордирлар. «Кимки мард — у кишилар хизматига умрини сарф қилса, умри кетса-да, абадий умрга эришади»[2] — дейди Навоий.

Алишер Навоийнинг таълим-тарбия хусусидаги қарашлари у яратган қаҳрамонларда ифодаланган. Улуғ шоир ўзининг таълим ва тарбияга оид фикр ва мулоҳазалари билан педагогика фанига катта ҳисса қўшди, кишилик фазилатлари тўғрисидаги фикрлари ҳозирги давримиз учун ҳам муҳимдир.

[1] **Алишер Навоий.** Хамса, Тошкент, 1960, 118- бет.
[2] **Алишер Навоий.** «Афоризмлар», 83- бет.

ҲУСАЙН ВОИЗ АЛ-ҚОШИФИЙ

Ҳусайн Воиз ал-Қошифий XV асрда яшаб ўтган мутафаккирлардан биридир. У тахминан 1440—1450 йилларда Сабзавор шаҳрида таваллуд топган. У фалсафа, ахлоқ, нафосат, педагогика, тилшунослик, адабиётшунослик, теология, тарих, кимё, фалакиёт, мусиқашунослик, дин тарихи, дин қонунига оид 200 дан ортиқ бебаҳо мерос қолдирган. Воиз ал-Қошифийнинг «Лавомеъул қамар», «Лубби лубоби Маснавий», «Маҳбубул зуҳал», «Бадоеул афкор фи саноеул ашъор», «Тафсири Ҳусайний», «Жавоҳирот тафсир», «Жавоҳирот» ва асосан, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлари ифодаланган «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Сухайлий», «Футувватномаи султоний», «Рисолаи Ҳотамия» асарлари ўзи яшаган замондаёқ бутун Хуросон мамлакати мадрасаларида дарслик вазифасини бажарган. Бу асарлар арабча, форсча, татарча, эски ўзбек тилида, урдуча, форс-араб тилларида чоп этилган.

Ҳусайн Воиз ал-Қошифий асарлари Париж, Лондон, Берлин шаҳарларида, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбайжон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларда қизиқиш билан ўқилади. Ғарбий Европанинг Х. Г. Кин, М. Дуайт, Д. Д. Дональдсон, Э. Браун, А. А. Арберри, Э. С. Кеннеди, Э. Розенталь, Х. Массе, К. С. Ламбтон, Р. Леви, А. М. Шастри каби олимлари Туркистон ва Эроннинг XIV—XV асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётини, жумладан, Воиз ал-Қошифий асарларини ҳам атрофлича ўрганишга харакат қилганлар.

Воиз ал-Қошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асарида таълим-тарбия, билим орқали инсонни қайта тарбиялаш, ақлий қобилиятини ўстириш мумкинлигини алоҳида уқтиради. У: «Имкон борича (болага) яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас ҳаракатлардан ўзини мухофаза қилсин»[1],— деб таъкидлайди.

Мутафаккир боланинг фикрлаш қобилиятини ўстириш ҳақида фикр юритар экан, бу масалада, айниқса, ота-оналар, муаллимлар олдига масъулиятли вазифалар қўяди, ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялашга жиддий ёндашиб, унга ижобий хислатларни сингдириши

[1] **Қошифий.** Ахлоқи Муҳсиний. 168- бет.

кераклигини айтади. Чунки болада ижобий, салбий хислатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Балки бола теварак-атрофдаги кишиларнинг, оиладаги муҳитнинг таъсирида тарбияланиб боради. Шу сабабли, муаллимлар доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарур. «Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулойим ва хушфеъл бўлиш мақсадга мувофиқдир»,— дейди Қошифий (ўша китоб, 168- бет).

Воиз ал-Қошифийнинг таъкидлашича, бола ёлғон гапиришга ўрганмаслиги даркор. Чунки ёлғончилик душмандир. Ваъдага хилоф иш қилишдан сақланиши керак, чунки бу иккиюзламачилик нишонасидир. Ғийбат ва бўҳтондан тилни тийиши зарур; чунки бу иш фосиқлар ишидир. Жанжалдан, хусуматдан, гап ташишдан ва шайтоннинг васвасаси бўлган айбгўйликдан сақланиши лозим. Ўзини мақташ ва таърифлашдан, ёмон дуо ва ҳақоратдан тийилиши, одамларнинг ранжишига сабаб бўладиган кулгу ва масхаралашдан сақланиши керак.

«Ҳар кишида мулойимлик, хушмуомалалик бор бўлса, файз, камол топишдан ўзга эҳтимол йўқдир. Ҳар киши бадфеъл бўлса, вайрон бўлишдан бошқа чора йўқдир. Хушфеъллик, мулойимлик ҳамма неъматларнинг яхшироғидир»,— дейди Воиз Қошифий (ўша китоб, 169- бет).

Воиз ал-Қошифийнинг таълим-тарбия ва педагогик қарашларида илм масаласи ҳам муҳим ўринда туради. Унинг фикрича, илмларни эгаллаш жамият ривожи учун керак. Илм ўргатган устозларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ҳар бир ёшнинг бурчидир:

Фаромуш қилмағилсан ҳақи устод,
Ки онгингдин дурур илмингга бунёд.
Агар устодингга меҳринг йўқ ўлди,
Дегилким илмим мани мавҳ ўлди.
Кишиким қилди устодига хизмат,
Замон ўтмади тобти ул иззат, —

дейди мутафаккир.

Воиз ал-Кошифий «Рисолаи Ҳотамия» асарида ўз ахлоқий қарашларини мана бундай ифодалаган:

Одамнинг номини яхшилик билан эслаш туфайли боқийдир,
Ҳаётлик аёминг ҳосили яхши ном орттиришдир.

Мутафаккир ахлоқ ҳақидаги қарашларида ўзи яшаган муҳитдан келиб чиққан ҳолда инсонпарварлик, дўстлик, яхшилик ва ёмонлик хусусида фикр билдиради.

Воиз ал-Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асарида яхшиликни кенг маънода тушунади. Унинг таъкидлашича, яхши хулқ мамлакатнинг тузи, яъни мазмунини белгиловчи омилдир. Чунки ҳар бир таом тузсиз бемаза бўлгани каби, ахлоқсиз жамият ва ахлоқсизлик билан ўтаётган умр мазмунсиздир. Мутафаккир яхшиликни жамият, халқ учун қилинган иш билан баҳолайди. Инсон ҳаёти равон дарёдек ўтиб кетаверади. Гап уни фойдали, мазмунли, яхши ишларга сарф қилишдадир. Инсон дунёда учта яхшилик қилиши шарт: биринчиси, одамлар учун уй, кўприк, йўл қуриши; иккинчиси, мевали дарахт ўтқазиши; учинчиси, фарзанд қолдириши керак. Чунки бу яхшиликлар оламда собит қолур. Воиз ал-Кошифий:

Чунки қолмас бу жаҳон барқарор,
Яхши иш қилғилки, қолғай ёдгор[1],

дер экан, кишиларни яхшилик қилишга чорлайди, яхшилик мамлакат ҳуснини зийнатлайди, давлатга қувват бахш этади,— деган хулоса чиқаради.

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий яхшилик — фақат яхши инсонлардагина бўлади, деган фикрни илгари суради. Бу хислат жамиятдаги айрим, алоҳида одамларда эмас, балки барча кишиларда ҳам мавжуд бўлиши керак. Мутафаккир бу хусусда шундай ёзади: «Яхшилар бирла ҳамсуҳбат ва донолар бирла ҳамнишин бўлмоқ саодатнинг абадий кимёси ва давлат раҳнамосидур», яъни яхши (инсон)лар ва донолар билан ҳамсуҳбат бўлмоқ абадий бахтли бўлиш ҳамда давлат раҳнамоси эътиборига мушарраф бўлмоқдир:

Яхшиларнинг зиёлигига ўзунгни ол,
Покларнинг меҳрини кўнглунгга сол.

[1] **Кошифий.** Ахлоқи Муҳсиний. 20-боб, 77-бет. Кейинги парчалар ҳам шу асардан олинади.

Ҳар сифатким яхши ул кишини қилур,
Яхшиларнинг суҳбатидан то билур.

Кошифий яхшиликни осмондан, йўқ жойдан изламайди. Балки у яхшиликни, фақат инсонда тарбия, билим, турмуш тажрибалари орқали таркиб топади, деб билади.

Кошифий бутун ер юзида яхшилик ғалаба қилишини таъкидлайди. У яхшиликни барқарор қилиш учун ёмонликни йўқотиш керак, деб маслаҳат беради. Мутафаккирнинг фикрича, яхши (инсон)ларнинг суҳбатини тинглаш мажбурий, ёмонлар билан алоқа қилмаслик эса янада мажбурийдир. Чунки инсонга ҳар бир суҳбат ўз таъсирини ўтказади. Ҳар бир киши яхши билан яқин бўлса, бахтиёрликка эришади, ёмонлар билан яқин бўлган киши надоматга қолади.

Воиз ал-Кошифий ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, бахиллик, мумсиклик, разиллик, худбинлик, хасислик, ғийбатчилик, ёлғончилик, лақмаликни ёмон иллат сифатида қоралайди. Кошифийнинг уқтиришича, ҳар яхши одам ғаразгўй кишиларни ўзига яқин йўлатмаслиги керак, чунки улар бемаъни нарсаларни даъво қилиб, алдаб кетадилар. Улар кўринишидан дўстга ўхшасалар ҳам аслида душмандурлар.

Мутафаккир дейди:

Бўлмагил соҳибғаразга ошно,
Оқибат жонингга еткургай жафо,
Иш анго ҳар лаҳза макру фанд эрур,
Зоҳири дўсту ичи душман эрур.

Кошифийнинг фикрича, ҳасадни фосиқлик пайдо қилади. Ҳасад халққа жуда зарар етказадиган ёмонликдир. Ҳасад асли пастҳимматлик, ичиқоралик, яъни хасисликдан вужудга келган жаҳолат натижасидир. Ҳасад ақл калталигининг далили, мевасидир.

Воиз ал-Кошифий бу ҳақда мана бундай дейди:

Ҳасад олам аро ҳосидга басдур,
Ки доим ғусса бирла ҳамнафасдур.
Кишига гарчи ўт ёндурғусидур,
Вале ул ўтга ўзни урғусидур.

Ҳасадгўйлик одамнинг юзини қора қилувчи ёмон хислатдир. Кошифий бу тўғрида шундай ҳикоя қилади:

Искандар замонида бир жонивор пайдо бўлибди. Унга нима рўбару келса, ҳалок бўларкан. Искандар

олимларни йиғиб чора топишни буюрибди. Лекин улар ҳеч қандай чора топиша олмабди. Охири Арасту унга чора топибди. Унинг буйруғига кўра ойна ясадилар. Ойнанинг орқасига бир одам яшириниб турди. Бир ҳайвон келтиришди. У одам исини билиб, ойна томонга юрди ва ойнада ўз аксини кўриб йиқилди ва ўлди. Бу ҳолдан Искандар таажжубга тушиб, сабабини сўради.

Арасту жавоб берди:

— Эй малик, бу жонивор неча йил ер остида банд бўлган бадбўй нажоротдин қудрати илоҳий махлуқ бўлиб эрди ва холо ер юзига чиқди ва ани кўзида заҳри қотил бор эрдики, назари ҳар кишига тушса, филҳол ул киши ўлар эрди ва ман анинг олдига ойна олиб бордим, акси анда пайдо бўлди ва назари анга тушти ва ул назар бу акс воситаси бирла ўзига ёнди ва ўз назари асари ўзига сироят қилиб ҳалок бўлди.

Ҳикоятдан Ҳусайн Воиз ал-Кошифий шундай хулоса чиқарди: ҳасад ўти шундай ёмонки, у куйдириш учун ҳеч нарса топа олмаса, ўзини ўзи куйдиради. Ҳасадчи ўз ҳасади таъсиридан бир кун ўзи ҳалокат чуқурига йиқилади.

Воиз ал-Кошифий бахилликни ва хасисликни очкўзлик ва бадфеълликни инсонга ёт иллатдир дейди ва бундай хислатли одамлардан йироқ юриш кераклигини айтади.

Кошифий пасткашлик, нокасликни ҳам қоралайди. Бу сифатли кишиларни ўз қўлидаги нонини бировга бермайдиган, ўзи емайдиганлар, бошқаларнинг олижаноблик, эҳсон қилишларига ҳам йўл қўймайдиганлар сифатида фош этади. У дейди:

Сифла еткурмас кишини комига,
Хас юрутмайдур жабинни жомига,
Икки оламда қаро юз сифладур,
Они кўрсанг қора туфроқ бирла ур.

Кошифий назарида ғийбатчилик ҳам энг ёмон хислатдир. Ғийбатчининг иши зино ишидан қаттиқроқдир, азоблироқдир. Қуръонда келтирилишича, ғийбат қилувчилар — мурдор егувчи қуртлардур ва ҳар кишидаки одамийлик бўйи бордур, мурдор гўштин парҳез қилур.

Воиз ал-Кошифийнинг уқтиришича, ғийбатчи, бўҳтончининг гапини эшитувчи киши — гап айтгувчи билан баробардир. Шу туфайли Кошифий:

То иложинг бор эса қилма кишини ғийбат,
Чунки ғийбатчи эрур эл кўзида беиззат.
Гар киши айласа ғийбат сан анго солма қулоқ,
То гуноҳига анинг қилма ўзингни ўртоқ,—

деб насиҳат қилади, ақлли одам ғийбатдан йироқ юриши керак, чунки унга шерик бўлган, яъни ғийбат гапини эшитган одам ҳам, гапирган ҳам халқ ўртасида обрўсиз бўлиб қолади.

Кошифий ўз педагогик қарашларида ҳақиқатни тан олмайдиган, қадрламайдиганларни мавжуд неъматларнинг қадрини билмайдиган кишилар ҳисоблайди. Бундайларнинг ҳеч қачон бахтлари мукаммал, давлатлари пойдор бўлмайди, бўлган эмас, деб айтади:

Улки нону намак ҳақин унутур,
Оқибат бошу гардани ушолур.
Вале неъматга гар ёмондурсан,
Йиқилурсан гар осмондурсан.
Тобкой сан бахт ҳақшунос ўлсанг,
Бўлғойсан хор нисопос ўлсанг,—

дейди Кошифий. У бу қабилдаги кишиларни тил тиғи билан сазойи қилиш, яъни айбларини очиқ айтиб, уялтириш кераклигини маслаҳат беради.

Кошифийнинг фикрича, ёлғон сўзлаш — ёлғончилик ҳам ёмон сифатдир, жамиятдаги энг ёмон иллатдир. Ақлли киши ҳеч қачон ёлғончилик билан шуғулланмайди. Ёлғончидан ҳамма жирканади, гапига ҳеч ким ишонмайди, у кишилар назаридан қолади. Шу сабабдан Кошифий одамларни тўғриликка даъват этади:

То иложинг бордур ёндурма ёлғондин чароғ,
Сўнгра ҳаргиз қилмагай обрўйингдан сўроқ,
Чунки ёлғонни язроғи ичра ҳеч йўқтур ёғ,
Ҳар замоники агар ёлғондин ўрдунг бир нафас.

Кошифий лақма кишиларнинг сўзида қадр-қиммат йўқ, нима сўзлаётганини билмайдиган кишилар, деб баҳолайди. Лақмалар ўйламай-нетмай сўзловчилардир. Кошифий замондошларини бу тоифа одамга ўхшамасликка ундайди: «Ҳар вақтики, сўзлар айтурсизлар, яхши сўздан бўлакни айтмонгизлар ва кўб сўзламак кўнгилни қаро қилур, хор айлар»,— дейди:

Мумкин эрса яхши сўз қил ошкор,
Яхши сўздин хуб йўқдир ёдгор.

Воиз ал-Кошифий таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида адолат масаласига алоҳида эътибор беради. У адолатни инсоний фазилат, зийнат деб билади. «Адолатнинг маъноси раият ҳақида баробарлик кўзламак бўлурким, то раоё тобмагай, адл айбидурким, мулкга оройиш берур ва шу ойидурким, анинг нури бирла қаронғулик ёрур ва ҳақ субхонаху таоло бандаларини адл сифатига буюрур», яъни адолатнинг маъноси шуки, у халқни тенгликда кўришдан иборатдир, адолат нури ёруғида бутун қоронғулик ёритилиб, инсонлар ниятларига етадилар (ўша китоб, 60- бет).

Кошифий яхши одатларни инсоннинг энг яхши хислати, адолатсизликни эса разил одамлардаги сифат деб билади, адолатни инсон ақли — қобилияти билан боғлайди. Адолат — инсонларни бир-бирларига яхшилик кўрсатишларидур. Адолатнинг фойдасидан барча баробар баҳра олади, давлатнинг тараққиёти ва ривожланиши ҳам адолатдандир.

Кошифий адолатни адолатсизликка қарши қўяди, адолатнинг таркиб топиши мавжуд ижтимоий тузумга боғлиқ эканлигини айтади. Унинг фикрича, жамиятда адолат сақланмаса, кучлилар ҳам, заифлар ҳам, соғлом ва беморлар ҳам қирилиб кетади. Модомики, заифлар йўқ бўлар экан, зўравонлар ҳам сақланиб қолмайди, чунки кишиларнинг ҳаёти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Демак, кишиларнинг турмуш тарзини ана шундай икки ҳолатсиз тасаввур қилиш қийин.

Адл нуридурки мулк андин мунаввар бўлғуси,
Жумлаи олам насмидин муаттар бўлғуси.
Адлин беш айла мискинларни ҳожатдин чиқор,
То санинг ҳам жумла мақсудунг муяссар бўлғуси,—

дейди у.

Демак, мамлакатда адолат боқий бўлиши керак. Адолат инсон номини машҳур қилади. Адолат — инсонни бахтга ва саодатга етказади. Кошифий адолатли шоҳни табибга ўхшатади ва қуйидаги ҳикоятни келтиради: «Яман мамлакатининг подшоси адолатли деган ном билан юзи ёруғ, машҳур экан, халқи инсофли, тўқ яшаркан. Ногоҳ подшонинг қулоғи эшитмас, кар бўлиб қолибди. Подшо мамлакат бошлиқлари олдида шундай кўп йиғладики, халқ ҳам қўшилиб тадбир излайдилар. Подшо айтдики, гумон қиласизларки, мен қулоғим кар бўлганлиги учун йиғлайман. Йўқ, мен зулм тортган кишиларнинг даргоҳимга келганида уларнинг додларини эшита олмаслигим учун йиғламоқдаман. Ўйладимки, мамлакатимизда фақат арз-додга келувчиларгина қизил тўн кийсинлар, мен шундан таниб олиб, уларнинг мушкулларини осон қилай» (ўша китоб, 58- бет). Мутафаккир бу ҳикоятни келтириш билан подшоларни адолатли бўлишга чақиради.

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий ўз асарларида виждон, ор-номус, бахт тушунчалари ҳақида алоҳида тўхталган бўлмаса-да, лекин тушунчаларга йўл-йўлакай ўз муносабатини билдириб ўтган. У виждонлиликни яхшилик деб атайди. Виждонни — инсонни назорат қилувчи туйғу деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, у даврнинг ижтимоий, сиёсий хусусиятларидан келиб чиқиб, виждон таълим-тарбия воситасида пайдо бўлишини айтади. Виждон — виждонсизликка қарама-қаршидир, деган хулосага келади. Унинг таъкидлашича, виждонсизлик кўп қабиҳликларни келтириб чиқаради. Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган барча ёмонликни қилишга тайёрдир. Виждони бўлмаган инсон ҳар қандай ёмон ишни қилиши мумкин. Кошифий виждон билан ор-номусни, диёнатни тенглаштиради, виждон инсонни ёмон иш қилишдан сақлаб туради.

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий кишиларни одил, ҳалол бўлишга чақириб, ҳар бир иш виждонлилик асосида амалга оширилиши керак, деб насиҳат қилади ва диёнатли одам ўз мақсадига эришишини айтади:

Гар улуғликни тилар эрсанг диёнат бирла бўл,
Ким будур мулки саодат сорига бормоқға йўл.

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий ҳар бир ишни амалга ошириш диёнат (инсоф)дандир, агар инсон диёнатли бўлса, мақсади ҳосил бўлади, деган ғояни олға суради.

Мутафаккир ҳар бир инсон ўз обрўсини сақлаши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Инсон мард, адолатли, шижоатли бўлса — у яхши ахлоқли, яъни ор-номусли, виждонли, бир сўз билан айтганда, яхши одамдир.

Кошифийнинг таъкидлашича, инсон ҳаётидан рози бўлиб, шукур қилиб яшаса, мақсади, нияти амалга ошади, дунёда бундай бахт-саодатни хоҳламайдиган инсоннинг ўзи йўқ.

Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этади. Умуман, Кошифий ўз асарларида яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, ор-номус сингари ахлоқий сифатлар ҳақида

атрофлича фикр юритади. Бу сифатлар ҳар бирининг асосий мезонларини ўзи яшаган давр нуқтаи назаридан белгилаб беради. Унинг бу фикрлари ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

ЎРТА ОСИЁДА XVI АСР ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

XV асрнинг иккинчи ярми ва, айниқса, аср охирида Мовароуннаҳрда темурий беклар ўртасида ҳокимият учун кураш ва ўзаро урушлар кучайди, бу эса шимолдан ўзбек хонлари, хусусан, Шайбонийхоннинг босқинчилик юришларининг авж олиб кетишига имкон яратди. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги мустаҳкам давлат инқирозга юз тутди. XV аср охирида Шайбонийхон Ўтрор қалъасини босиб олади ва Туркистонни, сўнгра Бухоро ва Самарқандни, Фарғона водийсини, 1506 йилда эса Ҳиротни босиб олади. Шайбонийхон Эрон шоҳи Исмоил I билан урушда ҳалок бўлади.

XVI асрнинг охирида аштархонийлар ҳукмронлик қилади. Бу даврда Ўрта Осиёда ўзаро низолар янада авж олади. XVII асрда Имомқулихон, Субҳонқулихонлар тахт учун курашни давом эттириб, мамлакатни бирлаштиришга интиладилар, лекин ўзаро келишмовчиликлар, урушлар, халқни талон-торож қилиш янада кучаяди. Иқтисодий-ижтимоий ҳаётда тушкунлик юз беради, лекин, иқтисодий-ижтимоий тушкунлик маънавий-маданий ҳаётга салбий таъсир кўрсатса ҳам, XV асрдаги маданий юксалишнинг анъаналари узоқ вақт сақланади, илм, дин, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикрлар тарихида айрим йирик мутафаккир шахслар, истеъдодли ижод эгалари, машҳур шоирлар етишиб чиқади. Бу даврда ўзбек ва тожик адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган, халқнинг оғир аҳволини, кайфиятини, орзу-умидларини ачиниш билан ўз асарларида баён этган Саид Насафий, Турдий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирлар тинимсиз ижод этадилар. Улар ўз асарларида ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар, босқинчиликнинг шафқатсизликлари ҳақида ҳаққоний куйладилар, халқни аҳилликка, меҳнатга, ўзаро бирликка чақирдилар. Чунончи, бу даврларда Мирзажон Шерозий (1585 йилда вафот этган), Юсуф Қорабоғий (1563—1647), Муҳаммад Шариф Бухорий (1697 йилда вафот этган) каби олимлар ўз асарларида илм-фанга, маърифатга даъват этадилар, тафаккур, мантиқ, билим, таълим-тарбия масалалари, диний урф-одатлари ҳақида фикр юритадилар, адабиёт, шеърият, ҳуқуқ ва тарих соҳаларида ҳам асарлар яратдилар ва ўз даврининг қомусий олими бўлиб танилдилар.

Уларнинг асарларида Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари, масалан, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Афғонистон, шунингдек, Ҳиндистон билан бўлган маданий алоқалар ҳам ўз ифодасини топади. Бу олимларнинг асарларида ўз даври илмий-маданий алоқаларига оид муҳим маълумотлар билан бирга, ўтмишдаги олимлар— Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий таълимотларига ҳурмат-эҳтиром, қадимги юнон олимлари Арасту, Афлотун, Суқрот кабиларнинг меросига зўр ҳурмат ҳисси ёрқин сезилиб туради. Уларнинг асарларида ёшларни, шогирдни маърифатли қилиш, уларда илм-фанга муҳаббат уйғотиш, одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллашга даъват, устоз-шогирд, ота-ўғил муносабатларига оид муҳим педагогик фикрлар ҳам ифодаланади.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда шаклланган уч хонлик ўртасида ҳам тўхтовсиз жанглар давом этишига қарамай, иқтисод, савдо, ҳунармандчилик, маданият соҳасида бирмунча ривожланиш бўлди.

Маънавий меросни ўрганиш, бошқа мамлакатлар билан маданий алоқаларни кучайтириш, санъат, адабиёт, маърифат тарқатишда, умуминсоний қадриятларни тиклашга интилишда ҳам кўзга кўринарли асарлар яратилди.

Хоразмда Хева хонлиги даврида Шермуҳаммад Мунис, унинг жияни Муҳаммад Ризо — шоир Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар каби олим, тарихчи, фозиллар ижод этдилар.

Бухоро хонлигида Абдураҳмон Жомийнинг «Тарихи Абул Файзхон», Муҳаммад Вафоийнинг «Туҳфаи хони», Амин Бухорийнинг «Убайдулланома», Муҳаммад Шарифнинг «Таж-ат-таворих», Муҳаммад Мир Олим Бухорийнинг «Фа-номаи султоний» асарлари вужудга келди. Шунингдек Мушфиқий, Мужрим Обид, Хиромий каби шоирлар ҳам фаол фаолият кўрсатдилар.

Қўқон хонлигида Ғозий, Махмур, Увайсий, Нодира-бегим, Гулханий каби шоирлар яшаб, ижод этдилар, ўз ғазаллари, девонлари билан Мовароуннаҳр, Туркистон

маданияти ривожида муҳим роль ўйнадилар ва умумий ўзбек маънавий меросини бойитишга катта ҳисса қўшдилар.

НОДИРА

XIX аср ўзбек адабиётида салмоқли ўринни эгаллаган Нодира, Увайсий, Дилшод отин, Анбар отин шеърларида инсон маънавий камолоти ҳақидаги ғоялар ёрқин ифодаланди.

Моҳларойим — Нодира 1792 йилда Андижонда ҳукмдор оиласида туғилди. Отаси Раҳмонқулбий минг қабиласидан бўлиб, Андижон ҳокими, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси эди.

Нодира 1808 йилда Қўқон ҳокими Умархон билан турмуш қуради. У маданият, адабиёт аҳлларига раҳнамолик қилади, унга замондош шоир Хатифнинг айтишича, Нодира Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртиради, хаттотларга кўп китобларни кўчиртиради ва шоирларни янги девон, достонлар ёзишга ташвиқ этади, яхши ишлаганлар хизматини қимматбаҳо нарсалар билан тақдирлайди, уларга «Заррин қалам»—«Моҳир хаттот» унвонини беради. Аммо Нодира ўзининг эзгу орзуларини амалга ошира олмади. У 1842 йилда Қўқонга бостириб кирган Бухоро амири Амир Насруллонинг фармонига биноан икки боласи ва 12 ёшли набираси Муҳаммад Аминхон билан бирга қатл этилади.

Нодира ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган ва уларни «Девон»га мужассамлантирган, ўз шеърларида муҳаббат, садоқат ва вафо хусусидаги фикрларини баён этган. Унинг инсон ва табиатга нисбатан қарашларида фақат шахсий туйғу ва муҳаббат эмас, балки инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари ҳам намоёндир. Унинг фикрича, инсон барча мавжудотларнинг энг олийси, энг улуғидир. Инсон ҳаёт гўзаллигидан баҳраманд бўлмоғи лозим.

Нодиранинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари — адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўринни эгаллайди. Шоира бу ғояларни ўз ижодида изчиллик билан тарғиб қилади. У султонларга ҳитоб қилиб, уларни лутфу қарамли, адлу эҳсонли, халқ кўнглини шод этувчи бўлишга ундайди. У дейди:

Бўйлаким мумтоз эрурсен барча султонлар аро,
Шод қилғил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб[1].

Нодира доимий равишда халқ аҳволидан хабардор бўлмаган, унга эътибор бермаган хон, султонларнинг шону шавкати беҳуда эканлигини баралла айтади. Нодира ёзади:

Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ анга,
Ҳашмату, салтанату, рифъату шон барча абас
(беҳуда).

Шоҳ улдурки, раийятга тараҳҳум қилса,
Йўқ эса қоидаи амну омон барча абас[2].

Шоира инсон қадри қийматини юқори қўяди, унинг руҳан бой ва мазмунли бўлишини истайди. Бу эса Нодиранинг муҳаббат туйғуларини чуқур ҳис қилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам у инсонийлик ва муҳаббатнинг мавжудлигигина инсоннинг ҳақиқий инсонлигига далолат эканини таъкидлайди:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсен муҳаббат ихтиёр эт,—

дейди у (ўша китоб, 3- бет.).

Нодира ҳаётнинг туб моҳиятини яхшилик биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшиликлар қилиб, кишиларни хурсанд этиб яшаса, яхшилик бунёд этган бўлади, ўзининг бу эзгу ишлари билан ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради. Ана шундай одам оқил одамдир.

Нодира чинакам дўстликни тарғиб қилади. Унинг фикрича, чинакам ёр, дўст, оғир, ғамли кунларда дўстининг ёнида бўлади. Агар шундай қилмаса, у чин дўст эмасдир.

Умуман, Нодира ўз шеърларида баркамол инсонни улуғлади. Таълим-тарбияга оид кўп фойдали ўгитларни баён этди. Унинг бу фикрлари китобхоннинг ҳаёт, севги, яхшилик, баркамоллик тушунчаларининг туб моҳиятини англаб олишига, инсоний фазилатли бўлиб камол топишига ёрдам беради.

---

[1] **Нодира** шеъриятидан. Т., 1979, 36- бет.

[2] **Нодира.** Шеърлар. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т., 1958, 32- бет.

МУҲАММАД РИЗО ЭРНИЁЗБЕК УҒЛИ ОГАҲИЙ

XIX асрнинг биринчи ярмида маданий ҳаётда жадал ривожланиш юз беради. Хоразмда Шарқ Уйғониш даври ғояларининг барча белгиларини ўзида мужассамлаштирган Навоий мактаби вужудга келади ва унда халқчил, демократик йўналишни ривожлантиришга ҳамда тараққий этишига муҳим ҳисса қўшган шоиру олимлар етишиб чиқади.

XIX аср Хоразм адабий муҳитида таржима мактаби ҳам алоҳида ўрин тутади. Хоразмлик адиблар жаҳон маданиятининг нодир дурдоналари ҳисобланган тарихий, фалсафий, бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, халқнинг маънавий камолотига катта ҳисса қўшадилар.

Шунингдек бу даврда Хоразмда Бобожон Саноий каби адиблар таълим-тарбия ҳақида ёзадилар. Бобожон Саноий таълим-тарбияга оид яратган «Канзул маориф» («Маърифат хазинаси») номли илмий-фалсафий асарида жамиятдаги иллатларнинг асосий сабаби маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлашув бўлганлигини айтиб, инсонларга ўз инсонликларини тушунтириш, маънавий фазилатлар, инсоний шаъну шарафнинг моҳиятини, гўзаллигини англатиш ва шу билан уларнинг қалбини маърифат ёғдуси билан чароғон этиб тарбиялаш ва камолга етказиш даркорлиги ҳақида фикр баён этади.

Хоразм таржима мактабида қалам тебратган Мунис, Мағфурхўжа, Сайид Ҳусайн Хоразмий, Холис, Ҳабибий, Рожий, Муродий, Роғиб, Комил Хоразмий, Аҳмад Табибий, Мирзо каби адиблар турли асарларни она тилига ўгириб, маънавий хазинани бойитиш билан халққа хизмат қилдилар.

XIX асрнинг атоқли адиби ва таржимони Огаҳий ҳам мана шу тарихий-маданий, маънавий муҳитда яшаб ижод этди, камолот чўққисига кўтарилди.

Огаҳий 1224 йил ҳижрий (1809 милодий) да Хева шаҳари яқинидаги Қиёт қишлоғида таваллуд топади. 3 яшарлигида отаси Эрниёзбек вафот этади. У тоғаси Шермуҳаммад Аваз ўғли Мунисниг тарбиясида бўлиб, хат-саводини чиқаради. Сўнгра Хивадаги мадрасалардан бирида таҳсил кўради, форс, араб тилларини ўрганади. Шу билан бирга, Огаҳий ўз замонасининг олим ва шоирлари билан яқиндан мулоқотда бўлади.

Огаҳий ўз фаолияти давомида Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» Муҳаммад Маҳдихоннинг «Нодиранома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тазкираи Муқимхоний», Низомиддин Аҳмад Хиравийнинг «Табақоти Акбаршоҳий», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафон Насирий» каби тарихий;Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар», «Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Хисрав Деҳлавийнинг «Хашт биҳишт», Муҳаммад Вориснинг «Зублат ул-ҳикоят», Саломон ва Ибсолнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳи гадо», Восифийнинг «Бадоеъ ул-воқеъ каби адабий асарларини, Қайковуснинг «Қобуснома», Маҳмуд Балжувонийнинг «Мафтоҳ ул-толибин», Ҳусайн Воиз ал-Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» каби фалсафий-ахлоқий асарларини ўзбек тилига таржима қилади.

Огаҳий ўзининг «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девонини ташкил этган шеърий асарларида яхшилик, олижаноблик, меҳмондўстлик, поклик, тўғрилик, ҳиммат, шижоат, мардлик, ғайрат, саховат, иффат, ҳаё, вафо, мурувват, қаноат каби хислатларни тарғиб қилади, дилозорлик, нодонлик, жоҳиллик, мунофиқлик, ёлғончилик, хиёнат, ҳасад, ғийбат, танбаллик, текинхўрлик, хасислик каби иллатларни қоралайди.

Огаҳий халққа яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. У дейди:

Эй кўнгил яхшилиғни қил пеша,
Ки, ямонлиғ эрур ямонға жазо.
Кимки, тарк айласа ямонлиғни,
Бўлур, албатта, яхшилиғга сазо[1].

Огаҳийнинг фикрича, оддий халққа хизмат қилиш маънавий қашшоқланишнинг олдини олувчи чорадир:

Кўрмайин десанг ики олам аро афтодалиғ,
Бўл қўлингдан келгунча афтодаларга дастгир[2].

Адиб тарбия кўрмаган, нодон киши қанчалик баланд мартабаларга минмасин, барибир у, пасткашлигича қолаверади, деб уқтиради. Огаҳий бу тоифа кишилардан қаттиқ нафратланади:

Қилмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,
Ҳам тарбия ила зоғ булбул бўлмас.
Гар асли ёмонга яхшилик минг қилсанг,

---

[1] **Огаҳий.** Асарлар. 2- жилд. Тошкент, 1972, 268- бет.
[2] **Огаҳий.** Таъвиз-ул ошиқин. Тошкент, 1960, 131- бет.

Яхшилик онинг нияти билкул бўлмас (ўша китоб, 277- бет).

Огаҳий инсонга муҳаббатли бўлишни, инсон тақдири, эрки, қадр-қиммати ҳақида ўйлашни инсоний фазилат деб билади. Унинг фикрича, меҳнат аҳли севишга, муҳаббатга лойиқ юксак туйғуларга эга кишилардир. Хусусан, халқ учун зарур ноз-неъматлар етказиб берувчи деҳқонлар шундай кишилардир. Улар руҳан бой, фозил инсонлардир.

Огаҳий инсон қадр-қиммати унинг «симу зари» (олтин ва кумуш) билан эмас, илму ҳунари, «ожизу бечоралар»га кўрсатадиган ҳиммати, муҳаббати билан баҳоланишини айтади ва одамларни шундай фазилатли бўлишга даъват этади.

Огаҳий ҳаётда инсон деб аталишга нолойиқ, нопок хулқли кишилардан нафратланади, жамиятда уларга ўрин бўлмаслиги кераклигини айтади. Огаҳий кишиларни дўст ва душманни ажратишга, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга, табиат ноз-неъматларидан завқланиб ва ундан тўлароқ фойдаланишга даъват этади ва ўз педагогик қарашларида тўғриликни, ростгўйликни улуғлайди.

Тўғри сўз, тўғри юрадиган кишини шахматдаги рухга ўхшатади. Шоирнинг фикрича, тўғри сўз кишилар ҳаётда қийинчиликда яшасалар-да, дунёдан нолимайдилар, шу боис, улар мангу яшайдилар.

Огаҳий ҳасад, фисқу фасод, чақимчилик, лаганбардорликни ёмон иллат сифатида қоралайди. Бу иллатларга мубтало бўлганларни бу йўлдан қайтиб, халққа холис хизмат қилишга чақиради:

Гар азиз ўлмоқ тиларсан хизмати ихлос ила,
Ким, сабаб хизмат эрур, ҳар кимки бўлди
аржуманд,
Кўрки зулмат ҳайли дафъиға чекар ҳар субҳ тийғ,
Офтоб ул важҳ бирла сурхи рўю сар баланд (ўша китоб, 269- бет).

Бу сатрларда таъкидланишича, қуёш зулматга қарши курашиб, ҳар тонг унга тиғ уради, зулмат устидан ғолиб келади, шу сабабдан қуёшнинг юзи қизил, боши баланддир. Қуёш кўкда ҳаммага бирдек холис хизмат қилади — нур сочади, шунинг учун у азиз ва қадрлидир. Демак, халққа холис хизмат қилган кишининг мартабаси баланд, элда қуёшдек азиз бўлади. Бу ғоя Огаҳийнинг педагогик қарашларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Огаҳий дўстлик, меҳмондўстликни инсоннинг энг гўзал фазилатларидан бири деб ҳисоблайди. Шоирнинг таъкидлашича, киши муайян бир жамиятда ҳаёт кечириб тарбияланар экан, жамоасиз, бошқа кишилар билан мулоқотсиз яшай олмайди. Киши дўстларсиз, ўзгаларнинг ёрдамисиз камолотга эришиши мумкин эмас. Халқимиз азалдан меҳмондўст. Меҳмон келса, шодлигидан ўзини қўярга жой тополмайди. Меҳмон келган уйда саранжом-саришталик, одоб, иззат-икром, ҳурмат ҳукмронлик қилади, гина, хафачилик барҳам топади.

Огаҳий ёшлигидан меҳмондўстликни ёқтирган. Тоғаси Мунис хонадонида бўлган вақтларида меҳмонга келган илм аҳллари, шоиру адиблар суҳбатидан баҳраманд бўлади, елиб-югуриб хизмат қилади. Ана шу оилада меҳмонга чуқур ҳурмат билан қараш, меҳмон кутиш, кузатиш одоби Огаҳийнинг онги ва турмуш тарзига сингади, бу унинг ижодида ҳам ўз аксини топади:

Агар меҳмон санга бўлса муясса,
Анго жонинг уйин жой эт муқаррар.
Чу меҳмон дўстингдур хоҳ душман.
Очуқ юзликнинг иззатни қил фан
(ўша китоб, 271- бет).

Огаҳийнинг педагогик қарашларида қаноат, сахийлик, карам, ҳиммат каби тушунчалар юқори баҳоланади. Хасислик ва очкўзлик, таъмагирлик қабиҳ иллат сифатида қораланади. Шоир бундай иллатли кишиларни разил шахслар деб билади ва дейди:

Бори олам элининг шуму бадбахтли ул одамдур:
Ки бухлу хиссату кибру ҳасад ондин бўлур воқеъ
Агар жамъ айласа юз ганд ҳиссат бирла Корундек,
Яна эл молини айлар тамаъ бўлмай анга канеъ
Ўзи худ бермагай умрида бир муҳтожга бир нон,
Берур элга доғи бўлғай камоли саъй ила манеъ[1].

Огаҳий таълим-тарбияли бўлиш, илмларни эгаллаш, тилни билиш муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича тил инсонни бошқа мавжудотдан фарқ қилиб турадиган асосий белгидир, тил «такаллум» қилишга, «фасоҳат ва нафосатга», «кўнгил

[1] **Огаҳий.** Таъвизул ошиқин. Тошкент, 1960, 547- бет.

маҳзанидин жавоҳир сочиш»га берилгандир. Илм олиш ҳар бир мўмин мусулмонга ҳам қарз, ҳам фарздир.

Илм андоқ ганди нофиъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго,
Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Ики олам обрўси бўлғуси барбод анго[1].

Демак, илмни эгаллашда жаҳлга берилиш зарарлидир, жаҳл кишини обрў-эътибордан маҳрум қилади.

Огаҳийнинг педагогик қарашларида нафосат тарбиясига ҳам аҳамият берилганини кўрамиз. Шоир бу хусусдаги фикрларини Ватан, йил фасллари — баҳор чоғидаги саҳро ва боғлар лавҳалари тасвирида ифодалайди ва кишиларни шу гўзал манзаралардан баҳра олишга даъват этади. Шоир баҳор мавзуида ёзган шеърларидан бирида дейди:

Ўйла еткурди жаҳонга зинату аро баҳор,
Ким бори ер юзин этти жаннатул маъво баҳор[2].

«Саҳро» радифли шеърида саҳронинг баҳор вақтидаги кўринишини шундай тасвирлайди:

Баҳор айёми бўлмиш ўйлаким боғу эрам саҳро,
Еридур сайр учун эй гулдабин қўйсанг қадам саҳро,
Эсиб ҳар саридин бўстонлар ичра руҳпарвар ел,
Масиҳо мўъжизидин ҳар нафас уруғуси дам саҳро...
Бутуб бўстонлар ичра гул, наволар соз этиб булбул.

Кўнгулдин қилғуси ҳар важҳ бирла дафъ ғам саҳро
(ўша китоб, 15—16- бетлар.).

Хулоса қилиб айтганда, Огаҳий мутафаккир шоир сифатида кўҳна тарихдан сабоқ олишга ва хонлару оддий одамларни ўзидан кейин яхши ном қолдиришга даъват этади. Шоирнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун ҳимматли, шижоатли, соф ниятли, мурувватли, ор-номусли бўлиш каби энг яхши инсоний фазилатларга эга бўлиши лозим.

Юрт подшоси ушбу фазилат эгаси бўлар экан, демак мамлакат фаровон бўлади. Огаҳий халқ ва мамлакат фаровонлигига путур етказадиган иллатларни танқид қилади, кишилар фисқу фасод, молпарастлик, айш-ишратга берилиш, раҳмсизлик, чақимчилик, сотқинлик, ҳасадгўйлик каби иллатлардан ҳоли бўлишини орзу қилади.

Огаҳий ўзининг фойдали насиҳатларига кишиларнинг амал қилишларига умид билдириб ёзади:

Бу сўзларниким, ман баён айладим,
Неча байт бирла аён айладим.
Буларга қаю шаҳки қилса амал,
Онинг мулкига етмас ҳалал.
Ҳукумат биноси бўлур устивор,
Онинг хонадонида тутғай қарор.
...Умидим будурким, амал қилғайсан,
Амал айламакда жадал қилғайсан[1].

Огаҳийнинг педагогик фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг тафаккур дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, ундан сабоқ олиш муҳимдир.

УВАЙСИЙ

Жаҳон Отин — Увайсий марғилонлик олим ва фозил кишининг қизи эди. Жаҳон Отин ёшлигидан шеъриятга ҳавас қўяди. Отаси унга адабиётдан дарс беради, тез орада у шоира бўлиб етишади, ўзбек ва форс-тожик мумтоз шоирлари асарларини қунт билан ўқиб, ўрганади. У ўз асарларида даврнинг ижтимоий масалаларини акс эттириш билан бирга, ахлоқ, одоб, тарбия масаласига ҳам эътибор беради. Увайсий ҳар бир инсоннинг ҳақиқатга чин садоқатда бўлмоғи шарт деб билади. Унинг фикрича, инсон ҳар қандай шароитда ҳақиқатдан чекинмаслиги, ҳар қандай оғирлик ва кулфатга чидаб, ҳақиқат йўлида маҳкам турмоғи шарт. Шоиранинг таъкидлашича, ҳақиқат — зийнатдир, ундан юз ўгирмаслик керак. Чин инсонийлик ана шундадир.

Увайсий тарбиявий қарашларида меҳр-муҳаббат ғояси алоҳида ўрин тутади. У одамларни ҳаёт завқини тотишга, шодлик дамларини ғанимат билишга даъват этади. Шоира дейди:

Дунёни букун довр ила доврони ғанимат,
Келтурди халойиқники, меҳмон ғанимат,
То булбули мастона суханрезни булдам,
Айвони жаҳон боғи гулистони ғанимат.

[1] **Огаҳий.** Асарлар. 1- жилд. Тошкент, 1971, 71- бет.
[2] **Огаҳий.** Таъвизул ошиқин. Девон. 85- бет.

[1] **Огаҳий.** Асарлар. 2- жилд. Тошкент, 1972, 377- бет.

Умрингни баҳорида муҳаббатни суғорғил,
Кўз мардумини гиряи борони ғанимат,
Очгил кўзинг, эй дил, қилакўр вақти томошо,
Аёми жаҳонни моҳи тобони ғанимат.
Вайсийн гадо, сен букун ўксутма садони,
Лутф ила тараҳҳум яна эҳсони ғанимат[1].

Увайсийнинг таъкидлашича, ҳаётнинг безаги, инсон учун ҳаётий кечинмалар бағишловчи куч меҳр-муҳаббат туйғусидир. Увайсий ана шундай инсонларгагина хос бўлган муҳаббатни улуғлайди.

Увайсий баркамол инсон ҳақида сўзлар экан, унинг кўнгли муҳаббат туйғусини ҳис этган инсон етукдир. Шоира муҳаббат туйғусини ҳис этган кўнгилни инсон ҳаётининг чин безаги деб билади ва бу кўнгил гўзал эканлигини айтади. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир.

Увайсийнинг тарбия ҳақидаги қарашларида ёшларда ҳаётга муҳаббат уйғотиш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривож топтириш, уларни энг яхши миллий урф-одатларни эгаллашга чорлаш диққатга сазовордир. Буни у ижод этган чистонлари мисолида кўриш мумкин. Шоира ёзади:

Ул на қуш кўринмаским, шафақ болу пари,
Мисли ул раф-раф сувору билсангиз, йўқтур тани,
Воқиф эрур кеча-кундуз хизматида тўрт ғулом,
Қон илан эрмин курасса бул чийистон маскани

(ўша китоб, 116- бет).

Бу сатрлардаги қалб, тўрт ғулом деганда (кўз, оғиз, қулоқ, бурун) кўзда тутилади.

Ёки шоира дейди:

Ул на гумбаздир эшиги, туйнигидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар анда айлабдур макон.
Синдируб қизлар ҳолидин агар олсам хабар,
Юзларига парда тортиғлик тураралар бағри қон.

(ўша китоб, 11- бет). (Ушбу чистонда аноргa хос шакл, хислат хусусида сўз боради.)

Умуман, Увайсийнинг ҳаёт ва ҳаёт безаги, самимий муҳаббат, баркамол инсон, тарбия ҳақидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб камол топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

[1] **Увайсий** шеъриятидан. Т., 1980, 26- бет.

МУНИС ХОРАЗМИЙ

Шермуҳаммад Авазбий ўғли — Мунис Хоразмий XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи яримларида яшаб ижод этган истеъдодли шоир, тарихчи, таржимон ва хушхат (каллиграф) олимдир. У 1778 йилда Хева туманининг Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келади. Ибтидоий таълимни қишлоқдаги мактабда олади, кейин ўқишни мадрасада давом эттиради. У Низомий, Деҳлавий, Шерозий, Лутфий, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг ижодини қунт билан ўқиб ўрганади.

Мунис мактаб ва мадраса машғулотлари, ўз давридаги илм аҳллари билан бўлган мулоқотлари, китоб мутолаасига берилгани тўғрисида «Мунис-ул-ушшоқ» девонида шундай ёзади:

«Гаҳи телбалар бирла гулхан аро,
Суриб дурдкашликка май ичишликка юз
можаро,
Гоҳи риндлар базмига йўл топиб,
Ҳамоноки мақсудга қўл топиб,
Гоҳи мактаб ичра кириб шод ком,
Мадраса сари айлаб хиром,
Қаю ерда аҳбоб базм айласа,
Тараб иртикобига азм айласа,
Ўзимни алар ичра солур эрдим,
Кўнгул қонғунча баҳра олур эрдим[1].

Табиати жибиллий ва кайфият иқтидоси (охири) била аҳёнан фузало хизматиға Мойил ва китобхонлиғ суҳбатига доҳил бўлур эрдим. Шарафи хизмат натойижи ва асари суҳбат маёмини била таъбимга кайфиятлар юзланиб ва ҳолатлар дўст бериб, назм силкида мубайян ва вазн зевари била музайян бўлур эрди».

Мунис Хоразмий ижодида «Саводи таълим» асари таълимий жиҳатдан муҳим ўринда туради. Шоир асарнинг биринчи қисмида хат машқ қилишга тайёргарлик ва бу иш учун керакли ўқув анжомлари тўғрисида сўз юритади. Иккинчи қисмида эса, хат машқи ва унинг усули хусусида амалий йўсинда таълим беради.

Мунис Хоразмий жамият ривожида ёзувнинг катта аҳамиятга эгалигини айтади. У дейди:

[1] «Мунис-ул-ушшоқ». 1875, Хева тошбосмаси, 6- бет.

«Сўз махза (хазина) нининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хазонаси (қайғиси) ҳам,
Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд,
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,
Хаттиға (омонлик хатига имзо) чекиб улусни
ҳар дам»[1].

Мунис Хоразмий ўз шеърларида халқнинг орзу-истакларини акс эттиради, маърифатпарварлик ғояларини олға суради, халқни адолатли, онгли, билимли бўлишга, жаҳолатдан йироқ бўлишга даъват этади, адолат шараф кўрки, осойишталик, ҳушнудлик эканлигини айтади.

У адолатни улуғлаб дейди:

Адолатдин ўлди эл осойиши,
Эл осойиши — мулк осойиши...
Шараф кўрки шаҳдин адолат чоғи,
Эрур халқ хушнуд, холойиқ, доғи?

(ўша китоб, 22- бет).

Шоир ўз асарида тил ҳақида сўзлаб, унга кўп эрк бермасликни маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, ортиқча сўзамоллик киши бошига олтин зар ўрнига қаттиқ тош бўлиб тегиши мумкинлигини ёзади:

Қилма изҳори суҳонварлик фароғи (тинчлик)
истасанг,
Симу зар (кумуш, олтин) ўрниға ер бошиға санги
хора (қаттиқ тош) сўз,

дейди шоир.

Мунис Хоразмий ўзининг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида дўстлик, вафо масаласига алоҳида эътибор беради, дўст танлашда эҳтиёткорликни тавсия қилади. У ўз ҳаётида содир бўлган воқеани тасвирлаб шундай дейди:

Бурун дўстлиғдун қилиб ваъда фош,
Менинг бирла бир ерда тузданг (кун
кечирдинг) маош,
Бўлур бу замон душмани дилхарош (юракни
ғашлатувчи)

[1] **Шермуҳаммад Мунис.** Танланган асарлар. ЎзССР Дав. бад. адабиёт нашр. Т., 1957, 351- бет.

Бошимға урарсен ғазаб бирла тош,
Асар қилмас энди санга оҳу ёш,
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо? (ўша китоб, 329- бет).

Мунис кишиларни огоҳлантириб шундай ёзади:

Гарчи воҳирда барча дўстдурур,
Бўлма эминки, душманим йўқдурур.
Яхши қилсанг назар жаҳон элига,
Жонингга хасм (душман) дўстинг-ўқдурур!

(ўша китоб, 333- бет.)

Шоир ёмон сўзли, озор берувчи мурдорлар сифатини тасвирлаб кишиларни жумладан ёшларни улар билан ҳамсуҳбат бўлмасликка ундайди:

Тутма бадгў (хунук сўзли) бирла суҳбатким,
ёмон сўз заҳридин,
Неши занбури киби ҳар дам берур
озорлар.
Ким яқинроқ борса итга урмоғидин
инжитур,
Балки тишлаб жисмин афгори тўнин
мурдорлар

(ўша китоб, 333- бет).

Мунис нафсни тийиш ҳақида сўз юритар экан, нафсга эрк бериш кишининг ҳурматсизланишига, хорликка дучор бўлишига сабаб бўлишини айтиб, нафс балосига йўлиққан киши иззати тубанланишини, обрўю номуси тўкилишини айтиб, одамларни, ёшларни бу балодан сақланишга даъват этади:

Эй нафс, бўлу иззат эшиги мадрус (ёпиқ),
Бўлсанг не ажаб мазаллат (хорлик ичра маҳбус),
Ҳар дунға (пасткашга) қилиб ниспор (сочиб)
иззат гуҳарин,)
Бисёр тўкарсан обрўю номус (ўша китоб, 335- бет).

Умуман, Мунис Хоразмий ўзининг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида ростгўйлик, дўстлик, вафо ва садоқат, адолат, хушфеъллик, ширин сўзлик, гўзал инсоний-ахлоқий фазилатларни ифодалаб, улуғлади, халқни илм-фанни эгаллашга, саводли бўлишга ундади.

Мунис ўз шеърларида, ўз девонларида зодагонлик, насл-насаб, мансаб ва бойлик билан ғурурланишни нодонлик деб ҳисоблади, «Ғурур этма аслинга, қил кас-

би фазл» деб, яхши фазилатни насабдан асилроқ эканини таъкидлади. У ёшларни илм аҳли, аҳли донишлар билан мулоқотда бўлишга, уларни ҳурмат қилиб эъзозлашга чорлади. Улуғ шоир илм-ҳунарда камол топиш учун ёшликдан ҳаракат қилиш зарурлигини айтиб, бу даврни ғанимат билишни таъкидлади.

Мунис Хоразмийнинг асарларида баён этилган таълим-тарбияга оид фикрлар фақат у яшаган давр учун эмас, балки ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

БЕРДИМУРОД БЕРДАҚ[1]

XIX аср ўрталарида жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қарама-қаршиликларнинг кучайиши натижасида халқ янгича фикрлай бошлади, дунёқарашида, ғоявий қарашларида жиддий ривожланиш бўлди. Ижтимоий ҳаётда, халқ онгида юз берган бу ўзгаришлар шу давр маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлган Кунхўжа Ажиниёз, Ўтеш, Бердақ каби демократ санъаткорлар асарларида ўз ифодасини топди.

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ 1827 йилда Орол денгизининг жанубий, ҳозирги Мўйноқ туманида балиқчи оиласида дунёга келди. 10 ёшида отаси ва онаси ўлиб, етим қолади ва кўп қийинчиликларни бошидан кечиради.

Бердақ аввал овулдаги бошланғич мактабда, сўнг мадрасада ўқийди. Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули каби мумтоз шоирлар асарларини зўр ихлос билан ўрганади.

Бердақ қорақалпоқ халқи тарихини, халқ оғзаки ижодини ўрганади ва ўз шеърий асарларида қорақалпоқ халқининг XVIII—XIX асрлардаги ижтимоий ҳаётини ёзиб, давр воқеаларига демократик шоир сифатида баҳо беради, тенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат ҳақидаги ғояларини олға суради.

Бердақнинг ижоди меҳнат аҳлига меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган. Шоир бутун ҳаётини халқнинг хизматига бахш этади, ўз асарларида унинг машаққатли ҳаётини акс эттириб, унга зулм ўтказганларни фош этади, бахтли замон келишига ишонади. Буни «Бўлган эмас», «Солиқ», «Бу йил», «Умрим», «Яхшироқ», «Аҳмоқ пошшо», «Менга керак», «Авлодлар», «Ўғлимга», «Аҳмоқ бўлма», «Изладим», «Ёз келарми», «Бу замон», «Омон-гелди» каби шеър, достонлари мисолида кўриш мумкин.

[1] Ушбу мақолани ёзишда Ҳ. Воҳидовнинг «Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари» (Тошкент, 1962) рисоласи ва «Ўзбек Совет Энциклопедияси»да (2-том, 1972), шоир ҳақида берилган маълумотлардан фойдаланилди.

Бердақнинг фикрича, бахтнинг маъноси бойликда, мансабда эмас, балки донолик ва билимдонликда, ҳалол меҳнатда, чин инсон бўлишдадир. Бердақ хасислик, очкўзлик, текинхўрликни инсон учун нуқсон, тубанлик деб билади, ёшларни бу иллатлардан ҳоли бўлишга, ёшликдан яхши фазилатли бўлишга даъват этади.

Бердақ инсоннинг шахсий бахтини халқ бахти билан боғлиқ, деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам ҳақиқий бахтга эришиши учун ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан бирлаштириши, халқ бахти учун керак бўлса, жонини ҳам аямаслиги керак. Шоир дейди:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун,
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган.
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун...
Йигит деган яхши билимдон бўлур,
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур,
Ақлсизлар иши кўп ёмон бўлур,
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун...[1]

Бердақ меҳнатни унинг ижтимоий аҳамиятига қараб баҳолайди. Унинг фикрича, жамият фаровонлиги учун қилинган меҳнат шон ва шарафга муяссардир. Шунга кўра, Бердақ одамларни, бинобарин, ёшларни ҳам ватан, жамият ва халқ учун меҳнат қилишга ундайди. У ўз ватани ва халқи билан боғланган, ватан бахт-саодати учун жон фидо этганларни ҳақиқий ватанпарвар ҳисоблайди. Бердақ ёшларни умрларининг охиригача ватанга хизмат қилишга чақиради.

Ишни ишла, туғилгансан эл учун,
Жонингни аяма, элда эр учун,
Киндик қони томган азиз ер учун,
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ

(ўша китоб, 14-бет).

Бердақ ватанпарварликни, халққа муҳаббатли бўлишни улуғлайди.

Бердақнинг тушунчасича, меҳр-муҳаббат эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларгагина эмас, балки Ватанга, ота-оналарга ҳам дахлдор бўлган кенг маънодаги

[1] **Бердақ** шеъриятидан. Тошкент, 1983 й., 9-бет.

тушунчадир. Шунга кўра, шоир ёшларни халққа садоқатли, инсонпарвар ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш зарурлигини айтади.

Бердақ оиланинг бола тарбиясида муҳим ўрин тутишига алоҳида аҳамият беради. У муҳаббатни оила бахтининг асоси деб билади. Бердақ оила муҳитида ота-оналар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлгандагина тарбияда яхши натижаларга эришиш мумкинлигини айтади. Бердақнинг уқтиришича, инсон туғилган пайтиданоқ тарбияга муҳтождир, унинг илк тарбиячилари, албатта, ота-оналардир. Шу сабабли ҳам шоир «Болам», «Ҳурлижонга ўгит» шеърларида ота-оналарнинг бола тарбиясидаги улкан мавқеи ва масъулиятини ифодалайди. Унинг инсонпарварлик-ахлоқий қарашлари, айниқса, «Болам» шеърида аниқ ифодаланади. Шоир боласига мол-дунё топишга берилмасдан, одамларга, халққа яхшилик қилиш керак, деб насиҳат қилади.

Бердақ ғамхўр ота сифатида боласига камтар бўлишни таъкидлайди:

Молим йўқ деб, қийнама жон,
Давлат топилур ҳар қачон...
Яхшилик қил, элинг билсин,
Доим олқиш айтиб келсин.
Душманинг жувонмарг бўлсин,
Лекин кўз бўяма, болам,
То ўлгунча тўғри сўзла,
Отангни, онангни ўйла.
Яхшига яхшилик айла,
Бу одамзод нақши, болам,
Етим кўрсанг кўнглингни бер,
Яхшилар сенга шуни дер,
Мақтаниб демагил, мен шер,
Мағрурликни қўйгил, болам

(ўша китоб, 35, 36, 37- бетлар).

Унинг фикрича, меҳр қўйган кишиси билан яшаган йигит ва қиз ўз билими, ақл-идрокини олижаноб ишларга йўналтиради, соғлом ва ақлли бола тарбиялаб ўстиради. Бердақ бу ҳақдаги ғояларини «Уйланма», «Келин» шеърларида ифодалаб, ёш қиз келинларга ўз бахти учун курашишини маслаҳат беради:

Севмас эсанг, юрма йиғлаб,
Биров учун бағринг тиғлаб,

Бу ғордан қоч, тенгингни топ,
Ўз севгингни куйла, келин,

(ўша китоб, 34- бет).

дейди у.

Бердақ хотин-қизлар ҳимоячиси сифатида фикр юритиб, уларни билим ва касбларни эгаллашга даъват этади, қизи Ҳурлижонга ота касбини — бахшиликни эгаллашни тавсия этади. У «Қизим Ҳурлижонга ўгит» шеърида қизига яхши одамлар билан мулоқотда бўлишини, нодонлардан йироқ юришни, эгаллаган санъати билан халққа хизмат қилишни уқтиради.

Бердақ бахт-саодатга асосланган дўстликни инсоний муҳаббатни, халққа ва жамиятга хизмат қилишга интилиш каби инсоний фазилатларни улуғлайди, халқни аҳил, ўзаро меҳрибон бўлиб яшашга, душманга нисбатан зийрак бўлишга ундайди.

Шоир дейди:

Ҳеч вақтда дўстларинг бўлмасин ҳайрон,
Қўлдан келса қилинг душманни вайрон.
Халойиқ бир бўлиб яшанг меҳрибон,
Туғилган ер учун хизмат яхшироқ...
Одам боласига зийнат номус-ор,
Юздан кам бўлмасин, таниш, дўсту ёр,
Агар томирингни қийса бир ғаддор,
Шу вақт малҳам қуймоқ ордан яхшироқ

(ўша китоб, 14- бет).

Бердақ жамиятда юз бераётган воқеаларни идрок этишда, аввало, халқнинг ҳаётий тажрибаси ва донишмандлигига суянади, халқнинг оғир аҳволини ҳукмдорларнинг маърифатсизлиги ва адолатсизлиги оқибати деб тушунади. У адолатли, маърифатли ва оқил ҳукмдор ҳақида фикр юритар экан, у эгаллаши зарур бўлган ахлоқий фазилатлар ҳақида ўз қарашларини баён этади. Фикрича, ҳукмдор аввало, халқ манфаатлари ҳимоячиси бўлиши, халққа хизмат қилишни асосий вазифа деб билиши керак.

Бердақ жамиятда бахт ва адолат равнақ топиши, барқарор бўлиши учун ҳукмдор одил ва доно бўлиши керак, деган ғояни илгари суриб, бутун ижоди ва фаолиятини мана шу орзуларини, ғояларини рўёбга чиқаришга бағишлади.

У шундай дейди:

Излар эдим мен отамни,
Кечиринг, бўлса хатомни,

Шод қилиш учун Ватанни,
Бахт йўлини излар эдим...
Чўзмагил қўлингни бекор,
Ўйланиб, тўғри йўлдан бор,
Бўлса гар ақлли сардор,
То топгунча излар эдим.

(Ўша китоб, 30, 31- бетлар).

Бердақнинг фикрича, инсон олий ахлоқий сифатларга, чунончи, беғаразлик, олижаноблик, виждонлилик, меҳнатсеварлик, мардлик, фазилатларига эга бўлиши лозим. У халқни бутун қалби билан севиши, унинг фаровонлиги учун қайғуриши, халқ билан бирга бўлиши зарур. «Халқнинг бўлсин излаганинг»,— дейди ва куч, қудрат халқда мужассамлигини айтади:

Етарсан муродга, гар хизмат этсанг,
Хор бўларсан элдан нарига кетсанг.
Ҳар қачон душманнинг бошига етсанг,
Олқиш олиб, хизмат айла халқ учун.

(ўша китоб, 9- бет).

Бердақ халққа хизмат қилиш кераклиги ҳақида фикр юритганда, биринчи навбатда, тўғрилик, ҳақиқатгўйлик, адолат билан инсон қадр-қимматига ҳурмат билан қарашни, эзилган ва ҳуқуқи поймол этилганларни ҳимоя қилишни назарда тутади. Эзгу хислатларга эга бўлмаганларни инсон ҳисобламайди. Унинг фикрича, бошқаларни қадрламаган, инсон қадр-қимматини билмаган, уни ҳурмат қилмаган, етимлар бошини силамаганларни яхши инсон деб бўлмайди.

Бердақнинг уқтиришича, инсон ор-номусли, ақл-идрокли бўлиши керак, шундай хислатларни ўрганмоқ учун эса, у нодон, беномуслардан йироқ, доно ва оқил кишилар билан бирга бўлмоғи лозим дейди.

Бердақ, айниқса, ақлий тарбияга жиддий эътибор беради. Унинг таъкидлашича, ақлли кишининг сўзи билан иши бирдир. Катта ақл эгаси тоза кўнгилли, ҳақиқатгўй бўлади, узоқни кўзлаб, халқи учун ишлаб яшайди:

Ақллилар билур сўзнинг фарқини,
Ҳўр қилмагай ундай киши халқини,
Билур ақл билан узоқ-яқинни,
Шундай одам ишлар доим халқ учун

(ўша китоб, 13- бет).

Бердақнинг таъкидлашича, барча одамлар инсонпарвар ва адолатли бўлса, жамият гуллаб-яшнайди. Бунинг учун эса халққа таълим бериш, унда ижобий хулқ-атворини тарбиялаш лозим. Тарбия илк болаликдан бошланиб, бир умр давом эттирилиши керак. Чунки инсон тайёр ахлоқий сифат ва табиатга эга ҳолда дунёга келмайди. Ўсиб, улғайиб бораётган бола жамиятдан ҳоли равишда яшай олмайди, жамият унинг хулқ-атворини ижтимоий мазмун билан бойитади, жамият инсонга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Бердақ ақлли, юксак ахлоқли инсон халқ бахти ва фаровонлиги учун курашмоғи керак, деган ғояни илгари суради.

Бердақ ахлоқ ҳақидаги фикрларини насиҳат тарзида баён этди, инсонни ахлоқли қилиб тарбиялаш мумкин, деб билди. Унинг бу фикри ўз даврида муҳим аҳамият касб этди, халққа хизмат қилиш, жамият манфаатларини шахсий манфаатдан афзал деб билиши ҳозирги давр учун ҳам муҳимдир.

Бердақ меҳнатни унинг ижтимоий аҳамиятига қараб баҳолайди. Унинг фикрича, жамият, халқ фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат инсонни шарафга муяссар қилади.

Бердақ ёшларнинг ақлий тарбиясида мактабнинг мавқеи катта эканлигини таъкидлайди. Мактабда таълим олган бола, нафақат, ўқиб-ёзишни ўрганиши, балки у мустақил фикрлаш кўникмасини эгаллаши лозим. Ота-оналар болаларини 7—8 ёшда мактабга беришлари керак. Мактабда болани яхши хулқ-атворли қилиб тарбиялаш лозим.

Бердақ «Халқ учун» шеърида билим ва ҳунарнинг моҳиятини ифодалаб бундай деган эди:

Йигит деган яхши билимдон бўлур,
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур

(ўша китоб 9- бет).

Бердақ ҳар бир йигит гўзал хулқли, номус-орли бўлиши зарурлигини таъкидлаб:

Отаю онани доим шод этиб,
Хизмат айла ота-она ҳаққи чун

дейди (ўша китоб, 10- бет).

Бердақ билим ва тарбия ҳақида ўз фикрини баён этар экан, мактабда дарс берувчи муаллим ўз хушмуомалалиги, пок қалблиги, ҳақгўйлиги, ўз фанини яхши, пухта билиши билан болаларга ўрнак бўлиши кераклигини айтади.

Бердақнинг ахлоқий қарашларида виждонлилик, ҳаққонийлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, халққа ва дўстга содиқлик, севгида садоқатлилик, камтарлик, мардлик, сахийлик, меҳмондўстлик, донолик, билимга қизиқиш каби энг яхши инсоний фазилатлар алоҳида ўринда туради.

Бердақ ахлоқий тарбияда муайян боланинг руҳиятини чуқур ўрганишни, у тарбияланаётган муҳитни, унинг ўзига хос табиатини, дунёқарашини, хулқини, ирода сифатларини билиш керак. Шундагина бола чуқур билимли, яхши ахлоқли бўлиб шаклланади, даврнинг муносиб фарзанди бўлиб етишади.

Бердақнинг фикрича, бахт кишига ўз-ўзидан келмайди, унга муяссар бўлиш учун фаол ҳаракат қилмоқ керак. Бердақ фаол ҳаракат қилиш орқали бахтга эришиш мумкинлигига ишонади. Бердақ бахтни бойликда, мансабда эмас, балки донолик ва билимдонликда, ҳақиқий инсонийликда деб билади. Шунга кўра, шоир хасислик, текинхўрликни инсон учун катта нуқсон ҳисоблайди, «нокас бўлма, ёшликдан мард бўл», «текинхўр бўлма» деб насиҳат қилади.

Умуман, Бердақ қорақалпоқ халқининг улуғ ўғлони сифатида халқ учун хизмат қилди, ватанини севди, бутун ҳаётини халққа, ватанга бахш этди, ўз шахсий намунаси, асарлари билан халқ ва ёшлар ўртасида инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини таркиб топтиришда жонкуярлик қилади.

Бердақ ўтган умрини эслаб шундай дейди:

Ёшлигимда меҳр қўйдим,
Умр бўйи юртни суйдим.
Қариганда ёндим, куйдим,
Эл ғамида ўтган умрим...
Мен элга бахт етса дедим,
Золимоти ўчса, дедим,
Нола чекиб, қайғу едим,
Эл ғамида ўтган умрим

(ўша китоб, 53- бет).

Бердақ бола тарбиясига оид махсус тадқиқот ишлари олиб бормаган бўлса-да, асарларида бу масалани амалга ошириш усуллари ҳақида ўз ғояларини баён этди, унинг фикр-ғоялари, шубҳасиз, қорақалпоқ педагогикасининг ривожига муҳим ва муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАЪНАВИЯТ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиё хонликлари — Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари ўртасида низо кучайди. Бундан фойдаланган чор ҳукумати ўзининг ёвуз ниятларини амалга оширишга киришиб, 1853—1895 йиллар давомида Марказий Осиёни босиб олиб, мустамлакачилик сиёсатини юргизди, бу сиёсатга қарши кўтарилган халқ қўзғолонларини аёвсиз бостирди. У Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи турли халқларни бир-бирига қарши қўйиш билан улар ўртасида курашни авж олдирди.

Чор Россияси зулмкор куч сифатида халқимизнинг миллий маданиятига ва унинг ривожига тиш-тирноғи билан қаршилик қилди, унинг миллий-маданий бойликларидан маҳрум этишга ҳаракат қилди.

Марказий Осиё чор қўшинлари томонидан босиб олингандан кейин ўлкада ўзига хос тарихий-сиёсий вазият юзага келди, миллий зулм кучайди, бу зулм биринчи навбатда маданият, фан, санъат, ижтимоий ва педагогик фикр, турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўлкага кириб келган Европача турмуш тарзи халқимизнинг асрий турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари билан тўқнашди. Мана шу соҳада муайян зиддият ва айрим янгича турмуш тарзига яқинлашув жараёни юз берди. Бу воқеа ва тарихий ҳодиса XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида бошланган жараён сифатида ривожлана бошлади. Бунда чор мустамлакачилари ўз мавқеларини мустаҳкамлашга интилдилар. Ўлкада юз берган бу ўзгаришлар илғор зиёлиларнинг дунёқарашида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топди. Улар ўлкада чор маъмурлари қўллаган жабр-зулм ва улар кўрсатган қаршиликларга қарамай, илм-фан ва маданиятнинг умумий ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар ўзларидан олдин ўтган улуғ мутафаккирларнинг инсонпарварлик, педагогик фикр, ғояларини давом эттирдилар. Буни Дилшод отин, Анбар отин, Аҳмад Дониш Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Завқий ва бошқаларнинг ижодида кўриш мумкин.

ДИЛШОД ОТИН

Маърифатпарвар Дилшод отин 1800—1801 йилда Қўқонга яқин Ўратепа шаҳрида туғилади. Отаси Раҳимқул шоир табиатли киши эди. Дилшод дастлабки маълумотни отасидан олди, ёшлигидан шеъриятга меҳр қўйди. Барно тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. У ёшлик чоғида ота-онасидан жудо бўлади, 90 ёшли қари катта бувиси билан қолиб, ип йигириб кун кечиради.

Дилшод илм-маърифат тарқатувчи оила бошлиғи Тошмаҳдумга турмушга чиқади, ундан саккиз фарзанд кўради. «Мен,— дейди Дилшод,— боз ўн уч йил хизмат қилиб, туркий лаҳжани мукаммал ўрганиб, мактабдорликни мерос олдум. Қайнонам назаркарда эканлар, то 92 ёшгача ойнаксиз чок тикиб, рўзона қизларга сабоқ берар эрдилар»[1].

Дилшод қайнона билан бирга ўзи ҳам қизларга дарс бера бошлайди. «Мен боз етти йил шу тариқа қизларга мактабдорлик қилғонимдан сўнг қайнонам 99 ёшида вафот қилдилар. Ул аснода мен 37 ёшда эрдим»,— деб ёзади Дилшод отин[2].

Дилшод умрининг охиригача мактабдорлик қилиб, қайнона ишини давом эттириб, ёшларни илм-маърифатли қилади.

«Мен,— деб ёзади Дилшод,—88 ёшимгача ойнаксиз хат кўриб, мактабдорлик қилдим. Эллик бир йил мактаб тутиб, аъло авсат ҳисобида 23 толиба тутиб, 891 қизни басавод қилдим. Алардан қарийб тўртдан бири табъи назмлари бор эрди... боз аввал охир икки юздан ортиқ назмхон шоиралар таълим олиб чиққан эрди. Камина ўрда шоирларига қўшилмоқ орзусидан маҳрум эрди. Аммо улуғ отинлар: Жаҳон биби ва Нодирахоним назмлари салиқамга қувват бахш этадирлар. Назмларимни девон қилмоқ борасида орзу бор эди»[3]. Дилшод талабалари орасида Анбар отинга алоҳида эътибор беради.

Дилшод отин ғазал, мухаммас, мусаддас, хотираномалардан иборат «Тарихи мухосара», «Хатми мунтахабул ашъор», «Замонадин шикоят», «Ҳаёт мадҳи» достонларини яратади. Шоир бу асарларида комил инсон, вафо, соф муҳаббат ҳақида фикрлар изҳор этади, вафосизлик, худбинлик, маккорлик, ҳийлагарлик иллатларини қоралайди.

[1] **Дилшоди** Барно ва мероси адабий у. 137- бет.
[2] **Дилшод.** Асарлар. 21- бет.
[3] **Дилшоди** Барно ва мероси адабий у. 39- бет.

Дилшод 1805—1906 йилларда вафот этади.

Дилшод отиннинг педагогик қарашларида ватанпарварлик алоҳида ўрин тутади. Қўқоннинг табиий гўзаллиги, ноз-неъматлари шоирага қувонч бахш этади. Шоира Қўқонни илм-маърифат макони сифатида тасвирлаб дейди:

Бу серхислат водий илм ва маърифат маконидир,
Нурафшан Ҳўқанд шаҳри Фарғона мулкининг ёниб
турган чироғидир[1]

Дилшод ҳамжиҳатликни, ҳамдамликни энг юксак фазилат деб билади. У Фарғона водийсида ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакилларининг аҳилликда яшаётганидан қувонади:

Бу водийда ўзбек ва тожик халқлари жам бўлди,
Фарғона мулкининг узук кўзлари лаъли ва
марвариддандир,

деб қувонади у (ўша китоб, 76- бет).

Дилшод ўзининг педагогик қарашларида инсонийлик улуғ фазилат эканлигини айтиб, бу масалага виждонан ва ҳимматли муносабатда бўлишни тарғиб қилади. Шоира дейди:

Аё одам, сенга қувват эрур фарз,
Ҳаётингга эрур қудрат эрур фарз.
Бу қудрат, қуввату ғайратга монанд,
Фазилат бўлғучи ҳиммат эрур фарз.
Булар устиға виждон ҳам керакдир,
Наку рафтор ила иффат эрур фарз

(ўша китоб, 37- бет).

Дилшоднинг фикрича, инсон гўзаллиги унинг руҳий оламидир. Икки юзламачи, худбин одамлар макр эгаларидир. Инсоннинг ички дунёси ташқи қиёфасидек гўзал бўлиши керак. Инсонга инсонийликни безаш учун берилган бу гўзалликни доимо эҳтиёт қилиш лозим.

Гар ташқи жамол ҳўб, ичи бад бўладир,
Гўёки ичи лой, юзи нақшу нигор

(ўша китоб, 37- бет).

[1] **Дилшод.** «Сабот ул-башар», 76- бет.

Дилшод ҳаётни, оилани инсон учун катта мактаб ҳисоблайди. У ўз тажриба, оилавий ҳаётидан келиб чиққан ҳолда:

Рўзғорим мактабим бўлди,
Илм олсун соҳиби идрок

(ўша китоб, 57- бет), деб ёзади.

Дилшод ёшларнинг илм олишига, аҳли илм бўлишларига жиддий эътибор беради ва илм олиш учун эса катта меҳнат қилиш кераклигини, қобилият эгаси бўлиш зарурлигини уқтиради. У бу ҳақда мана бундай деган эди:

Қўзимнинг нурини тўкғум китоб эрса сариҳ,
Вужуд бобида ёзилғондек боб эрса сариҳ

(ўша китоб, 13- бет).

Дилшод отиннинг таъкидлашича, илм инсонни тарихга етаклайди ва бу соҳадаги турли муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Билимда камол топган инсон юксак обрў, мавқега эга бўлади, унинг билимидан ҳамма баҳраманд бўлади, ҳатто кеча-кундуз ҳам ундан нур олади.

Оламдан нур олди ҳар лайлу наҳор,
Тарихни ҳисобин топғон ҳам одам,

деб ёзади Дилшод.

Умуман, мутафаккир шоира, муаллима Дилшод отин ўзининг сермазмун, узоқ йиллик умрини бадиий ижодга бағишлаш билан бирга, ўз шеъриятида, отинлик фаолиятида таълим-тарбияга оид қимматли фикрларни ўртага ташлаб, педагогик фикр ривожига муносиб улуш қўшди.

АНБАР ОТИН

Анбар отин 1870 йилда Қўқон шаҳрида косиб оиласида дунёга келди. Отаси Фармонқул марғилонлик бўлиб, шоира Увайсийнинг жиянидир. Онаси Ашурбиби қўқонлик косибнинг қизи. Шоира ёзади:

Отам Фармонқулийи марғилоний,
Онам Ашурбибийи қўқоний.
Алар белбоқчи, бўзчи эрди касби,
Ҳамиша маккайидин эрди нони[1].

[1] **Анбар отин. Шеърлар. Рисола. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1970, 3- бет.**

Анбар отин 7 ёшидан бошлаб ўзлари яшаб турган маҳаллада Дилшод отиннинг мактабида таълим олади. Ёшлигидан шеъриятга қизиқади, Увайсий шеърларини ўқиб, машқ қилади. У айниқса, Алишер Навоийнинг шеърларини, достонларини севиб ўқийди. У бу улуғ зотни ўзига устоз деб билади. У бу ҳақда шундай деб ёзади:

Агар устоди адабни изласанг, Анбар отин,
Сен Навоий таълимини доим мутолаа қил

(ўша китоб, 35- бет).

Анбар отин ҳақгўйлиги, ақллилиги ва бадиий истеъдоди билан маҳалла аёллари ва бора-бора халқ ўртасида ҳурмат қозонади. Халқ уни Анбар отин деб атай бошлайди. У ҳам ўз шеърларини шу номда ёзади. 1905 йилда ўз шеърларини тўплаб девон тузади. 1906 йилда оғир касалликдан вафот этади.

Анбар отин ўз шеърларида халқпарварлик, маърифатпарварлик, инсонийлик, меҳнатсеварлик ғояларини олға суради. У «Қоралар фалсафаси» асарида инсоний фазилатларни улуғлаб шундай дейди: «Аксар Жануб ва Шарқ халқлари монанди Араб, Эрон, Сойлон, Ҳинд ва Кашмир халқлари қора юз, оқ кўнгил халойиқ эрурлар. Ул халойиқ аслзода оқ танлар каби андом, аъзойи бадан, қўл-оёқ, тил, кўз ва ақл-хуш, ғайрат, қувват ва тафаккурга моликдирлар» (ўша китоб, 83- бет).

Анбар отин оналарнинг инсоният олдидаги хизматларини улуғлайди. Чунки у ҳар қандай ва ҳар бир инсоннинг, ҳар қандай донишмандниг онаси бор дейди. Шоира яна шуни таъкидлайдики, «Она шундай — моҳири донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Али ибн Сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Ҳайёмни, Нодира ва Увайсийни... туғиб оламни кўриш қобилиятига давру моҳир қилибдур» (ўша китоб, 35- бет).

Анбар отин аҳиллик, ҳамдардлик, меҳнатсеварлик энг яхши фазилат эканини айтиб, одамларни бу фазилатларга эга бўлишга чорлайди.

Анбар отин Ватанга, халққа хизмат қилишни адолатлиликни улуғ бахт, эзгулик ҳисоблайди. Дўстларини у шундай бахтга, эзгуликка даъват этади:

Хизмат этсанг эл учун холис қилакўр доимо,
Кўб кирокашлар илан кўрқмай муборизa қил,
Кимсани халқ ғамидин ғами бўлурса анга сан,
Ёндошиб, ҳар ишида ул ила мутойиба қил

(ўша китоб, 16- бет).

Шоира дўстларини жаҳолат аҳлидан, фақат шахсий манфаатини ўйлаб, элдан хабари бўлмаганлардан йироқ бўлишга чақиради:

Эй дўст, жаҳолат аҳлига ошно бўла кўрма,
То келгунча, бахту саодат пайдо бўла кўрма.
Ҳар кимки ўзин ўйлади элдин хабари йўқ,
Ул аблаҳи бедин ила савдо қила кўрма.
Ҳар ким амалий эл фойдасига жорий эмасдир,
Онинг юзини сан умрингда бир йўла кўрма

(ўша китоб, 35- бет).

Анбар отин меҳнат аҳлини шарафлайди, уларни эъзозлашга, сийлашга, дилларини шод этишга даъват этади, ва одамларга «Одам эрсанг, ҳамиша иш қилиб юр».— деб насиҳат қилади.

Шоиранинг фикрича, маърифат инсонни мумтоз этади. Ҳар бир инсон элга хизмат этиши, бу йўлда қилган ишини юксак даражага етказиши керак. Бу ҳақда у шундай ёзади:

Кимки маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.
Ўзингни элга хизматкор эткиз,
Ишинг анжомиға еткунча еткиз

(ўша китоб, 74- бет).

Анбар отин одамларнинг дили, кўнгли пок бўлишини, поклик уларни тарк этмаслигини истайди. У одамларга мурожаат этиб:

Одам эрсанг кўнгил эткил пок — пок,
Сендин этмасдин ўзини улки пок

(ўша китоб, 77- бет).

Шоиранинг фикрича, яхши тилакли одам доимо халқ учун хизмат қилиш истаги билан яшайди ва тинимсиз меҳнат қилади.

Одамеда бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебратгуси доим билак

(ўша китоб, 77- бет).

Шоира ёшларни яхши одамлар ишидан ибрат олишга чорлаб, ибратли ишлар қилиб, иззат-икромли бўлишга даъват этади:

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,
Ибратомуз хизмат айлаб, иззат ол,

дейди (ўша китоб, 77- бет) ва кимнинг илгида ҳиммат бўлса, ранг-рўйида раҳмат кўринса, уларни, яъни ҳиммат ва раҳматни олиб, ўшандай одам бўлишни таъкидлайди:

Кимки илгида бор эрса ҳиммат, ол,
Ранг рўйида кўрингай, раҳмат, ол,

дейди Анбар отин (ўша китоб, 77- бет).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижоди эъзозга лойиқ бўлган Анбар отин ўз ижодий фаолияти, ҳаётий кузатишлари натижаси ўлароқ, таълим-тарбия хусусидаги қарашларини ўз асарларида баралла куйлади, шу билан бирга, XIX аср педагогик фикр ривожида муносиб ўринни эгаллади.

АҲМАД ДОНИШ

Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилди. Отаси деҳқон бўлиб, Сурғут қишлоғи (ҳозирги Бухоро вилояти, Вобкент тумани)дан Бухоро шаҳрига ўқишга келади, ўқишни тамомлагандан кейин Бухородаги масжидлардан бирида муаллимлик (имомлик) қилади. Отаси Аҳмадни тарбиялашга, ўқитишга алоҳида аҳамият беради. Аҳмад Дониш бошланғич билимни уйида онасидан олади. 9 ёшида мактабга кириб, бу ерда араб тилини ўрганади, математика, фалакиёт, география, тиббиёт, тасвирий санъат, тарих ва фалсафага доир билимларни мустақил равишда эгаллаб, ўз даврининг илғор, ҳар томонлама билимли кишиси, ўз элининг ва ўз даврининг етук вакили бўлиб етишади.

Аҳмад Дониш XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги ҳаётидаги барча ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг шоҳиди бўлади. Амир ўрдасида ёзиш-чизиш хизматида бўлади. Ўрдада у тарих, тиббиёт масалаларига оид китобларни ўзбек, тожик тилларига кўчириб ёзишга киришади.

Аҳмад Дониш ўрдада ишлаб юрган йилларида турли одамлар билан мулоқотда бўлиб, ҳаётий тажрибаси ортади, кўп кишиларнинг ўз умрларини бекорга ўтказиб, султонга яқинлашиш чораларини излаётганларини ўз кўзи билан кўради, баъзилар султондан ҳар қанча меҳрибонлик кўрсалар ҳам, яна ундан рози бўлмасликларининг гувоҳи бўлади. Ўзи эса, озми-кўпми топганига

қаноат қилиб, осойишта яшайди. Шундай қилиб, Аҳмад Дониш ўрдада ўзининг серқирра қобилияти, камтарлиги туфайли тез орада катта обрў қозонади.

Аҳмад Дониш ўзининг таълим-тарбия, ахлоқ ва нафосатга доир фикр-мулоҳазаларини «Наводирул вақое» асарида, хусусан, бу асарнинг «Инсон алоқалари ва уларнинг табиати ҳақида», «Никоҳ одобларининг баёни», уйланишнинг шартлари ҳамда қайнона ва келин ҳақида», «Ишқ-муҳаббат ҳақида, севишганларнинг одоблари, ҳақиқий ва мажозий ишларнинг баёни», «Фарзандларга васият; касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида» бобларида баён қилади. Бу бобларда муаллиф инсоннинг хулқ-атвори, меҳнатга бўлган муносабати тўғрисида қимматли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

Аҳмад Дониш «Фарзандларга васият; касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида» рисоласини ўз фарзандлари Абдулкарим ва Асъадга ҳунар ва билимларни эгаллаш зарурлиги ҳақида маслаҳат бериш билан бошлайди. Унинг уқтиришича, инсон болаликда ҳаракатчан бўлади, ўз вақтини ўйин-кулги билан ўтказади, аста-секин катта кишилар таъсирида ўз хулқини ўзгартиради, ўзини осойишта тута бошлайди, ҳаётни кузатиб, дунёнинг нознеъматлари билан танишади ва унда бу неъматлардан фойдаланиш истаги пайдо бўлади. Аммо бу неъматлардан фойдаланиш учун пул топиш кераклигини англайди. Бунинг учун меҳнат қилиш, бирор ҳунарни эгаллаш, касбга эга бўлиш керак. Ана шу жараёнда унда янги-янги истаклар уйғонади, яъни янгича талаб, масалан, ўз уйига, оиласига эга бўлиш, одамлар билан мулоқотда бўлиш хоҳиши пайдо бўлади.

Аҳмад Донишнинг фикрича, инсон қанча меҳнат қилмасин, барибир у ўз ҳаётида турли қийинчиликка дуч келади, бошидан ғам-ғусса ва ташвишларни кечиради. Чунки бу — ҳаёт қонунидир.

Масалан, дунёга келган ҳар бир бола юра бошлаши билан шўхлик қилади, йиқилиб-сурилиб юришга интилади. Қатталар ўзларини бамайлихотир тутиши ва юришларини кўриб, ўз ҳаракатини, хулқини ўзгартира бошлайди. Дунё турли эзгуликларга тўлиқлигига ишонади ва унда хайрли ишлар қилиш хоҳиши пайдо бўлади.

Аҳмад Дониш ўғилларига насиҳат қилиб, улар олдида турли-туман ғовлар пайдо бўлиши, бошларига ҳар хил савдолар тушиши мумкинлигини ва уларнинг сири

яширинча эканлигини айтиб, бу ҳаётнинг, яшашнинг интизоми, қонуни эканини уқтиради.

«Инсон боласи,— дейди у,— онасидан туғилиб, унинг қучоғида ўсади, елиб-югуришга, ўйинга қизиқади. Йиқилиб-сурилиш, ўрнидан туриш-ўтириш билан бир неча ёшга киради. Кундан-кунга ёши улғайиб, болалик даврини ўтказади. Сўнгра дунёдаги зеб-зийнатлар, ноз-неъматлар, ўйин-кулгиларни кўради ва шулар билан шуғулланади. Кўнглига ҳар бир ишда мартабасининг замондошларидан орттириш ҳаваси тушади. Буларни қўлга киритиш учун бойлик кераклигини: дунё давлатини олтин, кумушсиз эгаллаб бўлмаслигини билиб, шуларни топиш чорасига киришади...»[1].

Кўриниб турибдики, Аҳмад Дониш ҳунар ўрганиш муаммосига алоҳида эътибор беради. У ёшларни ҳунарни фақат фойдали бўлгани учун эмас, балки ҳаётий зарурият бўлгани учун уни эгаллашга даъват этади. Унинг ҳар бир одам ўз иқтисодий талабини қондириш учун бирор ҳунарни эгаллаши керак, деган фикри тўғридир.

Аҳмад Дониш ёшларни билим ва ҳунарларни эгаллашга чақириш билан уларнинг эътиборини меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятига жалб этади. Демак, Аҳмад Дониш касбни эгаллаш зарурлиги ҳақида сўз юритганда жамият талабини, халқ манфаатини биринчи ўринга қўяди. Буни ўз фарзандларига қилган васиятларида ҳам кўришимиз мумкин. «Энди (ўғилларим),— дейди Аҳмад Дониш,— сизларга айтадиган менинг васиятим шуки, сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар. Қиши қарамагудек, бировнинг нонига тама қилмагудек даражадаги тирикчиликка ҳаракат қилинглар. Зинҳор, мол тўплаб, дунё кўпайтиришга тиришманглар. Агар бу билан қизиқар экансизлар, ўлгунча меҳнат ва машаққатдан қутула олмайсизлар. Дунё тўплашга киришганлар ботқоқ лойга ботадилар. Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин. Илм ўқиб, ҳунар орттиришда ватандошларнинг ҳожатларини чиқаришни ният қилинглар.

---

[1] **Аҳмад Дониш.** Наводирул вақое. Тошкент, 1964, 324—325-бетлар. Бундан кейин шу китобдан олинадиган мисоллар қавс ичида «Ўша китоб» деб таъкидланиб, саҳифаси кўрсатилади.

Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини қилса-ю, лекин бундан мақсади халққа фойда етказиш бўлмаса, ундай ҳунарманд барака топа олмайди» (ўша китоб, 325—326-бетлар).

Аҳмад Дониш касб танлаш ҳақида, касб танлашда унинг одамларга, жамиятга фойда келтиришига эътибор бериш кераклиги ҳақида билдирган фикрларини кўздан кечирар эканмиз, унинг ўқитувчилик касби хусусидаги қарашларида ахлоқ масаласига катта эътибор берганини кўрамиз. У ўқитувчини талабаларга кучли таъсир кўрсатувчи, деб билади. Унинг таъкидлашича, ўқитувчилик касбини танлаганларнинг нопоклик ниятида бўлиши ғоятда зарарлидир, чунки улар ўзларидаги ахлоқий бузуқликни ёш авлод ўртасида тарқатадилар. Демак, Аҳмад Дониш ўқитувчининг ахлоқий қиёфасига катта эътибор беради. У ўқитувчидан ёш авлод манфаатини биринчи ўринга қўйишни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчи ва талабаларга кўп билим бериш, ўз билимини ошириш ва чуқурлаштириш учун ўз устида кўп ишлаши лозимлигини айтади. Бундан кўринадики, Аҳмад Дониш ўқитувчи касбига нисбатан жиддий талаб қўяди. У гўзал ахлоқлилик ва чуқур билимдонликни ўқитувчининг гўзал фазилати, деб билади.

Аҳмад Дониш ўқитувчи тимсолида одамлар, бинобарин, ёшлар ўртасида илм, зиё тарқатувчи маърифатпарварни кўришни орзу қилади.

Олимнинг меҳнат қилиш ҳақидаги фикрлари ғоят муҳимдир. У меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў тополмайди, дейди меҳнат қилиш ҳақидаги фикрларини шундай якунлайди: «Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз несъмат топилиши мумкин эмас» (ўша китоб, 27-бет).

Аҳмад Дониш болаларга қилган бу насиҳатларида уларни одамлар учун зарур бўлган, жамият ва оила истагига мос ишларни қилишга, ҳунарни эгаллашга даъват этиб дейди «... сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар, шу билан жамиятга ёрдам қилган бўласизлар... Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин» (ўша китоб, 27—28-бетлар).

Аҳмад Дониш касб танлаш ҳар қандай ноўрин фикрлардан, бойликка интилишдан холи бўлиши кераклигини айтади ,ўз фарзандларидан нопокликка берилмасликни

талаб этади. Унинг уқтиришича, ҳунар одамни бошқалар ёрдамига муҳтож қилмасликка, унга муте бўлмасликка ёрдам берган тақдирдагина фойдали бўлади. Адиб турмушда тежамкор бўлишни ҳам маслаҳат беради.

Аҳмад Дониш касб танлашга алоҳида аҳамият беради. У ёшларнинг касбни мустақил танлашини муҳим хислат деб ҳисоблайди. Бу хусусдаги фикрининг тўғрилигига далил сифатида ўз ҳаётидан мисол келтиради:

«Дастлаб мен ўқишга киришганимда менда кишилардан омонат бўлган беш-олти китобдан бошқа китоб ҳам йўқ эди. Шунинг учун мен ҳар бир ишнинг ҳақиқатини текшириб кўрдим. Гумон қилган жойларда унинг жавобини кўнглимдан сўраб, чуқур фикрга чўмганимда, ана шу маънолар кўнглимга илҳом бўлди» (ўша китоб, 334-бет).

Аҳмад Дониш ҳарбий ва ҳунармандчилик, деҳқончилик касбларини улуғлайди, дунёни гуллатиб-яшнатадиган ҳунар деб билади.

Аҳмад Дониш хаттотлик санъатини мустақил ўрганганлигини шундай баён қилади: «Бу санъатнинг шавқи кўнглимга тушди... Ҳар ҳунарни ўрганиш керак деб, бунинг аҳллари билан аралашиб, уларга хушмуомалада бўлиб юбориб, бир йил ичида бу санъатни ҳар томонлама мукаммал ўрганиб, камолига етказдим» (ўша китоб, 363-бет).

Аҳмад Донишнинг фикрича, ҳунарларнинг барчаси одамларнинг ўзаро алоқада бўлиши натижасида юзага келади. Шунга кўра, у ҳунар аҳлини халқ билан мулоқотда бўлишга ундайди. «Агар,— дейди мутафаккир,— киши халққа аралашмай, бутунлай узлатда кун кечирар экан, у ҳолда бу балодан қутула олмайди... Халққа аралашмасдан эса унга ёрдам қилишнинг имконияти йўқдир. Аралашгач, муҳаббатсиз бўлиш мумкин эмас...» (ўша китоб, 215-бет.).

Аҳмад Дониш одамлардан фақат ҳозирги кун учун эмас, балки келажак учун меҳнат қилишларини талаб этади; уларнинг меҳнати самарасидан келажак авлод баҳраманд бўлиши керак. Аҳмад Дониш ўз асарларида ёзади:

«Хорун ар-Рашид халифа сафар йўлида кетаётганида кўчат экиб юрган кишига учраган; ундан бу нима кўчат деб сўраганида, ёнғоқ кўчати деган. Бу қачон хосил беради деб сўраганида, 20 йилларда ҳосилга киради дегач, сен ўзинг қариликдан алжиб қолибсан, шунча

лар. Бу тоифа одамлар бахтни тор маънода тушунадилар ва нотўғри талқин қиладилар.

Аҳмад Донишнинг ахлоқ масаласига муносабати ишқ-муҳаббат, бахт ҳақидаги фикрларида, айниқса, ёрқин кўринади. У дейди: «Бузуқчиликка олиб борадиган ишқ-муҳаббатнинг маданиятга зарба бериши шубҳасиздир. Инсон ўз муҳаббатини шариатдан ташқари ишларга сарф этиши фалокат чуқурига ўзини отиши кабидир» (ўша китоб, 215- бет).

Табиийки, оила қуришда йигит билан қизнинг бир-бирини синаши, хулқ-атворларини билиши муҳимдир. Аҳмад Дониш турмуш маданияти ҳақида фикр билдиришича, қиз кўнгил қўйган йигит ҳамма ўртасида танилган, ҳурмат-обрўга эга бўлиши шарт. Агар у обрўсиз бўлса, қиз — маҳбуб бадном бўлиб, одамлар олдида ҳурматсизланади. Шу боис олим севган ҳам, севилган ҳам (ошиқ, маъшуқ) ҳимматли, асл одамлар бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шундай бўлганларидагина улар ўзаро дўстлик, муҳаббат қонун-қоидаларини ўз ўрнига қўя оладилар.

Аҳмад Дониш ахлоқий тарбиянинг мақсади ва вазифаси ҳақида махсус фикр билдирмаса ҳам, баён этган фикрларидан тарбия олдига қўйган вазифасини билиб олиш мумкин: у ахлоқ тарбияси олдига бошқаларга нафи тегишини ўз бурчи деб билган одамларни камол топтиришни асосий вазифа қилиб қўяди. Ёш авлодда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқсеварлик туйғусини бойликка ҳирс қўйиш каби иллатларга нисбатан нафрат ҳиссини тарбиялашни талаб этади. Аҳмад Донишнинг фикрича, одамларда озодликка ва шахснинг мустақиллигига ҳавас, муҳаббат туйғусини тарбиялаш керак.

Ҳар бир одам дўстликни ва биродарликни қадрлаши, бошқаларда, ҳатто ёмон одамдаги яхши томонларини кўра билишни маслаҳат беради.

«Агар,— дейди Аҳмад Дониш,— биров билан суҳбат қурмоқчи бўлсанглар, ўз сифати билан халққа яқин бўлган, ақлли, ҳушёр кишилар билан дўстлик алоқасини боғланглар. Чунки, оқил одамлар ҳеч кимга ёмонликни хоҳламайдилар. Ақлли одамларнинг аломати улардаги яхшиликнинг ёмонликдан кўпроқ бўлишида ёки баробар бўлишидадир. Бундай одамлар олимлар, қалам аҳллари ичидан топилади. Булардан бошқалари билан дўстлик қилмоқчи бўлсанглар, у вақтда ундай

одам ҳеч бўлмаганда бирорта ёмон феълдан сақланган одам бўлиши шартдир...

Агар дўстларингизни бирор ёмон томонини билсанглар ва уни бу йўлдан қайтаришга кучларинг етса, уни қайтаринглар. Агар буни қилолмасанглар, ҳамма билан яхши муомалада бўлинглар. Чунки, дунёда айбсиз дўст топилмайди» (ўша китоб, 337—338- бетлар).

Аҳмад Дониш ёшларга ватанпарварлик туйғусини сингдиришни уқтириб, инсон ўз ватани ҳимояси учун курашса, ўз халқи билан бирга бўлсагина, у барҳаёт бўлишини айтади. Шунингдек, у ёш авлоддан эзгу ниятли, ҳимматли, жасоратли бўлишни талаб этади, уларга ҳар бир ишни бажаришга онгли суратда киришишни маслаҳат беради. Масалан, ҳиммат ҳақида сўзлар экан, одамларни ҳеч бир жонли мавжудотни ранжитмасликка, худо яратган жониворларга мурувватли бўлишга, дон ташиб бораётган чумолига озор бермасликка даъват этади, чунки ҳар бир танада ҳаёт гўзаллиги мавжуддир.

Аҳмад Дониш инсон ахлоқига бир томонлама ёндошмайди. Бир одамнинг турли шароитда бир хилда қилган хатти-ҳаракатини бир тур меъёр билан баҳолаб бўлмайди, чунки унинг хатти-ҳаракатидан мақсади турлича бўлиши мумкин.

Демак, Аҳмад Донишнинг фикрича, инсон ахлоқини баҳолашда, гуноҳкорни ўғриликда айблашда меҳнаткашлар манфаати ҳисобга олиниши керак. Мутафаккирнинг бу талаби ҳар бир даврда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Очкўзлик, мол-дунёга ўчлик йўли билан топилган, йиғилган бойлик болаларнинг ахлоқий қиёфасига салбий таъсир этади. Шунинг учун Аҳмад Дониш бундай ҳиссиётга берилишга йўл қўймасликни тавсия этади.

Аҳмад Донишнинг педагогик қарашларида дўстлик ва ўртоқлик масаласи ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Бу масалани ҳал қилишда у инсонпарварлик ғояларидан келиб чиқади. Дўстликни у ёш авлод шахсининг ривожланиши ва шаклланишига таъсир кўрсатувчи омил деб ҳисоблайди, дўст ва ўртоқ танлашга эҳтиёт бўлиш кераклигини айтади. Бу масалада у ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар фикрини давом эттириб, танланадиган ўртоқларнинг феъл-атворлари бир-бирига ўхшаш бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Аҳмад Дониш дўст танлашда унинг ахлоқидаги сал-

бий томонга эмас, балки хулқ-атворидаги камчиликка, яъни бу камчиликнинг бошқаларга зарар келтирмайдиган бўлишига, ўзидаги салбий хислатларни йўқотишга ва яхшиликка интиладиган кишилар билан дўстлашишни, бу ишда унга ёрдам беришни тавсия этади.

Аҳмад Донишнинг фикрича, ҳар бир фарзанд фақат ўзига ижобий таъсир кўрсатадиган дўст танламасдан, ўз навбатида ўзи ҳам унга яхшилик қила олишга қодир бўлиши лозимлигини уқтиради. Чунки дунёда камчиликсиз одам йўқ. Ҳатто энг яхши ва доно одамда ҳам нуқсон бўлади; бемаъни феъл-атворга эга бўлган одамда ҳам қандайдир яхши хусусият, инсонийлик мавжуддир дейди. Инсондаги камчилик — турли хилда бўлади: айрим камчилик шахснинг ўзига зарар келтиради, айримлари эса бошқа одамлар учун зарарлидир.

Агар бемаъни феъл-атворли одамда қандайдир яхши хислат бўлса, камчилиги ўзи ва бошқаларга зарар келтирмаса, у одам билан дўстлашиш мумкин, бундай одамга камчиликдан қутулишга ёрдам бериш керак дейди.

Аҳмад Донишнинг дўстлик ва ўртоқликка оид бу фикрларидаги ижобийлик шундаки, у одамлар манфаатини назарда тутган ҳолда уларнинг хулқига баҳо беришни маслаҳат беради.

Аҳмад Дониш одамларга ишонч билдиришда уларнинг ахлоқий кучига ишонади. Одамнинг тамоман ёмон бўлишига, унда ҳеч қандай яхши сифат бўлмаслигига ишонмайди. У ёшлардан, гарчи, одамлар бемаъни хулқли бўлса ҳам, уларга ишонишни, унинг инсонийлигини ҳурмат қилишни, улардаги ижобий сифатларни топа билишни талаб этади.

Аҳмад Дониш ахлоқ масаласида инсонпарварлик, сўзлаш одобларига ҳам эътибор беради. У одамлар турли миллат ва динда бўлишларидан қатъи назар, уларни таҳқирламасликни талаб этади. У олимдан ҳам улуғроқ олим борлигини айтиб, уларга шафқат ва меҳрибончилик билан муомалада бўлиб, тавозе ва одоб билан ёрдам бериш кераклигини таъкидлайди.

Аҳмад Дониш ижодида оила, хотин-қизларга муносабат, ота-оналар ҳуқуқи, маданияти масаласи ҳам алоҳида ўринда туради. Адиб хотинларни ҳурмат қилган эркакларнинг камситилишига қарши чиқади. Аҳмад Донишнинг ўз даврида хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқини

ҳимоя қилиб чиқиши юксак жасорат, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган ҳодиса эди.

Аҳмад Дониш ота-оналар ҳуқуқини белгилаш ҳақида гапирар экан, улар билан болалари ўртасидаги ўзаро алоқа ҳақида тўхталиб, ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилган ота-оналарни тартибга чақириб қўйиш лозимлигини айтиб, уларнинг ҳуқуқини чегаралашни таклиф этади. Унинг фикрича, шундай қилган ота-онагина ҳурматга сазовор бўладилар ва агарда болаларини тўғри йўлга йўналтирсалар, болалар уларнинг топшириқларини бажарадилар. Акс ҳолда болалар уларнинг топшириқларини бажармасликка ҳақлидирлар.

Аҳмад Дониш ота-оналар билан болалар ўртасидаги ўзаро алоқага ҳам эътибор беради. Унинг фикрича, оилавий келишмовчилик ота-она ҳуқуқи билан болалар ҳуқуқининг чегараси аниқ бўлмаганлигидан, болаларнинг ўз ота-онаси қачон ва қандай вақтда, қандай масалада итоат қилиши кераклиги, шунингдек эр-хотинлик ҳаёти қоидаси белгиланмаганлигидан келиб чиқади.

Аҳмад Дониш, гарчи, эскича аҳъаналарни инкор этмаган бўлса ҳам, оила масаласига, айниқса хотин-қизлар ҳуқуқи, оилавий ҳаёт масаласига ўз даврининг илғор вакили сифатида ёндошади. Аҳмад Дониш хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Аҳмад Дониш эрларни хотинларнинг инсоний қадр-қимматини ҳурматлашга, уларга хушхулқлик билан муомала қилишга одатланишга ундайди.

Адиб фикрича, «Қариндош-уруғ», ёр-дўстлардан ажралиб, халқдан ўзини йироқлаштириш инсоният маданиятига қарши туришдир дейди. Бундай касбнинг маъносига, маданиятнинг ҳақиқатига тушунмабсизлар. Касб қилиш ва маданий бўлишнинг маъноси ички ва ташқи куч-қувватларни бутунлай ишлатиб, кетмон чопиб, лойга ботиб ёки эртадан кечга қадар иш ортидан югуриб юриш эмасдир. Балки касбнинг чин маъноси тирикчиликка етарли ҳаракат қилишдир. Маданиятли бўлиш эса инсонлар хоҳи қўли, хоҳи тили билан ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари демакдир» (ўша китоб, 141-бет).

Шундай қилиб, Аҳмад Донишнинг педагогик қарашлари ўзбек ва тожик халқ педагогикаси тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Аҳмад Дониш ўзидан олдин ўтганлардан фарқли ўлароқ, инсонпарвар мутафаккир сифатида, ёш авлод-

ни одамларни севишга ва унинг инсонпарварлигини ҳурмат қилишга даъват этади, инсонга ишонишни, ундаги яхши томонларни аниқлашни, билишни талаб этади:

— ёшларни билимларни, ҳунарни эгаллашга чақириб, уларнинг эътиборини жисмоний ва ақлий тарбияда меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятига жалб этади;

— мол-дунёга ўчликка, очкўзликка қарши курашади, бу иллатнинг келиб чиқиш психологик асосини кўрсатишга ҳаракат қилади ва унинг олдини олишни талаб этади;

— ота-оналар ва болаларнинг ўзаро алоқаси муаммосини ҳал қилишга интилади;

— ўз халқини бошқа халқлар билан дўст бўлишга даъват этади.

Аҳмад Дониш 1897 йилда 70 ёшида вафот этади.

ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ[1]

Ўзбек халқининг атоқли шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. Отаси Холмуҳаммад ака ҳунарманд носфуруш эди. У илм-фанни қадрловчи киши бўлган. Шу сабабли ўғли Зокиржонни олти ёшда мактабга берди. Ўткир зеҳнли Фурқат 8 ёшида ўқиш-ёзишни ўрганиб олди. Фаридиддин Атторнинг «Матиқут-тайр» китобини ва Алишер Навоий асарларини зўр иштиёқ билан ўқий бошлади.

Зокиржон ўн ёшида мактабни битирди, 12 ёшида мударрис Пошшо Хўжага шогирд тушди. 14 ёшида мадрасага кириб, 1878 йилда тоғаси Зокиржонни Янги Марғилонга чақириб олди ва савдо ишларига аралаштирди. Зокиржон ўшанда ҳам ўз билимини ошириш йўлида тиним билмай меҳнат қилди.

Зокиржон 22—23 ёшларида Қўқонга қайтиб келди. Қўқонда ўз билимини ва хаттотлигини такомиллаштириш устида зўр бериб ишлади. «Чор дарвеш» ва «Нўҳ манзар» китобларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Ўзининг ёзган шеърларини ҳам бир китоб қилиб тўплади. Секин-аста Зокиржон шоир сифатида танила бошлади. Унинг газаллари халқ орасида куйга

[1] Фурқат ҳақидаги ушбу мақола марҳум М. Собировнинг «Фурқатнинг мактаб, маориф ва тарбия ҳақидаги фикрлари» китобидан қисқартиб олинди. Тошкент, Ўрта ва олий мактаб, 1961.

солиниб, қўшиқ қилиб айтила бошлайди. Фурқат 1882 йилда Муқимий, Завқий каби машҳур шоирлар билан танишди. Кейинчалик бу шоирлар адабий тўгарак ташкил этиб, ижодий ҳамкорлик қилдилар.

Фурқат Қўқондан Марғилонга келиб, у ерда дўкон очиб, атторлик моллари билан савдо қилди, шу билан бирга, Маҳзунбой мадрасасида ўқиди. Фурқат газета орқали ижтимоий-сиёсий ҳаётни кузата ва ўргана борди.

Фурқат 1889 йилнинг бошларида сафарга чиқди. У Хўжанд шаҳри ҳаёти, аҳолисининг турмуши, касб-ҳунарлари, ўқимишли, маълумотли кишилари, шоир, бастакор ва машшоқлари билан танишди.

Шу йилнинг май ойида шоир Тошкентга келди. Тошкентда у янги дунёни, янгича яшаш шароитларини кўрди. Бу эса Фурқат дунёқарашига ва ижодига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. Тошкентда шоир гимназияда, клубда, босмахонада, кўргазмада, концертда, театрда бўлди ва у ерларда олган таассуротларини дўстларига ёзган хатларида газета саҳифаларида босилган мақола ва шеърларида батафсил баён этиб турди.

1891 йил 14 майда Фурқат Тошкентдан кетди. Чунки Фурқатнинг маърифатпарварлик фаолияти замона боёнларига ёқмади, натижада маҳаллий ҳоким ва руҳонийлар томонидан унга нисбатан қилинган туҳмат, бўҳтон ва иғволарнинг кети узилмай қолди.

Фурқат Тошкентдан Самарқандга, ундан Красноводск, Боку, Ботуми, Истамбул шаҳарларига ўтди. Болгария, Греция ва Мисрда бўлди. 1892 йилнинг баҳорида Арабистонда бўлиб, у ердан Ҳиндистонга ўтди. Шу йилнинг кузида у Бомбей орқали Деҳлига бориб етди.

1893 йил баҳорида Фурқат Ёркентга келди ва шу ерда туриб қолди. Ўз қароргоҳи ҳақида бундай ёзган эди: «Бир йил Ёркент шаҳрида турадурмен. Бул шаҳарнинг об-ҳавоси ва мардумлари яхшиликдин кетмоқни ихтиёр қилмадим. Ёркент одамлари ниҳоятда яхши ва тўғри одамдурлар ва обод ва арзончилик ердир»[1].

Фурқат элу юртидан узоқда дарбадарликда фиғон чекиб яшади, аммо у ўз ватанини бир дам ҳам унутмади, доимо уни қўмсаб, қайтиш мумкин бўладиган пайтни орзу қилиб юрди. Шоир 1909 йилнинг кузида 51 ёшида Ёркент шаҳрида вафот этди.

[1] Туркистон вилоятининг газетаси. 1891, 26-сони.

Фурқатнинг дунёқараши эркинлик, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларида суғорилганлиги билан ажралиб туради. Фурқат бутун ҳаёти давомида меҳнат аҳлининг яқин дўсти ва ҳимоячиси бўлди. Халқнинг нодонликда, жоҳилликда сақланишига норозилик билдирди, халқ орасида ўқишни, илму фанни эгаллашни тарғиб қилди. У маданий ва маърифий қолоқлик битирилиши билан мамлакатнинг иқтисодий хароб ва қолоқ бўлишининг асосий сабаби йўқотилади, деб ҳисоблар эди.

Фурқат озодликка, эркинликка умид боғлайди. Ундаги бу ғоя «Сайдинг қўя бер, сайёд» мусаддасида айниқса яхши ифодаланган. Шоирнинг қалб нидосидан иборат:

Саргашта бу водийда бир бошиға раҳм этгил,
Йўқ тоқати бандингга, бардшоғига раҳм этгил,
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшиға раҳм этгил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошиға раҳм этгил!
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек[1].

сатрлари унинг олижаноб инсонпарвар, озодликка интилувчи буюк дардкаш эканлигидан далолат беради.

Фурқат халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларининг ўрнатилишини истади, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги дўстликни улуғлади, уларни бир-бирига янада яқинлаштириш йўлида хизмат қилди.

Фурқат мактаб ва маърифатнинг жамият ҳаётидаги катта аҳамиятини таъкидлади ва илгариги ҳукмдорларнинг бу соҳага эътибор бермаганларидан афсусланди. Мамлакат аҳолиси ўқимишли, маданиятли бўлганда эди, биз ҳозирги турган даражадан анча юқорида бўлур эдик, деган фикрни айтди. Чунончи у бундай деб ёзган эди:

«Бу хусусда афсус қилдикки, бизни(нг) ўтган хонларимиз бу тариқа илм, низоматни қўшиш қилдурсалар эрди, то бу дам халқимиз кўп илмдан баҳраманд бўлур эрди»[2].

Илм-фан ва маърифатнинг ривожланмай қолганлиги сабабини Фурқат хону бекларнинг жоҳиллигида, уни

[1] **Фурқат.** Танланган асарлар, 1958, 149- бет.
[2] Туркистон вилоятининг газетаси, 1890, 14- сони.

ривожлантириш учун қайғурмаганлигида деб билади. Мактаб ва маърифатни ривожлантириш давлатнинг вазифаси эканлигини таъкидлайди.

Фурқат илм-фан ҳақида фикр юритар экан, унинг ривожланиши, оламнинг обод бўлиши ҳамда ўқимишли, маълумотли кишиларнинг хулқ-атворда, хушмуомалаликда ибрат бўлишлари лозимлигини таъкидлайди. Илм уларнинг кўнглини ёруғ, кенг ва соф қилишга ишонч билдиради. Чунончи:

Қолибдур тарбиятсиз тоғ ичида,
Темирдек занг босиб тупроғ ичида[1].

деган хулосага келади. Мамлакатда илм-маърифатни ривожлантириш, илм аҳлларининг обрўсини кўтаришни орзу қилди.

Фурқат кишиларни, айниқса ёшларни ўқишга, билим олишга, ҳунар эгаллашга даъват этади. Фурқат кичкина болаларга томоша қўйиб берилишини ҳам уларнинг тарбияси учун қилинадиган тадбирлардан бири сифатида маъқуллайди.

Фурқатнинг дўст, оға-ини, ота-она ва қон-қариндошлар тўғрисида, ҳунар ва мактаб ҳақида ёзган ҳар бир сатр шеърида инсонга нисбатан буюк ҳурмат, илтифот, самимият, садоқат ва унга хизмат қилишга интилиш туйғуси ёрқин сезилиб туради. Кишини ҳеч сабабсиз ранжитиш, унга озор бериш, умуман кишига ёмонлик қилиш Фурқат томонидан қораланади. Чунончи, у шундай ёзади:

«... Уй тутиб ўлтирган ҳамма одамнинг ҳамсояси бор. Алар эрта тонгда бир-бирлари билан кўришганда иттифоқлик билан кўришсунлар, бир-бирлари билан уруш-талаш айлаб даъво қилишмасун ва муборакбодлик иши бўлса, муборакбод қилишсун ва агар бир киши вафот қилса, мен ҳам борай, деб истак билдурсин. Агар иттифоқ бўлмай, бир-бирини ғийбат ва шикоят қилиб, ҳақорат қилишиб, даъво ва жанжал бирла юрса тирикчиликдан қолиб, пуллари тугайдир. Пуллари тугаб соф бўлгандан кейин ўрунлуқ ишларидан адашиб кетадур» (Туркистон вилоятининг газетаси, 1905, 50- сони).

Фурқат одамни фан ва ихтироларнинг яратувчиси, ижодкори деб ҳисоблади. У ҳаётнинг кўрки, гўзаллиги кишиларнинг маънавий кўрки ва гўзаллигидан, улар

[1] Туркистон вилоятининг газетаси, 1905, 34- сони.

ўртасидаги самимий муносабатлардан, деб билди. Ана шу нуқтаи назардан Фурқат инсонни улуғлади. Шоир ўзи яшаётган даврда инсон ақлий ва ахлоқий фазилатларига, маънавий етуклигига, руҳий кўркамлигига қараб эмас, балки бойлигига, пули ва молу дунёсига қараб қадрланишини қоралади.

Фурқат одамни севди, унинг илмли бўлиши зарур эканлигини уқтирди, ҳурмат қилди, улуғлади, унга эркинлик, шоду ҳуррамлик, тинч ва ширин ҳаёт истади. Унинг бутун ижодида бу ғоя ёрқин ифодаланди.

Фурқат жонли ва фаол ўқитиш усуллари тарафдори бўлганди. Шу боис у илм-фан, унинг фойдаси тўғрисида гапирар экан, киши учун унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам кўзда тутади. Кўнгилларга сурур бағишловчи, жамиятни обод қилувчи илм кишини маънавий кўркам, бошқалар олдида ёқимли, қадрли ва эътиборли қилишни Фурқат қайта-қайта гапирган. Чунончи, у шундай ёзади:

«Одамзоднинг кўнгли мисол бир маъдандурким, ул маъдандин олтин ва кумуш чиқадур. Ва баъзи кўнгил бир маъдандурким, андин мис ва қалай чиқадур. Ман ўйлайманки, агар иксир илмдин баҳра топса анинг шарофати бирла мис ва қалайлик мартабасидин чиқиб, тилло ва кумушлик даражасига етадур. Андин одамзодга кўп фойдалар етадур. Мунга ўхшаш илмсиз кўнгилдан кишига наф етмайдур.

Агар етса ҳам оз етадур. Агар ўшандоғ кўнгилга риёзат воситаси бирла илм ҳосил қилсалар бул паст мартабадин чиқиб, аъло даражага етиб, мис ва қалайдан олтун ва кумуш бўлгани каби кўп фойдалик ва қувватлик бўладур» (Туркистон вилоятининг газети, 1890, 35-сон). Фурқат ёшларни илму фанни, ҳунарни эгаллашга ҳамда «илму фандан бохабар» ва шу билан бирга «соҳибҳунар» кишилардан ўрнак олишга чақиради. Бу соҳибҳунарлар ва «тариқи илму фандан бохабарлар» 1890 йилда Тошкентда ташкил этилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасига қўйилган нарсалари билан:

Эл ичра ўзларин мазкур қилди,
Баҳор ҳоли ҳунар машҳур қилди

(ўша газетанинг 36-сони).

Шоир илм ва ҳунарга интилишнинг нодир фазилат

эканлигини, бундай фазилатнинг донишмандларга хослигини кўрсатади:

Қимиким, бўлса донишманд оқил,
Улар илм ва ҳунарга кўнгил мойил

(ўша газетанинг 35-сони).

Фурқат ўқимишли бўлишни ҳунарли бўлиш билан бирга олиб боришга эътибор беради. Буни биз шоирнинг ҳунарни таърифлаб ёзган кўплаб ўткир мазмунли байтларида кўрамиз. Чунончи, қуйидаги сатрларда шоир ҳунарнинг қадр-қимматини, ҳунарли кишининг жамиятга эътиборли бўлишини очиқ кўрсатиб беради:

Ҳунарким васфи бўлса ҳар забонда,
Қилурлар кўп қадрлар пайдо жаҳонда.
Ҳунарварға етар кўп наф андин,
Бўлар сўнгра мақоми раф андин

(ўша газетанинг 35-сони).

Кишининг меҳнатини енгиллаштирувчи кўргазмага қўйилган машиналар ҳақида шоир бундай дейди:

Яна нажжор ишин осон қилурға,
Бўлуб мошиналар тахта тилурға.
Бир одамдин бўлак одам керакмас,
Тилурға арра, уста ҳам керакмас.
Тилур кўп тахтларни соат ўтмай.
Нечук, соатдинким фурсат ўтмай?

(ўша газетанинг 35-сони).

Қизиқтириш, тушунтириш, кўрсатиш билан ишонч ҳосил қилиш — Фурқат ижодида кишига таъсир кўрсатиш ва уни тарбиялаш усулларидан биридир. Маърифатчи шоир Фурқатнинг ҳунар таърифини ҳам шу усулда баён этиши бежиз эмас. У илмни, ўқимишли бўлишни тарғиб қилгани каби, ёшларни ҳунар ўрганишга, кўплаб ҳунарларнинг эгаси бўлишга чақирди.

Фурқатнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари марказида ватанпарварлик, кишиларга муҳаббат, ҳурмат, садоқат, меҳрибонлик, мурувват, дўстлик, тўғрилик, ростгўйлик ғоялари туради. Булар Фурқат учун юқори ахлоқий фазилатлар ҳисобланади ва уларни тарғиб қилиш унинг ижодида катта ўрин эгаллаган.

Фурқат ўз халқининг фарзанди, ватанпарвар, инсонпарвар, яхшиликни унутмайдиган инсон, яхши ошна ва содиқ дўст эди. У чет элларда юриб, дўст ва ошна-

оғайниларини унутмади, фикран улар билан бирга бўлди, улардан маънавий мадад олиб турди.

Эй мени ғурбат аро маҳзун дилимни овлаган,
Одамият пеша соҳиб жуд мардумдорлар.
Шодмен сизлардин, ўлғунча, миннатдорман,
Пос хотир тутдингиз, шафқат билан бисёрлар,
Соғиниб дийдорингизни бир-бир айтурман салом,
Келса-кетса Макка сари тоифи завворлар,—

каби ўз хатларида дўстларига илтифотлари ва иноятлари учун миннатдорчиликлар билдиради[1].

Фурқат ватандин айрилиқни кишига энг оғир бахтсизлик ҳисоблайди.

Борурмен гар қутулсам бу тилисми ҳайрат афзодин,
Етиб имдод ҳолимға жамимий муддаолардин,—

дея доимо эл-юрти, дўстлари орасига, она ватанига қайтиб келиш ҳақида ўйлайди (ўша китоб, 118- бет).

Фурқат дўст-биродар масаласига катта эътибор беради. Унинг талқинида дўст энг яқин кишидир. Шунинг учун дўст-биродар тутиниш албатта лозим. Ўзининг дўст ҳақида ёзган мухаммасларида, дўстларга ёзган мактубларида ва бошқа асарларида Фурқат дўстни кўкларга кўтаради. Унга яқин, содиқ, вафодор, меҳрибон ва самимий бўлишга чақиради.

У умуман кишиларга ва хусусан дўстларга нисбатан пок ва софдил муносабатда бўлишга ундайди, «ҳирс лойи»га булғанмасликка, номусни эҳтиёт қилишга чақиради. Киши учун энг қимматли нарса, даставвал, унинг виждони, номуси, руҳий покизалигидир, деб билади.

Фурқат дўстнинг, дўст бўлувчининг олдига катта талаблар ҳам қўяди. Унинг фикрича, дўстлик, кишилар ўртасидаги тасодифий боғланиш, тасодифий алоқа эмас, балки муайян ҳис-туйғу, хислат, талаблар билан боғланган энг юксак, энг инсоний алоқалардан биридир.

Фурқат кишиларни бир-бирларига самимий, содиқ ва мурувватли бўлишга даъват этиб, бундай фазилатнинг киши учун зарур ҳамда муқаддас хислат эканлигига ишонтиришга тиришади. Фурқат кишилар орасида ўзаро меҳру муҳаббат, вафо ва садоқат, меҳрибонлик ва мурувват бўлишини истади.

[1] **Фурқат.** Танланган асарлар. 1951, 115—116- бетлар.

Фурқат халқни ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда маърифат муассасаларининг роли катта эканлигини далиллар билан исбот қилди.

Фурқатнинг тўғрилик, ростгўйлик хусусида ёзганлари ҳам тарбиявий жиҳатдан аҳамиятлидир. У яхши кишининг хислатларидан бири — яхши нарсалар тўғрисида яхши сўзлашдир, дейди. Ўзининг «йўқ» радифли ғазалида:

Рамзи даҳонидин сўз надурки ҳеч асар йўқ.
Йўқ сўзни бор демоқлик эл ичра мўътабар йўқ[1],—

деган бўлса, «Туф!» сатирасида ёлғон сўзловчиларнинг юзларига тупурган.

Тарбиянинг мақсади, амалга оширилиш шароити ва усуллари тўғрисида ҳам Фурқат ажойиб фикрлар берди. Унинг фикрича, киши ўз ватанининг содиқ фарзанди, инсонпарвар, тўғри ва ростгўй, юқори маданиятли ва маълумотли шахси бўлиб етишиши керак. Тарбия шунга қаратилиши лозим.

Тарбиянинг асосий усули ишонтиришдир. Ишонтиришга айтиш, тушунтириш ва ҳаётда бор мисолларни кўрсатиш орқали эришилади. Ҳаётда бор мисолни кўрсатиш, унга изоҳ бериш, англатиш, шу тариқа тарбияланувчининг, таъсир қилинаётган кишининг онгига кўзда тутилган сифатларни етказиш — кишини ишонтиришнинг энг содда, ҳаммабоп ва энг тарқалган усулидир.

Фурқат болаларга зўр муҳаббат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Шоир мактабда болалар ўзларини эркин, қувноқ тутишлари керак деб билади.

Ўқувчиларга зўрлик, қўрқитиш йўли билан таъсир этиш ёки бирор нарсани қабул қилдириш фикри Фурқат учун бутунлай ёт эди. Фурқат болани уриш, ҳақорат қилиш, умуман унга зўравонлик қилишга қатъий қаршилик қилади.

Маърифатпарвар шоирнинг мактаб ва маориф, ахлоқ ва тарбия ҳақида айтганлари тасодифий фикрлар эмас. Бу фикрлар Фурқатнинг ўз халқининг бахт-саодатли бўлиши ва равнақ топишини самимий истаганлиги натижасидир.

Фурқат ўша давр учун янги, илғор педагогик ғояларни илгари сурди. Унинг бу фаолияти ўзбек педагогика тарихида муносиб ўринни эгаллайди.

[1] **Фурқат.** Танланган асарлар, 1951, 61- бет.

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЛАР ҲАРАКАТИ. ЖАДИДЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу — миллий уйғониш даврининг бошланиши бўлди ва бу давр маърифатпарвар зиёлилари тараққий этган мамлакатларга тенглашиш ғоясини олға суриб чиқдилар. Қрим-татар маърифатпарвари Исмоил Гаспиринский (1851—1914) биринчилардан бўлиб бу ғояни амалга оширишга киришади ва тез фурсатда турк дунёсининг «ғоявий отаси» сифатида шуҳрат қозонади.

Исмоил Гаспиринский 1884 йилда Қримда Боқчасарой шаҳрида жадид мактабини очади, «усули савтия — ҳарф товуши» усули, яъни «усули жадид» асосида дарс ўтиб, 40 кунда 12 ўқувчининг саводини чиқаради. Унинг бу ўқитиш усуллари «Таржимон» газетасида кенг ёритилади.

Исмоил Гаспиринский 1893 йилда Туркистонга келади, илғор зиёлилар билан танишади. Мўминхўжа Вобкандий, Худойберди Бойсуний каби зиёлилар унинг ғояларини қўллаб-қувватлайдилар. Шу зайлда Исмоил Гаспиринскийнинг ғоялари Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Туркистонда жадидлар ҳаракатининг ривожланишига 1905—1907 йилларда юз берган инқилобий воқеалар, Боқчасаройда —«Боқчасарой», «Таржимон» Қозон шаҳрида «Вақт», «Юлдуз», Истамбулда —«Сироти мустақил» («Тўғри йўл») газета ва журналларнинг нашр этилиши ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Туркистон жадидлари Чоризм ва маҳаллий ҳокимларнинг қаршилигига қарамай, янги усул мактабларни ташкил этишга киришадилар: Салоҳиддин домла Қўқонда (1898 й.), Шамсиддин домла Андижонда (1899 й.) Маннон қори Тошкентда (1899 й.), Ҳамза Ҳакимзода Қўқоннинг «Қашқар дарвоза» маҳалласида (1910 й.), Ҳожибек гузарида (1911 й.) ва Марғилонда (1914 й.), Абдулла Авлоний Тошкентда Дегрез маҳалласида (1907) й.), Самарқандда Исматилла Раҳматуллаев, Регистон кўчасида (1913 й.), Абдуқодир Шакурий «Ражабамин» қишлоғида (1901 й.), Саидаҳмад Сиддиқий

«Халвойи қишлоғида (1903 й.) усули савтия мактабларини очадилар. Шунингдек, тошкентлик Саидрасул Саидазизов, наманганлик Исҳоқжон Жўнайдуллаев — Ибрат ҳам бу усулдаги мактабларни ташкил этадилар. Улар кенг омма ўртасида илм-маърифат, маданият тарқатиш учун қизғин кураш олиб борадилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида Исмоил Гаспиринский бошлаган маърифатпарварлик ҳаракатининг меросхўрлари ўз даврининг илғор, пешқадам педагоглари сифатида халққа, жамиятга таниладилар. Улар татар, озарбайжон ва бошқа халқлар педагоглари билан алоқада бўлиб, мактабда ўқитувчиларга янги усулда она тили билан бирга, география, тарих каби гуманитар ва аниқ фанларни ўқитадилар, таълим-тарбияга оид дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб, нашр эттирадилар.

Шундай қилиб, Туркистонда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, янгича ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши билан жадидчилик ҳаракати ўсиб боради, илғор фикрли педагог зиёлилар — жадидлар мактабларида таълимнинг янги тизимини амалга оширадилар, улар ташкил этган «янги усул» мактаблари халқнинг маданий уйғонишига мос тарзда давом этади, халқнинг эътиборини қозонади.

Туркистон жадидлари озодлик, маърифат учун курашларини маълум дастур асосида икки йўналишда маданий тараққиётни ривожлантириш, бунинг учун маърифатпарварликка асосланиш ва бу борадаги фаолиятни амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб бориш орқали амалга оширадилар. Улар миллий уйғонишнинг асосини таълимни, ўқув дастурларини ислоҳ қилишда кўрадилар, шу зайлда Туркистонда ижтимоий онг тараққиётини бошлаб берадилар. Улар кишилар қалбини ҳаракатга келтириш, қалбларида миллий ифтихор туйғусини уйғотиш учун курашадилар.

Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Убайдуллахўжа Абдуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдулҳамид Чўлпон фаол иштирок этдилар, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний маърифатпарварлик, таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари, ғоялари билан шуҳрат қозондилар.

Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат 1886 йилда Бухорода савдогар оиласида таваллуд топади. Бошланғич билимни эски мактабда олади, сўнгра Мирараб мадра-

сасида ўқийди. 1909 йилда Бухоро «Хайрия жамияти» йўлланмаси билан Истамбулга бориб, у ерда тўрт йил ўқиб, турк маърифатпарварлари билан мулоқотда бўлади.

Фитрат Бухорога келгач, жадидчилик ҳаракатининг таниқли вакили сифатида кенг омма ўртасида илм-маърифат тарқатишга жиддий киришади. У Туркистон халқларининг саодатга эришувини илм-маърифат ва мактаб маорифда кўради. «Ҳуррият» газетасида «Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир»[1] — деб ёзган эди.

Фитрат 1918 йилда Тошкентга келиб, бу ерда Мунаввар қори Абдурашидхонов раислигида ташкил этилган Туркистон халқ дорилфунунининг тайёрлов бўлимида, Самарқанд Республика педагогика, Тошкент Давлат педагогика институтида, Ўзбекистон Фанлар Қўмитаси қошида тузилган илмий тадқиқот институтида Шарқ мумтоз адабиёти, тарихи ва она тилларидан ҳам дарс беради.

Дарс бериш билан бирга у Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий билан ҳамкорликда «Она тили» дарслигини ёзади.

Фитрат 1922 йилда Бухоро Халқ Республикасининг маориф нозири вазифасида ишлаб, ўзбек, тожик, туркман, маҳаллий яҳудий болалари учун мактаблар очиш, (у 1937 қатағон йилларининг қурбони бўлишига қадар) муаллимларга қўлланмалар яратиш билан шуғулланади.

Фитрат таниқли маорифчи ва муаллим сифатида шуҳрат қозониш билан бирга, ижодий ишлар билан шуғулланиб, «Инқилобий бурунроқ», «Мунозара», «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» каби асарлар ёзади. У ўзининг «Раҳбари нажот» китобида илм-маърифатнинг инсон камолоти ва жамият тараққиёти маданият ривожидаги моҳиятини, педагогик қарашларини баён этади.

Фитрат инсон камолотида оила, жамоа муҳим ўрин эгаллаши, ақлнинг комил бўлиши ва ахлоқий поклик ғояларини олға суради. У донишмандлик, шижоатлилик, адолатлилик каби инсоний фазилатларни улуғлайди. Унинг таъкидлашича, ҳикмат, ақлий қувватнинг натижаси, ақлнинг раҳбарлигисиз саодатга эришиб бўлмайди.

[1] «Ҳуррият» газетаси, 1917 й., 7- сони.

Фитрат Ватанни севади, «Ватан бизнинг валинеъматимиз» саховатмандимиз, неъматлар билан таъминловчимиз дейди у, ва бу йўлда ўзи фидойилик тимсоли намунасини ўтайди.

Фитрат учун инсонлар, миллат тинчлиги, равнақи ҳар қандай қадриятлардан улуғдир. Унинг таъкидлашича, одамлар қайси дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар бир отанинг фарзандларидирлар, бир жинсдирлар. Демак, уларнинг ўртасида дўстлик, аҳиллик бўлмоғи керак.

Фитрат ўз педагогик қарашларида жисмоний тарбияга, покизалик, тўғри муҳокамага эътибор беради ва у ёшлигидан болаларни соғлом, гўзал хулқли қилиб камол топтиришни уқтиради.

Умуман Фитрат асарларида ифодаланган таълим-тарбия ҳақидаги фикр, ғоялар ҳозирги давримиз учун ҳам муҳимдир.

Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкент шаҳрида Шайхонтоҳур даҳасидаги Дарҳон маҳалласида зиёли оиласида туғилади, бошланғич маълумотни уйда, онасидан олади, сўнгра Тошкент ва Бухоро мадрасаларида ўқийди.

Мунаввар қори ўз ижтимоий ва меҳнат фаолиятида мактаб ва болалар тарбиясига эътибор беради. У театр санъатини миллат ва ёшларнинг ақлий, маънавий тарбиясида асосий восита деб ҳисоблайди, 1913 йилда «Турон» номи билан ҳаваскорлар жамиятини ташкил этади.

Мунаввар қори, «Хайрия жамияти»нинг раиси муовини сифатида мактаб ва мадрасаларга моддий ионалар беради, фақир болаларни мактабларга жалб қилиб, ўқитади ҳамда уларга тарбия беради.

Мунаввар қори таълим-тарбия ва маорифнинг жамиятда тутган ўрнини юқори баҳолади, у маорифни ислоҳ қилишни миллий ривожланиш ва Ватанни рус босқинчиларидан озод қилишнинг асосий омили, деб ҳисоблади.

Мунаввар қори болалар тарбиясида фақат ота-оналар эмас, балки муаллим ва кенг жамоа ҳам жавобгарлигини айтиб, болаларга мактаб тартиб-қоидаларини тушунтиришни, уларни ахлоқли, хушмуомалали қилиб тарбиялашни талаб этади. У болалар учун ёзган шеърида «Туринг тезроқ иш бошлайлик, ялқовликни биз ташлайлик» деб, ёшларни меҳнат қилишга ундайди.

«Ялқовлик ёвимиздир», «Куз», «Қиш» шеърларида ёшларни билимларни эгаллашга, меҳнатни севишга, гўзал ахлоқли, умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлишга чақиради, ота-оналарни фарзандлар тарбиясида ўз муқаддас бурчларини адо этишга, улар онгида маънавият, нафосат, гўзаллик туйғусини уйғотиш ва ривожлантиришга даъват этади.

Мунаввар қори халқнинг озод ва эркин яшаши, уни истиқболга олиб чиқиш орзусида яшади, курашди, улуғ мутафаккир олим, устоз сифатида шуҳрат қозонди.

Мунавварқори Абдурашидхонов ҳам, Фитрат каби 1937 қатағон йилларнинг қурбони бўлди.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли Беҳбудий 1874 йил 10 мартда Самарқандда руҳоний оиласида дунёга келади. Унинг отаси имомлардан бўлиб, илм-маърифатга ихлосманд эди. Беҳбудхўжа асл-насабига кўра Хўжа Аҳмад Яссавийлар авлодига бориб тақалади. 1862 йилларда руслар Самарқандни босиб олганда, Беҳбудхўжа ўз оиласи билан Самарқанд вилоятининг Сиёб бўлисидаги Бахшитепа қишлоғига кўчиб ўтади. Маҳмудхўжа шу қишлоқда дунёга келади.

Маҳмудхўжа 6—7 ёшларида ўз тоғаси — зиёли Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат-саводини чиқаради. Унинг кичик тоғаси Мулла Одил эса Маҳмудхўжага араб тили ва грамматикасини ўргатади. Тоғасининг ёрдами билан Абдураҳмон Жомийнинг араб тили қоидаларига бағишланган «Шарҳи мулло» асари билан танишади, мантиқ илмига оид «Шамсия», ҳуқуқшуносликка оид «Мухтасар ал-виқоя», «Хошия» асарлари ва ҳисоб илмларини ўрганади.

1893 йилда отаси Беҳбудхўжа вафот этади. Оилани боқиш Маҳмудхўжанинг зиммасига тушади. Бу йилларда унинг тоғаси — Муҳаммад Сиддиқ Чашмаоб қишлоғида қозилик қилар эди. У жияни Маҳмудхўжани ёнига олиб, мирзоликка тайинлайди. Маҳмудхўжа ёш бўлса ҳам, билим доираси кенг бўлганидан тезда жамоат ўртасида обрў-эътиборга эга бўлади. Мирзолик вазифасини ҳалол бажаради, ишонч қозонади. У қозихонада ишлаб туриб, муфтиликка оид шариат қоидаларини, унинг ҳаётий ақидаларини чуқур ўрганади. Тоғаси қозиликдан тушгандан кейин ҳам, Маҳмудхўжа ишни давом эттирди. Кейичалик Кобуд бўлисининг қозиси мулла Зубайр ҳузурида мирзо бўлиб ишлайди. Маҳмудхўжанинг обрў-эътибори янада ошади. Ўз лавозимида халқ ва жамият ҳақига хиёнат қилмайди, халқ манфаатини шариат қонун-қоидалари билан ҳимоя қилишда катта жонбозлик кўрсатади. Бу ерда у ҳуқуқшунослик илмини чуқур эгаллайди, ҳар бир чигалликни ечишда илмий ва шеърий қоидаларга амал қилади. Кўп ўтмай, Маҳмудхўжа муфтийлик лавозимига кўтарилади. Шу вақтдан бошлаб уни Муфтий Маҳмудхўжа деб атай бошлайдилар.

Беҳбудий шахсий мутолаа орқали ўз билимини янада оширади. У 1889, 1900 ва 1914 йилларда дунё кезиб, янада кўпроқ ҳаётий ва назарий билимга эга бўлади, натижада қатор китоблар, илмий-назарий мақолалар ёзади, бутун ҳаёти ва фаолиятини Туркистон халқларини маърифатли қилиш, ўзлигини таниб олишларига кўмак беришга бахшида қилади. Беҳбудий, ўз уйида мактаб очиб, болаларни бепул ўқитади. Мактабда жаҳон миқёсида илм ўргатиш соҳасида эришилган илғор тажрибаларни ўз мактабида ҳам синаб кўришга уринади, ўз элини, Туркистон болаларини тарбиялашда ибратли тадбирларни қўллашга интилади. Беҳбудий, кўп таъқиб этилишига қарамай, ўз ўқувчиларини ва атрофдаги зиёлиларни илмий, адабий, ижтимоий ва сиёсий адабиётлар билан таъминлаб туради, илмнинг турли соҳаларини ўрганишни тарғиб қилади. Беҳбудий кўп сафарда бўлиб, у Қозон, Уфа, шарқ мамлакатларидан Миср, Туркияда бўлади. У ерлардаги халқларнинг яшаш тарзи, ижтимоий ҳаёти, тили, турмуш муаммолари, таълим-тарбия, мактаб-маориф ишлари билан яқиндан танишади, ўрганган энг яхши тажрибаларини Туркистонда ташвиқ қилади.

Беҳбудий барча мақсадларини фақат маърифат орқали амалга оширишни кўзларди. У таълим-тарбия хусусидаги ўз ғояларини амалга оширишнинг бош йўли сифатида янги мактаблар очиш, унда ёшларни диний илмлар билан бирга, аниқ фанларни ҳам ўқитишга, маҳаллий аҳолини илм-маърифатга даъват қилади. Мустамлакачилик, зулмат, жаҳолат ва қолоқликка қарши курашда у фақат илм-маърифатга суянади, куч-қобилиятини мактаб, маориф, диний, табиий фанларни ва маърифатни ривожлантиришга қаратади. Садриддин Айний бу ҳақда ўзининг «Бухоро инқилоби тарихи учун мате-

риаллар» китобида «Самарқандлик шаҳид муфти Маҳмудхўжа идорасида чиқатурғон «Ойна» мажалласи бир даража ёшларга ноширн афкорлик вазифасини ўтаб турар эди»[1], деб ёзади.

Садриддин Айний берган маълумотга қараганда Беҳбудийнинг сафдошлари, шогирдлари бўлмиш Атохўжа ҳам Шаҳрисабзда мактаблар очиб, қизғин иш олиб боради. Бу мактабда ўқиб, етишган Мирза Юсуф, Ризо махсумлар муаллимликни давом эттирадилар. Қаршида ҳам мактаб ва кутубхоналар очилади. Бухорода яширин суратда бир неча мактаблар фаолият кўрсатади.

Янги усул мактабларни, таълим-тарбия ишларини кенг кўламда ривожлантиришда Беҳбудий етакчилик қилади. У Туркистон халқлари тақдири учун курашиш билан бир қаторда, бошқа миллатларнинг тарихи, тили, маърифати, маданияти, дини, эътиқодига ҳурмат билан қарашни тарғиб қилади. У таълим-тарбияда ёшлар онгига байналмилалчи дунёқарашни сингдириб боришга алоҳида эътибор беради. Буни унинг ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қуйидаги фикрларидан ҳам билиш мумкин: «Туркистон ўлкасидаги халқнинг кўплари ўзбек, қирғиз, қозоқ ҳам туркман халқларидан иборат. Бошқалар бўлса-да, оз. Биноан алйх ўзбек (сартия) учун ўзбек тили, қирғиз-қозоқлар учун қозоқ тили, Туркманистон учун туркман тили баъзи шевалари расмий тил саналарга тейиш»[2]. Аммо Беҳбудийнинг бу таклифи ўша вақтдаги ҳокимлар томонидан рад этилди.

1918 йилда Самарқандда «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси» тузилганда Беҳбудий маориф комиссари этиб тайинланади. Шунда у янги мактаблар тармоғини янада кенгайтиради. Ўқув режалари тузиш, янги дарсликлар яратиш, ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар очиш ишларини ривожлантириб юборади.

Беҳбудий илм-маърифатни тарғиб этувчи 200 дан ортиқ турли мақолалар ёзиб, матбуотларда эълон қилади. Ўзбек ва тожик тилларида қатор дарслик ва қўлланмалар ёзади. «Мунтахаби жуғрофия умумий» («Қисқача умумий жуғрофия»), «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи») «Амалиёти ислом», «Мадҳали жуғрофия умроний» («Аҳоли жуғрофияси») каби китобларини нашр эттиради. У «Беҳбудий нашриёти»ни ташкил этиб, «Туркистон, Бухоро ва Хива харитаси»ни ҳам босиб чиқаради. 1912 йилда ёзган «Падаркуш» саҳна асарида илм-маърифат, маориф ва умуман, халқ таълими ва илмий заминга эга бўлган педагогика масалаларини кескин қилиб қўйгани туфайли, у асар томошабинларнинг барча табақаси эътиборини ўзига жалб қилади. Шу боис бу асар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган, Қаттақўрғон ва бошқа шаҳарқишлоқдаги ҳаваскор театрларида узлуксиз кўрсатилади.

Беҳбудий 1913—1914 йилларда «Самарқанд» газетасини, 1914—1915 йилларда «Ойна» журналини нашр этади. 1918 йилда бошланғич синфлар учун «Янги ҳисоб» дарслигини ёзиб, ўз нашриётида чоп эттиради. 1919 йилда Шаҳрисабзда Бухоро амири амалдорлари уни жадид ва большевикларнинг жосуси эканлигида айблаб, қамайдилар, икки ойдан кейин Қарши беги Тоғайбек томонидан қатл этилади. У ўлими олдидан қилган васиятида ўз эътиқодидан қайтмаслигини катта жасорат билан баён қилади: «Биз ўз қисматимизни биламиз,— дейди Беҳбудий.— Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз... мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга ҳайкал бўлади...»[1].

Шундай қилиб, Беҳбудий ўзининг бутун фаолияти давомида XX аср бошларидан то умрининг охиригача амалга оширган тадбирлари, илмий-назарий асарлари, айниқса, педагогика, мактаб-маориф соҳасида кўрсатган хизматлари билан ўзбек маданияти тарихида буюк бир сиймо даражасига кўтарилади, мазкур йўлда ўчмас из ва бой мерос қолдиради. Зотан, маданият тарихининг асл манбаи, аввало, мактаб-маориф, таълим-тарбия бўлиб, бу — инсоният тафаккурининг деярли барча маънавий соҳаларини ўз ичига оладиган ғоят кенг кўламдаги тушунчадир. Чунки инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги барча илмлар мактаб-маориф воситасида эгалланади ва юксалтирилиб, шу йўл

[1] **Айний.** Саккиз томлик. 1-том, Тошкент, 1963, 254-бет.
[2] Улуғ Туркистон, 1918, 27 июль сони.

[1] Инқилоб газетаси, 1922, 1-сони.

билан жамият тараққиёти, унинг маънавий камолоти таъминланади. Бу иш инсон онги, қиёфасини шакллантириш, унга энг гўзал инсоний фазилатларни сингдириш билан узвий бирликда амалга оширилади. Ана шу ишларда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бутун фаолияти педагогика фани ва халқ таълими билан боғланганлиги, мактаб ва таълим-тарбия ишларини ривожлантириш, туркий халқлар ўртасида уни кенг кўламда жорий этиш учун кураш унинг олий мақсади бўлганлиги ёркин кўринади.

Беҳбудий ўзи эътиқод қўйган олий мақсадга эришишнинг ягона йўли — илм-маърифат тарқатиш, ёшлар тарбияси ҳақида узлуксиз ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга, миллий мустақиллик учун тинмай кураш олиб бориш деб билади, миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик бўлиши хусусида муттасил кўрсатма, йўл-йўриқлар бериб боради.

Беҳбудийнинг жаҳон халқлари ўртасида дўстона алоқа ўрнатиш, миллатларнинг ўзаро самимий муносабатларини ривожлантириш борасидаги таълимоти — ўзбек педагогикаси, халқ таълими тарихига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Беҳбудий мазкур таълимотни олдинга суриш билан чекланмасдан, ўзининг амалий фаолиятида, турмушга татбиқ эта бошлади.

Беҳбудийнинг фикрича, ёшларга таълим беришда миллий урф-одатларни ҳимоя қилиш баҳонасида миллий чекланишга берилмаслик, ёшларнинг кийиниши, янгиликларга интилишидан чўчимаслик керак. У шундай деб ёзади: «... жузъий ташаббуслар... курси (стул)га ўтурмоқ, қошиқ ва чинакча истеъмол этмак, медаль тақмоқ, ҳавонинг иссиқлиги учун бош яланғоч ўтирмоқ каби шайлардан иборатдир. Агар бу жузъий ташаббуслар илмда кофир бўлаверсада, бас ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур...»[1]. Кўриниб турибдики, Беҳбудий ҳар бир жузъий нарсадан баҳс топиб, кофир ва мусулмонга бўлиб ташлайвериш таълим-тарбияга зарар келтиришини таъкидлади. Беҳбудий илм аҳлини, халқ миллий урф-одатларининг илғор нуқталарини ёқлар экан, илм аҳлини ҳаётда содир бўладиган зарурий янгиликларга ақл-идрок билан ёндошишга даъват этади. У ҳаётда ҳамиша ўзгаришлар бўлиб туриши-

[1] Ойна журнали. 1914, 6-сони. Бундан кейин шу журналдан олинган мисоллар қавс ичида «Ўша журнал» деб кўрсатилади.

ни айтиб, таълим-тарбия бобида буни идрок этишга эътибор беради. «Замоннинг марвари ила баъзи расм ва одамлар доимо ўзгариб турадики,— деб ёзади у,— бу ўзгариш Одам ато замонидан бери воқе бўлуб келмоқдадур» (ўша журнал).

Беҳбудийнинг мазкур фикр-мулоҳазалари педагогика фанининг энг муҳим нуқтасини изоҳлаб тургани билан қимматлидир. Агар ўқитувчи, тарбиячи урф-одатларнинг илғори ва эскирганларини пайқай олмаса, у фақат ёшлар тарбиясига эмас, умуман тараққиётга ва таълим-тарбия соҳасига наф етказа олмайди. Беҳбудий дейди: «Расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлғонидек, ёмон ва зараркиси ҳам мутлақо бордур. Чунончи, бурунги замонда исрофли тўй ва аза, базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди, сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турибмиз: (ўша журнал).

Беҳбудий халққа, ёшларга таълим ҳақида билдираган ўз мулоҳазаларини илмий, тарихий ёки шеърий далиллар билан асослайди. Янгиликка юзаки қараш билан халқни шубҳага солувчиларга қарши зарба бериш мақсадида, Шарқда катта обрў-эътиборга эга бўлган миср муфтийси машҳур олим Муҳаммад Абдо фатвосидан мисол келтириб шундай дейди: «... Мақсадимиз шариат нуқтаи назаридан кийим ва ташаббуҳ масаласини баён этмак, эди... ишлапа ва шапка, оврупо кийимларини кийимоқ, шариати исломиа, ҳеч бир зараркик иш эмасдур. Мунга инкор қилувчилар суннати Расул, тарихи умматдан хабарсиз одамлардур» (ўша журнал). Мазкур олимнинг таъкидлашича, Муҳаммад пайғамбаримиз ва саҳобалар турли мамлакатларга борганларида шу жой туб аҳолисининг кийимларини кийганлар. Жумладан, улар румликларнинг жандасини ва бошқаларнинг миллий кийимларини кийганлар. Демак, халқ оммаси савиясини кўтариш мақсадида ҳамма воқеа-ҳодиса, ҳатто кийим-кечак бобидаги баҳсларнинг тутган ўрнини, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ҳаёт бутунича инсон тарбиясига таъсир кўрсатиб туришини идрок этиш керак.

Беҳбудий мактаблардаги таълим тарбияга доир қарашларида ана шу замин — ижтимоий ҳаётга таянади. Чунончи, Беҳбудий шундай деб ёзади: «... Колониал (мустамлакот) қоидаси ила бизни идора этарларки, бунга ўз ихтилофларимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг

чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаъниликни қўйиб, фанний ила иш қилсинлар. Мен ҳам тезлик тарафдори эдим. Аммо, на чора, бу фикрнинг тарафдори оз. Бас, оҳиста кетишдан бошқа илож йўқ. Катталаримиз ва муаллимларимизга ҳам арз қилурмизким, ёшлардан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан маҳрум эттирмасунлар. Ёшлар истайдурларки, миллатга ва халқ оммасига хизмат этсалар. Аларнинг айби шулким, ичлари тор. Олдимизда иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак... Агар биз таълим-тарбия ишини шу руҳда олиб бормасак, туркистонликларга «на ҳуррият қолур, нада мухторият берилур...»[1]. Бу сўзларда биз Беҳбудий педагогик қарашларининг ижтимоий ҳаёт воқеалари, дунё миқёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ер юзида ҳукм сураётган етакчи сиёсат билан узвий боғланганини кўрамиз. Беҳбудий таълим-тарбияга оид ўз фикр-мулоҳазаларини Туркистон халқлари тарихи тақдири билан боғлиқ эканлигини аниқ тарихий далиллар билан шундай якунлайди: «... Бу неъматларни (мустақиллик, ҳуррият, мухторият ва бошқа эркинликлар кўзда тутилади — А. А) ҳар бир халқнинг ҳозирлигига қараб берилур. Тўғриси, ҳар миллатнинг ўзи мужоҳит ва мушоҳидаси ила бу неъматларга мойил бўлур. Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, маъюс этар. Бошқа миллатлар иттифоқ ила яшаганда биз бир-биримиз ила душманликка турсак, вой бизнинг ҳолимизга»... (ўша газета).

Беҳбудий педагогик қарашларида ҳамиша ҳаётнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга эътибор беради. Унинг педагогик қарашлари, гарчи, асримиз бошларидаги ижтимоий ҳаёт билан боғланган бўлса-да, ҳамон эскирмагани, бизнинг ҳозирги кундаги ҳаётимизга нақадар ҳамоҳанглиги билан қимматлидир.

Модомики, халқ таълими, нафосат тарбияси, миллатлар ўртасида аҳилликка эришишга даъват — ижтимоий ҳаёт масалаларининг туб негизлари халқ педагогикасининг таркибини ташкил этар экан, биз Беҳбудий педагогик қарашларида мазкур муаммоларнинг ҳаммасини кўрамиз.

---

[1] Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. 1917, 12 июнь. Бундан кейин шу газетадан олинган кўчирма қавс ичида «Ўша газета» деб кўрсатилади.

Беҳбудий ўз қарашларини бадиий ижодда ҳам ифодалади. Чунончи, у 1911 йилда ўзбек ёзувчилари ичида биринчилардан бўлиб, «Падаркуш» драмасини ёзди. Пьесанинг асосини маърифатпарварлик ғояси ташкил этади. Чунки унда Беҳбудий халқ таълими, умуман, ёшлар ва катталар ўртасидаги муносабатларни ўзига хос йўл билан бадиий ифода этган. Мазкур асарда ота-оналар билан болалар ўртасидаги ғоят жиддий, нозик, қалтис муносабатлар таълим-тарбиядаги бош масала тарзида талқин этилади.

Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари Туркистон халқларининг қалбини муттасил ҳаяжонлантириб келаётган муаммоларга бағишланганлиги ва миллий ўзига хос энг муҳим хусусиятларни ўз ичига олганлиги билан жамоатчилик эътиборини тортади. Бунда оилада бола тарбияси, таълим-тарбия соҳасида ота-оналарнинг ўрни ҳақида гап боради. Беҳбудийнинг ўз педагогик қарашларида, мактаб тарбияси билан оила тарбияси узвий бирга-ликда олиб борилиши лозим, акс ҳолда фожиалар рўй беради, деган ғояни олдинга суради. Мактаб ҳар қанча тўғри йўл кўрсатса-ю, ота-оналар боласини бошқа томонга тортадиган бўлса, бола тарбияси тамоман издан чиқади, деган фикр-мулоҳазалар асардаги образлар фаолиятида ифода этилади.

«Падаркуш» асос эътибори билан педагогик қарашларнинг бадиий ифодаси бўлиб, унда мустамлака Туркистондаги тарихий шароитнинг маҳаллий аҳволи ва унинг, ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири масалалари ҳам ёритилган. Бу бизга Беҳбудийнинг педагогик қарашлари ҳамиша ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим ва мураккаб муаммолар билан, ўз даври сиёсати билан боғланиб кетганини кўрсатади. Зотан таълим-тарбия, педагогика, аввало, халқлар тақдири, истиқболи ҳақидаги фан сифатида ҳамиша сиёсат билан узвий боғлиқлигини ҳам тасдиқлайди.

Асардаги воқеа Бой билан унинг ўғли Тошмурод (ота-бола) ўртасидаги оддий бир мулоқотдан бошланади. Тошмурод: «Томошага бораман, пул беринг!»— деб отаси ҳузурига киради. Бой ўғлига пул бературиб, барвақтроқ келишини айтиб, кимлар билан бораётганини сўрайди ва «ёмон жойларга» бормаслигини ҳам таъкидлаб қўяди. Тошмурод отасидан ва олдида ўтирган «янги фикрли Домладан ҳам уялмай-нетмай:— «Хайр, хов кўп гапурасиз-да»— деб отасини силтаб чиқиб ке-

тади[1]. Тошмуроднинг отага қилган бундай одобсизлиги Домла таъбини ҳира қилиб юборади. Домла Тошмуроднинг бу ноўрин хатти-ҳаракатини илмсизлик, маърифатсизлик оқибати деб билади.

Беҳбудийни ўз давридаги болаларнинг таълим-тарбияси масаласи ўйлантиради. У ёмон тарбияли бола бутун оилани ҳалокатга олиб келишини, бунга, аввало, ота-оналарнинг ўзлари сабаб бўлаётганини айтади. Тошмуроднинг одобсиз бўлиб ўсишига Бойнинг ўзи сабабчи: унинг одобсизлиги, мақтанчоқлиги, ўжарлиги, мол-дунёга ўчлиги ўғлини ҳам шу кўйга солади. Тошмурод ўн олти ёшга кирган бўлса ҳам, эски мактабга ҳам, янги мактабга ҳам бормайди, такасалтанглик, бузуқилик ва маишат билан кун кечиради. Асарнинг ичига чуқурроқ кира борган сари, боланинг отага, отанинг болага ўзаро жуда мос, бир-бирига жуда мутаносиб, бир оламнинг икки палласидай ўхшаш эканини идрок этамиз.

«Падаркуш» асарида биз таълим-тарбиянинг бош маскани оила, ота-она экани ҳақида ғоят муҳим фикр борлигини сезамиз. Беҳбудий бу асарда ўз ғояларини, яъни таълим-тарбиянинг бузилиб кетишига оиланинг ўзи сабаб бўлаётганини томошабин қалбига чуқур сингдиришга интилади. Беҳбудий аслида Туркистон халқининг ҳаммасини бой ва бадавлат қилиш йўлларини ўйлайди. Аммо оммавий фаровонликка эришмоқ учун илм-маърифат ва таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш зарурлигини тушунади, фуқароларнинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, моддий бойлигини ошириб бўлмаслигини тушунади.

Буни биз Домла образида кўрамиз. Домла куйиб-пишиб ўғлини ўқишга беришга даъват этса-да, Бойга унинг сўзлари таъсир этмайди, аксинча, Домланинг сўзини кесиб, ҳақорат қилиб, уйидан чиқариб юборади. Бой ўз давлатига маҳлиё бўлиб, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, жамият, фуқаро тақдири, ватан, миллат келажаги тўғрисидаги тушунчалардан йироқ юради. «Эй Домла!— дейди ниҳоят ғазабланиб Бой.— Сиз менга таҳқиқчими? Ўғил меники, сизга нима? Ўқиганни бири сиз, емоққа нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила менга насиҳат қилурсиз. Хайруллаҳ меҳмонхонани қулфла, уйқум келди...» («Падаркуш», 152- бет). Бу сатрларда Бойнинг мактаб-маърифат, таълим-тарбия ишларига тамоман ёт бир унсур эканлиги ифодаланган. Ўзида тарбия бўлмаган кимса, бировга тарбия беролмайди, шунинг учун болалар билан бирга, уларнинг ота-оналарини ҳам тарбиялаш замонанинг энг катта муаммоси сифатида кун тартибига қўйилади. Бу жиҳатдан асардаги Домла образи ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Домла Бойдан ниҳоятда ранжиб, охири унинг ҳузуридан кетаётганда ёшлар тарбиясига оид фикрларини шундай изҳор этади: «Ўқимоқ ва мулло бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимиз ҳоли бул, бас, бу кетиш ила навзамбиллоҳ дунё ва охиратда расво бўлурмиз, ўқимоқ барча мусулмонга, эркак ва хотин бўлсун фарз эди. У қайда қолди? Оҳ, вой, бизни ҳолимизга... Бой, мен сизга амри маъруф этдим ва менга шариат бўйича лозим бўлган ишни бўйнимдан соқит қилдим. Иншоллоҳ, мўйлаб чиқариб алифни таёқ демай турган ўғлингиз хоё ҳолини кўрармиз ва ҳам ўқитмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз», («Падаркуш», 152- бет). Домланинг қанчалик ҳақ эканлиги асар хотимасида Тошмурод ва Бой ҳаётининг фожиали якунида кўрсатилган.

Беҳбудий Туркистон аҳолиси орасидаги калтабин, ўжар, ўзбилармонларни ғафлат уйқусидан уйғотишга, уларни янги замон тақозоси билан етук шахслар даражасига кўтаришга бутун қобилиятини сарфлайди. Зотан,у миллатни ҳалокатдан сақлаб қолиш, қарамликдан қутқаришнинг ягона йўли шу деб билади. Бой сингари катталарда кўринган нуқсонлар уларнинг болаларига ҳам юқиб бораётгани Беҳбудийни ва бутун жадидларни ташвишга солади. Бу жиҳатдан «Падаркуш» драмасидаги Зиёли образи ва унинг фаолияти, айниқса, катта аҳамият касб этади. Зиёли Домлага нисбатан илғор мулоҳазаларни баён қилади. Зиёли европача таълим олган, унинг ташқи қиёфаси, кийим-кечаклари, гап-сўзлари ҳам янгича, замонавий руҳни кўрсатиб туради. У Домланинг фикр-мулоҳазаларини янада кенгроқ кўламда давом эттиради. Шариатда таъкидланган илм-маърифатга оид ақидаларни ҳам ҳозирги дунё миқёсида ривожланиб бораётган аниқ фанлар, маданий тараққиёт ҳақидаги маълумотларни ҳам анча чуқур баён қилишга интилади. У билдирган мулоҳазалар ҳам Бойга таъсир кўрсатмайди. Зиёли ўз мулоҳазаларида Туркистонда миллий мактабларни ривожлантириш, шунга

[1] Падаркуш. Шарқ юлдузи. 1989, 7- сони, 151- бет. Бундан кейин шу журналдан олинадиган мисоллар «Падаркуш», деб таъкидланиб, журнал саҳифаси кўрсатилади.

яраша ўқимишли фуқароларни кўпайтириш учун, аввало, болаларни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш лозимлигини тушунтиради.

Зиёли мулоҳазаларида Беҳбудий ва бутун жадидчилик оқимининг ёшлар тарбиясига оид, илм-маърифат, таълим, мактаб-маориф ҳақидаги қарашлари тўлиқ ифодаланган. Бинобарин, унда фуқарони ғафлат уйқусидан уйғотишга даъват ўз ифодасини топган. Унинг сўзларидаги ёшларни дастлаб миллий мактабда хатсаводини чиқариш, уларга диний илмларни ўргатиш, ўз миллий урф-одатларимизни сингдириш, ундан кейин Франция, Америка, Истамбул сингари ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига юбориб ўқитиш, фан-техника, иқтисод, ҳуқуқшунослик сингари муҳим сиёсий илмларни эгаллашга эришиш масалаларига оид фикрлар ҳамон эътиборни жалб этади.

«Падаркуш» асарида мустамлакачилик сиёсати туфайли маҳаллий аҳоли ва айниқса, ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, маиший бузғунчилик тарқала бошлагани ҳам кўрсатилади. Лиза сингари рус аёллари маҳаллий миллатга мансуб ёшларни кўплаб эргаштира бошлаган. Бундай бузилишлар ёшлар тарбиясини издан чиқариб, уларни ҳалокатга сургаб бораётгани Беҳбудий сингари тарбиячиларни ташвишга солади. Бир тўда ёшлар — Тангриқул, Давлат, Нор ва шулар билан бирга Бойнинг ўғли Тошмурод пивохонада ичкиликбозлик қилиб ўтиришади. Қадаҳ кўтариб, оғизларидан «боди кириб — шоди чиқиб» туради. Маст-аласт ҳолда ҳеч кимдан тортинмай, кўнгилларига келган бемаъни, бепарда гапларни айтишади, «оҳ, Лизахон қайдасан!» деб бақиришади... Тошмуродни мақташиб, унинг саломатлигига кетма-кет ичишади. Унга ясама муомала қилиб, ёлғондан «Бойвучча, Бойвучча!» дейишиб, Тошмуродни баттар гердайтириб юборишади. Ёшлар тарбиясининг бузилаётгани Лизани қизиқтирмайди. Болалар Лиза талаб қилган пулни топиш учун ўғрилик қилишади: безори, ичкиликбоз Нор, Давлат, Тангриқуллар маслаҳатлашиб, Бойнинг бойлигини ўғирлашга бошчилик қилишни Тошмуродга уқтиришади. Бу ерда гап шундаки, Беҳбудий ҳар бир бола ўз ота-онаси, оиласига душман демоқчи эмас, ота-она билан бола ўртасига раҳна солиш мақсади ҳам йўқ. Унинг асосий мақсади, одамларда илмсизлик, ўқимаслик, саводсизлик орқасида келиб чиқадиган жоҳиллик ва онгсизлик туфайли рўй бераётган жиноий ишларга қарши нафрат уйғотиш, уларни бундан огоҳлантиришдир. Бой, агар Зиёли ва Домла сўзларига амал қилиб, ўз боласини қунт билан ўқитганда, Тошмурод, аввало, ёмон доирага — Нор, Давлат ва Тангриқулларга қўшилмас, Лизага ҳам дуч келмасди.

Тошмурод Тангриқулни кечаси ўз уйига бошлаб келади. Давлат билан Нор кўчада пойлоқчилик қилишади. Уйларининг эшигини очиб, отаси ётган хонага кириб, унинг бойликлари, пуллари солинган сандиқни очиб, ҳаммасини олишади. Отаси уйғониб қолганини кўрган Тошмурод тўппончадан тепага қараб ўқ узадики, уй эгалари қий-чув бўлиб қолишади, қўни-қўшнилар ҳам югуришади... Шу орада Тангриқул Бойга пичоқ уриб ўлдиради, Тошмурод билан бирга уйдан қочиб чиқишади, яна Давлат, Нор ҳаммаси биргалашиб, маишатни давом эттиришади. Лиза ҳам буларга қўшилиб ўтиради. Тошмурод ҳам гўё ҳеч нарса бўлмагандай, яна кайфсафода... Улфатлар янада кўпроқ ичишади, энди Лизанинг саломатлигига —«ура-ура» деб қадаҳ кўтаришади. Айни шу пайтда ташқаридан шов-шув эшитилиб, миршаблар бостириб келишади. Лиза қочиб қолади. Тошмурод, Давлат, Тангриқул ва Нор қўлга олиниб, қамаладилар» («Падаркуш», 153—154- бетлар).

Асарда Зиёли бундай фожиадан қутулиш йўллари ҳақида ўз мулоҳазаларини шундай баён этади: «Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун бегайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибирга ва қиёматга жаҳаннамга қолмас эди» («Падаркуш», 153—154- бетлар).

Беҳбудий таълим-тарбияси бузилган болалар туфайли ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган фожиалар даҳшатини иложи борича кишилар қалбига чуқурроқ таъсир эттириш ниятида Бой бойлигининг талон-тарож бўлишига, ўлдирилишига ўз боласи бошчилик қилганлигини тасвирлайди. Содир бўлган жиноятнинг икки дунёдаги оқибатларини ҳам изоҳлаб ўтади. Ҳаёти Сибирда чириса, охирати дўзахга маҳкумлигини очиқ айтади.

Зиёлининг кейинги сўзларида Беҳбудий мустамлакачилар келтирган ва келтираётган салбий таъсирлардан қутулиш учун ҳам аҳоли савиясини кўтариш, ўзлигини англашга ўргатиш лозимлигини уқтиради: «Бизларни —

дейди у,— хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдир; беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир... Модомики, бизлар тарбиясиз болаларимизни ўқитмаймиз, бу тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмрон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдур. Аллоҳ таоло бошқаларга ҳажми ибрат ва сизларга сабр бергай» («Падаркуш», 155- бет).

Охирги жумлалардаги «ўқимоқ» ва «ўқитмоқ» сўзларига эътибор берилса, таълим-тарбия ишлари фақат ёшлар ўртасида эмас, шу билан бирга, катталар (ота-оналар) ўртасида ҳам олиб борилиши лозимлиги таъкидланади.

Беҳбудий ёшлар таълим-тарбияси ҳақида нима иш қилган, қандай фаолият кўрсатган бўлса, ҳаммасини, асосан, туркий халқларнинг келажагини порлоқ, ўзларини мустақил, ватанни обод, эл-юртни қарамликдан озод этиш учун қилган. Туркистондаги барча ота-оналарни ҳам, уларнинг ўғил-қизларини ҳам шу руҳда тарбиялашни кўзда тутган.

Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарида таълимни оиладан бошлаш зарурлиги ҳақидаги ғояси, фикр-мулоҳазалари ҳозирги кунларда ҳам ўз моҳиятини йўқотган эмас. Мактаб билан оила бирлигига эришмоқ ҳамон педагогика фанининг энг йирик муаммоларидан бири бўлиб турибди.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек халқининг тўнғич педагогларидан ҳисобланади. У 1889 йил 6 мартда Қўқон шаҳрида табиб оиласида дунёга келади. Ҳамза ўзининг ўқишга бўлган зўр иштиёқи туфайли 12 ёшидаёқ тўла хат саводли бўлиб етишади. 1906 йилда мадрасага кириб ўқий бошлайди. Бироқ мадраса таълими Ҳамзани қаноатлантирмайди. Шунга кўра, у Лутфий, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларини мустақил суратда мутолаа қилади, ўрганади.

Ҳамза 1911 йили Қўқоннинг Ҳожибек гузарида мактаб очиб, етим ва камбағал болаларни ўқитади, ўқувчилар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» ўқув қўлланмаларини яратади.

Ҳамзанинг ижоди ва ўқитувчилик фаолияти ўша вақтдаги ҳукумат амалдорларини ташвишга солади. Улар Ҳамза мактабини «Хавфли, болаларни бузувчи, дин ва маърифатдан оздирувчи мактаб» деб қоралаб ёпториб, ўзини таъқиб эта бошлайдилар.

Ҳамза 1913 йил февралда чет элга кетиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Макка, Мадина, Шом (Сурия), Байрут, Истамбул, Одесса шаҳарларида бўлади ва 1914 йил бошларида Қўқонга қайтади. 1915 йилда Шоҳимардонда мактаб очади, муаллимлар тайёрлайдиган курс ташкил этади, бу ўқув муассасаси чинакам халқ мактабларининг дастлабки намунаси эди. Ҳамза бу мактабда ёшларга дунёвий фанларни ўқитади, ақлий, ахлоқий тарбияга алоҳида аҳамият беради.

Ҳамза Ҳакимзода 1915—1916 йилларда яратган «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул» каби ашулалар тўпламларида, «Миллий роман ёхуд янги саодат» қиссаси, «Заҳарли ҳаёт» каби драма асарларида меҳнаткаш халқни ўқишга, илм ўрганишга даъват этади:

Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечук?
Бўлмас эрди агар инсонда бу асор илм.
Қайси бир мавжуда боқсанг билмоққа
кайфиятини,
Лозим ўлғай топмоққа аввал ўқиб ахбор илм[1].

Ҳамза 1916 йилларда ёзган асарида халқ маорифини демократик асосда қайта қуриш, халқ маорифи тизимини яратиш ғояларини олға суради. «Инсонни инсон қаторига қўшиш», инсонни камолотга етказиш, инсонни олижаноб фазилатларга эга қилиб етиштириш тарбияга боғлиқ, юксак кучга эга бўлган тарбия-илм, одоб, ҳунар тарбиясини ўз ичига олган бир бутун жараён бўлиши керак деган фикрни билдиради.

Демак, мактаб ёшларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва ҳунарга ўргатиши керак. Ҳамза Ҳакимзода ҳунар ўргатишни кенг маънода тушунади. У мактабда ўтиладиган ҳунарни косибчилик, тўқимачилик, темирчилик, тақачиликдан иборат эмас, балки дунёвий фанлар асосида яратилган илм-техникани эгаллашни ҳунар деб тушунади.

Ҳамзанинг фикрича, боланинг ақлий ривожланиши,

[1] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Замон ичра. Илм иста. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979, 25- бети.

иродаси, хулқ-атвори умуман маънавий фазилатлари тарбия орқали шаклланади. Боланинг ким бўлиб етиши унинг насл-насабига эмас, балки унга бериладиган тарбияга боғлиқдир, яъни боланинг ўқишга қизиқиши ўқишга қобилиятининг ривожи насл-насаб эмас, балки тарбия маҳсулидир.

Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик қарашларида ҳар бир инсон жамият, табиат ва ҳайвонот дунёси ҳақида муайян илм-билимга эга бўлиши кераклиги ҳақида сўзлар экан, бунинг учун илм-фанларни пухта эгаллаш зарурлигини таъкидлайди:

Кўзимизга кўриниб турган ҳамма асбоблар,
Ҳеч бири бўлмас эди, гар бўлмаса зинҳор ўқув.
Ер ичида қўшилиб ётган ҳамма олтин-кумуш,
Юзага чиқди бари боис анга ахбор ўқув...
Барча халқ ҳайвон каби ваҳший эдилар аввал,
Бора-бора қилди инсон барчани якбор ўқув[1].

Шоир янги-янги кашфиётлар ҳам илм излаш, илм ўрганиш орқали юзага келишини айтади.

Олим бўлса дунёда,
Келур ҳар иш бунёда.
Биз ҳам сув ости кезиб,
Ҳам учармиз ҳавода[2].

Ҳамза Ҳакимзода ақлий тарбия ҳақида сўзлар экан, ақлий тарбия орқали табиат ва жамият қонунлари, табиат ҳодисаларини, улар ўртасидаги боғлиқликни билиш мумкинлигини айтади. Бу билан шоир ана шундай маълумотга эга бўлган ва жамият, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган ёшларни етиштиришга даъват этади.

Ҳамза болаларни шундай баркамол киши қилиб етиштириш учун эса аввал ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлиши, қобилияти ва ахлоқи юксак бўлиши керак дейди.

Ҳамза Ҳакимзода таълим-тарбия ҳақида билдирган фикрларида у етишиб келаётган авлоднинг соғлом бўлишига ҳам жиддий эътибор бериш зарурлигини, айниқса, таълим-тарбияда ота-оналарнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлайди, зеро, боланинг гўзал ахлоқли

[1] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Қироат китоби, 1915, 76- бет.
[2] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Енгил адабиёт, 1914, 12- бет.

бўлиб камол топиши учун оила муҳитида тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши кўпроқ аҳамиятлидир, дейди. Бу ҳақда, у «Қироат китоби»га киритган бир ривоятда, яъни «Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси» шеърида бундай деб ёзади:

Бир куни ўғрини пойладилар,
Ушлаб оёқ-қўлини бойладилар,
Шоҳ қошига келдилар олиб ани,
Қилди амр шоҳ они ўлдиргани.
Бўйнига ул дам кафанин солдилар,
Осмоққа дор остига келтирдилар.
Ўғри деди онлар: «Шошмай туринг,
Аввал онамни менга бир келтиринг».
Сўзида бир ҳикматини билдилар,
Ул дам онасини олиб келдилар.
Ўғри деди: «Эмчагинг оч, эй она,
Бир эмайин шулгина армон менга».
Йиртиб она кўйлагини бир четин,
Ҳайрон ўлиб, тутди анг эмчагин.
Тишлади эмчагини бошин чўзиб,
Тортиб ани остидан олди узиб...
Қолди она дод ила фарёд этиб,
Ерга йиқилди ани кўнгли кетиб.
Шоҳ сўраб боисин этди хитоб,
Шоҳга боқиб ўғри деди бу жавоб:
«Кичкиналиқдан ўлиб одат ишим,
Ўғрилик ўлмишди мани қилмишим.
Келсам ўғирлаб нима нарса, онам,
«Яхши қилибсан,— дер эди,— жон болам».
Демади бир бор онам «тўғри бўл».
Шундай онанинг ўла жазоси шул»...
Хисса: кимнинг ўғли ёмон, йўқ ажаб,
Бўлғай анга ота, онаси сабаб[1].

У яна шу фикрни давом эттириб: «Агар ота-оналаримиз,— деб ёзади Ҳамза,— бошда яхши тарбия қилган бўлсалар, тилимизни ёлғондан, қулоғимизни фисқу адоватдан, қўлимизни хиёнатдан... шу феълларидан мумкин қадар эҳтиёт қилиб, ўзимизни ёшлик, ёлғизликдан қиладиган эринчакларимизга илтифот қилмай, уришиб сўкиб, мактаб топшириб илм отлиқ: саодати... жаҳонга

[1] Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси. Асарлар, икки томлик, 1- том. Тошкент, Ғ. Ғулом номли Бадиий адабиёт нашриёти, 1969, 111—112- бетлар.

етадиган бир раҳнамоий ҳақиқатга таниш ва ошна қилган бўлур эдилар. Биз бутун шум ва ёмон бўлмас ва ўзлари бу қадар... мингларча пушаймон бўлмасдилар» дейди[1].

Ҳамза Ҳакимзоданинг ахлоқий тарбия хусусидаги қарашларида ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварлик кишиларнинг қадр-қимматини англаш, уни ҳурмат қилиш, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларга ҳурмат билан муомала қилишдан иборат бўлиши керак.

Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш уларда ўзига яқин бўлган кишиларга, ота-онасига самимий муҳаббат туйғусини ривожлантиришдан бошланиши керак. Шу туфайли ҳам, шоир ўз дарсликларида болаларни ўз ота-оналарига меҳрибон бўлишга, уларни қадрлашга ва ҳурмат қилишга чақиради:

Токи тонгдан кечгача меҳнат этиб,
Тарбия қилган бизни меҳнат чекиб,
Яъни боққан ош-нон бизга топиб,
Устимизни ёзу қиш тўнла у ёпиб.
Ўзи оч қолса-да, бизни қолдирмади.

* * *

Биз мана мактабда юргаймиз ўқиб,
Пул топар биз учун ота меҳнатдадир.
Отадин ким бор бизга бошқа меҳрибон,
Отамиз бўлсин деб-ки, биздан ризо,
Ўқисак ҳам рози, ҳам қилғай дуо[2].

Ҳамза Ҳакимзода ота-онани ҳурмат қилишни болаларнинг онгига таъсир қилиш йўли билан амалга оширишни маъқул кўради. У «Она» шеърида шундай дейди:

Парча гўшт эрдик туғилган вақтимиз,
Онамизнинг бағри бўлди тахтимиз.
Тутди эмчак ширин уйқудан чўчиб,
Кечалар совуқ бешикларни қучиб.
Икки-уч йил бағри узра кўтариб,
Катта қилди ўзи меҳнатда ҳориб
Жону дилда асради бизни суюб.

[1] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Қироат китоби. 1915, 15- бет.
[2] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Ўқиш китоби. 1914 й., 5—6- бет.

Деди бизни, бошқа орзуни қўюб.
Оғриса бир жойимиз йиғлаб юриб.
Ҳар эшикни кезди дори ахтариб.
Яъни йўқ бизга онадек меҳрибон,
Синага қалқон, бош узра соябон.
Биз ҳам лозим аъни шод айламак,
Бизга қилган хизматин ёд айламак.

Ҳамза Ҳакимзода болаларни тўғрисўз, ростгўй қилиб тарбиялашни уқтиради. Тўғрилик, тўғри сўзликни энг яхши фазилат деб ҳисоблайди. У алдамчиликни, ёлғон сўзликни ёмон иллат сифатида қоралайди. Унинг таъкидлашича, «содиқ» тўғри сўзга айтилур. Тўғри сўзли кишилар ҳар жойда эътиборли, дили, юзи, равшан бўлур. Тўғри сўзли кишилар... ҳар доим иззат ва ҳурматда бўлурлар. Тўғрисўз шарафидин нажот топмоқда, зўр ишончли бўлур»[1].

Ҳамза ўз сўзини қуйидаги шеър билан якунлаб, болаларга шундай, хитоб қилади:

Тўғри сўзла, эй ўғил, тил бурмағил ёлғонга ҳеч!
Бир масал бор: «Тўғри сўзлар бошни кесмас қилич»

(ўша китоб, 25- бет).

Ҳамза Ҳакимзода ўзининг «Бахил», «Сахий», «Золим», «Раҳим», «Хиёнат», «Хоин» ва «Саодат» ҳикояларида ёшларни садоқатли, кишиларга меҳрибон ва ғамхўр қилиб тарбиялаш, уларда бахиллик, золимлик, зўравонлик, хиёнат ва хоинликка нафрат туйғуларини тарбиялаш ғоясини илгари суради.

Ҳамза Ҳакимзоданинг болаларни сабр-қаноатли, сабот ва матонатли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишни кўп марта таъкидлайди, ва у: «Шитобнинг зидди, душмани — сабрдир. Сабр — чидамли, яъни ҳар ишда... ошиқмаслик... сабрли кишиларда пушаймон ва армон бўлмас... сабр кишиларнинг юраги бўлиб, дунёдан бало келса-да, кўкрагига етмай йўқ бўлиб кетар. Сабрли кишилар ҳар ерда иззатлик, ҳар ким қаршисида ҳурмат ва обрўли бўлур. Сабрли кишиларни ҳар ким севар ва чин кўнглидан дўст тутар... агар сабрга ўзини билиб ўргатиб олган киши сўнгра... оғирлик писандига ҳам келмай қолур»[2].

[1] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Қироат китоби, 1915, 19- бет.
[2] **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Қироат китоби, 1915, 29- бет.

Умуман, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг серқирра ижодида унинг педагогик қарашлари алоҳида кўзга ташланади. Унинг шеърий ҳамда насрий асарларида кишини яхши фазилат эгаси, яъни ахлоқли, одобли, инсонпарвар, садоқатли, меҳр-муҳаббатли, ҳимматли бўлишга даъват этувчи фикрлари умуман педагогик фикр ривожида салмоқли ўринга эгадир.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентда Мерганча маҳалласида дунёга келди. Отаси Миравлон ака асли қўқонлик бўлиб, майда ҳунармандчилик — тўқувчилик билан кун ўтказар эди. Абдулла 7 ёшида ўқчидаги эски мактабда ўқиди, 1890 йилда ўқчидаги мадрасага ўтди, сўнг Шайхантоҳурдаги Абдумаликбой мадрасасида таҳсил кўрди. 1894 йилдан «шеър ёзишга тутинди».

1904 йилдан Авлоний қизғин фаолиятга киришди. Тинимсиз уринишлардан сўнг, Мирободда усули жадид мактабини очишга муваффақ бўлди. 1907 йил 4 декабрда эса унинг муҳаррирлигида «Шуҳрат» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

Авлоний 1909 йилда «жамияти хайрия» очди ва маҳаллий халқ болаларининг ўқиб, билим олиши учун пул йиғиб, мактабларга тарқатди.

Мактаб иши, халқ орасига маърифат тарқатиш Авлоний фаолиятининг бош йўналишини ташкил қилди. Унинг Мирободда очган мактаби бутун Тошкентда довруқ қозонди. Чор мустамлакачилик сиёсатини оғишмай амалга ошириб бораётган ўлка маъмурияти 1908 йилда Миробoддаги мактабни ёпди.

Авлоний 1909 йилда Дегрез маҳалласида яна мактаб очади, янги усулдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган дарсликлар яратиш зарурлигини ҳис қилади.

1909—1917 йиллар давомида унинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» 6 қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўпламлари нашр этилади. Авлонийнинг педагогик қарашлари, асосан, ана шу асарларда ўз ифодасини топганди.

1913 йилда «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари босилиб чиқди. Китоб юқори синф ўқувчиларига дарслик

сифатида ёзилган эди. Бу асар адабиёт ва ахлоқ ҳаваскорлари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Авлоний 1917 йил тўнтаришидан кейин педагог-олим сифатида ҳам қизғин иш олиб борди. 1921 йили Тошкентдаги ўлка ўзбек билим юртида, 1923 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юртида мудир, 1924 йилда ҳарбий мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1925—30-йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги мактабида (САВКСХШ) дарс берди. 1931 йилда САГУнинг тил билими кафедраси бўйича профессорликка тасдиқланди. Илмий ходимлар секциясида, Ўздавнашрда, Республика терминология комитетида, Давлат илмий кенгашида масъул вазифаларда ишлади. 1933 йилда ўлкада янги мактаблар учун дарслик ва хрестоматиялар бўлмаган бир шароитда VII синф учун «Адабиёт хрестоматияси» тузиб нашр эттирди.

Авлоний 1925 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвонига, 1930 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори» деган фахрий номга сазовор бўлди. Ижоди ва фаолияти камол топган, гуллаб турган бир пайтда 1934 йил 25 августда вафот этди.

Авлоний асарларида, инсонларни «яхшиликка чақирувчи», «ёмонликдан қайтарувчи бир илм»— ахлоқ ҳақида фикр юритади. Унинг бу хусусдаги нуқтаи назари шундай: Ахлоқ — бу хулқлар мажмуидур. Хулқ эса, эзгулик ҳар бир кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишда ёмон бўлиб туғилмайдилар, уларни муайян шароит ёмон қилади.

Авлонийнинг таъкидлашича, тарбия хусусий иш эмас, миллий-ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тарбия бола туғилган кундан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади.

Авлоний «Биринчи муаллим» китобидаги «Яхшилик ерда қолмас» ҳикоясида ўзаро ҳамкорлик ҳақида гап юритилади: Бир ари учар экан, ногаҳон сувга йиқилиб тушади. Аҳволи оғир. Уни кўриб кабутар сувга чўп ташлайди. Ари қутулиб чиқади. Иттифоқо бир куни бир бола кабутарни тутмоқ учун тузоқ қўяди. Кабутар тасодифан тузоққа тушади. Бола ўлжани олишга шошилади. Воқеадан хабар топган ари ёрдамга ошиқади. Келади-ю боланинг қулоғига нишини санчади. Бола икки

қўли билан қулоғини чангаллаб қолади, кабутар эса, тузоқдан чиқиб, осмонга шодон парвоз қилади.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.
Яхши сўз бирла илон индан чиқар,
Сўз ёмон бўлса, пичоқ киндан чиқар[1].

«Иккинчи муаллим», «Биринчи муаллим» китобининг бевосита давоми бўлиб, у «ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган». У дастлаб 1912 йилда Тошкентда Орифжонов литографиясида босилиб чиқди. Авлоний бу асарида ҳам ҳикояларнинг ҳаётий ва қизиқарли бўлишига, ифоданинг содда ва аниқлигига алоҳида эътибор беради. «Энг осон усул ила», «очуқ тил ва осон таркиб ила» ёзишга ҳаракат қилади. Китобни ўқир эканмиз, Авлонийнинг халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан усталик билан фойдаланганини яққол кўрамиз. Ҳикояларнинг кўпига халқ оғзаки ижоди материаллари асос қилиб олинган.

Китобдаги «Сахийлик» деб номланган ҳикояда ўша давр турмушига хос бўлган воқеа тасвирланади: Саид номли боланинг отаси ҳар куни ўғли мактабга кетиши олдидан унга 10 тийини овқат пули берарди. Бир куни Саид мактаб йўлида фақир кишини учратади. «Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам, устимдаги йиртиқ чопондан бошқа ҳеч нарсам йўқ»,— дейди. Саид қўлидаги 10 тийинни унга беради ва ўша кунни овқатланмасдан ўтказади. Отаси ўғлининг олижаноблигидан мамнун бўлади, «сахий Саидим!» деб олқишлайди. Эртаси куни у Саидга 20 тийин беради. Мазкур ҳикояда сахийлик, раҳм-шафқат яхши фазилат сифатида талқин қилинади.

«Бахиллик» ҳикоясида хасислик, тор кўнгиллик қораланади.

«Ақлли бола», «Қалампир ила чўл ялфизи», «Овоз», «Хрус ила бўри», «Тамаъ балоси» (ўша китоб, 113- бет.) ҳикоя ва масалаларда хушфеъллик, хушмуомалалик, яхшилик қилиш инсоний фазилатлар сифатида мадҳ этилади, ақл ва донишмандлик шарафланади, қўполлик, баднафслик каби иллатлар ҳажв қилинади.

Чунончи, «Ақлли бола» ҳикоясида ҳозиржавоблик

[1] **Абдулла Авлоний.** Тошкент тонги. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1979, 208—209- бетлар.

ва топқирликнинг, ақл билан иш тутишнинг фойдаси кичик бир лавҳа орқали кўрсатиб берилади.

«Жанжалчилик зарари» ҳикоясида такаббурлик ва манманликнинг ёмон оқибатлари ихчам бир воқеа воситасида аниқ ва таъсирчан етказилади: катта бир ариқнинг устига ўтиш учун узун бир тахта қўйилган. Икки эчки унга бир вақтда рўпара келиб қолади. Иккаласи ҳам бир-бирига йўл беришни хоҳламайди. Аҳвол сузишишгача бориб етади ва ҳар иккаласи сувга қулаб тушади ўша китоб, 220—221- бетлар.).

Китобга киритилган «Ёлғон дўст», «Чин дўст» масалаларида кишилар ҳаётида фавқулодда аҳамиятга эга дўстлик масаласига алоҳида эътибор беради. Айниқса, ҳақиқий дўст орттириш ёшликдан бошланишини, бу сифатларни болага ёшлигидан сингдириб бориш зарурлигини айтади.

Авлоний «Иккинчи муаллим» китобида меҳнат масаласига алоҳида эътибор берган. Унингча, меҳнат кишини бахтиёр ва саодатманд этадиган, унга шуҳрат олиб берадиган қандайдир ғайри табиий қудрат эмас. Балки меҳнат ўз номи билан меҳнат. Бинобарин, у кишидан куч ва ирода талаб этадиган, уни толиқтирадиган, қийнайдиган фаолиятдир.

Абдулла Авлоний «Илмсизлик балоси» ҳикоясида нодонликни қоралайди, илм-маърифатни шарафлайди. У дейди:

Бор эди бир киши, хат билмас эди бечора,
Бўлди бетоб, юрак-бағрига чиқди ёра.
Эртаси ўғлина айтдики, аё тифл адиб,
Бор, кетур, боқмоқ учун қошима бир яхши табиб.
Ўғли келтирди табибни атосин қошиға,
Ўлтуруб боқди, табиб, ул дам аёғу бошиға.
Икки хил дору ёзиб берди ўшал бемора,
Бирисин ичмак учун, бирисини суртора.
Ўғли дору уйидан олди ики ишша даво,
Бириси шарбат, эди, бириси — оғуйи бало.
Шиша устинда давонинг бор эди таърифаси,
Ўқумоқдин йўқ эди астани(нг) ҳеч маърифаси.
Шишалардин бирини ушлади аввал қўлина,
Ичди шарбат дебон оғуни — сураради дилина.
Ул замон бағри ёниб, айлади фарёди фиғон,
Бўлди бир неча нафас, сўнг танидан жони равон.
Отаси ўлди, ўғил йиғлади фарёд айлаб,
Қўшниси олиб эди, чиқди белини бойлаб.

Қилди ўғлона насиҳат, деди, эй тифл забун,
Илмсизликдан отанг жонидан айрилди букун.
Ўқумоқ, ёзмоқни билсайди отанг, эй ўғлон,
Балки бошига қазо келмас эди ушбу замон.
Ибрат ол ўғлим, отангдин бў(л)магин сан ярамас,
Қилмағил умринги зоеъ, дема қиш-ёз, ўқу, ёз!

(ўша китоб, 226—227- бетлар).

Адиб ҳикояда илмсизлик инсонни фожиага тушириши мумкинлигини уқтиради.

Авлоний тарбияни кенг маънода тушунади, тарбияни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. «Соғ танда соғ ақл» деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. У боланинг соғлиғи ҳақида қайғуради. Унинг таъкидлашича, баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.

Авлонийнинг виждон ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. «Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладургон ҳиссиёт, яъни сезув туймакдан иборат маънавий қувватни айтилур. Биз ҳар вақт афъолу ва ҳаракатимизнинг яхши ва ёмонлигини, фойда ва зарарлигини онжак виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб, билмақ баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракатини сезур. Агар ишлаган иши шароит, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур...

Виждон яхши ишларнинг манбаи ўлдиғиндин виждон соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, холис ният ила ишлар. Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур... Ал-ҳосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракатини кўрсатадугон мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилғон киши ўз айбу камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва қусурларини оҳтармоқға вақти бўлмас...» (ўша китоб, 258—259- бетлар).

Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватан дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Ватан Онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш,

фарзаднинг бурчи. Авлоний ватан ва унинг олдидаги бурчини шундай тушунади. У дейдики: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳри ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўскон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидин — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат фароғатда яшамас. Маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар» (ўша китоб, 259- бет).

Фарзандлар ҳам ҳар хил бўлади. Онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар ҳам топилади. Ватаннинг ҳам фақат фусункор табиатини ,боғ-роғларини хуш кўрадиган, лекин ташвиш ва ғамларини ўйламайдиган фарзандлари йўқ эмас. Ватанни: у қандай бўлмасин, севиш керак.

«Биз,— дейди Авлоний,— туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик иссиғ чўларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл, демишлар» (ўша китоб, 255- бет.).

Тилга, маданиятга муҳаббат ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурғон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётидур»,— деб ёзади адиб.

Авлоний сўзнинг инсон қадр-қимматини белгилашдаги мавқеига умуминсоний нуқтаи назардан баҳо беради. Тил ва сўз одоби ҳақидаги умуминсоний фикрларни давом эттириб, дейди: «... сўз инсоннинг даража ва камолин, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозисидур. Ақл соҳиблари кишининг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билур...»

Авлоний ҳикоясида ростлик ва тўғрисўзликни инсоннинг энг инсоний сифатларидан бири деб баҳолади.

«Ҳаққоният деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилур. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсонийятнинг илдизи ўлан саҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг оноси ҳаққониятдур...» (ўша китоб, 260—261- бетлар), деб уқтиради адиб.

Кишиларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, дунёдаги барча инсонларга эзгулик истаги билан яшаш чинакам олижаноблиқдир. Одамлар умр бўйи бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Ўзаро ёрдамга, ҳамкорликка ҳожат сезадилар. Шундай экан, хайрихоҳлик, олижаноблик инсонлар ҳаётида катта аҳамият касб этади.

Авлоний ўзининг бутун куч-қуввати, ижоди, умрини ўз халқининг бахт-саодати йўлига инсор этди. Халқи, Ватани олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан бажарди. Ўзбек педагогикаси ривожига салмоқли улуш қўшди. Мана шу маънода Авлоний сиймоси, фаолияти биз учун қадрлидир.

1917—1990- ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

1917 йил тўнтаришидан кейин Марказий Осиё халқларининг ҳаётида — ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий, жумладан халқ маорифи соҳаларида кескин ўзгариш юз берди. 1918—1920 йилларда шаҳар ва туман маориф бўлимларида янги сиёсат асосида ўқув режалари ва дастурлар тузилди, мактабларда дарс ўтилди, синфдан ташқари машғулотлар уюштирилди.

1921—1925 йилларда Туркистон маориф комиссарлиги тузган дастур ва методик қўлланмаларда асосий эътибор ҳар бир ўқув фани курсини назарий жиҳатдан асослашга қаратилди. Дастур ва қўлланмаларни яратишда маҳаллий зиёлилардан Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Т. Н. Қори Ниёзий, Усмон Дадамуҳамедов, Халил Қаюмов, Шорасул Зуннун, Рамазон Қайюм, Мажид Қодирий ва бошқалар фаол иштирок этиб, Туркистонда бошланган маданий қурилишни амалга оширишга, маориф системасини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Туркистон республикасида ерли миллатлардан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш соҳасида қилинган ишлардан муҳими шу бўлдики, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда қисқа муддатли курслар, педагогика билим юртлари ва техникумлар, юқори турдаги ўқув юртлари, халқ маорифи институти ташкил этилди; бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар сони ортди, уларда

таълим мазмуни ҳам ўзгарди, тарбия ишлари янги тартибда олиб борилди.

Мактабда таълим-тарбия ишларининг асосий шакли дарс ҳисобланади.

Аммо, таълим-тарбия масалаларига бағишлаб уюштирилган қуруултой ва кенгашлар, амалий ишлар ўлкада давом этаётган синфий кураш билан бевосита боғлиқ ҳолда ўтказилди. Матбуотда мактаб таълимини, умумий бошланғич таълимни амалга ошириш муаммоларини, педагогика фанининг мазмуни, унинг вазифаларини, халқ маорифи ва илмий тадқиқот институти вазифаларини ёритишда ҳам, икки йил давомида (1928 йил март ойидан 1930 йил апрель ойига қадар) ўрта мактаб тури, ўқув режа ва дастурлари ҳақида, мактабларда политехник таълим ва меҳнат, умумий ва махсус мутахассислик таълими, байналмилал, эстетик тарбия ва бошқа масалалар юзасидан ўтказилган мунозаралар ҳам синфийлик руҳида ўтади.

Маориф соҳасидаги ишларни бу сиёсат асосида ташкил қилиниши туфайли ўзбек халқи ўз тарихи, миллий урф-одати, анъана, умуминсоний қадриятларни билиш ва ўрганиш имкониятларидан маҳрум бўлди, миллат тақдири, маориф равнақи учун жон фидо қилган, эркин, ҳур фикрли аллома маърифатпарварлар — Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Элбек, Отажон Ҳошимов, Шокир Сулаймон, Абдулла Қодирий қатл этилди. Шорасул Зуннун, Чўлпон, Усмон Носир, Боту ва бошқалар Сибирга сургун қилинди. 1940—50- йилларда собиқ тузумнинг тоталитар сиёсати тўла ҳукмрон кучга айланиши билан идеологик кураш кучайди. Имомхон Хусанхўжаев, Халил Қаюмов, Ҳамид Сулаймонов, Мақсуд Шайхзода каби олим ва шоирлар ана шу мафкуравий йиллар қурбони бўлиб, қамоқ ва сургунларда азоб чекдилар. Лекин сиёсатдаги ҳар қандай монеликка қарамай, мавжуд имкониятлар доирасида Марказий Осиё, жумладан ўзбек зиёлилари улуғ мутафаккир шоир ва олимларимизнинг педагогик фикрларини тадқиқ этиш тўхтамади. Масалан, 60—70 йилларда ўзбек маърифатпарвар шоир ва адибларидан Фурқат, Садриддин Айний, Алишер Навоий, Жомий ва Давоний, Абдулла Авлоний каби шоир ва педагогларнинг таълим тарбия ҳақидаги фикрлари тадқиқ этилди. «Калила ва Димна», «Қобуснома» нашр қилинди. Таниқли педагог олим З. Миртурсунов «Ўзбек халқ педагогикаси ва унинг халқ

оғзаки ижодида акс эттирилиши» (1967) асарида халқ педагогикасини республикада биринчи бор таҳлил қилди.

Халқ Маорифи вазирлигини бошқарган Эминжон Қодиров, Саид Шермуҳамедов республикада ўқув-тарбия ишларини давр талаби даражасига кўтариш, кечки ишчи-ёшлар ва қишлоқ ёшлари мактаблари тармоғини кенгайтириш, педагог кадрлар тайёрлаш каби ишларга раҳбарлик қилдилар.

Таниқли олим Сидиқ Ражабов педагогик муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатди, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожини таҳлил қилиш соҳаларида иш олиб борди. Ўзбекистон мактаблари тарихига, педагогика фани тараққиётига доир асарлар яратди.

60—80-йилар давомида педагогика фанининг таркибий қисми бўлган фанларни ўқитиш, жумладан адабиёт ва она тилини ўқитиш усулларида ҳам муайян изланишлар амалга оширилди. Бу соҳада Субутой Долимов, Асқар Зуннунов, Қудрат Аҳмедов, Ҳасан Зуннунов, Карим Жўраев, Карима Қосимова, Мазлума Асқарова, Н. М. Маллаев, Воҳид Абдуллаев, Ғулом Каримов ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар, педагогик фикр равнақи, миллий педагогик фикр ривожи давом этди, Ўзбекистон мустақил бўлиши билан эса миллий онг, миллий руҳ, миллий қадрият ва маданиятимизни тиклаш ва уни янада тараққий эттиришга кенг имкониятлар очилди.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

Ўзбекистон мустақил бўлгандан буён республикада таълим тизими 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида ва қуйидаги стратегияга мувофиқ ишлаб чиқилди:

— таълимнинг узлуксиз бўлиши;

— таълимни комплекс равишда уюштириш;

— таълимни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш;

— таълим тизимини фан соҳалари билан интеграциялаштириш;

— умумий ўрта таълим негизида ёшларни махсус билим юртларида ўқишга, мутахассисликка тайёрлаш.

Республикада амалга оширилган узлуксиз таълим

тизими барча таълим босқичлари — мактабгача тарбия ва бошланғич, таянч босқичлари, ўрта ва ҳунар мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, малака ошириш институтлари ўртасида узвийлик бўлишида, таълимни илм-фан ютуқлари билан боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим омил бўлди. Болаларни оилада боғчага, боғчадан мактабга ўқишга тайёрлаш, умумий ўрта таълим негизида ўқувчиларни махсус билим юртларида мутахассисликка тайёрлашда жиддий ютуқларга эришилди. Узлуксиз таълим тизими барча таълим босқичларининг истиқболли бўлишига, таълимни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришга, таълимни меҳнат тарбияси билан боғлиқ ҳолда олиб боришга, ўқув фанларни интеграциялаштиришга ёрдам берди.

Тарбияга комплекс ёндашиш билан ақлий, меҳнат, ахлоқий, нафосат ва жисмоний тарбиялар ўртасидаги узвийлик мустаҳкамланди, ўқувчилар ҳаётни кенгроқ тасаввур эта бошладилар. Комплекс принципи тарбиянинг, ўқувчилар фаолиятининг мазмунли бўлишини, таълим вазифаларини ҳам комплекс равишда амалга оширишни таъминлади. Бу принцип мактаб, оила, жамоатчилик ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бу алоқанинг педагогик жиҳатини касб этишида, ёшларни англаш, мустақил фикрлаш фаолияти ва ахлоқ-одобли бўлиб ўсишида ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Тарбияда комплекс принципни қўллаш ўқув юртлари, таълим муассасаларидаги барча тарбиявий ишлар ҳамда, тарбия жараёнида вазифа, мақсад, мазмун, усул, шакл, восита, натижаларнинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлади.

Таълим ва тарбия мазмуни, шакл ва усуллари бу соҳада эришилган илғор тажрибалар асосида ишлаб чиқилди, бунда таълимнинг жаҳон стандарти даражасида бўлиши назарда тутилди.

Яратилган таълим давлат стандартларида уларнинг ижтимоий мақсадни ифода этувчи бўлишига эътибор берилди, уларда мустақиллик даври талаб этаётган таълим мазмуни, даражаси, усул ва шакллари белгиланди.

Давлат стандарти ва концепциялар асосида яратилган дастур ва дарсликларда, айниқса, ижтимоий фанларга доир барча дастур ва дарсликларда миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топди.

Маълумки, истиқлол мафкурасининг асосларини яра-

тиш, аввало, таълим-тарбия замини бўлган оила ва мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади. Уларда тарбияланаётган ва мактабда ўқиётган болалар Ватан, жамият, халқ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари, уларнинг қалбида Ватан туйғуси, улуғ алломаларимиз ва улар қолдирган маънавий мерослар билан фахрланиш ҳисси шаклланиши, ривож топиши керак.

Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда тиббий касбга, муаллимлик ва мураббийлик касбига ва шу соҳада муайян малкага эга бўлган аёллар истиқомат қилаётган оилаларда уй боғчаларида аниқ дастурлар асосида 5—6 ёшли болалар билан жиддий шуғулланилмоқда.

Мактабгача тарбия муассасалари учун тузилган тасвирий санъат дастурида болаларни теварак-атрофда, ташқи муҳитда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан ошно қилиш, турли тасвирлар воситасида бу воқеалар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жисмоний тарбия дастурида болаларни жисмонан кучли, чаққон, тетик қилиб тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ўйин дастурида анъана сифатида давом этиб келаётган миллий ўйинлар ва халқ оғзаки ижоди асосида болаларга қувонч бахш этиш, уларнинг дид ҳамда тафаккурини ўстириш, уларни Ватан табиати гўзаллигидан баҳраманд қилиб уларнинг гўзаллигини сақлаш, ҳимоя қилишга интилиш, қизиқиш ҳиссини тарбиялаш талаб этилди.

Мусиқа дастурида ўзбек халқининг турмуш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатлари, мумтоз ва ҳозирги давр бадиий асарлари асосида яратилган мусиқа орқали болаларда мусиқа санъатига ҳавас, гўзал Ватанимизга ҳавас туйғусини шакллантириш ва ривож топтириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Меҳнат дастурида болаларга ўз-ўзига хизмат қилиш, табиат бағрида ишлаш, қўл меҳнати ва унинг моҳияти, қилинган меҳнат гўзаллиги, ясалган буюм, нарсаларнинг чиройли ва пухта бўлишидан фахрланиш туйғусини тарбиялаш, тежамкорлик қобилиятини ўстириш назарда тутилди.

Умуман, мактабгача тарбия давлат стандартларида ёш авлодни жисмонан соғлом, руҳан тетик, одоб-ахлоқли, иймон-эътиқодли шахсни тарбиялаш бўйича белгиланган йўлланма мактабгача тарбия дастур ва қўлланмаларида ўз ифодасини топди. Боғчаларда болаларнинг қобилияти, истеъдоди, қизиқиши аниқланиб, чет тилларини чуқур ўргатиш амалга оширилди.

Мактаб — давлат узлуксиз таълим тизимининг марказий бўғинидир. Худди ана шу босқичда ўқувчилар билимлар асосини эгаллайдилар, уларда ижодий қобилият, мустақил фикрлаш, Ватан, жамият, шахс, ахлоқ-одоб ҳақидаги тушунчалар шаклланади, такомиллашади.

Бошланғич босқич (1—4-синф)да асосий эътибор ўқувчилар саводини чиқаришга, уларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини ифодали баён этиш малакасини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

Бу босқич таълим жараёнида ўқувчиларда мантиқий тафаккур қила олиш ва ўзаро фикр алмашув саводхонлигини ошириш, ўз-ўзини англаш салоҳиятларини, моддий борлиқ, гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш ва уни янада гўзаллаштириш иштиёқини ўстиришга, миллий урф-одатларни севиш ва ўз ҳаётларида улардан фойдаланиш малакаларини таркиб топтиришга эътибор берилди.

V—IX синфларда маънавий қадриятларни шакллантиришга самарали таъсир кўрсатувчи санъат тури бўлган адабиётни ўқитишда соғлом эътиқодли, миллий ва умумбашарий қадриятларини англайдиган, ахлоқан баркамол шахсни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Ўқувчиларда бадиий адабиётга ҳавас, меҳр уйғотиш, бадиий асарларни ўқиб тушунадиган ва таҳлил қила оладиган, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда тўғри, эркин ифодалай оладиган қилиб тарбиялаш орқали амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда республикамизда очилган лицей, гимназияларда ва айрим умумий мактабларда ташкил этилган педагогикадан ихтисослаштирилган курслар (X—XI синфлар)да Ватан тарихи ва маданиятини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Шунга кўра, ҳозирги кунда педагогикадан миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида дарслик, қўлланмалар яратишга киришилди. Бу ишда ўқувчи ва талабалар ҳамда бўлғуси ўқитувчиларнинг умумий маданияти ва маънавиятини, педагогик билим ва педагогик маданиятини, педагогик тафаккурини ўстириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бу мақсад педагогик фикрлашга доир билим

ва диний-ахлоқий, тарбиявий ғоялар умумбашарий ва миллий-маданий қадриятларни пухта ўрганиш билан амалга оширилмоқда.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан она тилини чуқур ўрганиш — умумий ўрта мактаб ва бошқа ўқув юртлари таълимининг асоси қилиб қўйилди. Она тилида бериладиган билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ўстириш; уларда она тилидан кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни ўзбек адабий тилининг ёзма ва оғзаки шаклини пухта ўзлаштирган маданиятли ва саводли қилиб етиштириш назарда тутилди.

Шўро даврида «СССР тарихи »деб номланган, аслида Россия тарихидан иборат бўлган дарсликка илова ҳисобланган «Ўзбекистон халқлари тарихи» тубдан қайта ишланди. (V, VIII, IX синфлар), «Инсон ва жамият» (XI синф) фанларини ўқитишга соат ажратилди. «Иқтисод алифбоси» (бошланғич синф), «Иқтисодий билим асослари» (V—IX синфлар) ишлаб чиқилди. X—XI синф ўқувчилари ўз хоҳишларига кўра «Ҳуқуқшунослик», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Дин тарихи»ни факультатив курсларда эгалламоқдалар.

Таълимда тест усули қўлланди, иқтидорли болаларни аниқлашга, ўқитишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мингдан ортиқ иқтидорли болалар Америка, Англия, Швеция ва Туркияда таълим олиб, мустақил республикамиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган билим ва касбларни эгалламоқдалар.

Маълумки, педагогика тарихи ҳам бошқа халқлар, мамлакатлар педагогика тарихи билан алоқада ривожланди ва ривожланмоқда. Шу сабабдан ҳозир Марказий Осиё педагогика тарихини тадқиқ этишда Хорижий Шарқ ва Европа мамлакатлари таълим тизими ҳам ўрганилмоқда. Бу соҳада республика фан ва техника қўмитасининг «Миллий руҳ», «Қадрият» номидаги ва Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун илғор педагогик қўлланмалар ва ўқув дарсликларини ишлаб чиқиш бўйича уюштирган танловлари бу соҳада муҳим аҳамият касб этди.

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти олимларининг ана шу танлов асосида республикада таниқли файласуф, тарихчи ва адабиётшунос, педагог ва исломшунос олимлар ва шу соҳа тадқиқотчилари билан ҳамкорликда «Ўрта

Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» номли қўлланма ва «Педагогика тарихи» дарслигини яратдилар. Эндиликда ўқувчи ва талабалар Русия ва Ғарбий Европа педагогика тарихидан иборат бўлган «Педагогика тарихи»ни эмас, балки Марказий Осиё улуғ мутафаккирларининг педагогик қарашлари ва назариялари тадқиқ этилган янги дарслик бўйича янгича педагогик билимни эгаллайдилар.

Ўзбекистон республика вазирлар маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссиясининг ташкил этилиши — мустақилликнинг муҳим тимсолидир. Бу Олий аттестация комиссияси ўз зиммасига юкланган улкан вазифаларни, яъни «юқори малакали илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш янги тизимини шакллантириш, уларни республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг устивор муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат йўли билан экспертиза қилишни таъминлаш билан етук илмий-педагогик кадрлар етиштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Олий педагогика ўқув юртларида илмий даража берувчи ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилиши билан республикамизда педагогика тарихи ва назарияси, фанларни ўқитиш усуллари бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ўзбек тилида, турли миллат вакилларининг ўз она тилларида ҳимоя қилишга кенг имконият яратилди, бу кенгашлар миллий педагог олимлар сафининг ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Бу тадбир республикада сифатли, илмий-педагогик асарлар, ўқув-методик қўлланмаларнинг яратилишига, мактабгача тарбия муассасаларида, умумий ўрта мактабларда, ўрта ва махсус олий ўқув юртларида таълим-тарбиянинг юксак савияда бўлишига, таълим тизими мазмунининг такомиллашувига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Умуман, мустақиллик туфайли «... биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадамма-қадам баҳраманд бўлмоқдамиз» (И. А. Каримов). Шу баҳрамандлик туфайли ёш авлодда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, иймон-эътиқодлик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, билимлилик, онглилик, дўстлик, байналмиллаллик каби инсоний фазилатлар шаклланиб, ривож топмоқда, ўз она тили, миллий урф-одатлари, диёримизнинг табиат бойликлари билан фахрланиш туйғуси камол топмоқда.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

НУРИДДИН АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

Нуриддин Абдураҳмон Жомий — мусулмон Шарқида катта шуҳрат қозонган буюк шоир ва олим, эрон мумтоз адабиётининг улуғ намояндаси.

Абдураҳмон Жомий 1414 йилда Жоми шаҳрида туғилди. Отаси Низомиддин Аҳмад ўз даврининг илмли кишиларидан эди. У ўғлининг ҳам илмли бўлишига алоҳида эътибор қаратди.

Абдураҳмон Жомий бошланғич билимни Жоми шаҳрида, кейин Ҳиротдаги мадрасада олади. Билимларни чуқур эгаллаш ниятида Мовароуннаҳрнинг илмий-маданий маркази — Самарқандга келиб, бу ерда ўқишни муваффақиятли тугаллайди. Ҳиротга қайтгач, илмий-адабий ишни давом эттиради, тез фурсатда йирик мутафаккир шоир ва олим сифатида шуҳрат қозонади.

Жомий 1469 йилда Ҳиротда Алишер Навоий билан танишади ва шу даврдан бошлаб улар орасида юзага келган самимий дўстлик, ижодда ҳамкорлик умрларининг охиригача сақланади.

Жомий 1472 йилда мамлакат бўйлаб сафарга чиқади, сафар икки йил давом этади. У ана шу давр ичида турли шаҳарлар ҳаёти ва маданияти билан танишади, шоир ва олимлар билан учрашади. Сўнгра умрининг охиригача Ҳиротда илмий-абадий фаолиятга берилади, 1492 йилда 78 ёшида вафот этади.

Жомий ўзидан кейин турли фан, адабиёт, жумладан, педагогикага доир катта мерос қолдиради. У ўзининг насрий асари «Баҳористон»да таълим-тарбия масалалари хусусида фикр юритади. У ўз ижодий фаолиятида, ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар сингари, ёшларнинг илмли ва таълим-тарбияли бўлишлари лозимлигини кўп марта уқтиради. Жомий ўз асарларида илм инсон учун ҳаётга йўл очувчи ва уни ўз мақсадига эриштирувчи

омил эканлигини баён қилади, билимни эгаллашда муаллим — устозлар хизматини юқори баҳолади.

Жомий билим ҳақида фикр юритар экан, фанни ва ҳунарни болаликдан эгаллаш кераклигини, билим инсонга ҳамма нарсани осон ва пухта англаб олишга ёрдам беришини, меҳнатни енгиллаштиришини айтади ва зарур илмларни эгаллашга даъват этади:

Энг зарур билимни қунт билан ўрган,
Зарур бўлмаганин ахтариб юрма.
Зарурини ҳосил қилгандан кейин,
Унга амал қилмай умр ўткурма[1].

Жомийнинг уқтиришича, илм ва ҳунарни осон ва пухта эгаллашни истаган одам бу ишга ёшликдан киришмоғи лозим.

Жомий таълим олдига ёш авлодни жамиятга, одамларга фойдали хизмат қиладиган қилиб камол топтиришни асосий вазифа қилиб қўяди ва билимни инсон ақлий қобилиятининг ривожида муҳим восита ҳисоблайди. Шоирнинг таъкидлашича, билим инсон ҳаёт йўлини ёритади, амалда раҳнамолик қилади. Тажриба эса, ўз навбатида, билимни ўзлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Жомий китобни ўтмиш авлодлар билан ўз даври ёшлари ўртасида бир восита деб билади. У китоб инсонга энг яқин дўст, устоз ва мураббий эканлигини айтиб, ёшларда китоб ўқишга муҳаббат, қизиқишни тарбиялашни таъкидлайди. Жомийнинг бу фикри шу жиҳатдан муҳимки, шоир китобни билим манбаи, инсоният донишмандлиги хазинасидир, дейди ва шу билан бирга, улар ҳаётий тажриба ва ижодий мева сифатида келгуси авлодга қолдирилади, деб айтади.

Жомий китобни билим манбаи дер экан, муаллимни ўтмиш ва келгуси авлод ўртасидаги жонли воситачи, бой ҳаётий тажрибасини ўз ўқувчиларига етказувчи деб улуғлайди ва уларни ортиқ даражада ҳурмат қилишга даъват қилади. Унинг уқтиришича, муаллим чуқур билимли, ақлли, оқ кўнгил, энг яхши ахлоқий фазилатлари билан ўз ўқувчиларига намуна бўлмоғи керак. Де-

---

[1] **Абдураҳмон Жомий.** Баҳористон. Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1979 йил, 15- бет.

мак ақлий ва ахлоқий жиҳатдан комил ўқитувчигина ўз ўқувчисини ақлий қобилиятини ривож топтира олади.

Жомийнинг меҳнат хусусидаги қарашлари ҳам диққатга сазовордир. У меҳнат инсонни ҳурматга, эҳтиромга сазовор этишини, унга қувонч, бахтли турмуш бахш этишини айтади. Шу билан бирга, у ҳар бир инсон ўз ҳалол меҳнати билан ҳаёт кечирмоғи лозимлигини таъкидлайди ва дейди:

Ўз меҳнатинг бўлсин доим йўлдошинг,
Ўзга миннатидан оғритма бошинг.
Кунларинг ўтаркан териб дур – ҳикмат,
Кунларинг тўлиқдир бўлса ҳур меҳнат[1].

Жомий, гарчи одамлар ақлий жиҳатдан бир даражада ривожланмаган бўлсалар-да, бу ҳолат уларнинг камолоти учун ҳалал етказмайди, бироқ уларни ўқитиш ва донишмандлар ўгитлари билан таништиришга ёлаш муҳимлигини айтади ва ёшларга:

Устоздан ёғдуга тўлсин ҳамма кўнгил,
Ёмон кўз у нурдан бўлсин кўп йироқ.

(ўша китоб, 86- бет).

Донолар йўлини фақат битта билгил,
Ҳар дамда ўзгарар билимсиз жоҳил.

(ўша китоб, 109- бет). деб насиҳат қилади.

Жомий ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг инсонпарварлик анъаналарини давом эттириб, яхшиликни, шафқатлиликни, олижаноблликни ижод этишни инсон ҳаётининг мақсади қилиб қўйишни талаб этади ва ҳар бир инсон ҳаётда шодлик ва бахтли бўлишни истаса, у ўзидан кейинги авлодларга яхшилик хотираси қолдириши лозим дейди. Жомий киши сенга ёмонлик қилган бўлса, сен унга яхшилик билан жавоб қайтаришни тавсия қилади:

Биров аҳмоқона иш қилса сенга,
Олижаноблик қил озорин унут.

---

[1] Ҳикматлар гулдастаси. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил, 46- бет.

Нафс-ҳаво жаҳолат келмасин ғолиб,
Ақлнинг фармонига мувофиқ иш тут[1].

Жомий одамларни сахийлик фазилатига эга бўлишга ундаб, сахийликни ҳар қандай бойликдан юқори қўяди ва шундай деб ёзади:

Агарда уйидан чиқариб берса,
Бору йўқ яримта нонини гадо,
Ярим хазинасин берган подшодан,
Сахийлик бобида шу гадо аъло.

(ўша китоб, 37- бет).

Жомий инсон ўзининг ҳимматлилиги билан барҳаёт эканлигини айтади. Агар киши ҳимматли бўлса, у дунёдан ўтиб кетган бўлса ҳам, унинг номи асрлар давомида яшайди. Демак, бу нарса инсоннинг жамиятда тутган мавқеи билан эмас, балки саховатлилик фазилати қай даража таркиб топгани билан боғлиқдир. Жомий яна шу нарсани уқтирадики, саховатлилик қуруқ ҳамдардликдан иборат бўлмай, балки фойдали ҳаракат, иш билан тасдиқланиши зарур. Шоир дейди:

Саховатдан кимнинг мақсади
Агар бўлса шуҳрат, овоза.
Аҳли карам шаҳрида унга,
Ҳар доимо беркдир дарвоза

(ўша китоб, 22- бет).

Жомий ўз педагогик қарашларида инсоннинг хушмуомалалик ва доно сўзлар билан кўнглини олиш, шунингдек, уларни ҳимматли бўлишга ва одилликка даъват этишни маслаҳат беради. «Баҳористон»да у ёзади:

Агар чиқса адолатнинг қуёши,
Таралгай ҳар томон нури зиёси.
Агар зулм этса золим, бу ситамдан
Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси[2].

---

[1] **Абдураҳмон Жомий.** Баҳористон. Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1979 йил, 30- бет.

[2] **А. Жомий.** Баҳористон, Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1979 йил, 22- бет.

Бу мисраларда ҳар бир иш ва ҳолатда тадбир ва ақл билан иш тутиш, дўстларга яқинроқ бўлиш, ёмонлик қилишдан сақланиш, адолатли бўлиб, зиё нурини сочиш ҳақида баён этилган фикр ҳар бир инсонга қилинган хитоб, насиҳатдир.

Жомий манманлик, кеккайишларни инсоннинг ёмон сифатлари, деб қоралайди, ғурурликни нодонликнинг белгисидир дейди. У инсон, ҳатто бошқалардан бирор сифати билан юқори бўлиб саналса-да, барибир камтар бўлиши керак. Шоир дейди:

Яхшиликлар бир хонага жам,
Камтарликлар унинг калити.
Ёмонликлар бошқа хонада,
Уни очар манманлик ити.
Эҳтиёт бўл тойиб кетмагил.
Шундан келар юзинг шувити

(ўша китоб, 11- бет).

Жомийнинг қайд этишича дилкашлик, ширин сўзлик, очиқ чеҳралик ва қувноқлик кишиларга яхши, ёқимли кайфият бахш этишини айтиб дейди:

Сўз айтсанг ростликни айтгил одат,
Қидирма ростликдан яхшироқ зийнат.
Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон,
Қайда кўрди экан бирор билимдон?[1]

Жомий инсоний фазилатлар ҳақидаги фикрини давом эттириб, ҳар бир инсоннинг ўз фойдали меҳнати орқали эркин, бахтиёр, ҳеч кимга қарам бўлмай яшаши билан ғурурланишини истайди. Бундай ғурур инсон қадр-қимматини пасайтирмай, балки оширади, албатта.

Улуғ адиб ўз асарларида хасисликни, ўғриликни кескин қоралаб, оқилона яшаш, ортиқча бойлиги бўлса, хасислик қилмай уларни муҳтожларга бериш, қаноатли бўлиш ғояларини олға суради. Жомий дейди:

Ҳарна кирса ҳимматли мард қўлига,
Сочар дўстлар оёғига барчасин.

[1] Ҳикматлар гулдастаси. Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил, 25- бет.

Ўзи ўлгач, душманлари бўлишар,
Хасис киши териб йиққан нарсасин[1].

Дўст танлаш, дўстликнинг самимийлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Дил агар ногаҳон ғамга учрасанг,
Ғамхўр дўстинг бўлса, у ғам эмасдир.
Кулфат куни содиқ дўстларинг керак,
Бахтли кунда дўстлар ҳеч кам эмасдир[2].

дер экан, бу ҳақда у яна фикрини давом эттириб:

Чин дўст ул — дўстлиги ошаверса гар,
Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам,
Бошига минг жафо тоши ёғилса,
Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам

(ўша китоб, 9- бет).

дея дўстларнинг садоқати нималарда намоён бўлишини кўрсатади.

Жомий ҳунар ва ҳунар эгаси бўлиш ҳақида гапириб, инсон қадр-қиммати унинг бойлиги билан эмас, балки илм ва меҳнат фаолияти билан белгиланишини уқтиради. У меҳнат аҳлини улуғлаб, ёшларни ҳунарларни эгаллашга ва ўз ҳалол меҳнатлари билан яшашга чақиради:

Олтин топмагину ўргангин ҳунар,
Ҳунаринг олдида хасдир олтин — зар.

Искандар Зулқарнайн бир билимдон кишини катта амалидан тушириб, пастроқ бир амалга ишга тайинлайди. Бир куни у киши Искандар ҳузурига келиб қолганида: «Қалай, янги амалинг ёқдими?,— деб сўради. «Подшонинг умрлари узоқ бўлсин,— деди ул киши — одам амали билан шарафли эмас, амал инсон билан шарафга эга бўлади. Ҳар бир ишда ҳам хушбатиатлик, адолат ва инсоф лозим».

Бу гап Искандарга маъқул тушади ва уни ўз лавозимига ишга қайтарди:

Баланд мансаб тепасида ҳам,
Илм оширмоқ фикрин қил ҳар дам.

[1] Абдурахмон Жомий. Баҳористон, Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1979 йил, 13- бет.

[2] Ҳикматлар гулдастаси. Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил, 54- бет.

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан муҳтарам[1].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Абдураҳмон Жомий ўзининг сержило ва кўпқиррали ижодий фаолиятида инсонийликни улуғлади, ҳар бир ижобий инсоний фазилатларни эгаллашни уқтирди, ёш авлод тарбияси ҳақида баён этган фикр-мулоҳазалари педагогика тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди ва бўлиб келмоқда. Унинг инсонийлик, илмларни эгаллаш, илм билан тажрибанинг бирлиги, китоб — билим манбаи, ҳунар ва касбнинг аҳамияти, меҳнат ва меҳнатсеварлик, ҳимматлилик, камтарлик, дўстлик ва ўртоқлик, мардлик, тўғрилик ва поклик, вафо, шафқат ҳақидаги фикрлари педагогик фикр тараққиётига қўшилган қимматли ҳиссадир.

МАҲТУМҚУЛИ

Маҳтумқули (1733—1793) шоир Озодий Давлатмамеднинг ўғли бўлиб, туркман халқининг буюк шоири ва мутаффакири ҳисобланади. У аввал овул мактабида, сўнг Хива, Бухоро, Андижон мадрасаларида ўқийди, бир қанча фанларни ўзлаштириш билан бирга, заргарлик ҳунарини ҳам эгаллайди. Шоир Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга саёҳат қилади, Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон халқ оғзаки ижодини ва адабиётини чуқур ўрганади. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Фирдавсийларнинг ижодидан баҳраманд бўлади. Маҳтумқули «Бўлмаса», «Келгай», «Ёмғир ёғдир, султоним», «Билан», «Найлайин», «Етмас», «Булар», «Кечли замона», «Билинмас» ва бошқа асарларида халқнинг ҳаёти ва урф-одати, шунингдек ўша даврга хос муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни акс эттиради.

Маҳтумқули ўз асарларида туркман уруғларини бирлашишга, ўзаро келишмовчиликларни тугатишга ундайди. Унинг ижодида ватанпарварлик мавзуи («Эл кўзлар»), шунингдек инсонни ва инсоний муҳаббатни улуғлаш асосий ўринни эгаллайди. Маҳтумқули туркман адабиётига образли халқ тилини, мақол ва маталларни биринчи бўлиб олиб киради. У тузган мисралар халқ мақол ва афоризмларига айланиб кетган[2].

[1] **Абдураҳмон Жомий.** Баҳористон, Т., «Ёш гвардия» нашриёти. 1979 йил, 22- бет.

[2] Ўзбек Совет Энциклопедияси, 7- жилд, Тошкент, 1976, 98- бет.

Маҳтумқули жаҳон адабиёти ва ижтимоий фикрнинг табаррук сиймолари қатори инсоният маданиятини ажойиб дурдоналар билан бойитган улуғ санъаткордир.

Маҳтумқули ўз ижодида, туркманлар билан бирга, Марказий Осиё халқларининг орзу-умидлари, эркин замонлар ҳақидаги идеалларини ҳам тараннум этади. Деярли барча асарларида хушахлоқлиликни тарғиб қилади, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, одамгарчилик, ботирлик, тўғрисўзлик, аҳиллик сингари юксак инсоний фазилатларни улуғлайди. У «Бошимиз», «Эрдан», «Гургеннинг», «Туркманнинг» шеърларида одамларни аҳиллик ва ҳамжиҳатликка даъват қилади. Маҳтумқули инсоннинг бахти, тинчлиги Ватан бахти, халқ тинчлиги билан бевосита боғлиқ, шу сабабли ҳам одамлар Ватан, халқ учун жонини фидо қилиши керак деган фикрни илгари суради. Шоир ватанпарварлик тарбиясини барча тарбиянинг асоси деб билади. Унинг бундай дейишига сабаб шуки, у яшаган даврда турли туркман қабилалари ўртасида зиддиятлар кучайган, мамлакат майда бўлакларга бўлиниб кетган эди, бундан фойдаланган ташқи душманлар тез-тез хавф солиб турарди. Айни шу шароитда ижод майдонига кириб келган Маҳтумқули ташқи душманларга зарба бермоқ учун қабила ва уруғларни бирлашишга, бутун халқнинг кучини бир жойга тўплаш ва марказлашган кучли давлат тузишга даъват этади. Бу вақтда ёзган шеърларида халқнинг бахтсизлигига, ҳаётнинг ночор бўлишига, унинг бир ёқадан бош чиқармаганлиги сабаб эканини ифодалади. Маҳтумқули бир умр туркманларни бирлаштириш учун курашди. Масалан, «Ёшимиз» номли шеърида шундай ёзади:

Ҳозир кечган чўлда эллар ёйилсин,
Юрт биномиз қойим бўлсин, қурилсин.
Чиллада маст норлар ҳушига келсин.
Бир суфрада адо бўлсин ошимиз.
Туркманлар, боғласак бир ерга белни,
Қуритар кулзумни, дарёйи Нилни.
Така, ёвмут, гулкланг, язир, алили,
Бир давлатга хизмат этсак бешимиз.
Маҳтумқули айтар то танда жон бор,
Биз қолмайлик қизилбошга бўлиб хор,

Ёвмут, гулкланг топсин биргаликда ҳамгор,
Ул Камолхон афғон бўлсин бошимиз[1].

Шоирнинг фикрича, марказлашган давлат, ягона мамлакат барпо этиш йўлида каттадан кичик, бутун халқ жонбозлик кўрсатмоғи, бир ёқадан бош чиқариб фидойилик кўрсатмоғи лозим. Бунинг учун халқ онгини уйғотиш, кўзини очиш керак.

Маҳтумқулининг ватанпарварлик мавзуидаги шеърларида қаҳрамонлик, чидамлилик, ҳушёрлик руҳи катта ўринни эгаллайди. Шоир истайдики, чинакам фарзанд ватан, она-юрт, халқнинг ор-номусини ҳар нарсадан юқори қўйсин, керак бўлса, азиз жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр турсин:

Йигит ўлар эли учун,
Жонин берар ори учун.
Эр йигитга эл-юрт учун,
Номус билан ор керакдир.

(ўша асар, 73- бет).

Шоир туркман йигитларига ватани, эл-юртидан айрилиб, бошқа ерни маскан тутувчи бўлма, деб насиҳат қилади.

Маҳтумқули душмандан устун чиқмоқ учун ҳунарманд, ҳар ишга моҳир, мард, ботир бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Аксинча, номардларни, ишёқмасларни эл ўртасида масхаралаб, уларнинг ярамас сифатларини ҳажв остига олади. Халқдан жонини ҳам аямайдиган, эл бахти, юрт саодатини ўз бахтидан муқаррар баланд қўядиган одамларни куйлаш шоир шеърларида катта ўрин тутади. Шоир ўз шеърларида бутун башарият учун зарур бўлган инсоний фазилатлар ҳақида сўз юритади. «Керакдир» шеъри бунга мисол бўла олади:

Мард улдирки, бўлсин кўнгли раҳмли,
Кўкраги кенг бўлсин, ўзи фаҳмли,
Кенг ерда қарғадай бўлсин ваҳмли,
Ўрнида ҳунари, иши керакдир.
От керак чопишга, қувиб етишга,
Евни қўрқитишга, тирик тутишга...

---

[1] **Маҳтумқули.** Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 165- бет. Бундан кейин келтириладиган мисоллар қавс ичида «Ўша асар» деб таъкидланиб, саҳифаси кўрсатилади.

У ўз даврида ахлоқ-одобни, яхши хулқ-атворни тарғиб этган улуғ мутафаккир сифатида шуҳрат қозонди. Ахлоқ маданияти мавзуида ижод этган асарлари ўша даврда кенг китобхонда у орзу қилган яхши ахлоқ эгаси бўлишга интилиш истагини тарбиялади.

Маҳтумқули «Фоний дунё керакмас», «Бўлмаса», «Қолмади», «Молига тенгмас», «Созига тенгмас», «Этажаксен», «Кўринг», «Қетувчи бўлмас», «Ўлмасдан бурун», «Сўз маъносини билмагунча» каби шеърларида садоқат ва вафо, самимийлик ва олижаноблик, меҳнатсеварлик ва фаҳм-фаросатлилик каби ахлоқий фазилатларни мадҳ этади, меҳнат аҳлининг одамгарчилигини биринчи ўринга қўяди, инсон улуғ зот, ҳаёт ва жамиятнинг таянчи деган фикрни илгари суради. Маҳтумқули «Туркманнинг», «Кўринар» шеърларида одамларни она юрт гўзал табиатини севишга ундайди. «Сўнгидаги» шеърида юртни вайрон этувчи босқинчиларини қаҳр-ғазаб билан тасвирлаб, уларга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатганларни ,табиат гўзаллигини ҳимоя қилганларни ҳақиқий ватанпарвар деб билади.

Шоирнинг таъкидлашича, инсон учун униб-ўсган еридан айрилиш жонидан айрилишдан кўра даҳшатлироқдир. Ёшлар ватан тупроғини топтамоқчи бўлган душманлар йўлига ғов бўлиш учун ўз кўксини қалқон қилишга тайёр туришлари керак.

Шоир васф этган энг гўзал фазилатлардан бири одамгарчиликдир. Маҳтумқули ёшларнинг энг яхши инсоний фазилат эгаси бўлишларини, катталарни ҳурмат қилиб, уларга иззат-икром кўрсатишларини орзу қилади, улардан ноаҳиллик, ишёқмаслик сингари иллатларга берилмасликни талаб этади. У ғийбатчилик ёмон иллат эканини таъкидлайди:

Рўзи-маҳшар шиква этар тилингдан,
Расволиғинг будир сенинг, ғийбатчи,
Умринг елга берма, озма йўлингдан,
Оғритмагил элу кунинг, ғийбатчи

(Ўша асар, 128- бет).

Маҳтумқулининг тушунчасича, ғийбатчилик энг ёмон хусусият бўлиб, ғийбатчининг гуноҳи бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кечирилмайди:

Булутдек гуркираб, чақмоқдай ғуриллар,
Гоҳо муздан тахтлар, оташдан уйлар,

Хачирдек чиёнлар, фил каби муйлар,
Баданингдан сўрар қонинг, ғийбатчи.
Ҳолинг кўриб раҳм қилиб, йиғлар,
Сени ситтин деган жойда боғларлар,
Тилинг тутиб, темир билан доғларлар

(ўша асар, 128-бет).

Маҳтумқули ўз шеърларида туркман халқининг энг яхши удумларини, иноқлик, меҳмондўстлик, аҳиллик фазилатларини улуғлаб, бу фазилатлар инсонни безовчи хислатлар эканини айтади, «Меҳмон йўлиқса» шеърида меҳмондўстлик туркман халқига хос энг яхши фазилат эканини таъкидлаб, бу фазилатни мардлик ва одамгарчиликнинг энг гўзал белгиси деб таърифлайди:

Мард кутар меҳмонни ёруғ юз билан,
Номард ўзин гизлар меҳмон йўлиқса...

Маҳтумқулининг таъкидлашича, меҳмон ким бўлишидан қатъи назар, унга иззат-икром кўрсатиш, уни ёруғ юз, ширин сўз билан қаршп олиш лозим. «Кетувчи бўлма» шеърида ҳалоллик, мулойимлик сифатларини инсонни зийнатлантирувчи, унга шону шараф келтирувчи фазилат сифатида ифодалайди, тўғри сўзли бўлишга чақиради:

Мард ўғлидир элга ёзар дастурхон,
Тўғри сўз устида берар ширин жон.
Умрини ўтказар, айтмайди ёлғон.
Жаҳд айлаб, ёлғон сўз айтувчи бўлма

(Ўша асар, 213-бет).

Унинг наздида тўғри сўзлик мардликнинг асосий белгиларидан биридир. Маҳтумқули ҳаётни севади, одамлар дунёда шод-ҳуррам, аҳил, дўстликда яшашлари лозим, деган фикрни илгари суради, катталарни сийламоқни уларга ҳурмат бажо келтирмоқни ёшлар тарбиясида биринчи ўринга қўяди. Шоирнинг таъкидлашича, ёшлар ота-оналарининг иззатларини жойига қўймоқлари, ҳамма жойда, ҳар бир ишда уларнинг кўнглини олишлари, бу борада улар эҳтиёт бўлишлари, катталарнинг кўнглини қолдирадиган, уларни ранжитиб қўядиган ҳаракатлар қилмасликлари лозим.

Маҳтумқули деярли барча шеърларда ахлоқ-одоб масаласига алоҳида эътибор беради. Шоир яхши удумлар, олижаноб хислатларини қанчалик севиниб, юракдан куйлаган бўлса, порахўрлар, халқни алдаш ҳисобига кун кўрувчилар, ҳийлагар маккор одамларни шунчалик нафратланиб тасвирлади. У ўз шеърларида чинакам инсоний туйғуларни васф этиш орқали одамларни умидли ва ҳаётсевар бўлишга чақиради.

Маҳтумқули ҳам отаси Озодий сингари, инсон хоҳ бой, хоҳ хон бўлсин, асло такаббур бўлмаслиги, одамлар билан аҳилликда яшаб, халқнинг ҳолидан хабардор бўлиши, истак, орзуларига қулоқ солиши лозим деб билади, ҳаёти давомида уларга риоя этди.

Шу боис Маҳтумқулининг ахлоқ-одоб, таълим-тарбияга доир асарлари бизнинг кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг бу асарлари ёшларимизни энг яхши фазилатлар эгаси, комил инсон бўлиб етишишларида ҳамон ҳаёт дарслиги, ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

ҚИРҒИЗ «МАНАС» ДОСТОНИ

Қирғизлар — туркий халқлар орасидаги энг қадимий қавмлардан биридир. Уларнинг оғзаки ижодига оид намуналар жуда қадим замонлар билан боғлиқ. «Бошқа халқлар ўзининг ўтмиш маданиятини, тарихини ёзма адабиётда, ҳайкалтарошлик, архитектура, театр, тасвирий санъатда сақлаб қолган бўлса, қирғиз эли ўзининг онглилигини, ор-номусини, курашини, кўзлаган мақсадини амалга оширишда тарихий воқеаларнинг эпик баёнидан фойдаланган»[1]. «Манас» достони ҳам ана шу зайлда яратилган. Унда қирғиз халқининг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналари, фалсафий-педагогик қарашлари, инсонийлик, том маънодаги инсонпарварлик ўз ифодасини топган.

Достонда мактаб, ўқиш-ўқитиш жараёни, етти ёш тарбия учун энг қулай муддат эканлиги ҳақида фикр айтилади:

Кундан, кундан кун ўтиб,
Кун мазгили келибди,
Ойдан, ойдан ой ўтиб,
Ой мазгили келибди.
Шундай қилиб Манас ҳам,
Етти ёшга тўлибди.

[1] **Чингиз Айтматов.** Бойырқы қырғыз рухунун туу чокусу (Манас. Эпос.) I китеп, Фрунзе, Қырғизистан, 1984, 8-бет.

Достонда бола тарбияланадиган жой ҳақида сўз юритилади.

Манаснинг тарбияси билан қўйчивон Ўткир шуғулланади. Бу илк феодализмдаги қабила-уруғ ҳаёти билан боғланиб кетган тарбия усули бўлиб, XI асрда сарой муҳитида боланинг тарбияси оила билан чамбарчас алоқада амалга оширилганига далолатдир.

Манаснинг болалиги тасвирланган мисраларда ҳам, воқеалар баёнида ҳам буни ёрқин кўриш мумкин. Достонда меҳнат, жисмоний камолот, ақлий ва ахлоқий сифатлар улуғланади, бу сифатлар бадиий шаклларда ифодаланади.

Қадимги қирғизларнинг (умуман, туркий халқларнинг) яшаш тарзи, хусусан, ижтимоий, маиший ҳаётда овчилик, чорвачилик, қисман деҳқончилик билан шуғулланиш жамият аъзоларининг соғлом, бақувват, жисмоний жиҳатдан етук бўлишларини талаб этарди. Бунинг учун ҳам достонда шахснинг жисмоний камолотига оид фикрлар устивор ўрин тутади.

Манас туғилишидаёқ алпқоматлиги, жисмоний бақувватлиги билан энагаларини лол қолдиради. Манаснинг болалиги таърифи ва тасвирида ҳам унинг жисмоний хислатларига алоҳида урғу берилади. У вояга етиб душман билан юзма-юз келганда, душманлар ҳам унинг жисмоний жиҳатларига кўпроқ эътибор беришади. Манаснинг жисмоний қудрати ҳақида дейди:

Қорачинор бир қоплон,
Тегрисида юргандай,
Қалта думлик кўк арслон,
Орқасида тургандай.
Бир қараши — минг киши,
Қалмоққа ваҳим солгандай,
Ўз бандига олгандай,
Йўғон, дов юрак,
Фил мучали, тиғ кўкрак,
Ғайрати зўр, заҳри зўр,
Қаршиласанг, қаҳри зўр,
Ўтовдай қора бўрки бор,
Кўролгувчи эрки бор»

(ўша китоб, 43- бет).

Достонда ҳам Манас мард Манас, Кўкан Манас, Ер Манас ибораларида тасвирланади. Достонда меҳнат тарбиясига оид фикрлар билдирилади.

Меҳнат қил, болалар, меҳнат қил,
Қашшоқликни йўйдирган,
Орицларга эт битиб,
Очларинг тўйдиргай.
Шундай қилиб бариси,
Ёши билан қариси,
Бўйинтуруқ шайлатиб,
Қўш-қўш хўкиз бойлатиб,
Қўш ҳайдаб ер очдилар,
Ҳовучлаб дон сочдилар.
Оқ буғдой нонин чайнашиб,
Эшигининг олдига,
Олтиндан тулпор бойлашиб,
Тер тўкиб олган хирмондан,
Ҳузур топиб, йўқ бўлиб,
Бекор кетмай меҳнати,
Қашшоқликли кун йўқ бўлиб,
Ўйлашгани келибди,
Сандиғию қазноғи,
Олтину мулкка тўлибди

(ўша китоб, 44- бет).

«Манас» достонида ақл-идрок ва донишмандлик мадҳ этилади, шу хислатларга бошқалар эътибори жалб этилади ва қирғизларнинг улуғи Оқболта шундай тасвирланади:

Ақли зиёда чол-да,
Ўзи пирзода чол-да.
Юрт жим қулоқ соларди,
Сўзидан маъни оларди.

Туркий халқларда қадим-қадимдан боболар культи мавжуд бўлган. Унинг асосий моҳияти—катта ёшлиларнинг (бунга ўтганларнинг руҳи ҳам киради) алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлишларидир.

Рози бўл, болам, ўзимга,
Қараб юргин кўзингга,
Оқ соқол бобом Қўшгай деб,
Қулоқ бергин сўзимга

(ўша китоб, 164- бет).

Шунинг учун ҳам достонда кексалар дуоси, ота олқиши алоҳида меҳр билан ардоқланади, ота қарғиши фоже қисмат сифатида талқин этилади:

Тирик бўлсам дунёга,
Ғайрат қилиб кўрай-чи.
Отадан қарғиш олгунча,
Ўн саккиз минг оламни,
Кезиб-кезиб юрай-чи

(ўша китоб, 248- бет).

Достонда ёшларнинг катталар, хусусан, оталар фикрига жиддий муносабатда бўлиши кераклиги подшо Азизхон билан ўғли Алмамбет ораларидаги муносабатда ҳам таъкидланади.

Достонда ростгўйлик, тўғрисўзлик мадҳ этилади, ёлғончилик, алдамчилик қораланади. Буни қуйидаги манзара тасвирида кўриш мумкин. Тоғ оралаб келаётган Манас йўлда, Ўпал тоғининг кенг яйловини эгаллаб авлиёга дуч келиб қолади. Чолнинг моллари тоғ орқасига сиғмай ёйилиб юрибди. Бу чол — ёлғончи ва алдамчи авлиё экан. Карвон йўлига жой солиб, ўтган-кетганни тунар экан. Хайри-худойи деб, закот деб, туя ҳам, қўй ҳам олар экан, алдоққа кўнмагандан зўрлик қилиб ҳам мол олиб қолар экан; шундай қилиб, бойиб кетган чол экан бу.

Авлиё аталган бу чол ёлғиз эмас, ёнида қирққа яқин мулла бор, талай-талай хизматкори, қул ўрнида ишловчи молбоқарлари бор. Соқолига оқ оралаб қолган бўлса ҳам тетик, тиқин савлатли ва текин томоқдан кучга тўлган чол бўз ўрласида ётгани-ётган, йўлчиларни қақшатгани-қақшатган.

Манас қўлига дурбин олиб, чол ўрдасини олисдан томоша қиляпти:

Ўзанида тол кўрди,
Уриш тўлган мол кўрди.
Бўз ўрдаси ичида,
Талтайган семиз чол кўрди.
Отга минмас ёв кўрди,
Одамдон ортиқ дов кўрди,
Соқоли — қўл қамиши,
Жағини қоплаб олибди,
Қарғалганда селкаллар,
Оқ оралаб қолибди.

Манас тоза синчиклаб кўриб, кейин ёнига Бақай, Қирғилди ва Тулакларни олиб, чол ўрдасига йўл солди. Чол буларнинг қорасини кўриб, онг-тонг бўлиб, одамларини тўплаб турибди.

Манасни олисдан кўриб чол бир балони сезиб, дирдир қалтирашга тушди. Ёнидаги муллалар ҳам титраб-қақшардилар. Манас ўрдага яқин келди ва сўраб қолди: «Ҳой кимсанлар? Авлиёинг қайси? Молли ўтса — молидан олиб, нонли ўтса — нонидан олиб, ҳаром мол йиғиб, ҳаром томоқ ёб ётганлар сенларми? Ҳой ноинсоф чол, қани сен? Ҳеч кимдан жавоб бўлмади. Ҳаммаси, ўз қилмишига иқрордай жимжитлик ҳукм сурарди.

Манас олмос қиличини суғуриб, авлиё чолнинг бўйнига урди, чолнинг калласи учиб тушди. Бошқаларига жазо берди, бутун мол-мулкини чолнинг молбоқарларига бўлиб берди, уларнинг олқиш ва дуосини олди. Кейин яна йўлга тушди.

Бу тасвирда ёлғончилик ва алдамчилик инсон учун ёмон хислат эканлиги кўрсатилади ва айни чоқда тўғрилик, ростгўйлик улуғланади.

Достонда қайсарлик, тажанглик, ўжарлик салбий хусусият сифатида баҳоланади:

Тажангликдан не фойда,
Ўжарликдан не фойда

(ўша китоб, 143- бет).

Бироқ бу хусусиятлар фақат айрим шахсларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасигагина тегишли бўлса, унчалик даҳшатли туюлмайди. Аммо ана шу салбий хусусиятлар бутун жамият ва она-юрт тақдирига таъсир кўрсатса, ҳатто таҳдид солса, фожиадир. Асарда ана шу ғоя жуда аниқ ифодаланади.

Ўжарлик қилсанг ўлчамай,
Ўз бошингга етарсан,
Узилиб кетса бевақт бош,
Чирағим-эй,
Юртин шўрлик этарсан

(ўша китоб, 144- бет).

Достонда ноинсофлик, нохолислик, пасткашлик, беорлик жамият учун, хусусан, ёшлар учун ниҳоятда ярамас иллат эканлиги ҳам кўрсатилади, кибр-ҳаво бошқаларни менсимаслик ёмон иллат эканлиги таъкидланади.

Достонда ватанпарварлик — юксак инсоний фазилат эканлиги алоҳида таъкидланади, ватан учун жонни фидо қилиш афзал эканлиги айтилади:

Ёвга номус бергунча,
Ажал етса ўлайин.
Молу жонни не важдан.
Ўлка қилиб берайин

(ўша китоб, 108- бет).

Достонда ватанни ҳимоя қилиш, ёвга қарши курашмоқ учун бирлашмоқ, қуролланмоқ кераклиги айтилади:

Олатовга жўнайлик,
Қирғизга кўчиб кирайлик.
Бош омон, жон соғ чоғда,
Юрт ўйини ўйлайлик.
Қайиндан найза солайлик,
Озга тўзган қирғизни,
Битта қўймай тўплайлик[1].

«Манас» достонида табиат тасвири алоҳида ўринни эгаллайди. Бу тасвирда фақат унинг гўзалликларидан баҳра ва завқ олишгина эмас, айни пайтда, табиат кўриниши Ватан ва юрт тушунчалари билан уйғун ҳолда акс эттирилган. Манас Ватанни мана бундай тасаввур қилади:

Булутга етиб бошлари,
Бўзариб турар аскари,
Кўкка тегиб бошлари,
Кўкариб турар аскари.
Тоғлари туташ қалин қор,
Қалин ўтлоқ, ўрмонзор,
Ўрмонида хилма-хил,
Тўлиб кетган жонивор.
Қўлтиғида қуёш кўп,
Сойларида илон кўп,
Тик тоғида така бор,
Тўқайида буғи бор.
Адирида алқор бор,
Тузларида тулки бор,
Даласида қулон бор,
Булбули қийиб сайраса,
Яйрагадай мунглиғ жон,
Мунглуғ жонки яйраса,
Бас, жуда соз бу макон.

[1] Қаранг: **Берков П. Н.** Идея родины в «Манас» // Манас героический эпос Киргизского народа. Фрунзе, 1968, 128- бет.

Бўз мўйноқдай тепага,
Тушиб Манас кавлар ер,
Икки ёшлик ер кавлаб,
Битмас олтин кон-ку дер.
Садағанг кетай Иссиққўл,
Ер яхшиси шумасми,—
Ерлашсанг — бахт бермасми,
Бундай қутлуғ ер бўлмас,
Бундай азиз кўл бўлмас.

Эр йигит Ватан учун яралгандир. Ватаннинг бутунлиги йигитлар билан ва албатта йигитнинг бахти Ватан биландир:

Эр йигит ўз ерига,
Кайта кўнгувчи бўлар.
Керак бўлса эр учун,
Жангда ўлгунчи бўлар

(ўша китоб, 176- бет).

«Манас» достони халқ ҳикматлари, доно мақоллар билан зийнатланган. Уларнинг ҳар бирида бадиий баркамолликдан ташқари, юксак тарбиявий ақидалар мавжуд. Масалан:

От семирса ялқов-да,
Эр семирса анқов-да.
Уюн соғинмас от бўлмас,
Эл соғинмас тоғ бўлмас

(ўша китоб, 37- бет).

«Манас» педагогик фикрларга бой, муҳим тарбиявий аҳамиятга эга достондир.

АБАЙ ҚУНОНБОЕВ

Қозоқ халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Абай (Иброҳим) Қунонбоев, (1845—1904) 1845 йил 10 августда (Семипалатинск вилояти) ҳозирги Абай тумани, Чингиз овулида туғилади. Абай — қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоири. У ўз овулидаги диний мактабда савод чиқариб, 10 ёшида Семипалатинск шаҳридаги Аҳмад Ризо мадрасасида таълим олади. Бу ерда Навоий, Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Фузулий каби мумтоз шоирлар асарларини ўрганади. Шаҳарда уч йил таълим олгач, отаси уни ўқишдан олиб, элни

лекин у бойлик ҳисобига илм билан шуғулланмоғи лозим, зеро, билим бойликда, илмни эгаллаш эса роҳат-фароғатдир.

Абай деярли барча асарларида, хоҳ шеърий, хоҳ насрий асарларида бўлсин, қозоқ халқини билим эгаллашга даъват этади.

Абай чор-ночорликда ҳаёт кечираётган халқнинг моддий эҳтиёжларини маълум даражада қондирмай туриб, уларнинг илм-фанга интилишларига эришиб бўлмаслигини яхши тушунади. Шу боисдан, у аввало, халқнинг турмуш даражасини кўтариш керак, деган қатъий фикрга келади ва ҳар бир одам ўз турмушини одил ва тўғри йўлга қўйибгина билим олишга, демакки, маънавий камолотга ўзида эҳтиёж сезади.

Абай кичиклигида мавжуд шароит туфайли етарли билим ололмаганидан зорланади ва ёшларни билимни пухта эгаллашга ундайди: зеро, эгалланган билим юксак-юксакларга парвоз қилиш учун мисоли қанотдир.

Ёшликда билим излаб югурмадим,
Хайрин билдим, бироқ юз ўгирмадим.
Улғайганда қарасам қўлим қуруқ,
Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.
Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор,
Изласам бўлармидим мунчалик хор,
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,
Фарзандимни билимга қўймадим зор...
Мадрасага бердим мен адаб учун,
Билим учун, наинки, мансаб учун!
Ўзим ҳам юксакларга қанот қоқдим,
Айб бўлмас орзу учун — талаб учун...
Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим,
Қозоққа ширин-ширин ўлан айтдим,
Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади,
Лекин қадрим тополмай, йиғлайман жим...

(ўша китоб 30- бет).

Абай болаларга чинакамига чуқур билим бериш учун уларни Европа типидаги мактабларда ўқитиш лозимлигини айтади. Бу соҳада ўзи намуна кўрсатиб, ўғли Мағавия ва қизи Гулбаданни Семипалатинскдаги янги типдаги мактабда, катта ўғли Абдураҳмонни эса Петербургдаги Михайловск артиллерия билим юртида ўқитади. У қозоқ болаларининг махсус мактаб-интернатларида таълим олишларини қизғин қўллаб-қувватлайди, бундай ўқув масканида дунёвий фанлар ўқитилишидан мамнунлигини билдиради.

Абай болаларда фанга қизиқиш ва интилишни ривожлантириш лозимлигини, бусиз билим олиш мумкин эмаслигини уқтиради. Ёшлар мол-дунё орттиришга ружу қўймасдан, иложи борича кўп билим олишга интилишлари зарурлигини таъкидлайди. Шоир: «Китоб — билим хазинаси, уни ўқи, ўрган. Билим йўли ғоят машаққатли бўлса ҳам, уни меҳнат қилиб эгаллашга интил, номусли ва ҳақиқатгўй бўл»,—деб таълим беради. Шоир замонавий билимларни эгаллаш учун чет тилларни ва илм-фанни ўрганиш ғоят аҳамиятлилигини айтиб, бутун мол-мулк кетса ҳам болаларнинг чин инсон бўлиши учун уларни ўқитишни маслаҳат беради, шу йўл билан халққа яхшилик қилинишини уқтиради.

Абай ҳукумат мактаблар очиши, бу мактаблар учун зарур маблағларни халқ ўз зиммасига олмоғи лозим, токи унда ҳамма, ҳатто қизлар ҳам билим олсинлар, ўшандагина ёш авлод юксалади дейди.

Шоир ўз шеърларида ақл-заковатни нодонликка, ҳалол меҳнатни текинхўрликка қарама-қарши қўяди ва одамларни ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ундайди:

Одамзод тирикликни давлат билсин,
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.
Икковининг бири йўқ овул кезиб,
Хўр бўлиб, бекорга кун ўтказмасин.
Нодонлар бўш сўзларга қулоқ солар,
Чин сўзнинг фойдасидан четда қолар,
Рост сўзнинг ҳеч билмайди хосиятин,
Чин қўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.
Ақллик қора қилни қирққа бўлар,
Ҳар нарсага ўзидай баҳо берар.
Нодон киши ҳеч нарса билмай — туриб,
Мақтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар

(ўша китоб, 31—32- бетлар).

Абай ўзининг амалий фаолиятида чинакам мураббий сифатида майдонга чиқади, ўз болаларининг ўқиши билан мунтазам шуғулланади, улар билан дилдан суҳбатлар қуради, ўқишда уларга кўмаклашади. У таълим-тарбия соҳасидаги қотиб қолган ақидаларга, қуруқ ёдлашга, дўқ-пўписа билан ўқитишга қарши чиқади. Ёшларни илмни онгли равишда эгаллашга, оқилона тар-

тиб-интизомли бўлишга чақиради. Абай болаларда билимга қизиқишни аланга олдиришни, мустақилликни кучайтиришни, уларни ўрганилаётган нарсанинг моҳиятини англашга одатлантиришни яхши билим олишнинг зарурий шартларидан бири, деб ҳисоблайди. У ҳар бир одам ўз олдига кўпчиликка наф етказишни мақсад қилиб қўйиб, илмларни ўрганиши лозим, деган фикрни илгари суради. Ҳар бир одам ўрганаётган илм-ҳунарнинг охир бир кун келиб бирон кор-ҳолимга яраб қолар, деб ўрганмаслиги, уни турмушга татбиқ қилиш мақсадида ўрганмоғи керак. Чунки илмни фақат билиб қўйиш учунгина ўрганишнинг фойдаси йўқ. Киши ўзининг билмаган нарсасини билиб ўрганса, ундан беқиёс ҳузур-ҳаловатга эришади. Агар киши илмга астойдил меҳр қўйиб ўрганса, унда янада кўпроқ билсам, янада кўпроқ ўргансам деган фикр пайдо бўлади. Шундагина у кўрган, билган ҳар бир нарсани кўнглига маҳкам тугиб, уқиб оладиган бўлади.

Абайнинг фикрича болаларга билим беришнинг самарали йўли, аввало уларга она тилини ўргатиш, сўнг уларни табиий фанлар билан ошно қилиш, шундан кейингина чет тилларни, жумладан, араб ва форс тилларини ўргатиш лозим; илм ўрганиш моддий дунёни тўғри англаш, инсоний камолотга эришиш учун зарурдир, дейди.

Абай яхши ниятни дилга жо қилиб, билим олишга киришишни энг зарурий ҳисоблайди ва унинг уқтиришича, ҳар бир инсон билимни баҳсда ютиш учунгина ўрганмаслиги, балки илмни олий мақсадларга етиш учун билиш керак; баҳс, аввало, кўнгилдаги эзгу мақсадни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун бўлса, маъқул, аммо ҳаддан ошиб кетса, кишини ҳақиқатни аниқлашдан кўра, кўпроқ издан чиқаришга хизмат қилиб қўйиши мумкин; бадиий баҳс ноўрин ва номуҳим нарса устида бўлса, у хусуматни кучайтириб, одамгарчиликни йўқотишгача олиб боради, деб ҳисоблайди. Бундай ҳолда асосий мақсад илм ўрганиш бўлмай, одамнинг юзини шувит қилиш учун бўлиб қолади ва бундай мақсад, фақат, бузуқ кишилардагина бўлади, деб уқтиради.

Баҳс, бу ҳам аслида илм ўрганишнинг бир йўли. Бироқ унга ортиқча берилиш ярамайди. Чунки баҳога ортиқча берилишдан мағрурлик, мақтанчоқлик, хусумат, ёлғончилик, ҳатто, арзимаган нарсадан жанжал чиқариш ва бировга мушт кўтариш каби ёмон фазилатлар туғилади.

Шоир ёшларни илм эгаллашга чақирар экан, уларни калтабинлик, сунъийлик иллатларидан фориғ бўлишга, илмни кучли эҳтирос билан ўрганиш ва у билан жиддий шуғулланишга, изчил ҳамда чуқур билим олишга чақиради. Абай ҳар бир одам ўз ҳаракати туфайли ҳақиқатга эришмоқчи бўлса, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри сўзни айтишдан ва тўғри йўлдан қайтмаслик кераклигини айтади. Унинг уқтиришича, ҳар бир одам ўзи яхши кўрган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўриши, ҳар бир ишга меҳр-муҳаббат билан киришиши лозим, айниқса илм эгаллашга сидқидилдан киришиши зарур. «Агар борди-ю, дейди Абай,— кўнглинг бошқа нарсада бўлиб, ўқиб ўрганаётган илмингни шунга сабаб қилиб кўрсатсанг, яъни уни яна шу кўнглингдаги нарса учунгина ўрганаётган бўлсанг, унда илмга меҳринг гўё ўгай онанинг меҳри кабидир дейди. Агарда илмни чин ният билан ўрганаётган бўлсанг, унда илмга меҳринг худди ўз онангнинг меҳридай илиқ ва самимий бўлади. Агар сен унга чала меҳр қўйсанг, ўрганган илминг ҳам чала-чулпа бўлади».

Илм олиш йўлидаги энг катта душман беғамлик ва бепарволик, деб тушунади шоир. Чунки беғамлик, биринчидан, худонинг, иккинчидан, халқнинг, учинчидан, давлатнинг, тўртинчидан, ибратнинг, бешинчидан, ақлнинг, ор-номуснинг душмандир; ор-номус бўлган ерда беғамлик бўлмайди.

Абай инсон илм олиш жараёнида ақлий жиҳатдан тобора камолотга эриша боришини, бусиз пухта илмли бўлиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Ақлли одам нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятига етади, уларни тўғри баҳолаб, аниқ хулосалар чиқара олади.

Шоир билимга осонликча эришиб бўлмаслигини қайта-қайта уқтиради. Билимни узлуксиз такомиллаштириб бормоқ, билим олишда ҳеч қачон эришилган даражадан қаноатланмаслик керак, дейди.

Абайнинг таъкидлашича киши, эшитган нарсасини унутмаслиги учун тўртта шартга амал қилиши керак. Бу шартлар зеҳнли бўлиш, бир нарсани кўрганда ё эшитганда, унга чин юракдан ихлос қўйиш, фаҳм-фаросат билан уқиб олиш, эшитганларини ичида бир неча бор такрорлаб, кўнглига жо қилиш, кўнглига бошқа

нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача эътибор бермасликдан иборат. Масалан, беғамликка, бепарволикка, ўйин-кулгига ёки ҳасратга ва бошқа эҳтиросга берилмаслик керак. Акс ҳолда бу тўрт нарса ақл билан илмга путур етказадиган омилга айланади.

Улуғ маърифатпарвар Абай қозоқ халқини тобора жар ёқасига сураётган адолатсизлик, қабоҳат, ўзаро душманлик, жаҳолат, маданиятсизлик сингари иллатлар чулғаб олаётганини кўради. Бу иллатлар ўзи катта умидлар боғлаган ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганига ачинади. Халқнинг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий тарбиясига аҳамият беришни биринчи даражадаги вазифа деб ҳисоблайди Шу боис, шоирнинг деярли барча асарларида ахлоқий масалалар кучли, эҳтирос билан куйланади, ахлоқсизлик фош этилади, ёшлар юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлиб етишишга чақирилади.

Абай билимсиз одам иродасиз бўлишини, ўзгалар фикри билан яшашга одатланиб қолишини уқтиради. Шоирнинг таъкидлашича, илмсиз, мустақил фикрсиз, ақлсиз нодон бўлганлар яхши ва фойдали маслаҳатга ҳам қулоқ солмайдилар, уларнинг касби иғво тарқатиш, мақтанчоқлик, бировлар шаънини букишдан иборат бўлади.

Абай ёшларни билим олиш билан бирга, фойдали ҳунарларни ўрганишга ҳам чақиради. Зеро, яхши ҳунар ҳам моддий, ҳам маънавий бойликдир, дейди. Шоир ҳунарнинг моҳиятини шундай таърифлайди:

Ҳунари бор — ҳеч кимга қарам бўлмас,
Эринчак ҳеч қачон ҳам одам бўлмас!
Ҳалол меҳнат — ҳеч қайда гуноҳ эмас!
Ўғри бўлиб, яхши тўн киялмассан,
Бир ўргансанг, нафсингни тиялмассан.
Давлат кетар, ор билан номус кетар,
Аммо, чивин жонингни қиялмассан.
Баъзига қувлик билан давлат битар,
Баъзилар то ўлгунча тилаб ўтар.
Меҳнат қилмай топганинг — давлат эмас,
Қор сувидай бир зумда оқиб кетар.
Қасам урган қувлардан нари юргил!
Тиниб оқмас сувлардан нари юргил!

Бу юртда тиланчи кўп, эринчак мўл,
Меҳнат севмас... Улардан нари юргин!
(ўша китоб, 74- бет).

Меҳнатсеварлик ахлоқли кишиларнинг ажралмас фазилатидир. Шу туфайли ҳар бир одам ҳалол меҳнат билан шуғулланмоғи даркор. Фақат ҳалол меҳнатгина инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондира олади, унга шараф ва ҳурмат келтиради.

Инсонга меҳрли бўлиш, халқ манфаати йўлида меҳнат қилиш орзуси шоирнинг барча асарларида ифодаланади. У қайси мавзуларда қалам тебратмасин, халқ, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг аҳволини яхшилаш ҳақида ўйлайди. Ёшларда инсонпарварлик туйғуларини кучайтириш, уларни ҳалоллик ва ростгўйлик, дўстлик ва садоқатлилик руҳида тарбиялаш доимо шоирнинг диққат марказида туради.

Абай тарбиянинг турли воситалари ҳақида фикр юритганда оила, мактаб, ижтимоий меҳнат тарбиясига жиддий аҳамият беради ва бу тарбия воситалари бир-биридан ажратилмаган ҳолда доимо бирга олиб борилишини муҳим деб ҳисоблайди. Болалар характери ва дунёқарашининг шаклланишида оила асосий ва беқиёс катта аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, бола тарбияси билан шуғулланувчи ота-оналар, аввало, ўзлари ҳар жиҳатдан тарбияланган бўлмоқлари зарур дейди. Шоир мактаб ҳам, бола тарбиясида муҳим ўрин тутишини кўп марта таъкидлайди.

Улуғ мутафаккир Абай Қўнонбоев бутун ҳаёти давомида халқни нодонлик ва билимсизликдан илм-фан зиёси томон етаклашга интилади. У ўз ҳаётининг сўнгги дамларигача, ёшларнинг, халқнинг мураббийси бўлди, ёшларнинг ахлоқий тарбияси, таълими тўғрисидаги илғор фикрлари билан ўз даврида жуда катта обрў қозонди. Унинг педагогик фикрлари бизнинг даврда ҳам ёшлар тарбиясида салмоқли ўрин тутиши шак-шубҳасиз. Унинг ҳикматларга бой, фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган насиҳатлари ҳамон халқни тўғри йўлга бошламоқда.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

Абулқосим Фирдавсий жаҳон адабиёти, маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сўз санъаткори.

Абулқосим Фирдавсий Тусий номи билан шуҳрат қозонган. Фирдавс (жаннат боғи) сўзидан олинган бўлиб, шоир Тусда (Эрондаги ҳозирги Фирдавс шаҳрида) туғилгани учун Тусий деб юритилган.

Абулқосим Фирдавсий 940—941 йилда Табарон вилоятининг Тус шаҳрига яқин Бож қишлоғида дунёга келди. У Божда отасидан қолган боғда яшади. Ёшликдан халқ оғзаки ижодини, ёзма адабиёт ва тарихни, қадимги афсона ва ривоятларни, араб ва паҳлавий (қадимги Эрон) тилларини мукаммал ўрганди. 35 ёшида (975 й.) «Шоҳнома» асарини ёзишга киришади ва уни ҳижрий 400 (милодий 1010—1011) йилда тугаллайди. 60 минг байтдан иборат бўлган «Шоҳнома»ни Эрон шоҳи Султон Маҳмудга тақдим этади. Аммо асар Султон Маҳмудга маъқул бўлмайди. Шундан кейин Фирдавсий Табаристон (Мазондарон)дан Ироққа ўтиб, Бағдодда яшайди, умрининг охирида ватани Божга қайтиб келади, бир неча йил ўз боғида яшаб, шу ерда ҳижрий ҳисоби билан тахминан 411—416 (милодий 1020—1026 йиллар) орасида вафот этади.

«Шоҳнома» миф ва афсона, ривоят ва достонлардан иборат бўлиб, унда «халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик, чет эл босқинчиларига қарши мардона кураш, марказлашган феодал давлатни вужудга келтириш ғояси, адолатли шоҳ орзуси, яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги зиддият, самимий муҳаббат ва садоқат, маърифатпарварлик, одоб-ахлоққа доир насиҳатлар...» Фирдавсийнинг дунёқараши, истак-орзулари, хусусан эпосининг бош қаҳрамони Рустам образида мужассамлашган»[1].

«Шоҳнома» қаҳрамонлик эпоси бўлиши билан бирга, дидактик асар — насиҳатнома ҳамдир. Унда Фирдавсий меҳнат ва меҳнатсеварлик, илм ва билим, ақл ва ҳикмат, саховат ва ҳиммат ҳақида фикр билдириб, кишиларни одил ва оқил бўлишга чақиради, золимлик, қонхўрлик, танбаллик ва ҳимматсизликни қоралайди.

Фирдавсий меҳнат ва ғайрат-шижоатли бўлишни улуғлаб, танбал, дангаса бўлмасликка даъват этади. Унинг фикрича, ишдан қочган кишидан ном, ор-номус ва журъат ҳам йироқлашади. Қишиларнинг дангасалиги ёмон қалблилик оқибатидир, ёмон қалблилик дангасаликка ҳамовоздир... Жаҳонда меҳнатсиз фойда йўқдир, кимки дангаса бўлса, унга бойлик келмайди... Ёш киши дангаса бўлса, ҳаётнинг қалби ундан тўяди (безор бўлади).

Фирдавсий меҳнат қилиш билан ҳунарларни эгаллашни тарғиб қилар экан, ҳунарнинг моҳиятини таърифлаб, шоҳларга уч нарсани орзу қилишни маслаҳат беради. У дейди:

Тоза бўлса агар подшоҳ зоти,
Яхшиликла қолур жаҳонда оти.
Унга уч нимарса бўлади орзу.
Агар учдан ўтса, тўрт бўлади у.
Пок зоту, ҳунару, насабинг агар,
Бирлашса ажойиб мевалар берар...
Яздон иноятн киши гавҳари,
Ёмонга йўламас, қочар у нари...
Ҳунар ўрганурсан ҳар хил кишидан,
Қочмасанг меҳнату, ранж ташвишидан...

Фирдавсий ҳунарни эъзозлаб, ҳунар энг аввало гавҳардан яхши, ҳунарманд томонидан гавҳар пардозланишини, ҳунар тажриба ва матонат билан қўлга киритилишини айтади. Фирдавсийнинг таъкидлашича, инсон қанча бойлик эгаси бўлса ҳам агар у тажрибасиз бўлса, у ҳунар эгаллай олмайди, ҳар бир инсон ҳаётда яхшилик ва ёмонликни бошдан кечириши керак.

Фирдавсийнинг уқтиришича, ақл ва билим ҳар бир инсоннинг фазилати ва бойлигидир. У ақлни улуғлаб дейди:

[1] **Н. М. Маллаев.** Абулқосим Фирдавсий. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1962 йил, 55- бет.

Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни васф этар кимки дили пок.
Ақл бир тирик жон, билмайди завол,
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.
Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик,
Ақлдан борлигу-йўғлигу, камлик.
Агар ақли хира бўлса ҳар инсон,
Шодликка эриша олмас бир замон
Ақл ва идрокдан безак топса дил,
Уни гавҳар тўла ганжга қиёс қил

(биринчи китоб, 608- бет).

Улуғ шоир инсонларни мангу ҳаёт, ҳаётнинг асоси деб билишга даъват этади. Унинг фикрича ақл раҳнамодир, кўнгилни шод қилувчидир, шодлик ва одамийлик ақл туфайлидир, кўплик ва озлик ундандир. Кимки ақлсиз бўлса, унинг бағри ўз қилмишидан яраланади.

Фирдавсий илмни қудратли куч ҳисоблайди. У тож-тахт учун ҳам, шодлик учун ҳам билим бўлиши шарт эканлигини, илмсиз тож-тахт фойдасизлигини айтади, илмларни эгаллашга чақиради:

Ҳар нечук илмдан эшитсанг бир сўз,
Уни тинмай ўрган кечаю-кундуз.
Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанки, илм бепоён

(биринчи китоб, 37- бет).

Фирдавсий ҳар бир инсоннинг панд-насиҳатга ва ибратли хатти-ҳаракатларга амал қилишини маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, ҳар бир киши эшитган фойдали сўзларини унутмаслиги керак.

Буюк аллома эзгулик ва яхшилик, ширинсуханлик, инсоний фазилатини камол топтиришни, чин инсон бўлишни, ҳар бир киши учун бахт ва шараф эканини айтади. У дунёда одамийликдан кўра яхшироқ иш йўқлигини айтиб дейди:

Жаҳонда қолдирсанг агар яхши ном,
Биздан сўнг фақат шу этади давом

(биринчи китоб, 251- бет).

Шоир ҳирс, очкўзликни қоралайди, унинг инсон бошига келтирадиган фалокатини кўрсатиб дейди:

Фақат одам кўзин ҳирс номли олов,
Кўр қилиб танитмас ким ўғил, ким ёв

(учинчи китоб, 481- бет).

Фирдавсий манманлик, такаббурлик киши бошига ташвиш келтирувчи, ишни орқага кетказувчи иллат эканини айтган:

Манманлик, такаббур келтирди ташвиш,
Шундан сўнг орқага кетаверди иш

(учинчи китоб, 69- бет).

Фирдавсий ватанни эъзозлайди, кишиларни ватанни ёвдан асрашга, халқни яхши томонга бошлашга даъват этади:

Жаҳонни бермайлик, келинг ёмонга,
Барчани бошлайлик яхши томонга

(учинчи китоб, 128- бет).

Достонда Рустам Суҳробга хитоб қилиб дейди:

Ҳаётингни қонли урушга эмас,
Тинчликда тугат деб қилгандим ҳавас

(учинчи китоб, 494- бет).

Улуғ шоир ўз асарида бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бола гарчи шер каби ёввойилашган бўлса ҳам, отанинг кушандаси бўлмаслигини, агарда у шундай йўл тутса, бунинг учун она жавоб беражагини айтади:

Фарзанд бўлса ҳамки шер каби гушна,
Отасин қонига бўлмағай ташна.
Агар бошқачароқ бўлиб чиқса иш,
Сирин онасидан керакдир билиш

(учинчи китоб, 73- бет).

Умуман, Абулқосим Фирдавсий ўз «Шоҳнома» асари билан Марказий Осиё ва Эрон халқларининг кўп асрлик маънавий маданияти тараққиётига, шунингдек педагогик фикр ривожига улкан ҳисса қўшди.

Унинг фалсафий, ижтимоий, ахлоқий-таълимий қарашлари ўз даври ва ундан кейинги давр учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди, панд-насиҳатлари ҳозирда ҳам катта аҳамиятга эга.

Абулқосим Фирдавсийнинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш «Шоҳнома» асаридаги умуминсоний ғоя ва туйғу чечаклари баҳор бўстонидек яшнаб туради

ва ундан ҳар бир давр кишиси, тарбиячи ўз кўнглига мос гулдасталар тера олади. Шу сабабли шоир айтган эди:

Мен асло ўлмасман, мангу яшарман,
Айтган ҳар сўзимда қайта яшарман.
Инсофу эътиқод кимга бўлса ёр,
Менга таҳсин айтиб, этган бахтиёр!

Баҳром дейди:

Ростгўйлик, сахийлик — жони-тани, деб ёз.
Эгрилик, бахиллик душмани, деб ёз.
Аждодлар расмига эҳтиром сақлаб,
Сизни ҳам шу йўлдан элтгум ардоқлаб

(учинчи китоб, 10- бет).

МУСЛИҲИДДИН САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шероз шаҳрида 1184 йилда туғилди. Саъдий мўғул босқинчилари Марказий Осиё ва Эронда ҳукмронлик қилаётган ва халқ уларнинг зулмига қарши курашга отланган даврда яшаб, ижод этди. Саъдий озодлик учун олиб борилган курашда халқнинг ғалаба қилишига ишончини акс эттиради.

Саъдий бошланғич маълумотни мусулмон мактабида олади, уни тамом қилгач, Бағдод шаҳридаги Низомия мадрасасига ўқишга киради, ўқишни тугаллагач, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқади. У ана шу саёҳати даврида ҳаётда юз берган воқеаларни кўради, катта ҳаётий тажрибага эга бўлади. У 1255 йилда ўз она шаҳри Шерозга қайтиб келади ва ҳаётининг сўнгги йилларини ёлғизликда ўтказади. Саъдий ёши 70 га борганда, 1257 йилда ўзининг машҳур «Бўстон», 1258 йилда «Гулистон» асарларини ёзади. У ғазаллардан иборат бўлган «Куллиёт» тўпламидан ўрин олган бу икки асарларида халқни бирлашишга, ҳаётни севишга, ҳаётни яхшилаш учун меҳнат қилишга даъват этади. Саъдий 1291 йилда вафот этади.

Саъдийнинг «Гулистон» асари тарбиявий, панд-насиҳатдан иборат ҳикоя ва ҳикматлар тўпламидир. Адиб бу асарида жаҳонгашталик йилларида ҳаётда кўрган, билган воқеаларни баён этади, улардан ахлоқий хулосалар чиқаради, ҳаётда йўлдан адашганларга тўғри йўл кўрсатади, буни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Масалан, шундай ҳаётий бир ҳолатни қуйидагича ифодалайди:

Чу кўрдинг кўр киши йўлинда чоҳдир,
Индамай ўтирсанг, катта гуноҳдир.[1]

Саъдий назарида ҳар бир инсон фақат ўзи учун эмас, бошқаларнинг тақдири учун ҳам, бутун башарият тақдири учун ҳам жавобгардир.

Саъдий ҳаётда инсонни пок, иродали, кучли ва мағрур кўришни орзу қилади. У меҳнат аҳлини эъзозлайди. Шунинг учун ҳам инсоний қадр-қимматни меҳнатда, ҳунарга таянишда деб тушунади ва шундай деб таълим беради:

Ўз меҳнатидан нон еган киши
Ҳотам миннатидан озод ёз-киши

(ўша китоб, 6- бет).

Саъдий ўзидан олдин яшаган мутафаккирларнинг ватанпарварлик, халқпарварлик анъаналарини ривожлантириб, оталар тилидан ёшларни халққа содиқ бўлишга чақиради.

«Ўғлига отаси қилди васият:
Бахтиёр болам, қуй қулоғингга панд—
Ўз элига вафо қилмаган киши,
На севимли бўлур ва на донишманд

(ўша китоб, 150- бет).

Саъдий зулм ва адолатсизликка қарши чиқади, одамлар ўртасида инсоний алоқа, меҳрибонлик, меҳр-оқибат бўлишини тарғиб қилади. У инсониятни бир бутун тана деб билади, ҳар бир одамни унинг бир қисми ҳисоблайди. Тана — инсоният соғлом бўлиши, унинг барча аъзолари ҳам соғ бўлиши керак. Тананинг бирор қисми шикастланса, қолган аъзолари ҳам шикастланади, инсон ўз қобилиятини, тинчлигини йўқотади, шунинг учун адибнинг фикрича, мурувват ҳар бир одамнинг асосий фазилати бўлмоғи лозим. Саъдий мурувватлик фазилатига эга бўлган одамни ҳақиқий инсон ҳисоблайди.

Саъдий инсон деган номни юқори поғонага кўтаради. Саъдийнинг назарида ҳақиқий инсонпарвар ўз халқи-

[1] **Саъдий.** Гулистон. Ғ. Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти. Т., 1968, 6- бет.

нинг душманига нисбатан шафқатсиз бўлиши керак. Бу хусусиятга эга бўлган одам ёш авлодда ўз халқига муҳаббат, унинг душманига нафрат ҳиссини тарбияламоғи лозим. Саъдий барча халқларнинг тенглиги ғоясини олдинга суради, ёшларда барча халқларга нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялашни талаб этди.

Саъдийнинг уқтиришича, ёш болани ҳақиқий инсон қилиб камол топтириш учун тарбия жараёнида унда ҳаёт учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш керак. Бу эса, инсонда аста-секин, аввало оилада ва мактабда тарбия йўли билан, катта бўлганда эса ҳаётий тажриба ёки ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида шаклланади:

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг,
Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ

(ўша китоб, 145- бет).

Саъдийнинг фикрича, қобилиятли ва кам қобилиятли болалар бўлади. Аммо қобилият ўз-ўзидан ривожланмайди. Унинг ривожланиши учун болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги бор қобилият ҳам йўқолади. Унинг камол топиши учун камолотга асос бўладиган қобилият негиз бўлиши керак.

Саъдий ўз фикрининг исботи учун «Гулистон» асарида қуйидаги ҳикояни келтиради.

«Бир вазирнинг такасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманд ҳузурига элтиб: «Шуни тарбия, қил, шояд ақли кириб, одам бўлса»— деди. Донишманд вазирзодани узоқ муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали: «Ўғлинг одам бўлмади, мени ҳам ақлдан оздирди»— деб хабар қилди.

Саъдий бу воқеадан шундай хулоса чиқаради:

Қобилият бўлса аслида,
Тарбия унга қилади асар.
Қанча уринса бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмаса жавҳар

(ўша китоб, 143- бет).

Саъдий ўз педагогик қарашларида тарбияни уч асосий кўринишга — ақлий, нафосат ва жисмоний, меҳнат тарбиясига бўлади. Адиб болани тарбиялаш вазифасини уларнинг ота-оналарига, айниқса—отага юклайди, яъни

оилавий тарбияга катта эътибор беради. Шунинг учун, у кўпроқ ота-оналарга, кўпроқ отага мурожаат қилади:

«Ўтай яхши ном бирла десанг агар,
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.
Агар бўлмаса ақлу фикри унинг,
Нишон қолмагай сендан ўлган кунинг.
Ота-онаси эркалатса нуқул,
Жуда кўп қийинчиликни кўргай ўғил.
Ақл ўргату, тўғрилик, поклик,
Севиб эркалатма, қил идроклик...
Агар сенда Қорунча ҳам, бўлса зар,
Ўз ўғлингни қолдирмагил беҳунар»

(ўша китоб, 110—111- бет).

Саъдий ота-оналарга ҳар бир фарзаднинг хулқ-атворини ҳисобга олган ҳолда болаларни қобилиятли қилиб ўстиришни, ахлоқий тарбияни ёшлигидан бошлашни тавсия этади. Саъдийнинг уқтиришича, хулқ-атвор шаклланиб бўлгач, болага тарбия унча кор қилмайди, дейди.

Ақлий тарбия, Саъдийнинг назарида, билимни эгаллаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқдир. Ақлий тарбия уни ҳаётда синаш жараёнида ривожланиб боради.

Саъдий билимни ҳаётга татбиқ этишни ташвиқ этар экан, унинг ҳаётий моҳиятини исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, билимни эгаллаган одам ақлли ва ахлоқлидир. Бундай одам жамиятда қадрланади, қаерда бўлмасин, уни ҳамма ҳурмат қилади, у ҳамма ерда шуҳрат қозонади. Саъдий илмга амал қилмаган олим ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Бир одамдан: «Илмига амал қилмаган олим нимага ўхшайди?»— деб сўрадилар. У жавобида: «Болсиз асаларига ўхшайди!»— деди (ўша китоб, 173- бет).

Саъдийнинг фикрича: «... Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган ва иккинчиси эса илм олиб, амал қилмаган одам.

Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан

(ўша китоб, 157- бет).

Одам билимни турмушда фойдаланиш учун эгаллайди, тажрибада қўлланмаган билим фойдасиздир.

пиради дейди. Ғийбатчилик, чақимчилик, ёлғончилик — инсон учун ёмон хислатдир, деб ҳисоблайди.

Саъдий ёшларни кишилар билан мулоқотда бўлишда эҳтиёт бўлиб, хушахлоқлик билан ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришга даъват этади. Ақлли одам кўп ва ўйламасдан гапирмайди, гапирганда ҳам ҳар сўзини дилидан қимматбаҳо ёқут каби саралаб чиқаради. Бемаврид, беҳуда сўзлаб, ўзининг ҳам, сўзининг ҳам қадрини кетказмайди. Уни биров тингламас экан, яхшиси сукут сақлаши керак.

Аммо барча ҳолатларда сукут сақлаш кишининг ақллилигидан дарак эмас. Шунинг учун, ўз ўрнида сўзлаб, ўз билими ва донолигини намоён этмоғ ҳам лозим. Бу ҳақда Саъдий шундай ҳикоя қилади: «Саҳбони Воилни фасоҳатда тенги йўқ, деб ҳисоблар эдилар, чунки у бир мажлисда бир йил давомида сўзласа ҳам бир ишлатган сўзини такрорламасди. Бир фикрни иккинчи марта айтишга мажбур бўлган тақдирда ҳам, бошқа иборалар билан ифода этарди, дейди:

Сўзинг гарчи дилкаш ва ширин бўлур,
Мукофоти тасдиқу таҳсин бўлур.
Бир айтдингми, айтма уни ўзга дам,
Тўйиб бир едингми етар, ҳолва ҳам»

(ўша китоб, 119- бет).

Агар киши мунозарага таклиф қилинмаса, у бошқалар гапини бўлмаслиги, катталарга қараганда ўзи кўп нарсани билса ҳам ҳадеб ҳамма нарсага аралашавермаслиги лозим, дейди Саъдий.

Саъдий ёзади: «Биров гапини тугатмасидан бурун гапга аралашадиган кишидан кўра ортиқроқ ўз нодонлигини ошкор қиладиган одам бўлмайди»— дейди ва фикрини шундай хулосалайди (ўша китоб, 119- бет).

«Эй оқил, сўзнинг ҳам бош-оёғи бор,
Ўзга сўзга сўзинг қистирма, зинҳор.
Ақлу хуш эгаси тадбирли инсон,
Сўз бошлар суҳбатдош жим бўлган замон»

(ўша китоб, 120- бет).

Шу зайлда Саъдий ўзининг «Гулистон» асарида одамлар билан мулоқот одобини баён этади.

Саъдийнинг уқтиришича, дўстлик икки муҳим хусусиятга — самимийлик ва тарбиявийлик хусусиятига эга.

Адиб бошига кулфат тушган одамга мурувват кўрсатган, унинг душманларини ўзининг душмани деб билган одамни ҳақиқий дўстдир дейди. Адиб дўстлик мустаҳкам бўлиши учун қуйидагиларни шарт қилиб қўяди:

...Гар оқил эсанг, дўстдан кечмагил,
Ўшанда ғаним кўз очолмайди бил...
Агар сен эсанг дўст билан жону тан,
Ғаним емирилур шоху илдиз билан

(ўша китоб, 136- бет).

Саъдий бу шартларга амал қилинмас экан, демак, дўстлик самимий эмас, дейди. Унинг назарида ҳақиқий, самимий дўстлик инсон қалбида ўчмас из қолдиради, унинг ахлоқий қиёфасига таъсир кўрсатади.

Саъдий дўстликнинг тарбиявий аҳамиятини юқори баҳоланган ҳолда, ота-оналарни огоҳлантириб, ўз болаларини ёмонлар билан мулоқотда бўлишига йўл қўймасликларини уқтиради. Ота-оналар, айниқса, ота боласи тарбиясига эътибор бермаса, бола ёмон одамларга қўшилиб қолиши мумкин. Саъдийнинг бу фикри халқнинг «Бола азиз, одоби ундан азиз» мақолига ҳамоҳангдир.

Саъдий ўз асарларида меҳнат тарбиясига катта эътибор беради: ҳар бир ёш авлод оиласидаги аҳволидан қатъи назар, ҳунар ўрганиши кераклигини айтади:

Ҳунар лозим, нақшни чизса бўлғай,
Деворларга бўёқлар пушти, зангор.
Агар бўлмас экан фазлу ҳунар ҳеч,
Билиб бўлмас одамми, нақши девор

(ўша китоб, 151—152- бетлар).

«Гулистон» асарида Саъдий бир отанинг ўз ўғлига ҳунар ўрганиш кераклигини уқтирганини баён этади. Ота дейди: «Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, ...ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса ҳамиша машаққат чекади, ўзгалар қўлига қарайди (ўша китоб, 117- бет).

Саъдий оилада аёлларнинг мавқеи ҳақида тўхталиб, аёллар ҳаётда эрлари учун дўстдирлар. Аёллар нафақат ташқи кўринишдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам гўзал, ростгўй, итоаткор, ўз эрига содиқ, ширин сўз бўлишлари ва оиланинг бахти, мустаҳкамлиги учун ғам-

хўрлик қилиши ва курашмоғи лозим дейди, оналарни инсонга ҳаётбахш этган улуғ зот сифатида улуғлайди.

Саъдийнинг уқтиришича, оила боланинг бахтли келажаги учун замин яратади. Шоир оилада асосий таянч деб отани билади ва ҳаётдан мисоллар келтириб, болалар тарбияси бўйича бир қанча таклифлар билан ота-оналарга мурожаат этади, шу йўл билан ўз давридаги тарбия мазмуни, халқ педагогикаси усулларини уларга тушунтиришга ҳаракат қилади. Саъдий ота-оналарга, айниқса, оталарга ўз болаларини тарбиялашни, ўқитишни, ҳунар ўргатишни, жисмонан чиниқтиришни, уларга одамлар билан мулоқотда бўлиш одобини ўргатишни, соғлом бўлиш учун муайян меъёрда овқатланишга одатлантиришни тавсия этади.

Умуман, Саъдий Шерозийнинг педагогик қарашлари — таълим-тарбия ҳақидаги фикрларидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Саъдийнинг педагогик фаолиятига хос *биринчи хусусият* шуки, ҳаётнинг ўзи, шунингдек, халқ ҳаёти ва турмуш тарзи ифодаланган халқ оғзаки ижоди тарбия ҳақидаги қарашларининг негизини ташкил этади. Бу хусуснят Саъдий қарашларини халққа яқинлаштиради, асарларининг халқчиллигини таъминлайди; *иккинчи хусусият* — бу қарашларининг байналминаллиги, инсонпарварлиги ва ватанпарварлиги, шунингдек, дини, эътиқоди, жинси ва миллатидан қатъи назар, барча одамларга нисбатан ҳурмат билан қарашидир; *учинчи хусусият* — одамларни меҳнатни севишга ва бошқаларга фойда келтиришга даъват этишидир; *тўртинчи хусусият* — дўстлик ва биродарлик бурчини шахсий манфаатни кўзлаб эмас, балки тарбиявий аҳамияти ва ижтимоий моҳиятига қараб адо этишдир; *бешинчи хусусияти* — ота-оналарнинг ёш авлодда юксак инсоний ахлоқни тарбиялашга даъват этилишидир.

Саъдий шу қарашлари билан кейинги авлодларга ўлмас мерос қолдирди.

Саъдий асарлари фақат Шарқда эмас, балки Ғарбий Европада ҳам шуҳрат қозонган. Машҳур француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер «Гулистон»дан хабардор бўлган ва шеърларидан фойдаланган.

Улуғ немис шоири Гёте Саъдий «Жуда маҳсулдор ва файзли», «ҳаёт тажрибаси билан бойиган жуда яхши шоир» деб унга юксак баҳо берган.

Бу нодир асар 1390—1391 йилларда Сайфи Саройи,

XIX асрнинг иккинчи ярмида шоир Огаҳий, 1909 йилда Муродхўжа домла Солихўжа ўғли томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ[1]

Жалолиддин Румий 604 ҳижрий сананинг рабиул аввал ойининг олтинчи кунида — милодий 30 сентябрь 1207 йилда Балх шаҳрида туғилди. Отаси Муҳаммад Баҳовиддин Валад ўз замонининг машҳур сўфийси бўлган, Султон-ул уламо аталган.

Баҳовиддин Валад беш яшар ўғли Жалолиддин билан Балхдан кетиб Нишопурдан ўтаётганларида улуғ шайхлардан бири, машҳур шоир Фаридиддин Аттор билан учрашадилар. Фаридиддин Аттор Жалолиддинга ўзининг «Асрорнома» асарини туҳфа қилади.

Баҳовиддин Валад Нишопурдан Туркия ерларига ўтиб, Арзиндонда, сўнгра Оқшеҳирга келади ва шу шаҳардаги мадрасада тўрт йил дарс беради. Сўнгра Оқшеҳирдан Лоранда шаҳрига (ҳозирги Қараман) боради. Шаҳар ҳокими Амир Муса унга атаб махсус мадраса қурдиради ва уни мадрасанинг бош мударриси этиб тайинлайди. Кейин Баҳовиддин Валад турк султони султон Алоиддин Қайқубоднинг таклифи билан Қунёда шаҳрига бориб, шу ердаги олтинпо мадрасасида истиқомат қилади.

Жалолиддин илмларни, асосан, отасидан ўрганади, Лоранда шаҳрида илмини камолга етказади, отаси Қунёдага кетгач, унинг ўрнига бош мударрис этиб сайланади, ваъзхонликда шуҳрат қозонади.

Жалолиддиннинг Қунёда шаҳрида тасаввуф илми сирларини мукаммал эгаллаган, замонанинг машҳур шайх-сўфийларидан бўлган Шамсиддин дарвеш — Табризий билан учрашуви ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Жалолиддин шайхга ихлос қўяди, суҳбатларида бўлади, бутунлай тасаввуфга берилади ва шу руҳда шеърлар ёзади, турк-ислом тасаввуф адабиётида буюк шоир

---

[1] Ушбу мақола Ўзбек совет энциклопедияси, (4-китоб. Т., 1973, 296-бетлар), Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» асари (Т., 1986, 249-бет) ва Жалолиддин Румийнинг «Учмоққа қанот йўқ вале учгайман» шеърлар тўплами (Жамол Қамол, Тоҳир Қаҳҳор нашрга тайёрлаган. Т., 1994) даги материаллар ҳамда «Ичиндаги ичиндадир» асари («Шарқ юлдузи», 3—4, 5—6, 7—8-сонлари, 1995) асосида тайёрланди.

сифатида танилади. Унинг 54000 байтдан иборат шеърлар тўплами «Девони Шамси Табризий» деб аталади. Таниқли рус адабиётшунос олими Е. Э. Бертельс Жалолиддин шеърларини: «Жалолиддин лирикаси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқлардан биридир»[1] — деб баҳолаган.

Унинг «Маснавий» асари оламни чуқур билишга ва ўз-ўзини англашга интилган инсон руҳининг буюк тароснидир. «Маснавий» олам ва башариятнинг бирлиги, унинг ранг-баранглиги, инсоннинг улуғвор ишлари, заифлиги, муҳаббат ва нафрат ҳақидаги бебаҳо мероснидир.

Жалолиддин Румий умр бўйи диний ижод билан шуғулланиб, 1273 йилнинг 12 декабрида вафот этади. Жалолиддин Румий вафот этган бўлса-да, унинг номи башарият қалбида абадий қолди. Унинг ўзи ҳам буни биларди: «Мен тахтдан тобутга сакрайдиган султонлардан эмасмен, менинг манглайимда абадият муҳри бордир»,— деган эди буюк шоир.

Жалолиддин Румий фақат шоир бўлиб қолмай, машҳур файласуф ҳам бўлган. У ўзининг «Маснавий», «Девони кабир» («Улуғ девон»), «Фиҳи мо фиҳи» («Унда қандай бўлса, бунда ҳам шундай»), «Макотиб», «Мажолиси саъба» каби асарлари билан озод фикр ва назарий тафаккурнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Мазкур асарларидаги ҳикоя, афсона, масала ва латифалар, ривоятларда фалсафий ғояларни олға сурган.

Улуғ шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий бутун умри давомида инсон руҳи эркинлигини, ирқи, тили ва диний мазҳабидан қатъи назар, инсонлар тенглигини ҳимоя қилди, инсон иродасини озодликнинг муҳим воситаси деб ҳисоблаб, шу асосда ахлоқ-одоб масалалари ҳақида фикр баён этди.

«Подшо ва канизак ривоят»ида баён этилишича, бир подшо кўнгил очмоқ учун шикорга чиқади. Йўлда бир канизакни кўриб, чиройига мафтун бўлиб, уни севиб қолади. Ногаҳон қиз беморланиб ҳушидан кетади. Шоҳ табибларни чақиртиради, бироқ улар даво тополмайдилар. Шунда шоҳ масжидга боради ва меҳробда туриб тангрига нолалар қилиб, йиғлаб, қизга даво беришни сўрайди, уйқуга кетади. Тушида бир мўйсафид кўринади ва эртага қизни даволайдиган ҳаким келажагини

[1] Ўзбек совет энциклопедияси. II китоб. Т., 1978, 296-бет.

айтади. Ҳаким келганда шоҳ уни иззат-икром билан кутиб олади. Ҳаким малика ётган жойга кириб, ёқимли сўзлар билан ундан ҳол-аҳвол сўрайди. Малика бошдан ўтган сиру синоатларини баён қилиб, севгилиси Самарқандда заргар йигит эканини ва унинг турар жойларини айтиб беради. Ҳаким шоҳни воқеадан хабардор қилади. Шоҳ Самарқандга одам юбориб, йигитни олдириб келади, унга инъомлар тақдим этади. Қиз севгилиси билан тошишади, соғаяди, ёри билан Самарқандга кетади. Орадан олти ой ўтганда қизни тузатган ҳаким йигитнинг дўконига келиб пайт пойлаб унга ажал шарбатини ичиради, у оламдан ўтади. Қиз ғам-андуҳда ранглари саргаяди, охирида тақдирга тан беради.

Бу ривоятида Румий подшонинг канизакка нисбатан кўрсатган меҳр-шафқатини, боадаблигини эъзозлаб, адаб бирлан жаҳон нурга тўлишини, фалак пок, мусаффо бўлишини таъкидлаб:

Нурга тўлгай, боқ, адаб бирлан фалак,
Пок, мусаффодир адаб бирлан малак,—

дейди. Румий вафодорликни, севгида садоқатли бўлишни ташвиқ этади, ишқ Аллоҳнинг устурлоби асрори эканини, унга даво йўқлигини айтади, одамларни фитна, хунрезликни орзу қилмасликка даъват этади.

«Баққол ва унинг тўтиси ҳақида ҳикоят»ида шундай воқеа тасвир этилади: Бир баққолнинг тўтиси бор эди. У жуда сўзамол эди. Савдо аҳллари уни нотиқ деб билишарди. Бир куни баққол уйга кетганда, у учмоқчи бўлади. Шунда қаноти гул ёғи идишига тегиб, у тўкилади. Баққол қайтиб келганда тўкилган ёғларни кўриб, тўтининг бошига уриб-уриб кал қилади. Тўти шу кундан эътиборан сўзлашни тарк этади. Баққол қилган ишидан афсусланиб сочларини юлиб йиғлайди, ёрдам истаб дарвешларга ҳадялар беради, тўтидан кечиримлар сўрайди. Аммо тўти сўзламайди. Орадан уч кун ўтади. Бошида бирорта туки йўқ бир дарвеш ўтиб қолади. Тўти тилга кириб, ундан қандай гуноҳи учун кал бўлиб қолганини сўрайди, балки сен ҳам ёғни тўккандирсан, дейди. Халойиқ унинг гапларини эшитиб кулади, дарвешни ўзига ўхшатди, шекилли дейишади.

Шоир бу воқеани тасвирлаш билан, ҳаётда ҳамма одамлар тенг эмасликларини уқтириб, ари ҳам ҳар хил бўлиб, бири заҳар йиғса, бири асал тўплашини, оҳу бир

хил гиёҳ еса ҳам, сарҳисобда биридан тезак, биридан мушки ноб келишини айтади ва:

Ҳисси дунё — шу жаҳонга нарвон,
Ҳисси диний — осмонга нарвон.
Ул бирига дору дармондир табиб,
Бул бирига дору дармондир ҳабиб[1].

деб ҳикояни якунлайди.

Румийнинг уқтиришича, дунё тўплаш, меҳнат қилиш бу жаҳонда яшаш йўли, Аллоҳ ҳузурига солиҳ банда бўлиб бориш йўли эса, диний қонун-қоидаларга амал қилиш ва шу йўлда саъйи ҳаракатлар қилишдан иборатдир.

Бу дунёда баққолга ўхшаганларга табиблар дору дармонлик қилади, тўтидай фазилат эгаси бўлганларга эса Муҳаммад алайҳиссаломгина дору дармондир, мададкордир.

«Ҳудҳуд ва Сулаймон ҳақида ривоят»ида эса мана бу воқеа баён қилинади:

Сулаймон шоҳ шикорда юрганида бир жойга келиб чодир тикадилар. Жаҳондаги барча қушлар учиб келиб, унга бош эгишади, хизматига шайланиб туришади. Ҳаммалари ғоятда аҳил, билган ҳунарларини намойиш қиладилар. Сўз навбати Ҳудҳудга келганда, у кўкдан туриб назар солса, ернинг усти ва тагидаги барча нарсаларни, рангини, қаерда қанча сув борлигини кўриш ҳунарига эгалигини изҳор қилади. Шоҳ унинг сўзларини маъқуллаб, чўлларда ўзига ҳамроҳ топиб олишини билдиради. Шу пайтда зоғ-қарға пайдо бўлиб, Ҳудҳуд сўзлари ёлғон, одобсизлик, деб Шоҳда шубҳа туғдиради. Шоҳ, унинг гапларида жон бор, деб ўйлаб Ҳудҳудни сархушликда айблайди. Шунда Ҳудҳуд ўз сўзлари чин, ҳақ эканини айтиб, зоғ қавми ўзига азалдан душманлигини, у ўлимга мункирлигини уқтиради ва ўзи кўзи кўр бўлмагунча йироқдан домни беҳад кўражагини айтди.

Румий бу ривоятида ҳамзабонлик — дўстликни дилни-дилга ошно — бегонани пайванд этувчи восита эканлигини таъкидлар экан, ҳамдил бўлиш ундан ҳам яхшилигини айтиб, ҳинд билан туркнинг бир-бири атрофида парвона бўлишини эъзозлайди, икки туркнинг бир-бирига бегонадек бўлишидан афсусланади. Унинг фикрича,

[1] **Жалолиддин Румий.** Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. Т., 1994, 12- бет.

агарда одамлар ўзаро аҳил бўлсалар, нутқбозликка ҳожат йўқ. Қалблар ўзи таржимонлик вазифасини бажаради. Шоир дейди:

Ҳамзабонлик дилни-дилга банд этар,
Ошно-бегонани пайванд этар.

(ўша китоб, 16- бет).

Румий турли тилда сўзлашувчи миллатлар ўзаро дўст бўлсалар, ўртада воситачига ҳожати йўқ, деб билади:

Ўртада ул нутқи бийрон не карак,
Таржима қилмоққа қодирдир юрак...

(ўша китоб, 16- бет).
дейди Румий.

Аллома ривоятида Ҳудҳуд тилидан ҳасадни қоралайди, зоғ хусусиятига эга бўлган ҳасадгўйлар ҳақ ҳукмига маҳкумдирлар дейди.

Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асарида дўстлик, ахлоқ-одоб ҳақида билдирган фикрлари ғоят муҳимдир. Бу асарига кирган ва «Биттаси», деб бошланадиган ҳикоятида дўстлик ва иноятни улуғлаб, унинг содир бўлишини мисолларда баён этади, ҳақиқий дўст бамисоли кўзгу бўлишини уқтиради. У дейди: «Биттаси: «Биз нуқсонлимиз!» деди. Бошқаси эса, кишида қандай ҳолдаман, нималар қиляпман, дея ўз-ўзини тергаш туйғусининг уйғониши дўстлик ва иноят далилидир. Чунки «Севги бор жойда ситам ҳам бўлади». Бегоналарга эмас, дўстларига ситам қилинади. Аммо ситамда ҳам ситам бор. Ситам ундан мухтасар бўлганга, унинг ўзи учун яхшилик ва севги эканлигини билганга қилинади. Шу билан бирга, ҳеч таъсир қилмайдиган борки, бу севги аломати эмас. Масалан, гиламни чангдан тозаламоқ учун калтаклашади. Ақллилар бунга танбеҳ бериш демаслар. Аммо бир севган кишисини ёхуд боласини урсалар, бунга ситам дерлар. Шунинг учун модомики, сен ўзингда бир дард ёки пушаймонлик ҳис этаркансан, билгилки, бу сенга Аллоҳнинг инояти ва севгисидан бир далилдир. Агар сен оға-инингда бир қусур кўрсанг, бу сендаги нуқсоннинг аксидан иборатдир. Олам ҳам худди шундай ойнадир. «Мўмин мўминнинг ойнасидир» (Ҳадисдан). Сен ўша қусурни ўзингдан узоқлаштир. Чунки ундан ҳосил бўлган сендаги изтироб ўзингдан

чиққан ғамдир. Ундан хафа бўлганинг замон ўзингдан ҳам инжийсан»[1].

Румий бошқа бир ҳикоятида қаноатсизлик кўнгилсиз ҳолатлар келтиришини айтиб, кишиларни сабр-қаноатли бўлишга чақириб, мол-дунёда ҳам маълум ўлчов борлигини кўрсатади.

У дейди: «... аттор дўконига боришинг билан у ерда шакарнинг жуда кўп эканини кўрасан. Бироқ аттор сенинг пулингга яраша шакар беради... Худди шундай, одам борки, денгизларга қонмайди, одам бўладики, бир томчи сув билан кифояланади, ортиқчаси унга зарар келтиради. Бу фақат маъно оламида, яъни илм ва ҳикматда эмас, балки ҳамма нарсада шундай.

Дунёдаги мол-мулклар, олтинлар, қимматбаҳо тошлар конлари сўнгсиз ўлчовдадир. Бироқ улар инсонга баҳоси миқдорида келади. Ортиқчасини эса кўтаролмай, ақлдан озади» (ўша журнал, 196- бет).

Румий «Фасл» ҳикоятида иймонни улуғлаб, уни ҳатто намоздан юқори ҳисоблайди, иймон одамлар учун абадий эканлигини уқтириб шундай дейди: «Бири: «Намоздан афзалроқ нима бор?» деб сўради.

1. Айтганимиздек, намознинг жони (руҳи) ўқилган намоздан яхшироқдир.

2. Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин.

Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози сингари» (ўша журнал, 197- бет).

Жалолиддин Румий одамларга мурожаат қилиб, уларни бу дунёда ҳамжиҳат, ҳамкор бўлишга даъват этади: «Одамлар,— дейди шоир,— биз бу дунё уйида бирга эдик, дейишлари ва бир-бирлари билан гўзал бир тарзда келишиб, боғланишлари керак... одамнинг яхши ва ёмонлигини бир четга қўйиб, унинг шахсиятига, аслига эътибор бермоқ керакки, кўрамиз, ул зотнинг қандай ўзлиги ва жавҳари бордир. Кўрмоқ ва билмоқ мана шунақа бўлади»[2].

[1] Шарқ юлдузи, 1995 й., 3—4- сонлари, 192—193- бетлар.
[2] Шарқ юлдузи. 1995 й., 5—6- сонлари, 198- бет.

Демак, дўст танлашда инсон шахсиятини, унинг кимлигини кўриш ва билиш — муҳимдир.

Румийнинг таъкидлашича, ҳар бир одам аввало ўзини синаб кўрмоғи: кулиши, йиғлаши, рўза тутиши, намоз ўқиши, ёлғизлик, биргалик ва шунга ўхшаш нарсаларнинг қай бири ўзига фойдали эканини, қайси йўлдан борса, аҳволи тез яхшиланишини ўйлаб кўриши лозим, унинг илгари силжишини қайси иш таъмин этса, шу йўлдан бориши лозим.

Жалолиддин Румий ақл ҳақида сўз юритар экан, уни инсон вужудида бир амр деб билади. Унинг таъкидлашича, «Мабодо вужуд раиятлари унга бўйинсунса, барча ишлар текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан бу қўлу оёқдан ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаъқулликни кутса бўлади (ўша журнал, 208- бет).

Румийнинг фикрича, инсон ана шундай ҳолатга тушмаслиги учун, вужуд раиятлари ақлга бош эгишлари зарур. «Чунончи, тикувчилик дўконига ишга берилган ёш бола устага итоат қилиши лозим. Модомики боланинг мақсади ушбу касбни ўрганмоқ экан, демак, у ўз тасарруфидан воз кечиб, устанинг амрига «лаббай» деб жавоб бериши шарт. (Худди шундай биз ҳам) Улуғ Тангридан фақат Унинг иноятн асирлари ҳисобланган юз минг заҳмат ва риёзатдан устунроқ бўлган иноят сўраймиз» (ўша китоб, 208- бет).

Румий ўз педагогик қарашларида амал ва илм ҳамда иккисига эга бўлган инсоннинг ҳаётда тутган мавқеига алоҳида эътибор беради, илмни ҳамма нарсадан устун қўяди, одамларни илмли бўлишга даъват этади.

Амал ҳамда илм мавжуддир,— дейди шоир.— Баъзиларнинг амали бор-у, илми йўқ. Баъзиларда эса, аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир» (ўша журнал, 210- бет).

Румийнинг инсон руҳияти, унга хос хусусиятлар ҳақидаги фикрлари ҳам педагогик аҳамиятга эга. Аллома одамларни ўз умрларини беҳуда ўтказмай, ғофилликни ташлаб, инсонлар учун фойдали иш қилишга чорлайди. Буни «Фасл» ҳикоятида кўриш мумкин. Ҳикоятда «Инсонда,— дейди Румий,— шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу ва дард бордирки, юзмингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчимайди. У машғул бўлган ишида, санъатда, илми нужумда, ҳакимликда... ҳамма-ҳамма жойда ҳам ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсасини қўлга

киритолмаган. Ёр дилоромдир, яъни кўнгилни тинчлантирувчи, демакдир. Шундай экан, кўнгил бошқа билан қандай хотиржам бўлсин. Завқ ва орзулар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зинапояларда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!» (ўша журнал, 212- бет).

Жалолиддин Румий таълимда ҳар бир ўқилган китобнинг маъносини билиш муҳимлигини таъкидлайди, маънога эътибор бермаслик кўр-кўрона ўқиш эканлигини айтади.

Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик севмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради. Бу жараён суратда (шаклда) аксинча кечади. Чунки сурат бошида хуш ва латиф туюлади, бироқ у билан қанчалик кўп бирга бўлганинг сари ундан шунчалик қаттиқ совуб борасан. Қуръоннинг сурати қайда-ю маъноси қайда? Худди шундай, инсонга боқ! Агар инсон суратидан маъноси кетса, жасади қолади. Жасадни эса, ҳеч ким ушлаб турмайди» (ўша журнал, 222—223- бетлар).

Демак, китоб ўқишдаги асосий мақсад маънодир, уни англаш, билишдир.

Умуман, Жалолиддин Румий фақат диний, бадиий, фалсафий ижод билан шуғулланмай, ўз асарларида таълим-тарбия ҳақида ҳам фикрлар билдирди. Унинг бу фикрлари ёшлар тарбияси ривожида салмоқли аҳамият касб этди.

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ[1]

Шарқнинг буюк шоири, файласуфи, мутафаккири ва ўз даврининг «Мирзо Малик уш-шуароси» Мирзо Абдулқодир Бедил Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида 1664 йилда ҳарбий хизматчи оиласида туғилади. Бир ёшида отасидан етим қолади, онасининг тарбиясида вояга етади. Беш ярим ёшида уни мактабга берадилар. Абдулқодир 7 ёшидаёқ саводли бўлиб, 10 ёшида араб тили грамматикасига оид «Кофия» китобини пухта ўзлаштиради.

Абдулқодир билимни, асосан, уйда эгаллайди. Амаки Мирза Қаландар, тоғаси Мирза Зарифнинг ёрдами билан тасаввуф фалсафасини, ҳинд ва урду тилларини, юнон, айниқса, Аристотель фалсафасини ўрганади. Шоҳ Камол, шоҳ Фозил ва Мирзо Абдулқосим каби олимлардан таълим олади, ўз даврининг олим, шоир ва санъаткорлари билан самимий мулоқотда, муносабатда бўлади ва ижод қилади.

Бедил шоҳ Аврангзебнинг ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ навкарлигида ҳам хизмат қилади. Аммо у ҳарбий хизматда узоқ вақт бўлмади, ўзининг яхши кўрган машғулоти — илм-фан ва адабиёт соҳасида ишлашга киришади.

Бедил туғилган шаҳри Азимободдан Ҳиндистон пойтахти Деҳлига кўчиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1721 йилда вафот этади.

Бедил Ҳиндистон халқлари — ҳинд ва мусулмонларнинг турмушини диний ва миллий урф-одатларини, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганади. Бу — унинг ижодиёти учун муҳим манба бўлди.

Бедил Ҳиндистон, Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон, Арабистон фани, адабиёти, фалсафасига доир асарларни қунт билан ўрганиш орқали ўз даври маданиятининг юксак босқичига кўтарилди. У Низомий, Аттор, Саъдий, Жомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур каби буюк аллоларнинг бадиий ва илмий асарларини зўр қизиқиш, меҳр билан ўқиб, ўрганади. Ўзи «Бедил» (яъни «Дилсиз») тахаллуси билан 130 мингдан ортиқ шеърий, 50 босма табоқдан зиёд насрий асарлар ёзади. «Тилисми ҳайрат» (1669), «Тарқибот ва таржибот», «Муҳити аъзам» (1681), «Турли маърифат» (1687), «Ишорат ва ҳикоёт», «Риқаъот» («Мактублар»), «Ғазаллар», «Рубоийлар», «Касидалар», «Чор унсурлар» («Тўрт унсур», 1703), «Ирфон» («Билим», 1721) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бедил ўзининг «Ирфон» асарида табиёт, ижтимоиёт, адабиёт, фалсафа масалалари хусусида фикр баён қилиб, кишиларни, бинобарин ёшларни ҳам илм-маърифатга, адолатга даъват этади, ҳунарни, санъатни, шахс эркинлиги, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик ва адолатни мадҳ этади. Бедилнинг «Ирфон» асаридан ўрин олган «Комде ва Мудан» достонида адолатсизлик устидан адолат тантанаси ғояларини ифодалади, бу достони билан

[1] Ушбу мақола академик Иброҳим Мўминовнинг «Мирзо Бедил» асари ва «Ўзбек совет энциклопедияси» деб берилган маълумотлар асосида тайёрланган.

ўз замонасининг адабиёти, ижтимоий, педагогик фикрлар тарихида янгилик яратди.

Достон мазмуни қуйидагича:

Қомде — уста раққоса. У подшо саройидаги базмларда ўз рақси билан томошабинлар олқишига сазовор бўлади.

Кунларнинг бирида бошқа юртда шуҳрат қозонган ҳофиз Мудан Қомде ватанига келади. Шоҳ саройидаги бир базмда ашула айтиб, соз чалади, ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлади, шоҳ унга қимматбаҳо инжу тақдим этади. Шу онда Қомде ҳозир бўлиб, рақс тушади. Базм қатнашчилари уни қизғин олқишлайдилар. Мудан Қомденинг юксак санъатидан завқланади, унга мафтун бўлади, шоҳ тақдим этган совғани Қомденинг оёғи остига ташлайди. Бундан ғазабланган шоҳ Муданни калтаклашни ва мамлакатдан ҳайдашни буюради.

Бадарға қилинган Мудан ўрмон ва саҳролар кезади. Кунлардан бир кун ёввойи ҳайвонларни ов қилиб юрган бир шоҳ Муданни ҳушсиз ҳолатда кўради, ўз кишиларига унга ёрдам беришни буюради. Мудан ҳушига келгач, бошидан ўтганларни шоҳга ҳикоя қилади. Шоҳ Муданни жабрлаган шоҳга хат ёзиб, Мудан билан Қомдени бирга ҳаёт кечиришларига ижозат беришни талаб қилади. Аммо у шоҳ бу шоҳнинг талабини рад этади. Уруш бошланади, кейинги одил шоҳ урушда ғалаба қозонади. Мудан билан Қомде ўртасида севгини синаб кўриш мақсадида Қомдега Мудан ҳалок бўлди деб, хабар бердиради. Хабарни эшитган Қомде ҳушидан кета туриб дейди:

«Гуфт: Эй Қомде, маро даръёб!
Сурати маънин вафо даръёб[1].

Маъноси: *«Айтди эй Комде, мени топ, вафодорлик маъносини топ».* Бедил бу ҳолатни тасвирлаб:

Эй, ҳалоки фузулию расво,
Накуни имтиҳони аҳли вафо (ўша китоб,

133- бет) дейди.

Маъноси: *«Эй, манфур ёлғончи, дўстлар вафодорлигини синама».*

Қомденинг аҳволидан хабардор бўлган Мудан ҳам ҳушини йўқотади. Ғолиб подшо ошиқ ва маъшуқаларнинг бу бахтсизлиги учун ўзини гуноҳкор ҳисоблайди, олимлар ёрдамида уларни даволашади. Мудан ва Қомде кўзларини очиб, ҳушларига келадилар, сўнгра эркин ҳаёт кечирадилар.

[1] **Бедил.** Қуллиёт. «Ирфон», 133- бет.

Бу достонда Бедил адолатсизлик устидан адолат, жаҳолат устидан илм-маърифат тантана қилишини ифодалаш билан, шоҳларни, бинобарин барча инсонларни адолатли бўлишга ундади, зулмнинг фожиасини кўрсатди.

«Қаердаки бўлса золим бадкирдор,
Бир куни у енгилиб, сўнг бўлар хор»[1]

дейди у.

Бедил инсонларни раҳм-шафқатли бўлишга даъват этар экан, ғарибу ожизларга ёрдам бериш, бу — иқболли бўлиш, қора кунларни бартараф этиш эканлигини айтиб, шундай дейди:

Ғарибларга кимки кўрсатса ёрдам,
Қора кундан қутулғуси у ҳар дам.
Қаердаки бўлса иқбол қўрғони,
Ожизларга ёрдам унинг нарвони

(ўша китоб, 44- бет).

Улуғ шоир ҳар бир иш — ҳаракатда сабрли, ташвишли кунларда чидамли бўлишни маслаҳат беради. Бедил сабр, таскин йўли, кишини мурод мақсадига эриштириш йўли эканлигини уқтиради, ҳар бир ишда шошмасликни, сабрли бўлишни маслаҳат беради. У Мудан тилидан дейди:

Сабр билан ҳар ким дилга берса қўл,
Севинч ойнасин кўргай албат ул...
Сабри билан киши мақсадга етар,
Чунки у сабр ташвишлардан ор этар.
Сабр жойида ҳовлиқишга йўл бўлмас.
У — висолдир, у ҳар кимга қўл келмас.
Сабр йўлини таскин йўли дегайлар,
Мурод мақсадга у билан етгайлар!

(ўша китоб, 28- бет).

Бедил мардликни юқори баҳолайди. Мардлик, жасорат кишига бахт, иқбол, орзуларга эриштирувчи омил

[1] **Бедил.** Қомде ва Мудан. Т., ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960, 44- бет.

эканлигини айтиб, инсонларни, кўпроқ ёшларни мардлик фазилатини эгаллашга даъват этиб:

Мардлар чиндан бел боғласа ҳар маҳал,
Бахти кулиб, топгай орзуси амал.
Қатъий бўлса марднинг аҳду журъати,
Кўкни ерга туташтирар ғайрати

(ўша китоб, 29- бет). дейди шоир.

Бедил «Ирфон» асарида инсониятни улуғлайди, уларни яхшиликка, ёмонликни бартараф этишга даъват этади, ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъи назар, ҳамма инсон ҳурматга лойиқ, эҳтиромга сазовор, меҳрибонликка муҳтождир. Айни вақтда инсон ўз ватанининг содиқ фарзанди, ўз элининг ғамхўри бўлмоғи керак.

Бедил ижтимоий ҳаётдаги, инсонлар ўртасидаги салбий ҳолларни дангасалик, макр-ҳийла, хиёнат, қаллоблик, иғвогарлик, ёлғончилик, очкўзлик, хасислик, кибру ҳавони қоралади. У инсонларни меҳнатсеварликка ундади, камтарликда камол топишни, яхшилар билан дўстлашиб, ёмонлардан йироқ бўлишни маслаҳат беради.

Бедил, кўнгли очиқ ва сахий кишилар ойнадек ёруғ, нурафшон бўлсалар, макр-ҳийлали, кўнгли қоралар қоронғу, зулматсимон эканлигини уқтиради. У дейди:

Агар табиати касеро моили нифоқ даръёби,
Ба яқин шиноси, ки суҳбати, акобир дарнаёфти

(ўша китоб, 47- бет).

Маъноси: агар бирор киши табиатида нифоқликка — икки юзламачиликка, алдашликка, келишмовчиликка мойиллик топсанг, шуни аниқ билгинки, у кишидан яхшилик кўрмайсан, ундан яхшилик олмайсан

Бедил «Комде ва Мудан» достонида инсонни қадрламайдиганларнинг мунофиқлигини унинг хулқида хатти-ҳаракатида намоён бўлишини уқтириб, ёшларни бу иллатдан узоқ бўлишга ундайди. Шоир дейди:

Иззат, ҳурмат қадрин билмай ҳар киши,
Тартибсизлик бўлса унинг ўй, иши,
Холи узрин излаш керак хулқидан,
Одоб келмас хушсизларнинг қўлидан.
Телбалик ҳам одобдир муҳаббатда,
Лекин мағрурлик кўз бўлур ғафлатда

(ўша китоб, 39- бет).

Бедил ҳунармандчиликни, айниқса деҳқончиликни юксак баҳолайди. У деҳқончиликни инсон ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб бундай деб ёзади:

Кишт ишқаш далили деҳқони,
Кард ночор донаи афшони.
Рузқори бакишт роз намуд,
Донаиаш гулфуруш хирманд буд.
То нафас дошт решаъи таъмир,
Мидавонид дар пай тадбир.
Одами пайон нассиқ бардошт,
Нусхаъи айш аз он варақ бардошт

(ўша китоб, 74- бет).

Маъноси: экинзор — деҳқончилик ишқнинг далилидир; донолар шу туфайли кўп етилгандир. Экинзорда деҳқончилик кўринур, донлар жамланиб хирмон бўлур. Ўсимлик руҳи томирларда тадбир изидан юриб ҳосил қилур, шу сабабдан оламда тартиб, айш-ишрат ҳосил бўлур.

Бедил бу ўринда одам деб жамоани англайди ва жамиятдаги ҳаёт, тирикчилик лаззатларининг барчаси деҳқончиликнинг самараси деб билади, шу сабабли зироатчиликка юқори баҳо беради. Бедилнинг фикрича, зироатчилик жамият тирикчилигининг пойдевори, у тарқоқ инсон ҳаётининг ўртоқлашувининг биринчи шартидир.

Бедил жамиятда деҳқончиликда бўлган тамагирликни, текинхўрликни қоралайди. У дейди:

Тамъи шум барқ сомон шуд,
Малаҳи кишт рози деҳқон шуд.
Аз ҳасди олами ҳужуми ангихт,
Жолаи гардиду бар зироат рихт

(ўша китоб, 74- бет).

Маъноси: шум тамагирлар деҳқонларнинг мол-мулкига тушган ўт-чақмоқ бўлди, экинзорларга ўзини урган чигиртка бўлди, ҳосил оламига ҳужум бошланди, зироатга дўл ёғди.

Бедил одамнинг қадр-қиммати ва фазилати ирқи ва миллатда эмас, балки диний эътиқодида, меҳнатида деб билади. У ҳунарсиз, бирор меҳнат билан шуғулланмайдиган кишиларни қайси табақадан бўлмасин қоралайди.

Бедилнинг фикрича, сув ўсимлик оламига қанчалик

зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шунчалик зарур. Меҳнат билан банд бўлмаган одам марваридсиз чиғаноқдек бефойдадир, ҳар бир касб ўз хусусиятига ва хосиятига эга, бирор ҳунарга эътиборсиз қараш пасткашликдир. Олимнинг таъкидлашича, кишилар темирчилик, тўқувчилик, уст-бош ва пойабзал тикувчилик ва бошқа ҳунарларни эгаллаши, ҳар бир киши қандай бўлмасин бирор фойдали иш билан шуғулланиши керак. Бедилнинг фикрича, ипакдан ёки қўпол матодан қилинган уст-бош кишининг хатти-ҳаракатида кўзга ташланадиган ҳақиқий қиёфасини яширолмайди. Масалан, қалам қора бўлганлиги билан зиёнли эмас, аксинча, у инсон учун жуда муҳим ва фойдалидир:

Жома хоҳ атлас, хоҳ палос,
Шахс ботил намешавад зи либос.
Маъниаш равшану тақаддуси ранг,
Аз сиёҳи хат надорад нанг (ўша китоб, 52-бет).

Маъноси: кишининг чопони хоҳ атласдан, хоҳ палос матодан бўлсин — барибир кишининг ҳақиқий қиёфасини бекитолмайди, шахс кийимда яширинмайди. Кишининг қиёфаси хатти-ҳаракатида соф рангдек равшан кўринади. Хат қоралиги билан уятли эмас.

Демак, инсон, қандай бир ҳунари, касб-кор билан шуғулланмасин, у жамият учун қадр-қимматли бўлиши керак.

Умуман, Мирзо Абдулқодир Бедил ўз даврининг буюк, илғор мутафаккири сифатида шуҳрат қозонди. Унинг ғоялари маърифатга, илмга, педагогик фикр ривожига илҳомбахш манбалардан бири бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда.

ХОТИМА ЎРНИДА

Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, ибтидоий-жамоа даврида XX аср бошларига қадар бўлган узоқ тарихий давр мобайнида халқимиз бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Тарбия жараёнида турли эътиқодларга асосланган диний таълимотлар, миллий урф-одатлар ва анъаналарга амал қилган. Ана шу жараёнда тўпланган ҳаётий тажрибалар халқ педагогикасининг пойдеворини ташкил этган. Ўзбек халқ педагогикасининг асосини белгилаган назарий-дидактик қарашлар ҳамда исломий ахлоқ-одоб мезонлари жаҳон юксак маданий тараққиётида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир шоир ва олимлар, ислом оламининг улуғ вакиллари имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд асарларида ўз аксини топган ва шу асосда педагогика тарихи вужудга келган.

Ўзбек педагогикаси тарихи жаҳон тарихининг узвий ва ажралмас қисмидир.

1917 йил тўнтаришидан кейинги даврда миллий қадриятларга, айниқса, ислом динига қарши кураш кучайтирилди. Халқимиз шу даврда ёш авлодни ўз тарихи, миллий маданияти ва маънавияти анъаналари асосида тарбиялашдан маҳрум қилинди. Ўрта ва олий ўқув юртларида, асосан, Россия ва Ғарбий Европа педагогика тарихи ўқитилди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришуви билан маданиятимиз, маънавиятимиз, маърифатимизнинг кўп асрлик тарихини, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга татбиқ этиш шарафига муяссар бўлдик. Ўзбекистонда миллий онг, миллий руҳ, миллий ифтихор туйғуси қайта қарор топиб, миллий маданиятимиз янги давр талаблари асосида тараққий эта бошлади. Педагог олимлар маданий-педагогик меросимизни ўрганиб, янги тарихий давр маънавияти ва маърифатини яратиш ҳамда юксалтириш борасида бирмунча ишларни амалга оширдилар ва оширмоқдалар. Аммо бугунги тарихий давр асрлар оша бизгача етиб келган педагогик фикр дурдоналари асосида ва мустақиллик даври талаблари даражасида ўзбек педагогикаси тарихини яратишни тақозо этмоқда. Эндиликда бу вазифа, шубҳасиз, оилада, мактабгача тарбия масканлари, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида, умуман барча таълим-тарбия даргоҳларида таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқлар асосида, шунингдек Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари, назарий таълимотлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Зеро, ёш авлод миллий урф-одатлар, анъаналар, умуминсоний қадриятлар негизида тарбияланиб, келгуси порлоқ истиқбол хусусида, мустақиллик шарофати хусусида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи ҳамда Ўзбекистоннинг ана шу буюк истиқболи йўлида фидойи курашчи сифатида ўз қобилиятини намоён қилмоғи керак.

АДАБИЁТ РЎЙХАТИ

Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1980.

Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т., «Фан» нашриёти, 1990.

Алишер Навоий. Арбаин ҳадис. Қирқ ҳадис. Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1991.

Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб. Т., Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1975.

Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Иккинчи китоб. Т., Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Учинчи китоб. Т., Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

Абдураҳмон Жомий. «Баҳористон», Т., 1979.

Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар, Т., 1990.

Алиқулов Х. Этнические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасона. Т., изд. «Фан», 1992.

Алиқулов Х., Омонова Г. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ҳақида. «Ўқитувчи» нашриёти, 1981.

Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1992.

Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., «Ўзбекистон», 1990.

Баратов Н., Алиқулов Х. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1974.

Баратов М. Абу Али ибн Сино — буюк мутафаккир. Т., «Фан» нашриёти, 1980.

Бедил. Комде ва Мудан. Т., 1960.

Бозоров О., Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. Самарқанд, «Зарафшон» нашриёти, 1992.

Воҳидов Х. Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Т., 1962.

Донишмандлар тарбия хусусида. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1982.

Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1990.

Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Т., «Фан» нашриёти, 1990.

Илоҳий ҳадислар. Т., «Чўлпон» нашриёти, 1994.

Ислом динининг асослари. 1-китоб. Т., Внешториздат, 1991.

Йўлдошев Ж. Ҳаёт ва тафаккур сайёраси. Т., «Фан» нашриёти, 1991.

Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1992.

Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995.

Калила ва Димна. Т., Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

Қайковус. Қобуснома. Т., «Истиқлол» нашриёти, 1994.

Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Т., «Фан» нашриёти, Уч томлик, 1-том, 1980.

Муҳаммад ат-Термизий. Китоб аш шамоил ан-набавия. Т., 1990.

Мабодиул ислом (Ислом асослари). Т., 1991.

Муҳаммад пайғамбар алайҳис-с-салом қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак» нашриёти, 1991.

Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1974.

Мусулмонлик асослари. Т., «Мерос» нашриёти, 1992.

Мўминов И. Мирзо Бедил. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1974.

Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. «Фан» нашриёти, 1993.

Мусурмонова О. Уқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. «Фан» нашриёти, 1993.

Мунавваров А. К. Оила педагогикаси. Т., «Ўқитувчи» нашриёти. 1994.

Маллаев Н. М. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1973.

Маллаев Н. М., Абулқосим Фирдавсий. Т., Ўздавбададаб нашр., 1962.

Нуриддинов З. Г. Педагогические идеи Абу Райҳана Беруни. Т., изд. «Фан», 1989.

Нуриддинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI—XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. Т., «Фан» нашриёти, 1991.

Обидов А. Абу Райҳон Беруний ва янги назария. Т., «Фан» нашриёти, 1991.

Обидов М. Одоб-ахлоқ — маънавият булоғи. Т., «Фан» нашриёти, 1991.

Осмонов М. Н., Шомуҳамедов Ш. Шоҳ китоб. Шоҳнома. Биринчи китоб. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 5—32- бетлар.

Ортиқов Н. Таълим ва ислом: ёшларни тарбиялашдаги муаммолар ва ечимлар. Т., «Фан» нашриёти, 1994.

Оз-оз ўрганиб дono бўлур. Т., Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. Тузувчи: Зуннунов Ш.

Султонов И. Баҳовуддин нақшбанд абадияти. Т., «Фан» нашриёти, 1994.

Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1991.

Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. Т., «Шарқ юлдузи» журнали, 3—4, 5—6, 7—8- сонлар, 1995.

Уватов У. Донолардан сабоқлар. Т., А. Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1994.

Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1967.

Хусанхўжаев И. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. Т., 1962.

Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995.

Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т., «Фан» нашриёти, 1995.

Қуръони карим. Т., «Чўлпон» нашриёти, Ўзбекча изоҳли таржима.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЎРТА ОСИЁДА МИЛОДДАН ОЛДИНГИ VI АСРДАН МИЛОДИМИЗНИНГ III АСРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ. А. ЗУННУНОВ, Н. ҲОТАМОВ 6

Ўрта Осиёда III—VII асрлар феодал даврида ижтимоий ҳаёт, маданият, педагогик фикрлар. *М. Хайруллаев* . . 8

Зардуштийлик таълимотида таълим-тарбия 12
«Авесто». *Ҳамидов* 14

VI—VIII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ, МАКТАБ ҲАМДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР[1] *М. Хайруллаев* 18

Исломда таълим-тарбия[2] *А. Зуннунов* 26
Имом Исмоил ал-Бухорий. *Ш. Бобохонов* 34
Абу Исо ат-Термизий. *Ш. Бобохонов* 40
Абу Наср Форобий. *М. Хайруллаев* 42
Абу Али ибн Сино. *М. Хайруллаев* 46
Абу Райҳон Беруний. *А. П. Қаюмов* 52
Юсуф Хос Ҳожиб. *Б. Тўхталиев* 60
Аз-Замаҳшарий. *У. Уватов* 70
Тасаввуф таълимотида таълим-тарбия. Кубро. *А. Зуннунов* 74
Аҳмад Яссавий. *С. Очил* 78
Хожа Баҳовуддин Нақшбанд. *И. Султонов* 85

XIV—XV АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР. *М. Хайруллаев* 92

Муҳаммад Тарағай — Мирзо Улуғбек *Д. Шодиев* . . . 99
Жалолиддин Давоний. *Х. Алиқулов* 106
Алишер Навоий. *Д. Омонов* 115
Ҳусайн Воиз ал-Кошифий. *И. Жумабоев* 124

ЎРТА ОСИЁДА XVI ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР. *М. Хайруллаев* 132

Нодира. *А. П. Қаюмов* 134
Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. М. Сафарбоев . 136
Увайсий *А. П. Қаюмов* 141
Мунис Хоразмий. *Д. Омонов* 143
Бердимурод Бердақ. *Д. Омонов* 146

МАРКАЗИЙ ОСИЁ XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАЪНАВИЯТ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР. *М. Хайруллаев* . . 153

Дилшод отин. *А. П. Қаюмов* 154
Анбар отин. *А. П. Қаюмов* 156
Аҳмад Дониш. *Д. Омонов* 159
Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат *Ж. Эсонов* . . . 170
Туркистонда жадидлар ҳаракати. Жадидлар таълим-тарбия ҳақида 178
Маҳмудхўжа Беҳбудий. *А. Алиев* 182
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. *К. Ҳошимов* 194
Абдулла Авлоний. *Б. Қосимов* 200
1917—1990 йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия, педагогик фикрлар *Н. Ҳотамов* 206
Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. *Ж. Ғ. Йўлдошев* 208

ИККИНЧИ ҚИСМ 214

ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ҲАҚИДА 214

Нуриддин Абдураҳмон Жомий. *А. Зуннунов* 214
Маҳтумқули. *Р. Иноғомов* 220
Қирғиз «Манас» достони. *Б. Тўхлиев* 225
Абай Қўнонбоев. *А. Зуннунов* 231

УЧИНЧИ ҚИСМ 240

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА 240

Абулқосим Фирдавсий. *А. Зуннунов* 240
Саъдий Шерозий. *А. Зуннунов* 244
Жалолиддин Румий. *А. Зуннунов* 253
Мирзо Абдулқодир Бедил. *А. Зуннунов* 260
Хотима ўрнида 266
Адабиёт рўйхати 268

ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ ТАРИХИ

Олий педагогика ўқув юртлари,
университетларнинг педагогика факультети
ўқитувчи ва талабалари учун мўлжалланган
(А. Зуннуновнинг умумий таҳрири остида)

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудири *С. Очил*
Муҳаррир *Б. Қодиров*
Бадиий муҳаррир *З. Абдурасулов*
Техник муҳаррир *Ш. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *М. Сулаймонов*

ИБ 7109

Теришга берилди. 02. 10. 96. Босишга рухсат этилди 30. 01. 97. Формати 84×108$^{1}/_{32}$. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли 6. л. 14,28. Шартли кр.-отт. 14,91. Нашр. л. 14,68. Тиражи 3500. Зак № 73.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1996.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 12—112—96.